

# «ЁШЛИК»КА ТИЛАКЛАРИМ

Коммунистик партиямиз ёш ижодкорларни тарбиялаш ва вояга етказиш масаласига ҳамиша давлат аҳамиятига молик вазифа деб қараб келмоқда. «Ёшлик» журналининг чиқарилиши ҳам ёшлар ҳақида, адабиётимиз ва санъатимиз равнақи ҳақида партиявий ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.

Янги журнал республикаимиз адабий жамоатчилиги ҳаётида қутлуғ воқеа, эзгу бир ишнинг бошланиши бўлиб, КПСС Марказий Комитетининг «Ижодкор ёшлар билан ишлаш ҳақида»ги тарихий қарорини бажаришга изчил амал қилинаётганлигининг шарофати ҳамдир. Бу журнал чиқа бошлаши муносабати билан мен аввало ижодкор ёшларга, қолаверса, «Ёшлик»ка, унинг минглаб мухлислари-га шундай тилак билдирмоқчиман:

Сиз бугун қўлингизга оладиган «Ёшлик» журнали навқирон авлодни коммунизм ғояларига садоқат, интернационализм руҳида тарбиялаш ишида, ёшлар ўртасида КПСС XXVI съезди қарорларини кенг тарғиб қилиш, доно ленинчи, тинчлик учун толмас курашчи Леонид Ильич Брежневнинг съездда қилган докладыда илгари сурилган қоида ва хулосаларни ёшларнинг онги ва қалбига етказиш ишида партиямизнинг, комсомолнинг содиқ ёрдамчиси бўлсин.

«Ёшлик» журнали адабиётимиз гулшанида ўзига хос нурафшон бир боғ бўлиб қолсин. Бу боққа қадам қўйганлар ундан ҳамиша хушнуд, кўнгли мунаввар бўлиб чиқсин. Унда амал олгучи ниҳоллар чинор мисол гуркираб ўссин ва чинордек умри боқий бўлсин.

Яна тилак шуки, «Ёшлик» боғида янги-янги булоқлар кўз очиб, ундан адабиёт ихлосмандлари ўз ташналикларини қондира олсинлар. «Ёшлик» боғидан бошланган жилғалар адабиётимизнинг жўшқин, катта дарёларига бориб қўшилсин, бутун-бутун элларнинг маънавий, руҳий дунёсига, заволятмас хазинасига айланиб кетсин.

Партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлигига жавобан ёш ижодкорлар келажак олдида масъуллик туйғусини сезиб, давримизнинг муносиб солномачилари бўлиб қолсинлар. Халқ иродаси билан амалга ошириладиган буюк бунёдкорлик ишларидан битмас-туганмас илҳом олсинлар. Уни сўз сеҳри, қалб меҳрига йўғириб, бадний бўёқларда муносиб талқин эта олсинлар.

«Ёшлик» эса ана шу истеъдодларни очадиган, уни асраб-авайлаб камол топтирадиган ва бу ёшларнинг илҳом меваларидан бизни баҳраманд этиб борадиган мангу ёш журнал бўлиб қолсин. Вақти келиб, келажакда катта адабиётимизнинг йирик намояндалари ҳам фахрифтхор билан, ижодимни «Ёшлик»дан бошлаган эдим, деб айта олсинлар.

Бугун «Ёшлик» зиммасига совет адабиётининг энг яхши анъаналарини муносиб давом эттириш, ижодкор ёшларда актив ҳаётий позицияни шакллантириш, юксак гражданлик туйғуларини тарбиялаб камол топтириш, унинг илҳомига қанот беришдек катта ва масъулиятли вазифалар тушмоқда. «Ёшлик» бу вазифаларни аъло даражада удаллашига тилакдошман.

Янги ёшлар журнали ўзининг илк саҳифасини Леонид Ильич Брежневнинг «Эсдаликлар» асари билан очгани рамзий маъно касб этади. Бу асар ёшларимиз учун ҳаёт мактаби, коммунистик эътиқод йўлидаги кураш мактабидир. Азиз ёш дўстларим, бу катта мактаб сабоқлари умрингизга ҳамиша йўлдош бўлсин.

«Ёшлик» журналининг ижодий коллективига навқирон авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш ишида ёшликнинг ўзига хос куч-қувват, сабот, ғайрат ва шижоат тилайман.

Шароф РАШИДОВ

# Ёш гвардия 1

Январь 1982

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ ОРГАНИ

Бош редактор:

Эркин ВОҲИДОВ

Редакцион коллегия:

Саид АҲМАД

Андрей ДЕМЕНТЬЕВ

Гулчеҳра ЖУРАЕВА

Олим ИСМОИЛОВ

Фёдор КАМОЛОВ

Мурод МАНСУРОВ

(бош редактор  
ўринбосари)

Омон МАТЖОН

Йўлдош СУЛАЙМОН

Худойберди ТУХТАБОЕВ

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ

Улмамбет ХУЖАНАЗАРОВ

Абдулла ШЕР

(масъул секретарь)

Урие ЭДЕМОВА

Иброҳим ҒАФУРОВ

Уткир ҲОШИМОВ



ОЙЛИК

АДАБИЙ-

БАДИИЙ,

ИЖТИМОИЙ-

СИЕСИЙ

ЖУРНАЛ

БУ АДАБИЁТ ЭРКИН АДАБИЁТ БУЛАДИ, ЧУНКИ УНИНГ ҚАТОРИГА ТОБОРА ЯНГИ КУЧЛАРНИ ТОРТУВЧИ НАРСА МАНФААТ-ПАРАСТЛИК БИЛАН ШУҲРАТПАРАСТЛИК БУЛМАЙ, БАЛКИ СОЦИАЛИЗМ ҒОЯСИ ВА МЕҲНАТКАШЛАРГА ХАЙРИХОҲЛИК БУЛАДИ. БУ АДАБИЁТ ЭРКИН АДАБИЁТ БУЛАДИ, ЧУНКИ БУ АДАБИЁТ АЙШ-ИШРАТ КЎНГЛИГА УРГАН ХОНИМЛАРГА, ТУҚЛИККА ШУҲЛИК ҚИЛИБ, СЕМИЗЛИКНИ ҚУТАРА ОЛМАЙ ҚОЛГАН «УН МИНГТАЧА ЗОДАГОНЛАРГА» ХИЗМАТ ҚИЛМАЙДИ, БАЛКИ МАМЛАКАТНИНГ ГУЛИ БУЛГАН, МАМЛАКАТ КУЧ-ҚУВВАТИ ВА ИСТИҚБОЛИНИНГ ЭГАСИ БУЛГАН МИЛЛИОНЛАБ ВА УН МИЛЛИОНЛАБ МЕҲНАТКАШЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

*В.У. Умаров / В.У. Умаров*

ТОШКЕНТ

«Ёш гвардия» нашриёти

# МУНДАРИЖА

Л. И. БРЕЖНЕВ. Эсдаликлар	5
ЗУЛФИЯ, О. ижод. Шеър	20
Ж. ЖАББОРОВ. Янги йил туйғуси. Шеър	21
НАСР	
Х. СУЛТОНОВ. Саодат соҳили. Қисса	22
М. МУҲАММАД ДУСТ. Дашту далаларда. Ҳикоя	39
Н. ҚОБУЛ. Оқ каптарлар. Ҳикоя	54
НАЗМ	
Ҳ. ХУДОЙБЕРДИЕВА. Шеърлар	36
ОТАЕР. Шеърлар	53
М. ҲАМРОЕВА. Шеърлар	73
О. СУЮНДИКОВА. Мактуб. Шеър	76
ҚАЛДИРҒОЧ	
А. АБДУАЗИМОВ. Шеърлар	46
М. АҲМЕДОВА. Шаҳарга саёҳат. Ҳикоя	48
А. ФАДЕЕВ ТУҒИЛГАНИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА	
А. ФАДЕЕВ. Ешларга ўғитлар	58
Э. ВОҲИДОВ. Олег Кошевойнинг сўнги нидоси. Шеър	59
Н. ҲИКМАТ ТУҒИЛГАНИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА	
Т. ЖҮРА. Шоир юраги	60
АДАБИЙ ТАНҚИД	
И. ҒАФУРОВ. Ростғўйлик кўзгуси	61
САНЪАТ	
Р. ЧОРИЕВ. Камалак жилолари	51
ПУБЛИЦИСТИКА	
Ш. УБАЙДУЛЛАЕВ. Салом, Ойқиз тимсоли	65
«ЁШЛИК» БАҲСИ	
М. АБДУРАСУЛОВ, А. МУҚИМОВ. Ўқитувчи, ўқувчи, маънавий олам	68
ТАҚРИЗ	
Т. МАЛИК. «Севдим сени, рангин ҳаёт!»	71
СПОРТ	
Н. МУҲАММАДИЕВ. «Шахмат — менинг ҳаётим»	73
Р. АЗИЗХУЖАЕВ. «Ёш куч» тарихидан	75
«ЁШЛИК»НИНГ АҚЛ ТИШИ	
Кувноқ қитмир ҳангомалари	77
А. ОРИПОВ. Ҳажвий шеърлар	79



**СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ**

**КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ,  
СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИ,  
СОВЕТ ИТТИФОҚИ МАРШАЛИ ЎРТОҚ**

**Леонид Ильич Брежневни**

**ЛЕНИН ОРДЕНИ ВА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ  
«ОЛТИН ЮЛДУЗ» МЕДАЛИ БИЛАН МУҚОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Совет Иттифоқининг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустақкамлаш ишида Коммунистик партия билан Совет давлати олдидаги жуда катта хизматлари, Улуғ Ватан уруши йилларида немис-фашист босқинчилари устидан қозонилган ғалабага, урушдан кейинги даврда СССР халқ хўжалигини қайта тиклаш ва янада ривожлантиришга шахсан қўшган катта ҳиссаси, тинчлик йўлида курашдаги тинимсиз фаолияти учун, коммунистик қурилишга самарали раҳбарлик қилаётгани учун ва туғилган кунига етмиш беш йил тўлиши муносабати билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси, Совет Иттифоқи Маршали ўртоқ **Леонид Ильич БРЕЖНЕВ** Ленин ордени ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони «Олтин Юлдуз» медали билан муқофотлансин.

**СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари**

**В. КУЗНЕЦОВ.**

**СССР Олий Совети Президиумининг секретари**

**М. ГЕОРГАДЗЕ.**

Москва, Кремль.

1981 йил, 18 декабрь.

181

N

181  
N  
181  
N  
181  
N  
181  
N  
181  
N  
181  
N

ЛЕОНИД ИЛЬИЧ БРЕЖНЕВ

# Э С Д А Л И К Л А Р

## ЗАВОД ГУДОГИГА ҲАМОҲАНГ ҲАЁТ

I

Мен ишчи оиласида, йирик ишчи посёлкасида туғилиб, камол топганман, меҳнатда чиниқиш бахтига муяссар бўлганман. Болалиқдан қолган энг дастлабки, энг ёрқин таасуротларимдан бири — завод гудоги эди. Эсимда: тонг отар-отмас отам коржомасини кийиб олган, онам эса, остонада уни кузатаётган бўларди. Гудок бўғиқ товушда ўқиради, назаримда унинг наъраси бутун ер юзига эшитилаётгандек туюлар эди.

Радио йўқ эди, ишчилар соат тақмасди, уларни заводнинг ўзи ишга чорларди. Биринчи огоҳлантириш гудоги эрталаб беш яримда чалинарди, кейин соат олтида сменага чақирарди, кечқурун эса беш яримда огоҳлантириш гудоги янграб, яна соат олтида ишга чорларди. У пайт бизнинг Каменск — бўлғуси ишчилар шаҳри Днепродзержинскда йигирма беш минг аҳоли яшар, вақт ҳисоб-китоби, жамики турмуш тарзи, кишиларнинг урф-одати, хулқ-атвори, уларнинг меҳнати — хуллас, бутун ҳаёт гудокка ҳамоҳанг эди.

Мен тезгина кийиниб овқатланмасдан оёқяланг, отамнинг ортидан чопардим. Бордию отам қўлимдан етаклаб олса, қаранглар, мен ҳам катта йигит бўлиб қолдим, заводга кетаётиман дегандек атрофга мағрур назар ташлардим; ҳолбуки, ўшанда эндигина беш ёшга қадам қўйган эдим. Қўшни уйлардан, ёндош кўча ва йўлқалардан бошқа ишчилар ҳам чиқиб бизга қўшилар, одам борган сари кўпаяди, уларнинг деярли ҳаммаси ранги айниб, унниқиб кетган куртка ҳамда «китайка» деган дағал матодан тикилган шим кийиб олишган бўлар эди. Эсимда, улар сафида қадам ташлаш менга жуда-жуда ёқарди.

Минг-мингларча одам пастга қараб — Днепр томон, Бозор йўлига ошиқарди. Шу ерга етганда отам мени қолдириб, ўзи жўнар, сал ўтмай унинг коржомаси бошқа

коржомаларга, кепкалару паҳмоқ телпақларга араллашиб, кўздан ғойиб бўлар эди, заводга кираверишдаги қоп-қора йўлак одамларни қандай домига тортишини узоқдангина кўриб қолардим. Чамаси, етти ёшимда менинг ўзим ҳам илк бор ана шу йўлакка қадам қўйдим — қўлимда овқат солинган идиш, отамга тушлик таширдим.

Завод икки сменада ишлар, ҳар бир смена ўн икки соат давом этар, шундай кунлар ҳам бўлардики, сменалар чалкашиб, ишчилар корхонада ўн саккиз соатлаб қолиб кетишар эди. Ошхона йўқ, овқатланиш учун танаффус ҳам берилмас — ишчилар уйларида келтирган егуликларини наридан-бери тамадди қилиб олишарди. Баъзиларга овқатни тугунчақда хотинлари, қизлари, сингиллари олиб келишарди. Кейинроқ билсам, отам билан онам ҳам сайлда, — дарвоқе уларнинг замонида бунақа гаплар бўлмаган, — ё шаҳар боғида, меҳмондорчилик, ёки клубда эмас, балки шу ерда, Днепровск заводининг темир-прокат цехида танишган эканлар.

Отам вальцовщик ёрдамчиси, иситиш печида эса, кекса ишчи Денис Мазалов пайвандчилик қилар эди. Мен у кишини яхши эслайман: чайир, камгап, чинакам рус мастеравойи бўлган. Асли Енакиевдан чиққан, илгари Никополда ишлаган, кейин катта оиласи билан бизнинг заводимизга ўтган; тушликни кўпинча унга бўйи етган қизи Наталия олиб келар эди. Ёшлар бир-бири билан худди мана шу ерда, иситиш печи ёнидаги «280» рақамли дастгоҳ олдида танишибдилар, бир йилдан кейин эса турмуш қурибдилар. Ушанда отам йигирма саккизда, онам йигирма ёшда экан.

Ота-боболарим ҳақида яна нима дейишим мумкин? Маълумки, ишчиларда ўз шажараларини ёзиб юриш одати бўлмаган. Отам Илья Яковлевич Брежнев 1900 йилда заводга ишга кирганини биламан. Бу ерларга у Курск губерниясида, Стрелецк уездининг Брежнево қишлоғидан



келиб қолган. Эҳтимол, қишлоқнинг номи ҳам бизнинг фамилиямиз каби, унинг дарё ёқасида жойлашганидан, балки, «авайлаш», «асраш» деган тушунчалардан келиб чиққандир, зеро, деҳқон ризқ-рўз тимсоли бўлган она заминни ҳамиша авайлаб-асраган. Улар ерни қадрлаганлар, қўриқлаганлар, асрлар бўйи уни тер ва қон билан суғориб, эҳтиёт қилганлар. Лекин, асрлар бўйи бошлари қашшоқликдан чиқмаган. Акс ҳолда, отам кинди қони тўкилган жойларни ташлаб, бир бурда нон илинжида бегона юртларга кетиб қолмаган бўларди.

Айтгандай, кейинчалик Аркадий тоға деган киши ҳам бизникида яшай бошлади. Унинг фамилияси Брежнев бўлса-да, лекин отамга қон-қариндошлиги йўқ, шунчаки ҳамюрт эди. Кўпчилик ишчилар қатори у ҳам, сабаби тирикчилик, деб бу ерларга келиб қолган экан, отам унга бошпана берибди. Аркадий тоға металлург бўлганидан кейин кичик холамга уйланиб, бизга қариндош киришди, менга эса почча бўлиб қолди. Рус қишлоқларида одамлар туғилган қишлоқлари номини ўзларига фамилия қилиб олганлари туфайлими, ҳар қалай фамилиядошларимиз оз эмас эди.

Шундай қилиб, менинг миллатим — рус, ижтимоий келиб чиқишим — асл пролетар, металлург авлодиданман. Шажарамиз ҳақида билганларим шу.

Ана шу муносабат билан Россия ишчилар синфининг шажарасини эслаш ўринлидир. XIX аср охири ва XX аср бошлари ишчилар синфи гуркираб ўсган давр бўлди. Шу туфайли улкан халқ оммасининг тўп-тўп бўлиб кўчиб юриши бошланган, миллион-миллион кишилар ҳаётида туб ўзгаришлар юз берган эди. Бундай қараганда, улардан ҳар бирининг тақдир тасодифий бўлиб туюлиши мумкин, бироқ, уларнинг муштарак тақдирини мамлакатда юз берган соаноат революцияси тарихан ҳал қилиб қўйган эди. Ота-онамнинг мана шу Екатеринбургда (ҳозирги Днепропетровск областида) — Россиянинг жанубида ўрнашиб қолишлари тасодифий эмас, аксинча ҳаёт тақозоси эди.

Бу ўлкада Донбасс кўмири билан Кривой Рог рудаси ёнма-ён ўта қулай жойлашган, уларни темир йўл бирлаштириб турар, Днепрнинг сув йўли эса тайёр металлни Бежица, Брянск машинасозларига жўнатиш имкониятини берар эди. Буларнинг ҳаммаси, шунингдек, арзон ишчи кучини жалб қилишдаги беҳад имкониятлар россиялик корчалонларинигина эмас, балки чет эл капиталистларини ҳам ўзига тортарди. Чунончи, Днепровск заводи, Бельгия, Польша ва Франция капитали (слободкамизда капитал сўзини жамғариш маъносидаги «копиль»дан келиб чиқиб, «копитал» дейишарди) ҳисобига ишларди. Завод ниҳоятда тез ўсарди: Каменск аҳолиси 1887—1896 йиллар мобайнида 2 минг кишидан 18 минг кишига етди.

Бу рақамлар В. И. Лениннинг «Россияда капитализмнинг тараққийси» китобида келтирилган. «Илгари асрлар мобайнида неки вужудга келган бўлса,— деб ёзган эди у.— Эндликда бор-йўғи қандайдир бир ўн йил ичида рўёбга чиқмоқда». Анча кейин, студентлик пайтларим бу классик асарни ўқиганимда, Владимир Ильич Жануб металлургиясининг ривожини нақадар пухта ва теран тадқиқ этгани диққатимни тортди. Жаҳон пролетариатининг буюқ дохийси мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таҳлил этиб, бутун Россияга нигоҳ ташларкан, бизнинг ўлкамизни, шу жумладан, собиқ Каменск қишлоғини ҳам назаридан қочирмабди: унинг ўтмиши ва ҳозирги турмушини ўрганибди, истиқболини кўра олибди — бу мен учун жуда муҳим эди.

Утган асрнинг 80-йилларида техника билан жиҳозланиш борасида Санкт-Петербург, Москва, Киев, Владимир губерниялари етакчилик қиларди, 90-йилларга келиб эса,

эски соаноат марказларини ортда қолдириб, Екатеринбург губернияси пойтахтдан кейинги ўринга чиқиб олган эди. Ун йил ичида Уралда «буғ кучи микдори» икки ярим баравар юксалди. Бунинг устига, Жанубдаги заводлар Уралдагидан фарқли ўларок, писта кўмир эмас, тошкўмир ишлатишарди, чўяни совуқ ҳаво бериш йўли билан эритишдан, крич деб аталган қадимги темир ажратиш усулидан воз кечишган эди.

«Урал нақадар эски,— деб хулоса чиқарган эди В. И. Ленин,— ва Уралда ҳукм сурган тартиблар «асрлар бўйи сақланиб» келган бўлса, Жануб шу қадар ёш бўлиб, шаклланиш даврини бошидан кечирмоқда. Сўнгги ўн йиллар мобайнида бу ерда вужудга келган соф капиталистик соаноат муайян аҳолининг на аънавалари, на табақланиши, на миллати, на биққилиги билан боғлиқ эди».

Такрор айтаманки, буларнинг ҳаммасини мен кейинчалик, студентлик йилларимда ўқиб, мағзини чақдим. Ленин ёзган нарсаларни эса болалик йилларимдаёқ кўриб, эслаб қолганман. Ҳар хил шеваю лаҳжалар, турли губерниялардан биз томонларга келиб қолган ва ҳар нарсадан ҳадиксировчи мужиклар тўдаси, омонат бараклар, домналар, мартенлар, қудратли прокат дастгоҳлари қурилиши — ҳамма-ҳаммасини батафсил эслаيمان. Уша вақтлари Жанубда энг йирик ҳисобланган завод бизнинг посёлкамизда қад кўтарди. Барча беихтиёр унга интиларди, бошқа ишчи фарзандлари қатори мен ҳам отамнинг изидан бориб, цехдаги гуриллаган олов билан бетма-бет туришим шарт эканини билардим. Посёлкада бундан бошқа қисмат ҳақида ўйламасдилар ҳам. Завод ўзини эслатган каби баланд наъра тортарди, шунда мен тақдирим у билан боғлиқ эканини ангардим.

Ўз замониға кўра, завод яхши жиҳозланган ҳисобланарди. Лекин, табиийки, цехда на рольганг, на кўтарма столлар бор эди. Вагонлар белкуракда бўшатилар, кўмирни ҳам ўтхонага белкуракда ташлашар, ҳорғин от қора қуймаларни Денис бобом ишлайдиган иситиш печлари томон ташар эди. Шу ердан ҳар бири нақ ярим тонна келадиган, азбаройи қизиганидан оппоқ бўлиб кетган бахайбат ўғаларни илмоқлар билан дастгоҳга қўйишар, кейин қўлда бир калибрдан иккинчисига ўтказишар, сўнгги манзилда ҳали қизиб турган, лекин энди тобланиб ингичка тортган лентани махсус қисқичлар ёрдамида шоша-пиша металл совутилидиган плита устига тортишар эди.

Новчадан келган, кенг елкали, жомакор ва чипта ковуш кийган ишчи дастгоҳ ёнида дам-бадам қотиб турарди (бизда уни «сиртмоқда» дейишарди). Мен ундан кўз узмасдим: у доим хушёр, омбири қўлида шай. Туйнукдан чўғдек қизиган, вишиллаган ёвуз илондек лента қиқиши биланоқ, уни чаққонлик билан бўйсундириб, қулочкашлаб бошқа валкага улоқтирарди. Назаримда ўша дамда у афсонавий паҳлавонга, алпларга ўхшаб кетарди. Бу одам менинг отам эди.

Менга кўзи тушган отам Аркадий амакини ёки қўшини-миз Лукани, ёхуд ишчилардан кимнидир чақириб, ўзининг ўрнига қўяр, юз-қўлини ювиб ташқарига чиқар, офтобдан кўзлари қамашган кўйи, қовжироқ майсага ўтириб, тушлик қилар эди. Индамай овқатланарди. Гоҳо қадоқ қўллари билан бошимни силаб, уйда нима гаплагини, онамнинг нима юмуш билан банд эканини суриштирарди. Тушлик қилиб бўлгач, отам ҳамиша: «Бор, энди ўйнай қол», дерди. Мен эса отам яна қанча вақт бундай жаҳаннам азобида ишлашини хаёлимга ҳам келтирмай дўстларим билан тутун чиқаётган мўрқонлар томон югурардим. Завод чегараси шу ер эди.

Завод чеккасида бутазор бўлиб, биз уни оралаб Днепрга ўтардик. Бу ерда дарё соҳили жуда баланд ва тик эди. Тепадан қараганимизда кўз ўнгимизда бепоен кенг-





лик намоён бўларди. Пастликда зумрад сув, чакалакзор билан қопланган ям-яшил орол кўринар, ундан нарида, дарё ортида эса мовий тусга чулганган Николаевка ва Криловка қишлоқлари ястаниб ётар эди. Бу қишлоқлар, назаримда, дунёнинг бир чеккаси эди.

Болалик — ўз номи билан болалик экан. Днепр соҳиллари биз учун ҳамма вақт қувончбахш эди: жарликлар бўйлаб югурардик, чўмилардик, оролга сузиб ўтардик. Фақат баҳорда ўзимизни тиярдик. Тошқин пайтларида оролдаги дарахлар ҳам сув тагида қолар, узоқдаги қирғоқ аранг кўринар эди. Ҳозир Гоголнинг «камдан-кам қуш Днепрнинг ўртасигача учиб бора олади...» деган сўзларини эсларканман, бу образ унда болаликдан қолган, деб ўйлайман.

Болалик хотиралари ҳамisha азиз. Аммо, мен баъзи хотиранавислар йўл қўядиган хатолардан сақланмоқчиман: ундайларга ўтмиш, одатда, бенуқсону беғубор туюлади, негаки уларнинг ўзлари ўша пайтлар ёш бўлганлар.

## 2

Биз Аксёновск кўчасидаги «Кўйи колония» деб аталган ишчилар слободкасида яшардик. Мен 1906 йил 19 декабрь куни шу ерда туғилганман. Иним Яков билан синглим Вера ҳам шу хонада дунёга келишган.

Каменск посёлкасида иккита православ черкови, католиклар бутхонаси, лютеранлар кирхаси ва яҳудийлар калисоси бўлиб, аҳолининг диний-маънавий эҳтиёжи шулар билан бадастир эди. Қолган «маданият ўчоқлари» шундоққина завод йўлагидан бошланарди. Улар Стригулин майхонаси, Смирнов майхонаси, кўпдан-кўп бошқа қовоқхоналару давлатга қарашли вино дўконлари эди.

Посёлканинг жануби-ғарб томонидаги «Юқори колония»-да эса бутунлай бошқача дунё ҳукм сурарди: бу тарафда завод маъмуриятига қарашли қўшқават, кенг, обод уй-жойлар қад кўтарган эди. Ҳатто узун-қисқа, думалоқ ва саккиз қиррали, кўпдан-кўп мўрконлардан буралиб-буралиб чиқадиган тутун ҳам ўз йўлини бу посёлкадан четга буриб, ишчилар яшайдиган қишлоқни бурқситгани-бурқситган эди. Кейин билсам, бу ерда Днепрдиди шамолнинг йўналиши ҳам ҳисобга олинган экан. Шу боисдан болалигим осмони дуд-ғуборли бўлган, қора қурум қатлами уйлариимизни қоплаб олган эди.

«Юқори колония» территориясида ишчиларнинг қадам босиши қатъий ман этилган эди. У ерда кечкурунлари электр чироғи порлар, резина ғилдиракли юмшоқ арава-чаларда кибр-ҳаволи хоним ва жаноблар келиб туришарди. Булар қандайдир бошқача тоифа бўлиб, ҳар доим қорни тўқ, хомсемиз, димоғдор кишилар эди. Формали фуражка, духоба ёқали пальто кийган инженер ўла қолса ишчиларга қўл узатмасди. Ишчилар эса инженер ё мастернинг ҳузурига келганда, албатта бош кийимини олиши шарт эди. Биз, ишчи болалари, фақат узоқдан, шаҳар боғининг панжарасидангина духовой оркестр оҳангига йўрғалаётган оқсуякларни томоша қилишимиз мумкин эди.

Ҳозирги кунларни тушуниш ва унинг қадрига етиш учун инсон ўтмишни яхши билиши керак.

«Каменск заводидидаги сингари уқубатли турмуш бошқа бирор жойда бўлмаса керак,— деб далолат беради посёлкамизда тарқатилган большевистик варақалардан бири.— Йил-ўн икки ой бирон-бир байрамсиз, сурункасига 12 соатлаб меҳнат қилиш, баъзан эса ҳатто нонушта ва тушликка вақт тополмай 18 соатлаб ишлашдек бенаволик қаерда бор экан? Ишчилардан бино ремонт, машина ва ускуналарни тузатиш учун кетадиган маблағни ундириб олишдек зўравонлик қаердан келиб чиққан экан? Қонимизни зулукдек сўраётганларга меҳнатимиздан олаётган

жарақ-жарақ фойдалар камлик қияпти шекилли, арзиман нарсаларга ёпишиб олиб, бизга жарима солишгани-солишган... Биз умр бўйи ифлос кулбаларда, хўжайинларимизнинг ҳамёни тўлиши учун, очликдан қорнимиз сурнай чалса ҳам майли, деб яшаймизми?»

Россия жанубидаги ишчиларнинг революцион тарихи маълум. Дастлабки социал-демократик тўғарақлар бу ерда 1885 йилдаёқ пайдо бўлганлигини эслатиб ўтмоқчиман. Каменскда ҳам худди шундай тўғарақ бор эди. Бу ерга кейинчалик ленинчи «Искра» ҳам мунтазам келиб турди. Бу ўлкада турли йилларда В. И. Лениннинг топшириғига биноан унинг И. Х. Лалаянц, В. П. Ногин, В. А. Шелгунов, М. Г. Цхакая, Р. С. Землячка, В. В. Воровский, П. Н. Лепешинский Г. К. Оржоникидзе каби шогирдлари ва сафдошлари фаол иш олиб бордилар. Мен революцион кураш йўлига онгли равишда ўтган ва дастлабки ишчилар авлодидан бўлган уч большевик ҳақида алоҳида тўхталишни истайман.

Екатеринославдаги «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш союзи»ни 1897 йилда Иван Васильевич Бабушкин ташкил этган эди.

Маълумки, В. И. Ленин уни партияннинг ифтихори, халқ қаҳрамони деб атаган. «Бундай кишиларсиз,— деб ёзган эди Ленин,— рус халқи ҳамisha қул халқ, қарол халқ бўлиб қолаверарди. Шундай одамлар туфайли рус халқи ҳар қандай эксплуатациядан тўла озод бўлиш ҳуқуқини кўлга киритмоқда».

Бабушкин тўғарагида Григорий Иванович Петровский ҳам революцион ҳаракатга жалб этилди. Узи токарлик қилган заводга кейинчалик партиямизнинг таникли арбоби бўлиб етишган бу революционер ишчининг номи берилди. Унинг хизматларини абадийлаштириш мақсадида Екатеринбург шаҳри Днепрпетровск деб аталди.

Мен эсламоқчи бўлган кишиларнинг учинчиси Никифор Ефремович Вилоновдир; у бошқаларчалик машҳур эмас. Қолбуки, у ҳам озодлик курашининг қаҳрамони ва жафокши эди. Россиянинг бутун жанубини стапка тўлқини қамраб олган 1903 йилнинг ёзида Вилонов Екатеринбургда РСДРП искрачилар комитетининг аъзоси бўлди, Михаил Заводской деган партиявий тахаллус олди. Узи ҳам чинакам завод кишиси, малакали слесарь, туриш-турмуши билан ҳақиқий ишчи эди.

Биз тарафларга РСДРП II съездида ихтилоф юз бергани ҳақидаги хабар етиб келганда Вилонов иккиланмай большевиклар сафига ўтди. У В. И. Ленинга муфассал хат ёзган, аммо жавобини ололмаган, чунки орадан кўп ўтмай ҳибс этилиб, Сибирга сургун қилинган эди. Қолбуки, Владимир Ильич унга жавоб йўллаган экан. Бу мактублар бир неча ўн йиллардан кейин КПСС Марказий Комитети ҳузуридида Марксизм-ленинизм институти архивидан топилди. Лениннинг ёзган жавобида Н. К. Крупская қўли билан битилган ушбу сўзлар сақланиб қолган: «Миша Заводскойга 22/XII жўнатилди».

Бугина эмас. Партиямиз асосчиси ўзининг «Ташкилий вазифаларимиз тўғрисида ўртоққа хат» брошюрасида «...лав шаҳридаги завод ишчиси» фикрини тўлиқ келтирган. Вилонов билан эса учрашув олти йилдан кейин, Парижда содир бўлган. Ушанда Крупская бир вақтлари Екатеринбургдан Миша Заводской қизиқ-қизиқ хатлар ёзиб турарди, деб эслайди. Вилонов кулимсираб: «Уша киши мен эдим-да», дейди. Заводскойнинг Вилонов эканлиги шу тарзда маълум бўлган эди.

Вилонов революционерга хос одатий йўлни босиб ўтди — неча марта лаб қамалди, турманинг бир кишили хонасида азоб чекди, қамокдан қочди, яна қамалди, неча бор сургун қилинди. Жандармлар уни зах қарцерларга ташлаб, ўпкасини туширишди, ёшлигинида сил касалига







мубтало қилишди. Шунга қарамай, у партиянинг таниқли ташкилотчилари ва ташвиқотчиларидан бири бўлиб етишди. 1905 йил революциясида эса Самарада Ишчи депутатлари советининг раиси бўлди. Уша пайтда у бор-йўғи йигирма икки ёшда эди.

Бедаво касалликка чалинган Вилонов муҳожир бўлиб, Каприда, фракциячилик курашининг марказида яшади. Замон оғир эди. Реакция йиллари бошланиб, ғоявий парокандаликлар «отзовистлар», «худо ясовчилар», «эмпириомонистлар» ва ҳоказо оқимлар пайдо бўлган эди. Ишчидан чиққан инқилобчи учун буларнинг барчасини англаб, фарқлаб олиш осон эмасди. Аммо у беҳато тўғри йўл танлади — Ленин изидан борди. Владимир Ильичнинг А. М. Горькийга ёзган мактуби маълум. Доҳий бу хатда Михаил Заводской билан узоқ суҳбат курганини ҳикоя қилиб, ишчилар синфи ўз партиясини тузиб олади, деб чуқур ишонганини айтади, «баъзан лаънати муҳожирлик аҳволи нуқтаи назаридан таҳмин қилинганидан кўра хийла тезроқ тузиб олади, баъзи ташқи кўринишлар ва айрим эпизодлар нуқтаи назаридан қараганда, тасаввур қилиш мумкин бўлганидан ҳам тўғрироқ тузиб олади. Михаил каби кишилар бунинг далилидир».

Ҳа, Бабушкин, Петровский, Вилонов сингари минг-минглаб кишилар бунинг ёрқин далилидир. Россия ишчилар синфи нима учун В. И. Ленин изидан, большевиклар изидан, коммунистларнинг улуғ партияси изидан борганлиги ойдинроқ маълум бўлсин, деб мана шу содиқ жангчилар ҳақида ёзаётирман. 1905 йил революциясида ишчилар ғоят фаол иштирок этдилар. Иваново-Вознесенск, Петербург, Москва, Киев, Екатеринослав, Луганск ва бошқа йирик шаҳарларда ташкил этилган Ишчи депутатлари советларидан кейин Каменск посёлкасида ҳам шундай совет тузилди. Аввал бошдаёқ большевиклар унда етакчиликни қўлга олдилар. Совет раислигига завод электриги большевик И. М. Беседов сайланди. Кейинчалик мен ҳам у билан учрашган эдим. Граждандлар урушидан сўнг у бизда Шаҳар советининг раиси, сўнгра эса завод директори бўлиб ишлаган.

Биринчи рус революциясининг мағлубиятидан кейин ҳам кураш давом этди. Оммавий қамоққа олишларга, ғоявий тойилишларга қарамай, меньшевиклар ва эсерлар бу ерда ҳеч қачон кучли мавқега эга бўлолмадилар. Кураш миқёси кенгайди, яширин тўғарақлар иш олиб бора бошлади, стачкалар бўлди, маёвқалар ўтказилди. Масалан, «Правда» газетаси 1912 йил 4 июлда қуйидагиларни ёзган эди: «Кеча Каменск заводида сиёсий митинг ўтказишга урингани учун 22 кишини полиция қамоққа олди». Газетанинг навбатдаги сонларидан бирида «Каменск заводида 32 киши қамоққа олинди», деб хабар қилинди. Аммо, ишчилар синфининг жанговар руҳини енгиб бўлмас эди.

«Барча ўлкаларда ялли қуролли қўзғолон кўтарибгина Николай II нинг чирик истибдодини узил-кесил яқсон қилиб, унинг вайроналари ўрнида демократик республика тузганимиздагина,— деб даъват қилинган эди 1916 йилда заводимизда чиқарилган варақада,— инсон қирғини даҳшатларини такрорлашдан ўзимизни сақлай оламиз... Бизнинг курашимиз яқдл оммавий кураш бўлиши керак. Зотан, кучимиз — бирликдадир!»

Албатта, мен у вақтгача бу варақаларни ўқимаганман, биз болаларни маёвқаларга олиб боришмасди, умуман кўп нарсаларга ақлимиз етиб, тушунавермасдик. Мен ана шундай муҳитда ўсдим, ишчиларнинг орзу ва интилишлари азалдан юрагимга яқин эди, катталарнинг суҳбатларини эшитиб, ишчиларини иш ташлаш кунлари кузатиб юрарканман, улар билан бир тан, бир жон эдим.

Меҳнат кишининг энг яхши фазилатлари болалик кезларимдан оқ менга ойдин бўлган эди, деб айта оламан.

Ишчи — буюк заҳматкаш, унинг матонати битмас-туганмас, у ўз ишини беш қўлдай билади ва уни яхши бажа-ришга одатланган. Ҳатто чоризм даврида ҳам, ҳатто эксплуатация шароитларида ҳам у ёмон ишлашдан ҳазар қилган, зотан, у ҳаммиша касбини қадрлаб, ўз меҳнатини ардоқлаб келган. Инсоният яратган бойликларнинг деярли ҳаммаси ишчининг чайир қўллари билан бунёд этилган, аммо унинг ўзи мулкпараст эмас, унинг қалби ғаразу таъмағирликдан батамом холи, кўнгли эса саховат, мурувват, адолатга умрбод азалий ташналик билан тўлиб-тошган. У топқир ва закий, ҳазил-мутойибага мойил инсон. У қатъиятли, дадил, дўстга содиқ, ҳар қандай пайтда ўртоғига ёрдамга келишга шай турувчи муътабар зот. Завод гудоғи ҳаммани бараварига сменгага чорлар, ишчиларни ўзаро жипслаштирган куч ҳам гудоқнинг ўзи эди.

Натижада умумий манфаатлар йўлида бирлашиш туйғуси вужудга келдики, бу ҳамкорлик турли ёш, тажриба урф-одат, миллатга мансуб миллион-миллион кишиларнинг пролетар бирдамлигини яратиб, қудратли, метин ва чинакам революцион синфга айлантирди.

Мен туғилганимдан шу синфга мансуб эдим, шу муҳитда тарбияландим, бу синф билан бир умр боғланиб қолдим, дейишим мумкин. Отам умрининг сўнги кунларига чаман ишчи эди, бобом, тоғаларим ишчи эди, вақти келиб мен ҳам ишчи бўлдим. Заводга кирдим, укам, синглим, куёвим ҳам менинг изимдан боришди... Брежневлар оиласи ўзининг неча ўн йиллик умрини қадрдон заводига бахш этди. Бизнинг фамилиямизни бугунги кунда ҳам заводдаги кўҳна рўйхатлардан топишингиз мумкин.

### 3

Одатда инсон характерининг шаклланиш манбаи, унинг ҳаётга муносабати оиладан бошланади. Шунинг учун оиламиз тўғрисида батафсилроқ тўхталмоқчиман. Ота-онам чоризм зулмининг барча машаққатини ўз гарданларидан синаб кўрган. Уларнинг ҳаёти аксар қийинчиликлар билан ўтган, аммо шунга қарамай, уйимизда ҳаммиша тотувлик ҳукмрон эди. Албатта оила бўлгандан кейин баъзи бир гап-сўз ўтиши ҳам табиий, лекин биз болалар бунга сезмасдик, ҳатто ота-онамизнинг қаттиқроқ гапирганларини эшитмаганмиз.

Отам босиқ, қаттиққўл киши эди. У бизни эркатламасди, аммо жазолаганини ҳам эслолмайман. Бунга эҳтиёж ҳам йўқ эди, шекилли: биз ота-онамизга ҳурмат-эҳтиром руҳида ўсганмиз. Отам бўйчан, қотма, кўпчилик прокатчилар каби жисмоний бақувват киши эди. Кўринишдан мулойим, одамга очик юз билан, меҳрибон боқарди. Ҳамиша саранжом-сарийшта кийинар, уйда соқол-мўйловини тозалаб олиб юрар, ўзини тетик тутар, ҳамма ишда тартибни ёқтирар эди. Чамаси, унинг мана шу одатлари бизга ҳам ўтган. Узининг қадрини яхши билар, муғомбирликдан холи, тўғриси, қатъиятли эди. Уртоқлари уни ҳурмат қилишарди. Бу ҳолдан биз, болалари фахрланардик.

— Бировга ваъда бердингми, албатта, сўзингнинг устидан чиқ,— дерди менга отам.— Шубҳалансанг — тўғриси-ни айт, бирон ишдан қўрқсанг қўл урмас, лекин қўл урдингми — чўчима. Агар ҳақ эканлигинга ишончинг комил бўлса — сўзингдан ҳеч қачон қайтма.

Отамнинг ўзи ҳам худди шундай йўл тутар, сўзи билан иши бир эди.

Каменск посёлкасидаги аҳоли курама бўлиб завод маъмурияти французлар, бельгияликлар, поляклардан иборат эди. Ишчилар орасида ҳам поляклар оз эмасди, аммо уларнинг кўпчилиги маҳаллий кишилардан — украинлар,





кўплаб Елецк, Курск, Орёл, Калугадан келган мужиклардан иборат эди. Отам меҳнат кишиларини тоифага бўлмасди. Ҳозирги ибора билан айтганда, одамларни миллатига эмас, синфий келиб чиқишига қараб ажратарди. Ҳамон эсимда, урядник ёки бадавлат савдогарларнинг ўғиллари, гарчи улар рус бўлса ҳам, менга бегона туюлар, ишчидан чиққан поляк эса ўзимизникидек яқин эди.

Революциядан кейин, завод саккиз соатлик иш кунига ўтказилиб, учинчи сменага одам тўплаш зарур бўлиб қолди. Отамни фабрикатор этиб тайинлашди. У узоқ йиллар мобайнида вальцовкачи бўлиб ишлаган, қўли гул уста

ҳисобланар эди. Лекин, янги вазифа тажрибанигина эмас, катта билимни ҳам талаб қиларди. Фабрикатор мартен цехига буюртма бериши, уларни қайси андозалардан олиш кераклигини, қайси маркадаги пўлатни танлаш, иссиқликнинг исроф бўлишини камайтириш учун термик ишловни қай тарзда бошқариш лозимлигини ва ҳоказоларни билмоғи даркор.

Аслида-ку, бунинг учун ажабтовур инженерлик ҳисобкитоби керак эди, отам эса узоқ йиллик тажрибаси ва табиат ато этган идроки билан буларнинг ҳаммасини эп-лаб кетди.





Советлар даврига келиб, биз Пелин кўчасида завод учун қурилган янги уйга кўчиб ўтдик. Биринчи қаватдан икки хонали квартира беришди. Отам хонанинг биттасини почтамнинг оиласига берди. Биз аҳил, ҳушчақчақ яшардик, уйимиздан меҳмон аримасди, кўшиқ айтиб, суҳбат қуриб тунни ярим қилардик. Онам эса меҳмонларни овқатлантирмагунча қўйиб юбормасди. Уйимиз ўша вақтда шаҳар чеккаси ҳисобланган Тритузная станцияси яқинида эди, унинг орқа томони ям-яшил ҳовли бўлиб, акас даррахлари барқ уриб гуллаб турарди, ҳар тонгни қушлар нағмаси билан кутиб олардик.

Отам зарбдорларча ишлаб, 30-йилларда стахановчи бўлди, обрў-эътибор қозонди, болаларни оёққа турғазди, бу вақтда ҳаммамиз ишлаб, оиламизга ёрдам берардик, отам энди ҳаёт гаштини суриб, бемалол яшаса бўлаверарди. Афсуски, у тўсатдан дардга чалиндию оламдан ўтди. Ушанда олтиш ёшга ҳам кирмаган эди.

Отам сўнги нафасига завод ташвишлари билан яшарди. У ҳамиша мамлакатда, жаҳонда юз бераётган барча нарсага катта қизиқиш билан қарарди. Орамизда ўтган бир суҳбат ёдимда. Кейинчалик бу суҳбатни тез-тез эслайдиган бўлдим. Мана, ўрни келди, уни сизларга ҳавола этмоқчиман. Ўша куни сменадан қайтиб, одатдагидек, заводдаги ишлар ҳақида отамга сўзлай бошладим. Аммо унинг ҳаёли бошқа ёқда эди. Гапимни бўлиб, сўради:

— Менга қара, Лёня, жаҳондаги энг баланд тоғ қайси?  
— Эверест.

— Унинг баландлиги қанча?

Отам нимага мени синаётган экан, деб шошиб қолдим.  
— Анигини билмайман,— дедим.— Чамаси, тўққиз минг метр чиқса кераг-ов... Нимайди?

— Эйфел минораси-чи?

— Менинча, 300 метр келар.

Отам узоқ жим қолди, ўзича алланималарни ҳисоб-ки-тоб қилдида, деди:

— Биласанми, Лёня, агар бизга топширишса, бундан ҳам баландроғини қурардик. Прокат беришса бас эди. Олти юз метрга етказардик.

— Нимага керак у, ота?

— Ўша миноранинг тепасига дор қуриб Гитлерни осардик. Тушуняпсанми? Уруш қўзғалоқчи бўлганнинг аҳволи нима билан тугашини одамлар узоқдан ўз кўзи билан кўриб қўярди. Балки, бу дунёда Гитлер якка-ёлғиз эмасдир, унга ўхшаган кимсалар яна бодир. Ўшаларга ҳам жой топиларди. Нима дейсан бунга?

Умр бўйи ишчи бўлган одамнинг фикрини қаранг. Бу гапни тагин қачон айтди денг? Урушдан анча аввал, Ғалабамиздан анча илгари, гитлерчилар тўдаси бошлиқларини шармандаи шармисор қилган Нюрнберг процессидан неча йиллар олдин айтган эди. Отам марксча назарияни ўрганмаган бўлса ҳам, ишимизнинг буюк ҳақиқатини ички бир туйғу билан ҳис этиб, фашизм фалокатини олдиндан кўрган, ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг уруш хавфига муносабатини жуда тўғри ифодалаб берган эди.

Онам Наталия Денисовна отамга қараганда анча узоқ умр кўрди. Агар қатъиятни, сабр-қанотни, бир ишга киришганда кейин уни охирига етказиш одатини отамдан ўрганган бўлсам, дилкашлик, одамларга самимий муносабатда бўлиш, машаққатларни ҳазил-мutoйиба билан енгиш каби хислатлар менга онамдан ўтган. Онам умр бўйи тиниб-тинчимади, бизни вояга етказди, оқ ювиб, оқ таради, касалга чалинсак бошимизда парвона бўлди. Мен, мана шуларнинг ҳаммасини ёдимда сақлаган ҳолда, аёлларнинг, оналарнинг оғир, беада олижаноб меҳнатини ҳамиша қадрлашга одатланганман.

Кейинчалик Запорожье, Днепропетровск, Молдавия, Қозоғистонда ишлаган кезларимда қулай фурсат топдим дегунча, онам билан дийдор кўришишни қанда қилмадим, ҳамиша унга чуқур фарзандлик эҳтироми билан муносабатда бўлдим. Бир нарсага имоним комил: ўзига ҳаёт бағишлаган, ўстириб вояга етказган онани севмайдиган кимса шахсан менга шубҳали туюлади. Халқимиз она Ватан деб бекорга айтмайди: онасидан тонган, уни унутишга қодир бўлган кимса Ватанга ҳам муносиб фарзанд бўлолмайди.

Мен Москвага ишга ўтдим. Бироқ онам бизникига кўчиб келишга сира кўнмас, ҳамон ўша Пелин кўчасидаги уйимизнинг торгина хонасида синглиси ва куёви билан яшарди. Почтам ишбилармон инженер бўлиб, заводимизнинг цех бошлиғи даражасига кўтарилган эди. Кейинчалик бир гап эшитиб қолдим. Уни менга қариндошларим билдиришмаган экан. Маҳаллий маъмурлар КПСС Марказий Комитети секретарининг онаси тор квартирада яшаса қандай бўларкан, деб унга барча қулайликлари муҳайё, каттароқ, ёруғ, шинам уй таклиф қилишибди. Бу вақтга келиб, Днепродзержинскда уй-жой қурилиши авж олдириб юборилган эди. Бироқ, маъмурлар қанчалик уринмасин, онам янги уйга кўчиб ўтишга унамабди, эски уйимизда яшайверибди. Магазинга борганда одамлар уни таниб, навбат беришмоқчи бўлса, жаҳли чиқар, уй-рўзғор ишларини аввалгидек ўзи бажарар, меҳмон кутишни жуда-жуда ёқтирар эди. Онам угра ош пиширишга уста эди: ҳеч қачон бунақа мазали овқат емаганман. Кечкурунлари у ўзининг одми кофтасини кийиб, сурмаранг дуррасини ўраб кўчага чиқарди, дарвоза ёнидаги скамейкада ўтириб ҳамсоялари билан суҳбатлашарди.

Шундай кишилар ҳам топилардики, улар Брежневнинг онаси билан танишликларидан фойдаланиб қолишмоқчи бўлиб, унинг қўлига турли «идоралар»га бериш учун ҳар хил шикоят ва аризалар тутқишишарди. Онамининг фаросатига, хушмуомалалиғига, ва камтарлиғига қойил қоламан. Онам менга бирор марта ҳам бу ҳақда оғиз очмаган, буни четдан, бошқалардан эшитганман. У, ўғлимнинг ишларига аралашинишга ҳаққим йўқ, деб ҳисобларди. Уни қанчалар ҳурмат қилишимни ва севишимни биларди, аммо унинг илтимосига биноан, айтилик, кимгадир уй-жой масаласида ёрдамлашар эканман, бу — илтимос қилишни билмайдиган ёки бундан ор қиладиган кишилар ҳисобига бўлишини биларди. Балки бундай одамлар бошқалардан кўра ёрдамга кўпроқ муҳтождир. Онам чамаси шундай деб ўйларди. Жавобини эса жуда содда қилиб изоҳларди:

— Мана,— дея у меҳнатда чиниққан сертомир қўлларини кўрсатарди.— Шу қўлларимдан келганича ёрдам беришим мумкин. Аммо ўғлимга фалон ишни қил, фалон ишни қилма, деб айтолмайман. Бунинг учун мени кечирасан.

1966 йил онам бизникига, Москвага кўчиб келди. Эваралар кўрди, осойишта яшади, виждонига хилоф иш қилмади, таниш-билишларнинг меҳр-муҳаббатини қозонди, партия ва халқ тўнғич ўғлига билдирган ишончдан фахрланиб юрди. Ишларимни тугатгач, уйга келиб онагинанинг ёнига ўтириб, унинг табарруқ овозини эшитиш, нурли меҳрибон кўзларига боқиш мен учун буюк бахт эди.

4

Яна бир нарсани айтмабман: отам сингари онам ҳам саводхон эди. У ўқишни яхши кўрарди, ўша даврлар учун ишчилар шаҳарчасида бу нарса жуда кам учрайдиган ҳодиса эди. Улғайганимдан кейингина бизга ҳақиқий билим бериш ота-оналаримиз учун қанчалик қимматга туш-





ганини англаб етдим. Улар бизнинг ўқимишли бўлишимизни исташарди ва шунга эришдилар ҳам: тўққиз ёшимда Каменскдаги эрлар классик гимназиясининг тайёрлов синфига қабул қилиндим. Мени гимназияга ўтганимга онамининг ишонгиси келмас, кўнамиздагилар ажабланиб ёқа ушларлар эди.

Ишчиларнинг фарзандларини илгари гимназияга йўлатишмасди. Бизга ҳам келақолинг, деб эшикни ланг очилмаган, жиндак ҳиммат қилишган, холос. Чамаси бир томондан бу — тез ўсиб бораётган ишлаб чиқариш эҳтиёжи билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, Россиядаги революцион воқеаларнинг таъсири тўғриси эди. Шунга қарамай, бизга алоҳида конкурс ўтказилди, энг қобилиятли болаларнинг тахминан ўн бештадан биттасини танлаб олишди. Уша йили ишчи болаларидан атиги еттитаси қабул қилинган эди. Бошқа гимназиячиларнинг ҳаммаси «Юқори колония»дан келган бўлиб, улар амалдор, бой савдогарлар, завод бошлиқларининг болалари эди.

Бизни «давлат стипендиатлари», дейишарди. Бу бизга стипендия тўлашарди, деган гап эмасди. Аъло ўзлаштирсаккина ўқиш ҳақидан овоз бўлардик, холос. Ўқиш ҳақи эса ҳаддан ташқари катта — олтин ҳисобида 64 сўм тўлаш керак эди. Ҳатто энг малакали ишчи ҳам бунча мош олмасди. Ҳар қанча уринмасин, бунга отамнинг қурби етмасди.

Бошқа дўстларим қатори мен ҳам яхши ўқидим. Авваламбор мен янгиликка ўч эдим, иккинчидан, отам ўқишимни қаттиқ кузатиб борарди, қолаверса, ёмон ўқиб ҳам бўлмасди — ким ёмон ўқиса гимназиядан ҳайдаб юборишарди.

Биз, ишчи болаларига «Юқори колония»дан келган гимназиячиларга нисбатан бошқача муносабатда бўлишарди. Бу ҳол бизга алам қиларди, фанларни ўзлаштиришга қобилиятимиз борлигини, бадавлат хонадонларнинг эркатойларидан кам еримиз йўқлигини қандай қилиб бўлса ҳам исботлашга интилардик. Бойлар болаларининг эса анча-мунча гуноҳлари кечириб юборилаверарди.

Тарих ўқитувчимиз Ковалевични яхши кўрардик. У ўз фанини жуда зўр билар, подшолар ҳақидагина эмас, Рагин, Пугачёв тўғрисида ҳам сўзлаб берарди, декабристлар кўзғолонини ҳам, Чернишевский, Герцен номларини ҳам илк бор ундан эшитган эдим. У бизни жамият тараққиёти қонуларини англаб етишга, улар ҳақида ўйлашга ўргатарди. Кейинчалик ўйлаб қарасам, у расмий программа доирасидан анча четга чиққан ҳолда дарс ўтар экан. Биз энг зўр ўқитувчиларимиздан бири бўлган бу кишининг яширин иш олиб борувчи большевик эканини деникинчилар уни отиб ташлагандан кейингина билдик. Ҳозир Днепродзержинск шаҳрида Ковалевич кўчаси бор. Балки кўпчилик ёшлар бу кўча нега Ковалевич деб аталишини билишмас. Шу ҳақда сўзлаб берганимдан хурсандман.

Ун еттинчи йилнинг февралаи Каменскка ҳам олис момақалди роқ акс-садосидай етиб келди. Самодержавие емирилди. Аммо уруш ҳамон давом этар, нонга навбат кутиш сира камаймаган, ерга ҳамон помешчиклар эгалик қилар, заводларга ҳамон фабрикантлар ҳўжайин эди. «Юқори колония»дагилар чўчиброқ бўлса-да, «Кўйи колония» аҳлига калондимоғлик билан нафратланиб қарашарди. Хуллас, ҳўжайинлар ҳўжайинлигича, ишчилар ишчилигича қолган эди.

Хотирамда Октябрнинг улуғ кунлари ўзгача, абадулбад ўчмас бўлиб муҳрланиб қолди.

Бир кун завод гудоги бевақт наъра тортди. Давр бамисоли қоқ ўртасидан иккига бўлингандек, шу дақиқадан эътиборан янги замон бошлангандек эди. Бу бизга жуда ҳам ғайри-табiiй туюлди, дарҳол оталаримиз кетидан заводга югурдик. Кўча тўла одам, назаримда бутун ша-

ҳар аҳли заводга ошиқар, цехлардан ишчилар ёпирилиб чиқар, оломон шовқини даҳшатли гувиллар, майдонда гўё чексиз бир денгиз чайқалар эди. Фрондан қайтиб келган ярадор солдатларнинг папоқлари кўзга чалинар, унда-бунда аёлларнинг рўмоли кўрнинг қолар, металлург ишчилар-ку сон-саноксиз эди. Халқнинг ялпи кўтаринкилиги, ҳақиқий тантанаси ҳамон кўз олдимдан кетмайди.

Митинг бошланди, Каменск большевикларининг биринчи раҳбари М. И. Арсеничев нутқ сўзлади. У заводимизнинг қозон цехида ишлар, революцион курашга жуда эрта киришган бўлиб, варақалар босиб тарқатар эди. Кейинроқ, изига айғоқчилар тушгач, Петроградга жўнади, яширин иш олиб борувчи ташкилотда шонли йўлни босиб ўтди, Сибирга сургун бўлди. В. И. Ленинни Финляндия вокзалида кутиб олиб, машҳур нутқини эшитганлар орасида Арсеничев ҳам бор эди; Бу нутқ «Яшасин социалистик революция!» даъвати билан тугаган эди. Кейинчалик Гражданлар уруши йилларида Арсеничевни оқлар отиб ташлади. Мен Михаил Арсеничев номидаги Металлургия институтида ўқишга муяссар бўлганман.

Уша митингда Арсеничев пролетариатнинг буюк ғалабаси ҳақида гапириб, Советларнинг Бутунроссия II съезди тўғрисида сўзлаб берди, жаҳонда биринчи марта ишчи-деҳқон ҳукумати тузилганини, бу ҳукумат бошида Владимир Ильич Ульянов-Ленин турганлигини айтди. Халқ ҳаракатга келиб, «Ура» садолари янгради. Эсимда, тунд кузак осмонида ҳилпираб турган қизил алвонни тин олмай, бошимни фоз тугиб томоша қилганман. Шунга қўшимча қилиб айтмоқчиманки, ҳар бир авлод ўзидан олдинги авлоддан ўзигача қўлга киритилган, эришилган, қурилган, амалга оширилган нарсаларни мерос қилиб олади ва яна олға бориб, ўз йўлини янги юксак доволарда давом эттиради, тарихий тараққиётнинг янги босқичига кўтарилади. Баъзан ёшларга барча асосий ишлар орқада қолиб кетгандек туюлади. Революция орқада қолди, Гражданлар уруши жанглири орқада қолиб кетди, улкан мамлакатни социалистик қайта қуриш йиллари, Улуғ Ватан урушининг қаҳрамонликлари ортада қолиб кетди... Йигит ва қизлар шундай деб ўйлашади. Аммо уларнинг ҳам даври келади, ота-боболарининг эстафетаси улар қўлига ўтади ва шунда зиммаларига не-не имтиҳонлар, улуғвор ишлар тушгани маълум бўлади.

Инқилоб курашчиларининг, дастлабки беш йилликлар бунёдкорларининг, Улуғ Ватан уруши жангчиларининг авлодларига муносиб ўринбосарлар етишиб чиқаётганлиги бугунги кунда менга қувонч бағишлайди. Илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган миқёсдаги вазифаларни биз комсомолга, Советлар мамлакатининг жамики ёшларига ишониб топшира оламиз ва кўрамизки, улар она заминимизда юз бераётган барча нарсаларга шахсий масъулиятни ҳис этишдек олижаноб туйғу билан ёндашмоқдалар, ҳар бир ишга улар ўзларининг романтик эҳтиросларини, айтиш мумкинки, ёшлик шижоатларини бахш этмоқдалар. Ёшлар коммунистик эътиқодли, партия ишига, улуғ Ленин ишига беҳад содиқ, Октябрь идеалларига фидойи бўлиб камол топмоқда.

Булутли куз осмонида ҳилпираб турган қизил байроқни эслар эканман, шулар ҳақида ўйлаб кетдим. Ишчи посёлкамизга Улуғ Октябрнинг кириб келиши хотирамдан сира кўтарилмайди. Байроқ жуда баландга, биринчи рақамли домна печи мўрисиининг тепасига ўрнатилган эди.

\* \* \*

Ёшлик йилларим — икки давр орасидаги социал турмуш бағоят мураккаб эди. У пайтлари днепровскликлар ҳам мушкул аҳволда қолди: Марказий Рада ҳокимиятини немис кўшинлари босиб олди. Улардан кейин





Петлюра пайдо бўлди. 1919 йили январда Қизил Армия суворийлари уни Каменскдан суриб чиқаришди, аммо ордан ярим йил ўтиши билан, оқлар бостириб кирди, кейин махночилар, григорьевчилар, турли тоифадаги газандалар юзага чиқиб, йиғинларда украин «самостийник»лари, меньшевиклар, кадетлар, эсерлар, анархистлар ғамирлаб қолишди. Уша йиллари биз сиёсий тарбияни шундоқкина ҳаётнинг ўзидан олиб, кун сайин эмас, соат сайин вояга етиб борардик.

Яна бир нарсани таъкидлаб ўтгим келади: шахримиз ишчилар шахри бўлиб, аҳолисининг кўпчилигини ишчилар ташкил этар ва шу боисдан, пролетар революциясини бизда ҳаммиша ўзларининг революцияси, большевиклар партиясини ўз партиялари, Советлар ҳокимиятини ўз ҳокимиятлари деб ҳисоблардилар! Бинобарин кимнинг этагидан тутсак экан, қайси тарафга ўтсак экан, деган савол днепровский ишчиларнинг хаёлига ҳам келмаган. Отам партияга, аниқроғи ҳеч қанақа партияга кирмаган эди. Аммо революциянинг дастлабки йиллариданоқ большевикларни фаол қўллаб-қувватлади, кейинчалик комсомолга кирганимда, сўнгра эса Коммунистик партия аъзоси бўлганимда ота-онам буни катта ва қувончли воқеа сифатида кутиб олишди.

Революциядан кейинги дастлабки машаққатли йилларда, Гражданлар урушининг отишмалари тугар-тугамас заводимизнинг қуюв цехида чўяндан аломат ёдгорлик кўйилди. Бу ёдгорлик ҳозир ҳам Днепродзержинскийн гўзал майдонларидан бирида турибди. Баланд устун узра афсонавий титан Прометей, у кишандан озод, қўлида машъал, асрлар бўйи унга азоб берган мағлуб бургут оёғи остида ётибди. Барчага аён бу тимсол менинг йигитлик чоғларимда ҳам тушунарли эди. Бизлар икки бошли чор бургути қандай мағлуб бўлганини билардик, ҳаётбахш аланга эса ҳаммиша металлурглр қўлида эди. Улар маъбу-

далардан олов ўғирлаб, уни одамларга умрбод совға қилган қаҳрамонга металлдан гимн яратдилар. Прометейга қўйилган бу ёдгорлик айни пайтда ишчилар синфига ўрнатилган монумент эди.

Менинг ҳаётимдаги унутилмас кун келди. Ун беш ёшимда ишчи бўлдим. Каменск шаҳридаги Биринчи меҳнат мактабига айлантирилган гимназиядан уни битирганлигим ҳақида шаҳодатнома олдим. Энди мен ишлаб, оилага ёрдам беришим лозим эди. Мени заводга қочегар қилиб олишди, кейин слесарликка ўтказишди. Бу касбларни тезгина ўзлаштириб олдим. Зотан, завод менга азалдан таниш, цех шовқини, қизиган металл ҳиди, буларнинг ҳаммаси қон-қонимга сингиб кетганди.

Ниҳоят, орзиқиб кутилган кун келди. Завод гудоги мен учун чалинди. Отам билан бирга сменага чиқиб, бошқалар қатори меҳнат қила бошладим. Билакларим сингудек сирқираб оғир, пешонамдан тер қуйилавериб кўз очишга имкон бермас, аммо мен чинакам бахтиёр эдим. Кейин жисми-жонимни қувонч чулғаб олди: уйга келиб қоп-қорайиб кетган фуфайкамни ечдим. Онам худди отамга ўхшатиб менинг қўлимга ҳам муздек сув қуйди, юз-қўлимни ювиб олдим. Бошимни кўтариб онамга нигоҳ ташладим: унинг мунис кўзларида ёш йилтиради.

— Нега йиғлаясиз, ойи?

— Қувонганимдан, Лёня, қувонганимдан. Мана, сен ҳам улғайиб рўзгор тебратадиган бўлиб қолдинг!

Илгари айтган бир гапимни такрорламоқчиман: Днепровскдаги заводда бирга ишлаган мураббийларимни, ўзимдан катта ўртоқларимни ҳаммиша эслаб юраман. Улар менга илк бор ҳунар ўргатишди. Ҳаётнинг мураккаб илмидан сабоқ беришди, меҳнат кишининг буюк кучи ва маънавий гўзаллиги қандай бўлиши кераклигини ўқитишди.

Бундай ҳаёт мактабларини умрбод унутмайсан киши.

## ВАТАН ТУЙҒУСИ

### I

Ҳаммамизда ҳам Ватан туйғуси жуда кучли. Ажойиб туйғу! Бу туйғу юртимизнинг гўзаллигини ҳис этиш билангина камолга етмайди, албатта. Бу — заминга теран илдиз отмоқ, демакдир. Инсон юрт ғамида тер тўкиб меҳнат қилса, ғалла етиштирса, шаҳар бино қилса, янги йўллар очса ёки шу юрт ҳимояси учун окоплар қазиса, фақат шундагина Ватан нималигини чуқур англаб етади.

Бу ҳақда сўз юритишимнинг сабаби шуки, 20-йилларнинг аввалида мен учун жонажон ўлкамни ўрганиш даври бошланди. Поездларда, кемаларда, гоҳ отлик, гоҳ пиёда дегандек минглаб километр йўл кезишга тўғри келди. Ҳамма иш отам туғилиб ўсган ўлкага қилган сафаримдан бошланди. Курскда мен деҳқон ҳаёти билан яқиндан танишдим, ғаллакорлар билан ёнма-ён туриб меҳнат қилдим.

Ҳаётимдаги бундай кескин бурилиш нега юз берганлигини айтиб ўтай. Гражданлар урушидан кейинги вайонарчилик Волга бўйидаги даҳшатли қурғоқчиликка тўғри келди. Уша 1921—1922 йиллари қурғоқчилик ва очлик Украинага ҳам ёпирилди. Бутун Екатеринбургда экинлар қуйиб кетди. Ҳар бир ишчига кунига ярим қадоқдан нон

бериларди. Баъзан шу ҳам йўқ эди. Аммо биз токи печларда ўт гуриллаб, завод мўрисида тугун чиқиб турар экан, ишлайвердик. Кейин қора кунга қолдик — Днепр металлургия заводида ишни тўхтатишга тўғри келди.

Цехларга сукунат чўмди, ҳаммаёқ ҳувиллаб ётар, темир йўл излари ҳаш-паш дегунча тақир ерда ўсадиган сурпурги ўт билан қопланди. Одамлар чекка-чекка қишлоқларга тарқаб кетишди, буд-шудларини озиқ-овқат маҳсулотларига алмаштириб бўлишди. Баъзи кишилар заводдаги тасма-тасма темирларни олиб кета бошлади. У — гардишбоп эди. Айрим бадавлат қишлоқлар уни жон деб сотиб олишарди. Бизнинг уйдагилар бундай ишнинг уддасидан чиқолмасди. Кейин маълум бўлишича, бирорта бозорбоп нарсанинг ўзини ҳам ғамлаб қўймаган эканмиз. Отам билан мен оила бошлиғидан нонхўрларга айланиб қолдик.

Энди Каменскда яшашнинг ҳожати қолмади. Ишсизлар учун биржа очишди. Лекин барибир иш етарли эмасди. Турли касалликлар бошланди, очлик авжига минди, ҳар кун қўшнилариимизнинг бирортасиникидан ўлик чиқарди. Шаҳар бўшаб қолди, биз ҳам кўчи кетишга мажбур бўлдик. Кетар чоғимиз сўнги кун бўйи ўгирилиб қараб, завод билан видолашдим. Завод мўрконларида, эстакадаларда,





цехларнинг томларида қузғунлар ин қурганини кўриб эзилганим эсимда. Дилни пора-пора қиладиган оғир манзара ҳамон кўз ўнгимда: тепада қузғунлар учиб юрибди, ерда хувиллаб қолган завод кўкқайиб турибди.

Шундай қилиб муҳтожлик туфайли она заминга қайтдим, деҳқончилик қилишга мажбур бўлдим. Ёшлик экан, кутилмаган саёҳат мени қувонтирди. Бу — менинг илк бор сафарга чиқишим эди. Бунинг устига ота юртимни кўриш иштиёқи, ўзимни деҳқончиликда синаш истаги мени жалб этарди. Деҳқон меҳнати халқ учун нақадар муҳимлигини, ғалланинг чинакам қадрини яхши билиб олган мамлакат учун нечоғли зарурлигини энди мен яхши тушунардим. Днепровск заводи яна ишга туширилиб, ота-онам ёш болалари билан уйга қайтишганида жонажон цехимиз мени қанчалик жазм этмасин, бу ерда ишлашни бурчим деб билдим ва яна кўп йиллар қишлоқ хўжалигига — Курск ерларида, Беларусияда, Уралда ишлаб қолдим.

Уша йиллардан бошлаб вужудимни иккита жозибали куч қамраб олдики, энди шу ҳақида ҳикоя қилмоқчиман. Қишлоқ хўжалиги меҳнатига муҳаббат менга болаликдан, ота-онамдан, Каменск ва унинг атрофидаги бутун шарт-шароитлардан сингиб кетган. Посёлкамиз ғалатроқ эди. Каменскнинг тенг арми қишлоқлигича қолган, ҳолбуки, бу ерда заводда чиниққан, ҳиқиқий пролетарлар яшар, уларнинг қалбида эса кечаги деҳқоннинг руҳи тирик эди. Отам кўпинча бир вақтлар ўзининг ҳам «деҳқончилик нонини татиганини» сўзлаб берарди. Бу ҳаётнинг мақтагулик жойи йўқ эди, лекин у гоҳо қишлоқдаги кенглик, ер ҳайдаш, пичан ўриш, дон янчиш, ўз қўлинг билан ғалла етиштириш ҳақида пинҳоний бир маъносик ва айни пайтда шавқ-завқ билан гапириб қоларди. Уйимизда нонга бўлган алоҳида муносабат, уни ҳаддан зиёда қадрлаш ҳам тасодифий эмас, деб биламан. Эсимда, ҳар куни овқат маҳали онам кулимсираб бизга танбеҳ берган бўларди. «Қани, болалар, овқатланиб бўлдингларми, энди нон ушоғини ҳам териб еб қўйинглар! Нон ҳам — нон, ушоғи ҳам нон». Халқнинг бу доно сўзлари танқислик ёки хасисликдан келиб чиққан эмас. Аксинча, болалар нонни авайласин, қолаверса, уни муқаддас билсин деб айтилган.

Нонга ризқ-рўз сифатида мана шундай муносабат бўлмаса, том маънодаги маънавий баркамол киши бўлиб етишмоқ амри маҳол деб ҳисоблайман. Ҳозир ошхоналарда, қаҳвахонаю нон дўконларида нонни эҳтиёт қилиш ҳақида чиройли широрлар осиб қўйиш одат бўлди. Бу фойдали, албатта. Аммо шундай даъватга эҳтиёж туғилгани ачинарлидир. Тежамкорлик болаларга гўдаклигидан, биринчи навбатда онлада ота-оналар томонидан синдирилиши лозим.

Бу ўринда бир воқеани эслатиб ўтиш жоиздир. 1918 йилда Халқ Комиссарлари Советининг Ишлар мудирини В. Д. Бонч-Бруевич: «Владимир Ильич, биз ҳозир курашаётган нарсани бир сўз билан ифода қилиш мумкинми?» — деб сўраб қолади. Шунда В. И. Ленин бир дақиқа ҳам ўйла-масдан туриб «Нон» деб жавоб берган экан. У ўша йилларда ғалла учун кураш — социализм учун кураш, деб ёзган эди.

Ёшлик йилларимга хаёлан қайтарканман, ҳозир бир нарсага имон келтираман: қишлоқда ишлаш давлат учун зарур ва муҳим эди. Бу ерда мен кўп нарсаларни ўргандим ва кўп нарсаларни англаб олдим. Кейинчалик Днепродзержинскага қайтдим, заводда инженер-металлург бўлиб ишладим. Аммо ўша давр тақозаси қишлоқдаги ишлардан тўлиқ юз ўгиришга йўл қўймасди. Қишлоқдаги ҳаётим заводда орттирилган тажриба билан қўшилиб, бир-бирини тўлдирди. Шундан кейинги бутун ҳаётим мобайнида ҳар икки иш билан барабар шуғулланишимга тўғри келди. Мендаги иккала иштиёқ бир бутун бўлиб қўшилиб кетди.

Шундай қилиб, деҳқон даласида ҳам, завод бағрида ҳам ҳаёт сабоғини олганлигим учун тақдиримдан миннатдорман.

Мен анча илгарилаб кетдим чоғи. Лекин ўша энг қийин йилларда қишлоқ ҳаётини кўрдиму ер ҳайдадим, экин экдим, ғалла ўрдим, ерга қаттиқ боғланиб қолдим. 1923 йили Курскдаги ер тузиш техникумига кирдим. Конкурс имтиҳонларини топшириб, ундан яхши ўтдим — менга оширилган давлат стипендияси беришди.

Техникумнинг ўқув базаси яхши, у қадимий прогрессив анъаналарга эга эски ўқув юрти эди. (Дарвоқе, унда В. Д. Бонч-Бруевич ҳам таҳсил олган). Тўрт йиллик ўқиш мобайнида математика, физика, химиядан чуқур билим олдим. Геодезия, умумий геология, тупроқшунослик, география, қишлоқ хўжалик статистикаси фанларини институт талаблари даражасида ўрганардим. Биз Ленин асарларини ўқирдик, бу асарлар ҳозиргидек Асарлар тўплами жилдлари шаклида бўлмай, балки ҳали босмахона бўёгининг ҳиди келиб турган юпқа брошюралар тарзида босиларди. Саноат қурилишини, СССР давлат ҳуқуқини ўрганардим. Шчигров уездида ўтказилган дастлабки практикадаёқ бу билимлар ер тузувчига назарий жиҳатдангина эмас, амалий жиҳатдан ҳам фоят зарурлигига ишонч ҳосил қилдим.

Ун етти ёшимда мени комсомолга қабул қилишди, шундан кейин эса барча жамоатчилик ишларида иштирок этишни ўзим учун мажбурий деб билдим. Ишлар эса кўп эди. Биз қизил шанбаликларга чиқардик. «Йўқолсин саводсизлик!», «Етим-есирларга ёрдам!» деган оммавий кампаниялар ўтказардик, қишлоқларда қироатхоналар очардик, деворий газеталар чиқарардик, спектакллар кўярдик, қишлоқларда йиғинлар ўтказиб, батракларга уларнинг ҳуқуқларини тушунтириб берардик, буларнинг ҳаммасига вақт топа билардик, ҳаммасига ўзимизни дахлдор деб билардик.

## 2

Уша пайтда яна бир ҳақиқатни англадим: вақт даврлар ўлчовидангина иборат бўлмай, миқдорга ҳам эга экан. Кунлар ва соатларни бемақсад совуриб беҳуда ўтказиш ҳам, уларни имкони борича тежаш, ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиш ҳам мумкин экан. Ана ўшанда жуда кўп нарсга қилиб улгураркансан киши.

Ётоқхонамиз Херсон кўчасида эди. Гоҳ оч қолиб, гоҳ совқотиб яшардик. Кийим-бошимиз ҳам бир аҳволда эди: сатиндан тикилган кертмак ёқали кўйлак, ёғи чиқиб кетган кепка, теллак, будёновка киярдик. У вақтларда галстук тақишга қарши эдик. Аммо 20-йилларнинг комсомоллари ёрқин ва мароқли ҳаёт кечирарди. Биз мамлакат қийинчиликларини ўз қийинчиликларимиз деб билардик: бутун инсоният учун порлоқ истиқболни орзу қилардик, шовқин-сурон кўтариб баҳслашардик, севиб-севилардик, шеърлар ўқирдик, ўзимиз ҳам шеър ёзардик.

Ўзимизни поэзия билимдонлари деб ҳисобламасдик, биз учун энг муҳими — шеърларнинг актуаллиги, сиёсий йўналиши эди. Ҳатто ўзимизнинг комсомол шоирларимиз ҳам бўларди.

Бир куни поездда кетаётиб, ўзим тенги студент қиз билан ҳамроҳ бўлдим. Сухбатлашиб кетдик. Қиз менга одатда альбомга кўчириб қўйиладиган шеър дафттарини кўрсатди. Шуниси характерлики, дафттарда мен ҳали ўқи-маган шеър бор эди. У «Воровскийнинг ўлимига» деб ата-ларди. Биз ўша кезлари элчимизнинг ўлиmidан қаттиқ одайғуга тушган эдик, бу шеър мени жуда тўлқинлантириб юборди. Шеърнинг «Бу Лозаннада бўлган эди» деган биринчи сатридан сўнгги бандигача ёдлаб олдим.





**Тонг чоғи «Астория» деган меҳмонхонада,  
Бир қотилнинг қўлида элчимиз ўлган эди.  
Россия тарихининг муқаддас китобига  
Яна бир жонфидонинг номи битилган эди.**

Маяковскийнинг Курскка келгани эсимда. Биз комсомоллар темир йўл клубига ёпирилиб бордик. Кеча шу ерда ўтказилаётган эди. Озода кийинган оломон шоирни қаҳр-ғазаб билан кутиб олди. «Мана, сиз ўзингизни коллективчи деб ҳисоблайсиз,— деб бақиршди залдан,— лекин нега энди ўзингиз ҳадеб «мен, мен, мен» деб ёзасиз!» Шоир дарҳол жавоб қилди: «Сизнингча, подшо коллективчими? Ахир у ҳамиша «Биз Николай Иккинчи» деб ёзарди-ку?» Шовқин-сурон, кулги, қарсақлар янгради. Яна бир воқеа эсимда. Энг охириги қатордан бир йигит билан қиз секин турди-да, чиқиб кета бошлади. Улар учун Маяковскийнинг шеърини тинглашдан кўра, кўчада сайр қилиш мароқлироқ эди шеклилли. Иккаласи чўзилишиб, одамлар орасидан ўтиб бораётганда шоирнинг баланд овози янгради. Маяковский улар томон қўлини нуқиб: «Уртоқлар, ана, сафдан чиққан иккисига қаранглари!», деди. Яна зал кулгидан, чапақдан ларзага келди.

Маяковский «Владимир Ильич Ленин» достонидан парчалар ўқиди. Уни тин олмай тингладик. Биз Ильичдан яқиндагина айрилгандик, унинг ўлими умумхалқ дардига айланган, ҳарбиримизнинг қалбимизни тилка-пора қилган эди.

**Ульяновнинг умри  
узун эмас  
ва бизга маълумдир  
то сўнги нафас.  
Аммо ўртоқ Лениннинг  
поёнсиз умрин  
ҳали ёзиш,  
ёзиш,  
тасвирлаш керак.**

Бу сўзлар қудрат касб этиб жарангларди. Маяковский босиқ овозда бамисоли товуш чиқариб фикрлаётганга ўшарди. Аммо унинг йўғон овози сўнги қаторларгача етиб борарди. Дарҳақиқат, биз учун юксак тушунчаларни «қайта мажбур этди ёғду сочишга».

**Партия ва Ленин  
қондош-эгизак,—  
Она тарих учун  
қай бири қиммат!  
Ленинни  
англаймиз —  
партия десак,  
Ленин деганимиз — партия демак.**

Қуйма сатрлар ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиб, ёдимизга муҳрланиб қолди.

Маяковский кечада «Илк руда етказиб берган Курск ишчиларига» деган шеърини ҳам ўқиди. Бу шеърни тинглаб, мен заводни — домна печларини, мартенларни эслаб кетдим, яна уйга қайтгим келиб қолди. Аммо ўша 1927 йилда мен ўқишни битириб, Курск областидаги уездлардан бирида ер тузувчи бўлиб иш бошлаб юборган эдим. Кейинги дала мавсумини Белоруссияда, Орша яқинида ўтказдим, сўнгра янги ишга тайинландим. Энди бир ўзим эмас, рафиқам билан Уралга, дастлаб Михайлов, кейин эса Бисерт районига жўнаб кетдим. Бўлажак рафиқам билан комсомол кечаларидан бирида танишиб қолгандим. У ҳам менга ўхшаб ишчи оиласида ўсиб-улғайган, у ҳам мен каби ўқигани Белгороддан Курскка келган эди. Ушандан бери Виктория Петровна мен учун фақат рафиқа ва

болаларимнинг онасигина эмас, балки, бир умрлик чинакамига азиз ва меҳрибон дўст бўлиб қолди.

У ерда узоқ туришимизга тўғри келди. Урал ерларини пой-пиёда, беармон кездим, кўп ишладим, бу ўлкани, унинг одамларини ва улуғвор табиатини бир умрга севиб қолдим.

У вақтлар асрлар бўйи сақланиб келган эски турмуш виайрон этилиб, янгилик куртаклари энди ниш отаётган мураккаб дамлар эди. Янгилик нишонларини қатъият билан излаб топиб, қўллаб-қувватлаш, парвариш қилиш лозим эди. 1927 йил декабрь ойида бўлиб ўтган ВКП(б) XV съезди мамлакатда социализм қурилишининг бундан бундан бундан программасини тасдиқлаб берди. Съезд ленинча кооператив планини амалга ошира бориб, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш йўлини тутди. Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида қишлоқда ғоят теран ижтимоий ўзгаришларни амалга оширди, қишлоқни социалистик изга буриб юборди. Айни ўша 1927—1931 йилларда мен қишлоқда ишлашимга, колхозлар тузишда қатнашимизга, қишлоқдаги ғоят буюк ижтимоий инқилоб бағрида бўлишимга тўғри келди.

Илгари менинг ихтисосимдаги кишиларни кўпинча ер ўлчовчилар, деб юритишарди. Энди бу ном ўзгарди, биз ҳақиқий маънодаги ер тузувчилар бўлиб қолдик. Қишлоқ хўжалик артеллари тузилиб, ер, мол, хўжалик қурилишлари, асқоб-ускуналар умумлаштирилди. Энди биз, ер тузувчилар учун аввалги парча-парча ерларни бирлаштириб, коллектив қартасига тушириб қўяқолишимизгина кифоя қилмас эди. Биз бу ишларни янги ижтимоий, илмий, иқтисодий ва техникавий асосда амалга оширишимиз, ҳозирги замон агротехникасига ҳамда келгусида ишларни кенг миқёсда механизациялашга мўлжалланган йирик социалистик хўжаликлар манфаатини кўзлаб иш юритишимиз зарур эди.

Биз колхозларда ердан уюшган ҳолда, илмий фойдаланишга асосланган янги қарталар яратдик. Улар колхозларга узоқ йиллар хизмат қилди, улардан урушдан кейинги агрономлар ҳам фойдаланишди. Ер тузиш ва дастлаб-ки коллектив хўжаликларни бунёд этишда орттирган тажрибам эса менга кейинроқ, Шимолий Қозоғистонда, қўриқ ерларда юзлаб янги совхозлар ташкил этишда жуда асқотди.

Ер тузувчи бўлиб ишлаган йилларимда мен юзлаб одамлар кўз ўнгида ўзимнинг Совет ҳокимиятининг мухтор вакили эканимни илк дафъа ҳис этдим. Нивелир ва ўлчов чўпи қандай қўйилгани, трасса қайга қараб ўтказилгани, қулоқлар билан тўқнашувда киши ўзини қандай тутганига қараб деҳқонлар партия сиёсати ҳақида ҳукм чиқаришарди: айни шу ерда, далада ким Совет ҳокимияти томонидан-ю, ким унга қарши экани очиқ-ойдин бўлиб қоларди.

Бисерт темирйўлчилари деҳқонларга совға қилган биринчи тракторни яхши эслайман. Мўъжазгина, кучсиз «Фордзон» трактори одамларга Ернинг биринчи йўлдошидан ҳам кўра кучлироқ таъсир қилган эди. Далада машина пайдо бўлишида рамзий маъно бор эди. Қишлоқни ижтимоий қайта қуриш қуроли, колхоз қурилишининг тарғиботчиси ва ташвиқотчиси эди. Маҳаллий қулоқлар ва уларнинг гунашталари «темир от» юриб ўтган ерлар ҳосил бермайди, деган миш-мишларни тарқатишди, аммо ғалла шундай бўлиб бердики, асти қўяверасиз. Шунда ғанимлар кечаси омборни ёндириб юборишди. Бисерт колхозчиларининг қаҳрамонлиги туфайлигина донни сақлаб қолишга муваффақ бўлдик.

Буларнинг ҳаммаси кинода, китобларда эмас, балки кўз ўнгимизда юз берди. Бошқа комсомоллар қатори мен ҳам далада қулоқларга дуч келдим, қишлоқдаги йиғин-









танлармидинг, деб сўрашса, йўқ, дея қатъий жавоб берамиз. Чунки, бизнинг йўлимиз — халққа, партияга фидокорона хизмат қилиш йўлидир.

Вақт яна тигизлашди. Цехларда реконструкция борар, бу ишга заводимизнинг бош инженери, бўлғуси академик И. П. Бардин раҳбарлик қиларди. Янги-янги агрегатлар кўйилар, механизация жорий қилинар, хуллас, иш етиб ортарди. Институт ҳаёти ҳам қизиқарли ва қайноқ эди. Билимга биз ҳамisha зўр иштиёқ билан талпинардик. Бунинг устига, мени факультет группа партия ташкилотчиси, сўнгра касаба союз комитети раиси, ва ниҳоят, институт парткомининг секретари қилиб сайлашди. Бу дўстларимнинг катта ишончи эди. Бу ишонч менга шуқуҳ бахш этарди, албатта. Узим ҳам табиатан одамлар орасида бўлишни ёқтираар, иш деса ўзимни сира аямас эдим.

30-йилларда кадрларни, аввало илмий-техника зиёлиларини ўқитиш, тарбиялаш, ғоявий чиниқтириш вазифаси кескин турарди. Шу боисдан 1933 йилда менга янги вазифа топширганларида уни бутун масъулияти билан қабул қилдим: учинчи курс студенти эканлигимда рабфак раҳбари этиб, сўнгра эса Днепродзержинск металлургия техникумининг директори қилиб тайинлашди. Чин дилдан берилиб ишладим. Одамларга мумкин қадар кўпроқ ёрдамим тегишини истардим. Уша йиллардаги буйруқлар дафтари сақланиб қолган. Эски, эндиликда эҳтимол бир мунча жўн бўлиб туюладиган буйруқларни ўқиганимда мийғимда кулиб қўяман. Аммо у вақтларда бу нарса керак эди. Биз ҳар бир студент учун курашишни ўзимизнинг бурчимиз деб ҳисоблардик, заводдаги йигитларни ўқишга кўндирардик, уларга касаба союз ташкилотлари йўли билан қарз берардик, баъзан эса уларни ошхонамизда текинга овқатландирар эдик. Бир куни заводимизга машҳур металлург олим, домна жараёни назариясини яратган академик М. А. Павлов келиб қолди. Мен уни рабфакчилар олдида сўзга чиқишга кўндирдим. Тенгқурларим академикнинг сўзларини нақадар берилиб тинглаётганини кузатиб қувондим. Мана шу йигитлардан кейинчалик ишлаб чиқаришнинг ажойиб командирлари етишиб чиқди — улар эски тоифадаги «мутахассислар» бўлмай, балки ташаббускор, новатор, коммунизм идеалларига садоқатли кишилар эди.

Техникумдаги иш, партия топшириқлари ва жамоат ишлари мени ўқишдан асло озод қилмаган эди. Бу ишларни рўқач қилмай курс лойиҳалари чизардим, имтиҳонлар топширардим. Мавқеим — бошқалар учун намуна бўлишни тақозо этарди. Мабодо ўзим енгил-елпи ўқисам, бошқалардан ўзлаштириш ва аъло ўқишни талаб қила олармидим? Яна бир ҳужжатдан, Давлат малака комиссиясининг 1935 йил 28 январдаги мажлиси протоколдан кўчирма келтираман:

«Т и н г л а н д и: иссиқ кучланишли ускуналар бўлимининг V курс студенти Л. И. Брежневнинг «Ф. Э. Дзержинский номидаги завод шароитида домна газини электростатик йўл билан тозалаш лойиҳаси» мавзуйдаги диплом ишининг ҳимояси. Кафедра илмий ишни назарий қисм бўйича — аъло, лойиҳа бўйича — аъло баҳолади.

Газ тозалаш вазифасини ҳал этишга ўйлаб ёндошилганлиги ва лойиҳанинг тушинтириш ёзувларидаги ҳисоб-китоблар авторнинг инженерлик тайёргарлиги жуда ҳам яхшилигидан далолат беради.

Ҳамма саволларга ўртоқ Брежнев батафсил жавоб берди.

Қарор қилинди: диплом иши аъло даражада бажарилган. Ўртоқ Л. И. Брежневга иссиқ кучланишли ускуналар инженери унвони берилсин».

Кучланишли цехда смена бошлиғи сифатидаги янги вазифам ҳақида қисқа қилиб шуни айтмоқчиманки, бу қиз-

фин меҳнат, энг мақбул ишлаб чиқариш режимларини излаш, баҳслашувлар, зарбдор вахталар, муқобил планлар, баъзан эса муваффақиятсизликлар, ярим тунда уйдан ишхонага чақириб кетишлар, билан тўла йил бўлган эди.

Уша йили ҳаётимда кескин бурилиш юз берди: мени Қизил Армия сафига чақирди.

Эрталаб чақириқ қоғози билан ҳарбий комиссариатга келдим. Бу ерда собиқ студентимиз Аркадий Куценкони учратиб қолдим. Икковимизнинг маълумотимизни ҳисобга олиб, бизни Читага, танк мактабига юборишаётган экан. У вақтда бу мактаб Забайкалье бронетанк академияси деб аталарди. Яна завод билан, дўстлар, қариндош-уруғлар билан хайрлашиб, узоқ ўлкаларга жўнаб кетишга тўғри келди.

— Ҳарбий бўлмоқчимисан? — деб сўради Куценко.

— Ким билади, — дедим. — Балки вақт келиб бу ҳам асқотиб қолар.

#### 4

Ҳарбий эшелонимиз Шарққа қараб қирқ кечаю кундуз йўл босди. Биз Москва орқали кетаётган эдик. Мен Қизил майдонда бўлиб Кремлни кўриш, Ленин мавзолейини зиёрат қилишга умид боғлаган эдим. Аммо бунга фақат қайтишдагина муяссар бўлдим.

Ортингда ҳаётнинг бир босқичи қолаётганида ҳамisha аллақандай маънос тортасан. Айни пайтда олдинда сени бошқача, ҳали номаълум ҳаёт кутаётгани, шоир сўзлари билан айтганда, йироқ-йироқлар чорлаётганини ҳис этганимда қувонасан ҳам...

Табиатим ўзи шунақа шекилли: қаерларда ишламайин, ўша жойларнинг ҳаммасини ҳозир ҳам севаман, қадрдон юртим деб биламан. Буғдойзорлар орасида қад кўтарган оқ-яшил украин қишлоқлари ҳам, ярқ этиб кўзга ташлан-маса-да, аммо қалбингни ром этувчи белорус манзараларининг гўзаллиги ҳам, Молдавиянинг гуллаб турган саховатли боғ-роғлари ҳам. Қозоғистоннинг айниқса, баҳор кезларида гиламдек лава ва қизғалдоқлар билан яшнаб кетадиган ҳадсиз чўллари ҳам менга бирдай ёқади... Уша қирқ кечаю кундуз мобайнида эса, бутун мамлакат кўз олдимдан ўтиб турди, мен унинг поёнсиз кенгликларидан ажабланмай иложим йўқ эди.

Биз келган ҳарбий лагерь Читадан унча узоқ бўлмаган Песчанка станциясидаги районда жойлашган эди. Сарғим-тил яйдоқ ерда японлар қуриб кетган узундан-узун, кўримсиз, пастқам бараклар турарди. Урта сайхонлик, те-варак-атроф одам оёғи етмаган қоялар. Сув тўлдирилган бочкани тортиб кетаётган эринчоқ туяни ҳозир ҳам эслайман. Бу ерда сувни узоқдан ташиб келтиришар эди, ҳаммомда ҳам (ҳаммом солдат учун энг муҳим нарса) ҳар бир кишига икки тосдан сув берилар эди.

Бизни кийинтириб, роталарга бўлишди. Мен танк батальонининг биринчи ротасига тушдим. Шундай қилиб, хизматни бошлаб юбордик.

— Подъём! Уқдек учиб чиқинглар!

Жазирамадами, қирчиллама совуқдами, ёмғир ё шамолдами — бари бир, белимизгача яланғоч бўлиб олиб, зарядкага югуриб чиқар, сўнгра нуношга бориш учун саф тортар, кейин эса Устав бўйича машғулотлар ўтказар, узоқ соатлар мобайнида сафда юриш тайёргарлигини кўрар, старшина Фалилеевнинг панд-насиҳатларини эшитар эдик. Старшина бизга жуда қаттиқ турарди:

— Бу ер сизларга институт эмас, бу ерда каллани ишлатиш керак. Смир-р-но!

Сафда биз ҳамisha қўшиқ айтиб юрардик. У вақтларда «Бизни урмоқ, урмоқ бўлдилар» қўшигини оғиздан қўймак





эдик. Кўшиқни ҳуштак жўрлигида аҳил куйлаб, бир маромда қадам ташлаб борар эдик. Мен бу ҳаётга тезда кўниқиб кетдим.

Яқинда Сибирь ва Узоқ Шарққа қилган сафаримда Песчанкада бўлишга тўғри келди. Посёлкада ҳозир ҳам ўқув ҳарбий қисми бор экан, лекин энди у бутунлай ўзгариб кетибди. Бу ердаги ҳарбий шон-шухрат музейида ўша йиллари танкчи шлёмида тушган суратимни кўрдим. Солдатлар Улуғ Ватан урушига доир фотосуратларни, материалларни, Кичик ерликларнинг ҳужжатларини меҳр билан тўплашибди. Еш жангчилар ўзлари яшаётган уйни бориб кўришга таклиф этишди. Бу уйлар биз хизмат қилган пайтдаги баракларга сира ҳам ўхшамайди. Замонавий бинолар, ойнаванд ёруғ хоналар, ётиш жойлари тартибли, пол ялтираб турибди. Илгари эса уй-жой фонди йўқ ҳисоби, танкларни эса траншеяларга тушириб, устини брезент билан ёпиб қўйишар эди.

Биз учун энг муҳими ҳарбий хизмат эди. Ҳамиша, армия оdatига кўра, спортга кўп эътибор бериларди. Турникда машқ қилар, волейбол ўйнар, қишда эса чанғида походга чиқар эдик. Эсимда, бир сафар чанғида узоқ йўл босишимга тўғри келди. Уттиз-қирқ километр юриб, разъезддаги қўмондонликка рапортлар олиб борган эдим.

Ақсарият бизга, танкчилар узоқ пиёда йўлни босиб ўтишни ҳам ўрнига қўйишлари керак, деб таълим беришарди. Шинелни бўйинча қилиб, этик кўнжини тортиб, «Олга» деган команда билан кетаварардик. Шундай узоқ йўллар босишга тўғри келардики, олдинга оёқларимиз дам-бадам қавариб кетарди, пайтава ўрашни ҳам билмасдик. Нималарни кўрмадик, дейсиз. Бир сафар, баҳор кезлари, шундай бўлган эди. Биз одатдаги югуриш маршидан кўшиқ айтиб қайтаётган эдик, ҳамма нарсга гўё кўнгилдагидек эди. Бирданига йўлимизни сув тўсиб қўйди. Қарасак, икки тепалик орасидаги сой тошиб кетибди. Командирнинг «Нега тўхтаб қолдинглар?» деган овози эшитилди. Ҳамма жим: кўриб турибсиз-ку, сувдан ўтиб бўлармиди, дегимиз келади. Бунинг устига, баданни жунжитадиган изғирин эсяпти. Бу жойларда илк баҳор одатда совуқроқ бўлади. Қарасак, командиримиз гимнастёркасини ечиб, шаҳсий кўролини ўради-да, боши узра кўтариб, «Менинг орқамдан юринглари!» деб команда берди. Сув ниҳоятда совуқ эди. Бир амаллаб сойдан ўтиб олдик — тишимизга тегмай дир-дир қалтираимиз. Шу пайт яна команда эшитилди: «Олга, югуринглари!» Оғир эди, лекин энгиб кетдик, энгиб ўтдик бу машаққатларни.

Иродамиз шундай тобланди, бизнинг характеримиз совет солдатининг характери шу тахлитда шакллана борди. Кейин ажойиб кунлар келди: тактика машғулотлари бошланди, биз танк қисмларини, танк ҳайдашни ўрганишга киришдик. Биз «Т-26», «БТ-4» деган ўртача танкларда машқ ўтказар эдик. Булар ҳозирги танклардан анча кучсиз эди, албатта. Аммо, ўшанда улар бизга даҳшатли қурол бўлиб туюлган эди. Биз тўхтаб ёки кетаётиб ҳаракатдаги нишонга ўқ узар, батальон командири Копцов машқимизни аъло баҳолаган пайтларда, айниқса, хурсанд бўлиб кетар эдик.

Бу талабчан командир ва дилкаш инсонни ҳали-ҳали мамнуният билан эслаймиз. Биз у киши билан дўстлашиб қолдик, деёлмайман, (зотан у командир, мен — курсант эдим). Бироқ, комбат мен билан яхши муносабатда эди, мен уни чин дилдан ҳурмат қилардим. Кеңқурунлари кўпинча икковимиз армия хизмати, уруш бўлиши эҳтимоли тўғрисида гаплашиб ўтирардик. Кейинчалик Василий Алексеевич Копцов Халхин-Голдаги жангларда қатнашиб, Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлди, Улуғ Ватан урушида у генерал эди, фронтда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Жанглар офицерлардан дастлаб танишганим шу киши эди:

одатда бундай кишиларни вужуд-вужуди билан ҳарбий одам, дейишади. Табиатан у камсухан, иродали, ҳамиша бардам, чакмоқдек одам эди. Мен учун у исталган пайтда Улуғ Ватанимизни ҳимоя қилишга тайёр, бутун ҳаётини совет солдатларини тарбиялашга бағишлаган мураббий ва чинакам командир намунаси эди.

Бир воқеа эсимда: биз жойлашган қисм ёнидан Читинка дарёси оқиб ўтар эди. Биз қирғоқда туриб, дарёни томоша қилишни ёқтирар эдик: сув тип-тиниқ, кўп жойларда дарё тубигача шундоққина кўриниб турарди. Бир кун Копцов бундай деб қолди:

— Мана, ҳаммангиз инженерсиз. Бир масала бераман, ечишга уриниб кўринглр-а. Айтايлик, сизлар танк миниб сайхонликда кетяпсиз. Тўсиқларни энгиб ўтдингиз, машинани тепаликка қиялатиб қўйдингиз. Аммо, танкда дарё кечиб ўтишни биронтангиз ўйлаб кўрганмисизлар?

Ишонасизми, биз бу муаммони ечишга киришдик. Олдинга ўзимизча хомчўт қилиб кўрдик. Ниҳоят, бу вазифани ҳал этдик.

Бу нимадан далолат беради? Ўзига хос довжуракликни тарбиялашми? Йўқ. Биз комбатнинг буйруғини ўзимизча тушундик: у бизни танк экипажи ўқув машқида эмас, балки ҳарбий ҳаракатлар гирдобига тушиб қолганида қутилмаган қийинчиликларни қандай энгиб ўтар экан, деб синаётган эди. Урушда ҳарбий машқ майдонидагидан кўра мураккаброқ вазифаларни ҳал этишга тўғри келади. Копцов бизни шунга тайёрлаётган эди. Шунинг учун кўпларимиз ундан миннатдор эдик. Батальонимиздан чиққан танкчилар Улуғ Ватан уруши йилларида ўзларини чиниққан командирлар сифатида кўрсатишди. Шу ўринда Суворовнинг «Машқ оғир кўчса — жанг энгил бўлади», деган сўзларини эслагинг келади. Аслида-ку, жанг ҳеч қачон энгил бўлмайди.

Песчанкада мен биринчилардан бўлиб взвод командири, кейин эса иккинчи ротанинг командирлигига тайинландим. Бу вазифалар мен учун фахрли бўлиб, буни қўмондонликнинг ўзимга бўлган ишончи деб билдим.

Кейин қисм сиёсий бўлимнинг бошлиғи бўлдим. Иш бошимдан ошиб ётарди. Бир ёқда ҳарбий хизмат, бир ёқда жанговар варақалар чиқариш, сиёсий ахборот соатини ўтказиш, тарбиявий ишлару солдатлар билан суҳбатлар уюштириш керак эди. Инсон — ҳаммаша инсон, ҳар кимнинг турли ташвиши, изтироблари, севинчлари бўлади. Аммо мен нечоғли банд эканимга қарамай, ҳаммаша фурсат топиб, уйга тўрт энлик хат ёзиб юборар эдим. Бир кун уйдагиларга суратимни юбордим. Эшик олдида турсам, Копцов келиб қолди, кимдир шиқ этказиб суратга олди. Сурат ёмон чиқмабди. Уни уйга жўнатдим. Ота-онам учун фарзандларининг хатини олишгина эмас, унинг ҳеҳрасини кўриб қўйиш ҳам ёқимли бўлса керак деб, ўйладим.

5

Йиллар ўтди. Мана, ўша кўч-кўчаларнинг, янги-янги вазифалару учрашувлар, умримда қўл урмаган нотаниш ишлар билан машғул бўлишнинг самарасини эндиликда равшан кўриб турибман.

Инженерлик дипломини ёқлаганимда, бир кун келиб «Запорожсталь»ни тиклаш билан шуғулланаман, область ва ҳатто бутун мамлакат мудофаа саноатига раҳбарлик қиламан, деб сира ўйламаган эдим. Ер тузувчи бўлиб ишларканман, қачонлардир ўртоқларим билан миллионлаб гектар қўриқ ерларни қайта тузишимга тўғри келиши сира ҳаёлимга келмаган эди. Ҳарбий таълим оларканман, бу таълим сабоқлари машаққатли урушда қўл келишини тўла-тўқис тасаввур этмаган эдим. Буларнинг барчаси жам-



ланса ҳамда одамлар оммаси билан доимий мулоқатда бўлганим ҳам қўшилса, уларнинг оддийгина икки сўз билан партиявий иш, деб аталувчи тажриба, кўникма ва билим қотишмасига айланишини билмаган эдим. Йиллар ўтishi билан мен шунинг англадимки, минг-минглаб бошқа кишилар қатори мени ҳам чинакамига бўлғуси катта ишларга тайёрлашган экан. Онгли равишда тайёрлашган экан. Бу тайёрловни Коммунистик партия олиб борди.

Армиядан қайтганимдан кейин кўп ўтмай мени Днепродзержинск шаҳар совети ижроия комитети раисининг ўринбосарлигига сайлашди. Кекса партия аъзоси, Болтиқ денгизчиси, Октябрь революциясининг иштирокчиси, Дзержинкамизнинг ишчиси Афанасий Ильич Трофимов ижроком раиси эди. Саводи унчалик эмасди, шу боисдан у инженерлик маълумотим борлигидан жуда қувониб кетиб, дарҳол менга ижрокомдаги қурилиш ва шаҳар хўжалиги соҳасини бошқаришни таклиф этди.

Советнинг тиним билмас, кенг қамровли, бутунлай халқ эҳтиёжини қондиришга қаратилган ишига чуқурроқ кириб боришга тўғри келди. Бу вазифа мен учун янгилик эмасди. Бисерт районидак бунақа иш билан шуғулланган эдим, аммо, барибир, кўп нарсаларни қайтадан идрок қилишим лозим эди. Бу тажриба менга 1960 йили СССР Олий Совети Президиумининг Раислигига сайланганимда қўл келди, бугунги кунда партия ва халқ КПСС Марказий Комитети Бош секретари вазифаси билан бирга бу юксак, фахрли, аммо тинимсиз меҳнат талаб қилувчи ғоят масъулиятли лавозимни менга яна ишониб топширганлариди ҳам қўл келмоқда.

Ўз тажрибамдан келиб чиқиб, мен аввал-бошдан депутатларнинг ҳуқуқларини кенгайтирувчи қонунлар ишлаб чиқиш ва уларни қабул қилиш йўлини тутдим, маҳаллий советларнинг ролини кучайтириш, уларнинг обрўсини ошириш, бутун давлат аппарати фаолиятини такомиллаштириш ҳақидаги масалаларни кўйдим.

Менинг кўз олдимда Каменск замонавий Днепродзержинск шаҳрига айланди. Мен у ерда ишлаган вақтимни ҳамisha мароқ билан эслайман. Ажойиб пайтлар эди. Айни ўша йиллари биз Шимолий қутбни забт этган тўрт папанинчи азаматни олиқлашад қарсак чалган, Чкаловнинг қитъалараро учтиларини қалбимизда чексиз ҳаяжон ила кузатган, Магнитка, Кузнецк комбинати ва бошқа янги қурилишлардан олинган хабарларни севиниб-севиниб ўқиган эдик. У кезларда Днепровск заводи ҳам ривожланиб, кучга тўлиб бораётган эди: кўз ўнгимда саккизинчи домна печига ўт ёқилди, аглофабрикани, учинчи мартен цехини ишга солишди. Пўлат қуёвчимиз Яков Чайковскийнинг стахановчилик рекорди бутун Иттифоқ бўйлаб тилга тушди. Оғир саноат халқ комиссари Серго Оржоникидзе мамлакатимиз пўлат қуёвчиларига мурожаат қилиб, унинг тажрибасини ўрганишга чақирди.

Завод билан, тўғрироғи, кейинчалик пайдо бўлган заводлар билан бирга шаҳримиз ҳам юксала борди. Триузное, Романково қишлоқлари ҳам шаҳарга қўшилиб кетди. Энди янги-янги муаммолар пайдо бўлди — мактаб, поликлиника, болалар боғчалари етишмасди, уй-жой танқис, водопровод, канализация, транспортни янгилаш лозим эди. Ижрокомда мен мана шу масалалар билан шуғулландим. Директорлар ўз корхоналари яқинида «хўторлар» қуришга интилишарди. Бу борада улар билан тортишини удаллашим, тор идорачилик кайфиятларига барҳам бериб, куч ва маблағларни ягона қўлга жамлашим лозим эди. Гарчи кичик бўлса ҳам, аммо одамларга шу қадар асқатган дастлабки муваффақиятимизни сира унутмайман.

Оғир саноат комиссарлигидан маблағ ундиришга муваффақ бўлдим. Бу пулга Баглейдан Ленин майдонигача

трамвай изи ётқиздик. Қизил вагонлар бутун шаҳар бўйлаб физиллаб ўтган кун ҳақиқий тантанага айланиб кетган эди. Ҳозир ҳам пионерлар саройи бўлиб турган шинам бинони тиклаганимиз (олтмиш икки кун ичида) ёдимда, комсомолларнинг стадион қургани, биринчи марта тўрт қаватли, балконли, деразалари катта-катта «юксак» бинолар қурилганини эслайман. Гарчи қурилиш миқёслари бугунги кундагидан анча орқада бўлса ҳам, юзлаб оила-лар ҳовли тўйлари ўтказишди. Шаҳар кўчаларига тош ётқизилиб, хиёбонлар бунёд этилди, магазинларда моллар кўпайиб қолди, халқ яхши кийинадиган бўлди, ҳаёт яхшилана борди — Днепродзержинскда ишлаган даврим мана шу жиҳатлари билан хотирамда қолган.

Днепродзержинск шаҳар советида бир йилдан кўпроқ ишладим, сўнгра мени партия ишига кўтаришди. Олдини-га Украина Коммунистик (Большевиклар) партиясининг Днепропетровск область комитетида бўлим мудури бўлдим, сўнгра 1939 йил февраль ойида обкомнинг пропаганда бўйича секретарлигига сайландим. Область партия ташкилотининг штаби бўлган обкомнинг мураккаб ва кўп қиррали иши тўғрисида «Тикланиш» китобида батафсил сўзлаган эдим. Ўша вақтлари Семён Борисович Задюченко обкомнинг биринчи секретари эди. Тажрибали, ақлли, кучли бу одамдан кўп нарса ўрганса бўларди. У билан амалий, ўртоқларча муносабатда эдик. Мен партиявий ишнинг энг муҳим соҳаларидан бирига — идеология соҳасидаги ишга масъул эдим. Вазифаларим доираси кескин ортиб, иш миқёслари кенгайиб кетди, энди мен шаҳар ва қишлоқларга тез-тез борадиган, юзлаб одамлар билан учрашадиган бўлиб қолдим.

Бу мактабни ўтганимни ҳаётимдаги муҳим воқеа деб ҳисоблайман.

Маълумки, партиявий раҳбарликнинг сиёсий, идеологик, ташкилий ишлардан иборат учта асосий йўналиши мавжуд. Бу йўналишлардан қайсиниси муҳимроқ, деган сўз бўлиши мумкин эмас — партияга уларнинг барчаси зарур, бирдай муҳимдир. Партиявий фаолиятнинг ҳамма жиҳатларини қўшиб олиб бориш маҳорати бамисоли бир санъат, бу санъатни умр бўйи ўрганиш лозим.

Идеология иши Коммунистик партиянинг ҳамisha биринчи даражали вазифаларидан бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Бу иш кўп қиррали, у жамиятда юз бераётган жараёнларни илмий таҳлил қилишни, шу муносабат билан вужудга келадиган муаммоларни муттасил ҳал этиб боришни талаб қилади.

Давлат ва жамият ҳаётининг ғоявий асосини унинг ҳатто айрим участкасида, ҳатто бир нафас бўлсин, унутиб қўйиш, ғоявий хатоликлар билан муроса қилиш ғоят хавфлидир. Бир қарашда, айтилик, у техник хатоликларга ўхшаб дарҳол кўзга ташланмаслиги мумкин. Масалан, қандайдир бир агрегат нотўғри лойиҳалаштирилган бўлса, у қутилган натижа бермайди ёки умуман ишламайди — бу нарса дарров кўриниб қолади, келтирилган зарарни осонлик билан ҳисоблаб чиқиш мумкин. Аммо, идеологияда йўл қўйилган хато одатда яширин, чиройли сўзлар билан ниқобланади, шунинг учун ҳам оқибати ёмон бўлади. Агар бу хато дарҳол сезилиб, вақтида бартараф этилмаса, кўп ўтмай касри тегиши ва жуда катта зарар етказиши мумкин. Бизнинг замонамизда вакуум-бўшлиққа ўрин йўқ: қаердаки биз хотиржамликка йўл кўяр эканмиз, ўша ерда ғоявий муҳолифларимиз иш кўра бошлайди. «Шу сабабли, — деб уқтиради В. И. Ленин, — социалистик идеологияни ҳар қандай камситиш, ундан ҳар қандай четланиш буржуа идеологиясини кучайтириш демакдир».

Мен ҳикоя қилаётган ўша йилларда бунини жуда ўткир ҳис этганман: Фарбда иккинчи жаҳон уруши бошланиб, чегараларимизга яқинлашиб қолган, икки системанинг

гоявий-сиёсий қарама-қаршилиги ўзининг энг сўнгги шаклига — очикдан-очик ҳарбий тўқнашувга келиб тақалган эди. Бундай вазиятда кадрларни гоявий-сиёсий тарбиялашга, партиянинг омма билан алоқасини мустаҳкамлашга бўлган талаблар кучайди. Фаол, жанговар ташвиқот иши олиб бориш, душман идеологиясига ўз вақтида зарба бериш, совет кишиларидаги юксак сиёсий онглиликни мустаҳкамлаш, уларни социалистик ватанпарварлик ва пролетар интернационалиزمни руҳида, коммунизм идеалларига садоқат руҳида тарбиялаш лозим эди.

Ҳар бир раҳбарда, ҳар бир коммуниста бу ишларга салоҳият бўлиши керак, бугина эмас, бир қарашда оддий бўлиб кўринган, лекин доимий куч-ғайрат талаб қилувчи вазифа, яъни биз ўз олдимизга қўяётган, партиямиз Марказий Комитети мана шу босқичда конкрет эришмоқчи бўлган мақсадни халққа етказиш, уни тушунтириш лозим эди. Бошқача қилиб айтганда, турли аудиторияларда сўзлаш, одамлар билан учрашиш даркор эди. Ушанда Днепрпетровск областида мен илк бор шундай зарурият билан тўқнаш келдим, шу муносабат билан ўша йиллари кўнглимда туғилган баъзи мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман.

Жўшқин партиявий сўз партиянинг қудратли қуроли бўлган эди ва шундай бўлиб қолаверади, бунга ўта жиддий муносабатда бўлмоқ керак.

Совет кишилари партиянинг сиёсатини қўллаб-қувватламоқдалар, маъқулламоқдалар. Шунга қарамай, биз идеология ишига ҳаммиша катта эътибор бериб келдик ва эътибор бераверамиз. Бу ишда энг муҳим қурол ҳақиқатдир. Ютуқларимиз тўғрисида ҳам, камчиликларимиз тўғрисида ҳам ҳалол гапириш керак, деб ҳисоблаймиз. Очикчасига айтилган гапни одамлар ҳаммиша тушунишади. Социализмнинг кучи омманинг онглигидадир, деб таъкидлаган эди В. И. Ленин.

Тайинсиз, одамларни қизиқтирувчи масалалардан йироқ, шу куннинг эҳтиёжларидан узилиб қолган тарғиботдан кўра самарасизроқ нарса йўқ. Агар нотиқ кескин саволларга жавоб беришдан қочса, у одамларда ишончсизлик туғдиради. Агар лектор минбарга чиқиб олиб чайналаверса, ҳаммага маълум нарсаларни такрорлайверса, бунинг бир қақалик фойдаси йўқ, у ёғини сўрасангиз, бундай нотиқ одамларни умуман лекция тинглашдан бездириб қўяди. Бу ишда расмиятчилик кетмайди, унга албатта ижодий ёндашмоқ лозим. Бир нарсани таъкидламоқчиман: муваффақият сири баъзи буржуа сиёсатчиларига ўхшаб сўзамоллик қилишда, баландпарвоз ҳайқариқлар билан томоқ йиртишда эмас. Маълумки, В. И. Лениннинг овози унақа баланд эмасди, бироқ унинг нутқини ҳамма эшитарди. Бутун мамлакат, бутун инсоният эшитарди. Чунки уни ҳамма жон қулоғи билан тингларди. Унинг нутқларида оммага яқин, тушунарли ғоялар ва фикрлар бўлгани учун, бу ғояларни химоя қилиб, рад этиб бўлмайдиган далиллар топа билгани учун, мантиқли, чуқур илмий, дадил хулосалар ясагани учун, ҳаммиша конкрет ва муҳим вазифалар қўйгани учун ҳам халқ уни тингларди...

Урушгача бўлган Днепрпетровскдаги йилларни ғоят шиддатли меҳнат даври сифатида эслаيمان. Ташқаридан қараганда ҳамма нарса сокиндек туюларди... Кинотеатрларда «Волга-Волга», «Ойдин йўл» комедиялари намойиш қилинар, шаҳар ва қишлоқларда одатдаги меҳнат жараёни борар, далаларда ҳосил пишиб етилаётган эди. Аммо, бизларнинг ҳаммамиз уруш хавфи кучайиб бораётганини ҳис этардик. 1940 йил Днепрпетровск область партия комитети ВКП(б) Марказий Комитетининг масъулиятли топширғини олди — областдаги корхоналарнинг бир қисмини ҳарбий техника ишлаб чиқаришга кўчириш керак эди. Москвадан шифрланган хат келди. Унда мудофаа

саноати бўйича обком секретари лавозимини таъсис этиш таклиф этилган эди. Обкомнинг бюро мажлисини Задионченко ўтказди. У, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси бу ишнинг алоҳида муҳимлигига қақчалик катта аҳамият бераётганини ҳисобга олиб, бу лавозимга техник жиҳатдан тайёргарлиги бўлган, металлургияни биладиган мутахассиснигина эмас, балки одамлар билан ишлай оладиган моҳир ташкилотчини кўтариш керак, деди. Тахминан шу гапларни айтиб, Задионченко менинг номзодимни таклиф этди. Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Биз урушнинг реал хавфини ҳисобга олганмидик, шунга тайёргарлик кўрганмидик? Ҳаммасини сўзсиз ҳисобга олган, тайёргарлик кўрган эдик. Уруш хавфи кучайиб бораётгани, фашизм — асосий душманамиз эканига шубҳа йўқ эди.

Мамлакат металлга катта муҳтожлик сезарди. 1940 йил июнь ойида СССР Халқ Комиссарлари Совети ва ВКП(б) Марказий Комитети «Чўян, пўлат ва прокат ишлаб чиқариш бўйича белгиланган планининг бажарилишини таъминлайдиган тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Агрегатлар қувватидан яхшироқ фойдаланиш учун металлургиянинг Бутуниттифоқ мусобақаси авж олиб кетди, менинг ҳамюртларим ҳам бу мусобақада сезиларли ютуқларга эришдилар. Фақат тинчлик мақсадида маҳсулот тайёрлаб келган корхоналар эндиликда армия учун ишлаб бошлади: Артём номидаги завод ҳарбий самолётлар учун деталлар ишлаб чиқаришга киришди. Коминтерн номидаги завод миномётлар, Дзержински номидаги Днепрпетровск металлургия заводи артиллерия снарядлари ишлаб чиқаришга ўтди...

Обкомдаги иш столимга қувончли маълумотлар кела бошлади. Гарчи эндиликда юзлаб корхоналар учун масъул бўлсам-да, айниқса, қадрдон заводимдан келган хушхабарлардан қувонганимни яширмайман. 1941 йили Ф. Э. Дзержинский номи Днепропетровск заводини «Совет Иттифоқининг энг яхши металлургия заводи» унвони берилиб, Қора металлургия Халқ Комиссарлиги билан металлургия қасаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилди.

\* \* \*

Ватан туйғуси ҳар биримизда ёшлик хотирасидан, ўз уйимиз, ўз кўчамиз, ўз шаҳримиз ёки қишлоғимиз хотирасидан бошланади. Айни пайтда юрагимизда улғувор, буюк Ватанимиз туйғуси яшайдики, айниқса, хавф-хатару катта синон кунларида бу Ватан ҳар бир бурчагигача ногаҳон жонимизга яқин ва азиз бўлиб қолади.

Жонажон мамлакатимизнинг кенгликларини ўз кўзим билан кўриш бахтига муяссар бўлдим, жуда кўп ватандошларим билан яқиндан танишдим ва мен шуни англадимки, халқнинг режалари, ўй-орзулари, ниятлари биз яшаш насиб этган заминга муносибдир. Бу заминни биз оталаримиздан мерос қилиб олганмиз ва уни болаларимизга янада бой ва гуллаб-яшнаган ҳолда топширишимиз лозим.

Биз буни дастлабки беш йилликлардаги буюк зафарларимиз билан исботладик.

Лекин, халқимиз ҳаётида мисли кўрилмаган машаққатли, аччиқ, айни пайтда юксак садоқат ва мислсиз қаҳрамонликка тўлиб-тошган давр келди. Улуғ Ватан уруши бошланди. Социализмнинг буюк зафарларини химоя қилиш, амалга оширган ва қўрган нарсаларимизнинг ҳаммасини сақлаб қолиш, азиз диёримиз учун кўкракни қалқон қилиш пайтга келди. Мен ҳам миллион-миллион совет солдатлари ва офицерлари билан биргаликда урушнинг бошидан охиригача, биринчи кунидан порлоқ ғалаба кунигача бўлган ғоят машаққатли йўлни босиб ўтдим.

Лекин бу даврнинг ўзи алоҳида бир ҳикоядир.



## ЗУЛФИЯ

### О, ИЖОД...

О, ижод, дардгинам,  
Сен менинг оромим рақиби,  
Уйқусиз тунларим ёритган чироқ!  
Тандаги зилзилам,  
Муқаддас танҳолик ҳабиби,  
Гоҳ чорлаб, гоҳ дейман кет йироқ.

О, менинг уримнинг эгови,  
О, қалбим дардига бир малҳам,  
Мен уйқу истайман!  
Бўласан шеър дови,  
Кетмайсан қувсам ҳам.  
Қаламни ташлайман,  
Сўндириб мен чироқ,  
Бу ғужғон ўйлардан ёрилгич бошимни  
кўрпага ўрайман.

Ўйларим,  
Сиз менинг чулдироқ қушларим,  
Кетингиз, кетингиз!  
Сизда-ку бор қанот!  
Мен ухлай, менга ҳам вожибдир ухламоқ?

Йўқ,  
Юрак бош билан қилар жанг,  
Ўртада қон чопар мисоли ўт дарё,  
Фикрлар лашкари ҳолимни этар танг!  
Чарчайман!  
Гарчи мен шоирман, дилдироқ бир Аёл!  
Ақалли уйқунинг амрига кирайин!  
Оромнинг қўйнида тин олган  
Аёллар сингари латофат касб этиб турайин!

Йўқ,  
Қонда шу Аёл қудрати  
Денгизнинг бўронли тўлқини сингари  
Уйқуни отади бедорлик соҳили тошига  
Ва мени етаклар қоғозим қошига.

Мен эсам кўзимни очмайин,  
Мадорсиз қўл билан ёқаман чироғим,  
Итқитган қаламни ахтариб топмайин,  
Шивирлаб ётаман илҳомнинг дуосин.

О, ижод алами!  
Тун бўйи шу зайл  
Сен билан гоҳ тотув,  
Гоҳ рақиб  
Яна мук тушаман назмнинг машқига  
Ва лекин энг синчков мунаққид —  
Эрта бор:  
Ҳар мисра тушади фикрнинг шафқатсиз  
дастига:  
Мисрага далалар нафаси шовуллаб кирмаса,  
Инсонлар юраги ловуллаб турмаса,  
Е давр,  
ё меҳнат,  
ё шодлик қаламни сурмаса  
Бир пулдир меҳнату  
дарду шеър,  
тун умри:—  
Ўқийман, ўйлаб ҳам турмайин  
Йиртаман парчалаб.

Бахт йўқлаб:  
Агар қалб дардидан таваллуд тополсанг,  
Сенга дуч ҳар юрак торини чертолсанг —  
Шеър бўлиб эл ичра юраман чарақлаб,  
Уйқудан кўрк топган аёлдан ўктамроқ!

О, ижод алами,  
Сен тушдай қоласан тун ичра.  
Мен эса ижоднинг вафодор ҳамдами,  
Ўзимни сезаман тонгдан ҳам гулчеҳра.  
Шу асно мен Шеърман!

О, ижод, дардгинам,  
Изтироб, оромим,  
Тақдирим,  
шуҳратим,  
толеим, мақсадим!..

## Янги йил туйғуси

Фалак гардишида мангу, муттасил  
Айланур мунтазам азиз она Ер  
Ва лекин ҳар сафар янгиланса йил,  
Шаънига ёзилур ҳар гал янги шеър.  
Янгиланур ҳислар, ўйлар, орзулар,  
Ташвишлар, қувончлар, севгию алам.  
Ҳар бирин қўшиғи янги ёзилар,  
Янги тасвир битур ҳар янги қалам.  
Бироқ ўзгармагай шу ҳис жаҳонда,  
Шу туйғу абадий қолгайдир ҳаёт:  
Бу — она заминни жо этиб жонда,  
Янги уфқларга қўймоқ эътиқод.  
Кўзга сур, тавоф қил заминни, инсон,  
Шундан-ку қудратинг, меванг, илдизинг.  
Шундайдир сен учун офтобу осмон  
Абадий бахтингу ёниқ юлдузинг.

Худди шу заминдек абадсан, ёшлик,  
Азизим, навқирон куч мужассами.  
Сен — БАМсан, фазогир, меҳри қуёшлик,  
Она Ер бағрининг мангу кўклами.  
Йигитларинг марду қизларинг дуркун,  
Гуркирар кўксингда меҳнат, шеъру фан,  
Оламни севгидан этгайдир гулгун,  
Эҳтирос тўлқини жамлаб дафъатан.  
Зумлар, дақиқалар — қалб тебраниши,  
Замона шу мавжлар узра чекур қад.  
Заминни яшнатмоқ ёшликнинг иши,  
Ҳаётинг мазмуни шунда топур қад.  
Бугун тасаввурга эрк бер, эй, ақл,  
Бугун уфқларни қамра, тафаккур.  
Она Ер бағрида эркин, мустақил  
Ижодкор ёшлигим қалқмоқда мағрур.

## ТАБРИКНОМА

Ўзбекистонда янги журнал ташкил этилганлиги кўп миллатли бутун совет адабиёти учун катта ва қвончли воқеадир. Журнал саҳифаларида ёш адибларнинг асарлари пайдо бўла бошлагач эса, мазкур воқеа ўзгача маъно касб этажак. Бу — авлодларимиз ўртасидаги маънавий силсила рамзи, Коммунистик партиянинг ижодкор ёшларни тарбиялаб вояга етказиш борасидаги доимий ғамхўрлиги нишонасидир. Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитетининг «Ижодкро ёшлар билан ишлаш ҳақида»ги қарорини эслаш ўринлидир. Ёз ёзувчиларни ғоявий-ижодий жиҳатдан тарбиялаш соҳасидаги барча ишларимизни эндиликда биз ушбу қарор асосида олиб бормоқдамиз. «Ёшлик» журналининг ташкил этилиши ҳам, аслида, иқтидорли ёш адиблар ижодини фаол ва кенг кўламда ташвиқот этишини бутун мамлакат ёзувчилар ташкилотлари олдига вазифа қилиб қўйган мазкур қарорининг амалдаги тантанасидир.

Бугун адабиётлар кириб келаётган ёш ёзувчилар бой ҳаётини тажрибага эга, улар қаҳрамонона воқелигимизни бор салобати билан акс эттириши, замондошларининг улуғвор ишлари ва орзу-ўйлари тўғрисида тўлқинланиб ёзиш ҳисси ила тўлиб-тошганлар. «Ёшлик» журнали ёш ёзувчилардаги бу ижодий завқ-шавқни, улардаги партия ва халқ ишига хизмат қилишдек муқаддас бурчни ҳаминиша қўллаб-қувватлаши керак.

Мен чин дилимдан янги журнал тезроқ ўз ўқувчилари қалбига йўл топиб олишини истайман, республикадаги ёш адабий кучларни уюштириши ва кўмиллатли бутун совет адабиёти олдига КПСС XXVI съезди қўйган улкан вазифаларни бажаришида муваффақиятлар тилайман.

Георгий МАРКОВ,  
СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи  
секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

Москва



Хайриддин СУЛТОНОВ

# САОДАТ СОҲИЛИ

ҚИССА

— У

ста Биноқул, қани туринг, шом тушмай ҳув довонга етиб олайлик! Уша довонга етайлик, у ёғи — ё раззоқ!

— Ух, тақсир, оёқ босгулик ҳолим қолмади. Юролмайман, тақсир, юролмайман!

— Андак бардош қилинг, уста Биноқул! Чеккан машаққатларимиз, иншооллох, бесамар кетмас! Ажаб эмаски, довон ортида бирор қўналға бўлса... Шу манзилга етиб олсак бас, жароҳатингизга ҳам бир даво топармиз. Қани, қўлингизни беринг, уста Биноқул!

— Эҳ-х, тақсир...

Уч кундан буён аҳвол шу: уста Биноқул шишиб кетган оёқларини судраб босганча зорланиб инқиллайди, ҳар қадамни минг бир азоб билан қўяди. Ҳофиз Кўйкий эса, лабларини маҳкам қимтиганча, кўпроқ ўз юрагидаги ваҳминг енгилш учун унга тинимсиз таскин-тасалли беради, сабр-бардош сари даъват этади. Биноқул инграйди, оғриққа чидаёлмай йиғлагудек ёлворади, Ҳофиз Кўйкий гўдакни алдаган каби уни юпатмоққа тиришади, «кўпи кетиб, ози қолгани»ни айтиб ишонтирмоқчи, ишонмоқчи бўлади, лекин бундан на йўл қисқаради, на йўл азоби камаяди.

Улар ўн етти кун азият нима, машаққат нима билмай, вақтичоғлик билан йўл босдилар. Тағларида ўйноқлаган дулдуддек отлар, хуржунларининг кўзига тўлдирилган лаззатли озуқалар белга қувват, дилга мадор бўлиб келди. Қарвондаги дунё кезган савдогарларнинг вазмин, мароқли гурунглари йўл танобини тортар, ҳувиллаган, файзсиз чўлнинг ўлик манзарасига бир қадар жонланиш бағишлагандек бўлар эди.

Ўн саккизинчи куни саҳар чоғи кимсасиз биёбонда ҳали маст уйқуда ётган қарвонни қароқчи босди...

Улар олатасир тўполонда тоғ унгури ёқалаб қочишга муваффақ бўлдилар. Биноқул қўлига илинган кичкина бир тугунчагини олишга улгурди, холос.

— Тақси-ир,— деди Биноқул йиғламсираб,— ҳеч вақомиз қолмади-ку, тақсир?!

Расми Б. Жалолов чизган.

Тарихимизнинг энг ёрқин ва энг мураккаб сиймоларидан бири — Заҳриддин Муҳаммад Бобир Жавоҳарлаъл Неру таъбири билан айтганда, бениҳоя дилбар шахс, Уйғониш даврининг типик ҳукмдори — ўзининг фавқулодда ҳайратомуз тақдири, улкан илмий-адабий мероси билан асрлардан буён жаҳон тафаккур аҳлининг диққат-эътиборини жалб этиб келади. Маълумки, ЮНЕСКО қарорига мувофиқ, 1983 йили буюк ватандошимиз туғилганининг 500 йиллиги кенг нишонланади. Дунёдаги барча тараққийпарвар кишилар жаҳон фани ва санъатига унутилмас ҳисса қўшган улуг шоир ва олимни эътиром билан хотирлайдилар.

Бу ажойиб сиймонинг бадий образини яратиш борасида адабиётимиз муайян тажрибаларга эга. Устоз Ойбекнинг «Бобир» достони, Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи, Барот Бойқобиловнинг «Кун ва тун» шеърий қиссаси шулар жумласидандир.

Бобирнинг суронларда кечган ҳаёти, чигал қисмати мени ҳам кўпдан буён қизиқтириб, кўнглимга ҳаяжон ва илҳом бағишлаб келарди. Бундан уч-тўрт йил муқаддам «Гулистон» журналида ўн тўққиз яшар шоир ва шоҳнинг саргардонлик кезларини тасвирловчи «Ой ботган паллада» деган ҳикоям босилган эди. Шу мавзудаги изланишларни давом эттириб, «Саодат соҳили» номли кичик бир қисса ёздим. Бу асарда устозлар тажрибасига таяниб, аниқ тарихий манбалар асосида Бобирнинг Ҳиндистондаги ҳаёти, ватан соғинчи, теран инсоний эътироблар билан тўлиқ умрининг сўнгги дамларини қўлдан келганча бадий йўсинда ифодалашга интилдим.

МУАЛЛИФ

— Биноқул, — деди Ҳофиз Кўйкий, — жон қолди, жон!

У — дунёнинг қарийб ярмини кезган жаҳонгашта одам эди, ҳаёт қадрини, тирикликнинг не чоғли улуг неъмат эканини теран англади, кечагина сафар-саёҳат завқи, сирли, номаълум манзиллар иштиёқи билан сармат Биноқулнинг мусичадек жавдираб турганини кўриб кулгиси қистади, соддадил йигитнинг юрагига мадор бўладиган бирор оғиз сўз айтгиси келди. Ҳали олдинда жазирама иссиқ, очлик, ташналик, тушкунлик сингари мислсиз уқубатлар кутаётган, истиқболда ажал совуқ кучоғини очиб турган бир пайтда бу сўзнинг маҳзун кўнглига нақадар улкан қувонч ва қувват бағишлашини у яхши биларди.

— Куйинманг, Биноқул, — деди у жилмайиб, — падари бузрукворингиз Ҳинд сори айна шу йўлдан ўтган бўлса, не ажаб!

Биноқулнинг юзи ёришди. Ҳофиз Кўйкий йигитнинг дидада пинҳон муқаддас сирдан воқиф: Биноқул ҳали гўдак экан, Бобир Мирзо Фарқатда бир муддат тўхтаган кезлар отаси черикка кирган, амирзода Ҳиндистонга отланганда бирга жўнаган.

Биноқул отасини энасининг сўзларидан таниб улғайди. Дом-дараксиз кетган отасининг йўлига кўз тика-тика энаси бултур оламдан ўтди.

Биноқул — қадди-қомати келишган, пишиқ-пухта, чайир йигит, кулганда қулдиргичли юзларида ажиб бир жозиба пайдо бўлади — чин дилдан яраб кулади. У ҳар ишга тиришқоқ, ҳавасманд; узун киш кечалари кулбасида этик, маҳси тикади, ёзда икки таноб ерида тер тўқади, китобга, илмга чексиз ихлос қўйганидан ҳаммаҳалласи — Мозори Ҳожи масжидининг имоми Ҳофиз Кўйкийни ўзига устоз деб билади, унинг кечмиш воқеалар, айниқса, жангномаю жаҳонгирлар тарихига доир дилкаш суҳбатларини соатлаб жон қулоғи билан тинглайди. Ҳофиз Кўйкий сафарга кетган пайтларда Биноқул уни интизор кутади.

Устози сўққабош, вораства кўнгли одам бўлиб, умри муттасил сафарларда ўтарди. У баъзан икки-уч йиллаб беному нишон кетар, сафардан қайтгач, масжид хонақосига туташ ҳужрасида мутулаадан бош кўтармай алланарсалар ёзгани ёзган эди. Биноқул бу битикларнинг нималигини билмас, сўрагани ботинолмас, аммо устозининг ёш бўлса-да, улуг одам эканини сезарди: масжид эшигига Тошканд, Самарқанд ва бошқа шаҳру кентлардан отлиқлар, ҳашаматли соябон аравалар тез-тез келиб турар — зарбоф тўн кийиб, симобий салла ўраган турли-туман басавлат кишилар Ҳофиз Кўйкийни зиёрат қилиб чиқар эдилар...

Бир ой муқаддам у устозининг Ҳиндистон сафарига ҳозирланаётганини эшитиб қолди. Эшитдию юрагига гўла-гўла тушди, оромидан айрилди.

Отаси бундан йигирма етти йил аввал — йигирма ёшда хонадонини тарк этган экан. Ушанда Биноқул уч яшар гўдак бўлган. У отасининг тириклигига, қирғин-барот жанглардан омон чиққанига, ёт элларда соғ-саломат юрганига сўнмас ишонч билан инонар, назарида, падари бузруквори она юрда қолган мурғак зурёдининг дийдорини интиқлик билан кутаётгандек туюлар эди.

Биноқул чидаб туролмади, устозининг оёғига бош уриб, бирга олиб кетишини сўради.

Ҳофиз Кўйкий рози бўлди.

Улар ўн етти кун азият нима, машаққат нима билмай, вақтичоғлик билан йўл юрдилар...

Карвонни қароқчи босган ўша машъум жума оқшомида улар яна бир фалокатга йўлиқдилар: тошдан тошга сакраб, тоғ ёнбағридан писиб борарканлар, Биноқул оёғи тойиб, етти-саккиз газ пастдаги хандақсимоң унурга — қиррадор харсанг устига йиқилиб тушди. Бели шилиниб моматалоқ бўлди, тўпиги хандақдеккдек шишиб, қадам босолмай қолди. Ҳофиз Кўйкий йигитнинг белини, болдини силаб, чиққан суякни солган бўлди, бироқ эртаси оғриқ баттар зўрайиб, Биноқулнинг ўрнидан кўзгаларга ҳам мажולי келмади...

Ҳофиз Кўйкий Биноқулнинг умуртқаси қаттиқ шикаст еганини пайқаб лабини тишлади-ю, индамади. У ҳамроҳини гоҳ опичиб, гоҳ суяб, шу кунги ярим йиғоқ ҳам йўл юролмади. Эртаси кунги очлик ва оғриқдан силласи қуриган Биноқул устозидан ўтиниб илтижо қилди:

— Тақсир, энди менга озор берманг! Сезиб турибман, куним битган кўринади. Узингизни ҳам, мени ҳам қийнаманг. Мени шунда қўйиб, йўлингиздан қолманг, тақсир, ух-х...

— Ундай деманг, Биноқул, айб эмасми? Қани, менга маҳкамроқ суянинг, ҳа!

Тоғ йўли, соқов харсанглар. Яланғоч товонларнинг қони томган чағир тошлар. Уфқ қадар чўзилган кимсасиз йўл.

— Ух, тақсир, энди мадорим қолмади... Оҳ, сув, бир қултумгина сув беринг!

— Биноқул... — Ҳофиз Кўйкий атрофга ночор аланглади. — Биноқул, бир оз сабр қилинг, ҳув кўкаламзорни кўрпясизми? Шояд ўша ялангликдан сув топилса...

— Сув... Су-у-ув... Тақсиржон, бир қултумгина сув, умримни берай, тақсиржон, бу азобдан қутқаринг!

— Э оллоҳ! Узингдан бўлак мадакорим йўқ, шафқат қилғайсан!

Сел босиб келмоқда, сел — олов сели. Ҳўл-қуруққа баробар ўт қўйиб қуёш ёнаётир, қуёш!

— Оҳ... Мени ерга қўйинг, тақсир. Оҳ-ҳ! Тақсир, мен ўламан. Эй оллоҳ бераҳм, муродимга етказмадинг-а!



— Бинокул, тавба денг, куфрга ботманг!

— Э яратган эгам, майли, бу кўрсатган кунингга ҳам шукур. Армоним ичимда қолди, тақсир. Падаримнинг дарагини билсам эди! Бобир шохни бир кўрсам...— Бинокул жим бўлиб қолди, сўнг мажолсиз бармоқлари билан тугунчагини еча бошлади.— Тақсир, мана шу китобни мен ихлос билан тортиқ этмоқчи эдим. Узим китобат қилиб эдим... Билмайсиз, тақсир, ўзим ҳам билмайман, лекин нечундир худо менинг меҳримни ул зотга туширган...

— Кўнгилни бузманг...— Ҳофиз Кўйкий титраб кетди.— Ҳали тортигинизни, иншооллох, ўз кўлингиз билан топширурсиз. Фақат, ниятни бардам қилмоқ керак.

— Йўк, тақсир, ҳол-куним аён-ку...— Бинокул унга қараб маънос бош чайқади.— Сўнгги тилагим ҳам, васиятнинг ҳам шу: бу китобни Бобир ҳазратларига элиб, дуои саломимни етказгайсиз.

— Бинокул, иним...

— Айтгайсизки: «Ғариб дунёда оллоҳнинг Бинокул деган ғариб бир қули бор эди, отаси навқарингиз эди, у ҳам сизга дилдан ихлос қўйиб, хизматингизга ўзини чоғлаган эди. Етиб келолмади— йўлда тангри раҳматига борди», дегайсиз.

— Кўйинг, Бинокул...— Ҳофиз Кўйкий унинг чўғ каби ёнаётган юз-кўзларини, пешонасини силади.— Кўнгилни эзмоқ нечун? Кўйинг...

— Мана, тақсир... Оҳ-ҳ!— Бинокул тугунчагидан китобни олиб узатди, мижжаларида ёш йилтиради.

— «Насойим ул-муҳаббат!»

— Ҳа, тақсир.

— Шошманг, ахир бу... Навоий ҳазратларининг...

— Узим китобат қилиб эдим. Бу энди сизга қиёматлиғ қарз, тақсир.

— Иншооллох...

— Уҳ-ҳ! Тақсир, сўнгги ўтинчим: имкон топсангиз, отамнинг дарагини сўроқлаб кўрарсиз. Ёдингизда бўлсин, тақсир, отамнинг исми Бобокул, отасининг оти Уринкул... Хотирангиздан чиқмас, тақсир!

— Бинокул...

— Ҳа-аҳ! Тақсир, рози... менам рози... бўлинг...

— Мингдан-минг розиман, иним, сиз ҳам рози бўлинг... Бинокул! Бинокул!.. Э оллох, во дариф!

\* \* \*

Уч кундан сўнг, тоғдан ўтин териб қайтаётган ўтинчилар беҳуш ётган Ҳофиз Кўйкийни дара этагидаги нураган қоя тагидан топиб олдилар...

\* \* \*

Агра бозорининг этак томонида жойлашган, одатда йўловчилар кўпда бош суқавермайдиган пастқам карвонсарой бу оқшом ҳар қачонгидан кўра сершовқин: турли ўлкалардан келган ажнабий савдогарлар, туя, филларга ортилган юкларни бақириб-чақириб тушираётган ярим яланғоч ҳаммоллар, тиланчилар, саёқ созандалар...

Ҳофиз Кўйкий икки кундан буён шу карвонсаройда муқим эди. Бу кун эрта тонгдан шаҳарни кезиб, қош қорайганда қўналғасига қайтаркан, дарвоза олдида ўтирган, турк-таровати ғалати бир кимса туйқусдан эътиборини тортди. Пахмоқ сочлари патила-патила бўлиб елкасию кўксини қоплаган, эгнидаги жулдур ридосига сон-саноксиз тумор-кўзмунчоқлар тақилган қария чарм тасмали пешонабоғини қўлида тутамлаганча девор тагидаги туя-тошда мудраб ўтирарди. У аҳён-аҳён қисик, чағир кўзларини ярим очарди-да, телба бир ҳайқириқ билан бақириб кўяр эди:

— Моли вофир-р<sup>1</sup>, эли кофир-р, йўл ёвуқ<sup>2</sup>...

Сўнг, дунёни унутгандек, яна кўзларини юмиб пинакка кетарди.

Ҳофиз Кўйкий уни бир дам кузатиб турди, ниҳоят, қизиқиши голиб чиқиб, аста яқин борди. Чолнинг яланғоч, қоқсуяк ўнг елкасида аллақандай жароҳат изи бўлиб,

чап қоши ўзра бадбуруш чандиқ қорайиб кўринар эди. У шундоқина олдида ҳайкалдек қотиб турган одамга парво ҳам қилмай:

— Шарқ сори гар йироқтур, ул ёвуқ!— дея оғзидан туфук сочиб вишиллади-да, бирдан жимиб қолди.

Ола-говур ичида туйқусдан янграган бу туркий калом Ҳофиз Кўйкийнинг қулоғига иссиқ чалиниб, дарров сергакланди, эҳтиёткорлик билан салом берди. Чолдан садо чиқмагач, бир оз тараддулланиб:

— Маъзур тутгайсиз, сиз турк эмасми?— деб сўради.

Чол чурқ этмади, гўё бўшлиққа тикилган каби, маъносиз кўзларини бақрайтирганча чайқалиб ўтираверди. Хиёл ўтгач, зерикди шекилли, ридосининг ёқасидан учбурчак туморини узиб олиб, ўйнай бошлади.

Ҳофиз Кўйкий секин изига қайтди. Тўрдаги супада чилим чекиб ўтирган қизил юзли, улугсифат савдогар оҳиста сўз қотди:

— У як одами девона. Ҳамма ўро Бахшитурк меномиданд!

Ҳофиз Кўйкий савдогардан форсчалаб сўради:

— Шу ерда истиқомат қиладимиз?

— Йўк, унинг маконини ҳеч кимса билмайди. Бу ерга баъзан боши оғиб келиб қолади. Узи беозор, ҳеч кимсага зиёни йўк. Фақат гоҳ-гоҳ жазавази кўзийди, холос. Ана, ана, тагин бошланди!

Бахшитурк уйқудан чўчиб уйғонгандек, сапчиб ўрнидан турди, кўлларини тўрт томонга тўлғаганча тасавуридаги ғанимга ваҳшат билан ўшқира кетди:

— Бари бир охири вой бўлур, ҳа! Билиб қўй, ҳа, охири вой! Умринг ўтиб кетар, тонгла маҳшарда юзинг қаро, ҳа! Мана, бу ой жумадул аввал, сўгин жумадул охир, сўгин ражаб, сўгин шаъбон, ундан сўгин рамазон, ундан сўгин шаввол! Ҳа, бари бир охири вой! Валлоҳу аълам биссаваб, тўқсон тўрт кундан сўгин рамазон ийди<sup>2</sup>, бир юзу эллик тўрт кундан сўгин кичик ийд, ҳа! Яна олтмиш уч кунда рўза келур, ҳа! Закот бердингми? Закот бермадингми? Бари бир охири вой! Яна саккиз ҳафтадан сўгин киш, ўн уч ҳафтадан сўгин кўклам, йигирма етти ҳафтадан сўгин тагин ёз! Э фофил банда, умринг ҳам ўтар, бориб совуқ гўрда ётарсан, илон-чаёнга емиш бўлиб, туфроққа қоришгайсан! Кулма, кулма, бир пул сўгин! Бир пул, ҳа, бари бир охири вой!.. Йўқол, дейман, йўқол, нега закот бердинг?!  
Чол бақира-бақира дарвозадан узоқлашди. Хирқироқ овози энди олислардан эшитилар эди.

Ҳофиз Кўйкий девонанинг пойинтар-сойинтар сўзлари замиридаги оддий, аммо шафқатсиз ҳақиқатдан бениҳоя ҳайратга тушган эди. Унинг ҳисоб-китобларини хаёлан текшириб кўраркан, бу қадар аниқлигидан ғоят таажжубланди.

«Девона эмас,— деб ўйлади у.— Ҳаққа етган, холос...». Бахшитурк саройдан анча узоқлаб кетди. Кетди-ю, ажабтовур сўзлари, ғалати байтининг акс садоси Ҳофиз Кўйкий қулоғида қолди:

**Моли вофир, эли кофир, йўл ёвуқ...**

**Шарқ сори гар йироқтур, ул ёвуқ...**

\* \* \*

Девони Бузург эрталабдан гавжум эди. Йўлақларда ясовул ва чопарлар, турли-туман аразўйлар уймалашар, мулозимлар, мирзолар найча қилиб ўралган қоғозларни кўтарганча у ёқдан-бу ёққа савлат тўкиб ўтишар эди.

Боғи Нурафшоннинг яшил қўйнида ярқираб турган оқ мармар саройда Афғон, Ҳинд ва Бангола ўлкаларининг мутлақ ҳукмдори, кейинчалик европалик муаррихларнинг фаромушхотирлиги туфайли тарих саҳифаларига «Буюк Мўғул империяси» деган мубҳам ном билан битилгувчи улкан салтанат соҳиби Заҳириддин Муҳаммад Бобир Мирзо аркони давлат билан эрталабки машварат ўтказмоқда. У вилоятлардан келган турли номаларни кўздан

<sup>1</sup> Вофир — кўп, мўл.

<sup>2</sup> Ёвуқ — яқин.

<sup>1</sup> Бу бир девона одам. Ҳамма уни Бахшитурк дейди.

<sup>2</sup> Ийд — ҳайит.

кечириб, аёнларга тегишли фармойишлар бериб бўлгач, мажлис аҳлидан мамлакатнинг ички аҳволига тааллуқли хабарларни тингламоққа киришди, сўнг Қобилдан келган чопар билан бир неча арзгўйларни қабул қилди.

Машварат ниҳоясига етай деб қолганда зарбоф тўни ёқасига заррин уқа тутилган барваста эшик оғаси кириб таъзим қилди:

— Олампахо, Султон Муҳаммад Ҳофиз Тошкандий отлиғ бир зот ҳусни таважжухингизга мунтазир!

Бобир сергак тортиб, эшик оғасига қаради:

— Ким ул? Қайдин келибдир?

— Тошканддин, олампахо. Сиз зоти шарифларини зиёрат этмоқ орзусида келибдир!

«Тошканддин?...»

Энди фақат тушларида кўрадиган, олисларда армон бўлиб қолган юртидан Бобирни кўпдан буён бирор кимса йўқлаб келмаган эди. Кўнгли алланечук тўлиб:

— Айтинг, кирсин!— деди. Сўнг Кўҳисон ва ҳинд жавоҳирлари, асл афғон ёқутлари билан зийнатланган тахтдан туриб, ўз мавқеъларига кўра чизилишиб мажлисдан жой олган аркони давлатга бир-бир разм солди. Йўғон гавдали, сийрак мўй Абулвоҳид Форигийга кўзи тушгач:— Мавлоно Форигий,— деди оҳиста,— бу зот ким бўлса экан? Сизнинг ҳеч эшитганингиз борми?

Абулвоҳид Форигий дамқисма касалига мубтало эди, ўрнидан оғир кўзғалиб, ҳансираганча сўз бошлади:

— Олампахо, сизни йўқлагувчи бу зот Мовароуннаҳрнинг машҳур алломаларидан бўлур. «Кўйкий» тахаллус қилибдур, деб эшитганим бор. Тошкандда эканимда бир китобатини мутолаа қилиб эдим, «Рисола фи фанн а-тафсир ва-л усул ва-л фуруъ ва-л мантиқ ва-л калом»! деб ном бермишлар экан, шоён таҳсинга сазовор эди. Яна бир нима таснифлари ҳам бор, алаҳхусус, илми тарихда беназирдур.

— Сиз Тошкандда суҳбат курибми эдингиз?

— Йўқ, олампахо, мең бисёр орзуманд бўлиб эдим, лекин, таассуфки, ҳамсуҳбатлик насиб этмаган эди. Сабабки, ул зот Тошканддин ўн йиғоч нарида, Фаркат отлиғ бир кентда истиқомат тутган эканлар, фурсатим зиқ эди, мен у ерга боролмадим.

— Фаркатда?

— Ҳа, олампахо, тоғнинг остидаги бир кент у. Бу зот асли жаннатоса Али Қушчининг набираси Камолиддиннинг ўғли бўлур, алар азалдан шу манзилда муқим бўлиб келурлар...

Абулвоҳид Форигий яна алланарсаларни гапирар, аммо Бобир энди эшитмас — тараң хаёлга чўмган эди. «Фаркат» деган сўз унга совуқ ёмғир савалаб турган изғиринли кунларни, кузак осмонда фавқуллода чақнаган чақмоқларни эслатди, умрининг рутубатли, ҳазин онларини ёдига солди. Уша воқеаларга қанча бўлди экан? Ё раббий, йигирма етти йил! Қарчигайдек бир йигит умри! Ушанда ёнида ҳамроҳу ҳамкор бўлганлардан кимлар бор? У турли-туман номларни эслашга уринаркан, уларнинг бари бармоқ орасидан шувиллаб тўкилган қум сингари хотираси қатларидан бир-бир сирғалиб тушаётганини сезди: Нўён кўкалтош, Ғулда Қосимбек, Холдор, Миршоҳ қавчин, Қўчбек... Эвоҳ, қайда улар? Қаерларда? Барчаси энди «раҳматли!» Баъзилари шиддатли жангларда бошидан айрилди, баъзилари ғаним найрангига дучор бўлди, айримларининг умри қисқа экан, айримлари эса... хиёнат қилди... Оқибат, ўша кунлардан бу кун фақат аччиқ, маҳзун хотиралар ёдгор, холос.

Бобир аламли ўйлардан эгилган бошини оҳиста кўтарди. Абулвоҳид Форигий жимгина қўл қовуштириб турарди.

Эшик оғасининг ортидан адл, тик қомадли, одми тўн кийган, бодомқовоқ, юзлари шийинқираган, малла соқолли кўҳлик бир киши ичкари кириб, таъзим қилди:

— Етти иқлимнинг шамси анвори, зарофатлиқ подшоҳимиз Заҳрирдин Муҳаммад Бобир Мирзо ҳазрати

олийларига дуои эҳтиромларимиз бўлғай! Ассалому алайкум, олампахо!

— Ваалайкум ассалом, хуш келибсиз,— деди Бобир илтифот билан меҳмонга ёнидан жой кўрсатаркан.— Марҳамат, ўлтиринг. Зиёратларингиз оллоҳ даргоҳида қабул бўлғай!

— Қуллуқ, олампахо.

Бобирнинг илми ҳикмат устоди Шайх Зайн Садр фотиҳага қўл очди:

— Илоҳи омин, олампахоимизнинг умрларини узун, давлатларини зиёда қилсин, жумлаи мўминининг кўнгиллари шод, охиратлари обод бўлсин!

Мажлис аҳли «Омин!», дея гуриллаб фотиҳага қўшилди.

— Менинг бетакаллуф таширими олампахога ғалати туюлар,— дея сўз бошлади Ҳофиз Кўйкий.— Мен бир оллоҳ кули, ишим йўл юрмоқ, дунё кезмоқ. Кўп мамлакатларда бўлдим, Турк, Миср, Бағдод, Лубнон, Дамашқ, Қашқар диёрларини кўрдим, ундаги эл-элат, юрт-улуснинг турмуш-юмушлари ила ошно ўлдим. Бу сафар эса она ватанингиздан, кўз очиб кўрган вилоятларингиздан сизларга кўпдан-кўп дуои саломлар келтирдим. Ота юртимизнинг табаррук ёди муборак хотирларидан кўтарилмаган бўлса керак...

— Ул вилоятларнинг латофатларини киши нечук унутғай!— деди Бобир оҳиста. Овози титрар эди.— Унутган кишининг кўзларига тириклайин туфроқ тўлмасми?

Аҳли мажлис мутаассир бўлиб, ўртага хийла вақт сукут чўкди.

— Ҳақ сўзни айтдингиз, олампахо,— деди Ҳофиз Кўйкий.— Комил инсон киндик қони тўкилмиш юртни ҳаргиз унута олмас. Хотирингиз жам бўлсин, олампахо, ул диёрларда муборак номингизни ҳануз ёд этурлар. Инчунин, сизга аталмиш бир омонатни топширмоқ менга қиёматлиғ қарз эди.— У қўйнидан нафис саҳтиён муқовали китобни олиб, Бобирга авайлаб узатди.

Бобир андак таажжубланиб ўрнидан турди, китобни олиб, илк саҳифасини очди.

— «Насойим ул-муҳаббат!»— Бобирнинг кўзлари чақнаб кетди.— Мир Алишербекнинг табаррук битиклари-ку!

— Ҳа, олампахо.

— Не чоғ гўзал санъат!— Бобир китобни завқ ва ардоқ билан кўздан кечирарди.— Узингиз китобат этдингизми, мавлоно? Хатлари бу қадар равшан, нафис...

— Йўқ, олампахо. Мен билан бирга оллоҳнинг ғариб бир кули ҳам дийдорингизга орзуманд бўлиб йўлга отланиб эди. Минг бор таассуфки, етиб келмоқлик насиб этмади— йўлда шикаст топиб қаза қилди. Шул тортиқни сизга ҳада этмоқ умидида ихлос билан китобат қилган экан, этказмоқни мендан ўтиниб сўради.

— Э, олло карим! Ким экан ул дўсти содиқ!— Бобир Мирзо олимнинг бу сўзларидан ғоят таъсирланган эди.

— Олампахо, у йигитнинг номи Биноқул эди, диёнат ва идрокли бир мунча хат-савод ўрганиб эди. Балки хотирингизда бордир, отаси бир пайтлар черикингизга навкар бўлиб кирган экан?

Бобирнинг қошлари чимирилди:

— Қай вақт? Қайда?

— Бир муддат Фаркатда муқим турган экансиз, ўша кезларда чамаси.

— Ҳа-а. Ул кентда кўп мардона йигитлар черикка қўшилиб эди. Исми ким бўлса экан?

— Олампахо, ҳамроҳим жон таслим қилаётиб отасининг исмини айтган эди: Бобоқул отлиғ одам экан, отасини ўринқул дер эканлар.

— Эҳ-ҳа, Бобоқулми?— Бобир жонланиб бош ирғади.— Нечун хотиримда бўлмасин? Жасорати мумтоз навкарларимиздан эди. Ҳамроҳингиз шунинг зурёди эканми? Тангри раҳмат қилсин, падарига тортган экан-да. Бобоқул улуг юракли йигит эди.

— Олампахо, у... қаза этганими?

— Йўқ.— Бобир ғамгин бош чайқади.— Биз Ҳиндни олганда Бобоқул кўп мардиклар кўрсатиб эди. Уч-тўрт йил чамаси ўтгач, юртига қайтмоқ бўлиб биздан изн сўради. Тилагини ўринлатдик, бироқ тонгласи Понипатда

1 «Тафсир, дин асослари, фикҳ, мантиқ ва дин ақидалари илми ҳақида рисола».

# Табрикнома

"Ёшлик" журнали имодкорларига!

Кўчеш нурини эмган фарёдай чўшок, ёш авлоднинг мангалик соғом, билимдон, жаҳмайтқаш, аса имон бўлса, она широк орзуси, хали, ва завлаётимиз коммунистик келажак, нақон шақдари, мана ш ва имод қамолати шунчалик равшан, ишонгли ва мусотақкам бўлади.

Шунга кўра мартиямиз ва калқимичин, буюн чўшди. Учт Октябрни қақитқаш қилган учт оша — оналар иродасини қарлашчи ошат ва ёшдан бурчи сёт билгүзги навақирон йигит — қизлардан, "Ёшлик" сан, тўзалликдан.

Андине келса, бир кун илгари қаракан қил селан сан бор. Анлар қавоай. "Ёшлик" журнали имодкорларини, ёшларимизга она шу серишаққай мабсонда сабр, шўқай ва шинроай шиллашчи иштардим.

Кўрчаай ила

О. Абулбақ

(сарвар Абулбақ)

Ташкент шаҳри,  
1982 йилнинг  
биринчи январди.

Иброхим Лўдий юз минг қўшин билан бош кўтарди. Бизнинг навкар ўн мингнинг нари-берисида эди. Бизни бундоғ мушкул аҳволда қолдиргали кўзи қиймади чоғи, Бобоқул қанотимизга кириб Понипат сари юрди. Уша чопқинда бошидан зарб еб, хаёли хилий паришон бўлиб қолди. Не муолажа, дори-дармон бўлса, барини қилдирдик, ҳеч бир наф кўрмади. Сўнг саройдан бир ҳужра бериб, истиқоматидан хабардор бўлиб тургали киши тайин этдик. Йўк, бунда туролмади, бир оқшом эшитдимки, чиқиб кетган эмиш. Эндиликда кўча-кўйларида ҳамду сано айтиб юрадир, деб қулоғимга чалинадир...

— Шу кунлар яна Ограда пайдо бўлган эмиш,— дея

сўз қўшди пойгакда ўтирган Бобирнинг хос мулозими Юсуфий.

«Яратган эгам ярлақанган экан сени, боёқиш Биноқул!», деб надомат билан кўнглидан ўтказди Ҳофиз Кўйкий.

— Хайр, майли, оллоҳнинг иродаси...— деди Бобир суҳбатга яқун ясагандек.— Бизга эҳтироми шу қадар устувор экан, энди биздан-ку қайтмас, халлоқи оламдан қайтсин. Мавлоно Абулбақо!

Кўркам соқолли, нуруний мўйсафид — шайхулислом Мавлоно Абулбақо ўрнидан турди:

— Лаббай, олампаҳо?

— Эртан жума намозига фатво берингим, салтанат-

даги барча масжидларда банди мўмин Биноқулнинг ҳақиқа хатм бағишлансин. Биз ҳам, иншооллоҳ, ғойибона садоқати учун арвоҳи покига беш вақт намоз узра тиловат қилурмиз.

— Бош устига, олампаҳо!

Аёнлар китобни навбатма-навбат ҳайрат ва завқ билан томоша қилиб бўлгач, Абулвоҳид Форигий уни Бобирга узатди.

— «Насойим ул-муҳаббат!»— Бобир ҳамон китобга термилиб тўймас эди.— Муҳаббат насими келган юртга жон садқа бўлсин...

\* \* \*

Ҳофиз Кўйкийни Боғи Нурафшоннинг кунчиқар тарафидаги хос ҳужралардан бирига жойлаштирдилар. Жазирама иссиқ ва қабул ташвишлари уни қаттиқ чарчатган эди, тушгача донг қотиб ухлади. Пешин намозидан сўнг, умрида илк дафъа кўриб тургани— нотаниш гуллар ял-ял ёнган салқин хиббонда жаннатотиён қушларнинг хур наваларини завқ-шавққа тўлиб тинглаганча оҳиста кезиб юрди.

Оқшом тушиб, осмонда илк юлдузлар чарақлаган палла Юсуфий ҳужрага келиб, олампаҳо уни йўқлаётганини хабар қилди.

Ҳофиз Кўйкий юз шамли муҳташам тилла қандиллар ёғдусига чўмган бўм-бўш, сокин саломхонага кириб борганида, Бобир тўрдаги кумуш лавҳ ортида барқут болишларга ёнбошлаганча мутолаага берилган эди. У Ҳофиз Кўйкийни хуш кайфият билан қарши олди. Олим лавҳ устидаги китобга аста раэм соларкан, ўзи топширган тортиқни таниди. Бу фавқуллода ҳады туфайли Бобирнинг дилида кўзгалган ўша ботиний ҳаяжон, ўша ўтли таассурот ҳануз сўнмаган эди. У дўстона жилмайиб, сассиз ҳаракат билан меҳмонга жой кўрсатди, сўнг яна «Насойим ул-муҳаббат»нинг очиқ турган саҳифасига тикилди. Зум ўтмай, жимжит саломхонада шохнинг ўйчан, тиниқ овози янгради.

— «Биров алардин савол қилдиким, дарвешлик сизга маврусдир<sup>1</sup> ёки муктасаб<sup>2</sup>? Алар дедилар: тангри ҳукми била бу саодатқа мушарраф бўлдук,— дея кўнглига беҳад марғуб бўлган парчани ҳафти қироатнинг инжа товланишлари билан таъкидлади Бобир.— Дерларки, аларга ҳаргиз қул ва додак<sup>3</sup> бўлмас эрмиш. Алардин бу маънида сўраб-турлар. Алар дебтурларки, қачон бу бандалиғ хожалиғ била рост келур?!»

У китобдан нигоҳини узиб, қад ростлаб ўтирди, кунгурдор қандилга, унинг порлоқ ёғдусида зар сочиб ёнган нақшларга илк бор кўраётгандек хийла вақт термилиб қолди, ниҳоят, толғин бир товуш билан хаёлчан тақрорлади:

— «Қачон бу бандалиғ хожалиғ била рост келур?!»

Ва ўз саволига жавоб ахтарган каби, нигоҳи яна чароғон саҳифалар узра кеза кетди.

Ҳофиз Кўйкий ҳануз мунтазир қўл қовуштириб ўтираркан, ҳамсуҳбатининг улуғвор чехрасида лаҳза сайин тажассум топаётган турфа ҳисларнинг оний жилваларини, фикрнинг тутқиқ бермас шиддатини зўр диққат билан кузатар, улардан ўзича маъно топмоққа тиришар эди.

— Алишербек беназир зот эрди,— деди Бобир китобдан бош кўтариб. Қийиқ кўзларида ҳорғин қувонч учқунлари чақна эди.— Ҳар дафъа ўқиб ҳайрат қиламенки, туркий тилда ҳеч ким ашъорни ул ҳазратдек кўп ва хўб айтқон эмас.

— Яхши китоб — киши руҳининг жон озиғи,— деди Ҳофиз Кўйкий уни қувватлаб.

— Ҳар қандай кишининг ҳам эмас,— дея бирдан эътироз билдирди Бобир.

— Албатта, олампаҳо. Лекин, яхши китобни ўқиган кишига ҳам яхшилик шарофати юкмоғи шубҳасиздир.

— Ўқиганга юкмайди, мавлоно!— Бобир Мирзонинг қайсар қошлари мардона чимирилди.— Ўққанга юқадир.

— Ҳақ сўз, олампаҳо.

Орага оғир дам жимлик кирди.

— Олампаҳо...— Ҳофиз Кўйкий шоҳга қимтинибгина муурожаат қилди.— Менинг қутлуғ ҳузурингизга келмоқдан мақсадим, аввало, сиз зоти шарифларини зиёрат этмоқ бўлса, сўнг шуҳрати етти иқлимга машҳур алломаларингиз билан танишмоқ, кутубхонаингиздаги ноёб дурдоналардан баҳраманд бўлмоқлик умиди ҳамдир. Камина қўлингиз не вақтлардан буйин илми тарихга доир бир рисола битмак орзусида юрадирман. Кутубхонаингизда тиллога топилмас мўтабар китоблар бисёр, деб эшитаман. Агар зоти муборақлари ижозат этсалар...

Бобирнинг чехрасига таажжуб ифодаси қалқиди:

— Мавлоно Абулвоҳид Форигий сизни кўп улуғ аллома деб таърифлаб эди, таассуф...

Ҳофиз Кўйкий кутилмаган бу гапдан гангиди, каловла-ниб бошини кўтарди:

— Олампаҳо...

— Сўзингизни олдим, мавлоно, бироқ...— Бобир суҳбатдошини аягандек, бир зум тараддулланиб қолди,— бироқ илм кўйида ўзларини бозордан олиб бозорга солгувчи алломаларнинг алломаликлари менга ҳар вақт қулгили ва қалбаки туюлур!

Олим дув қизарди, ўрнидан оғир қўзғалиб қўйди: ер ёрилса киргудек ҳоли бор эди, аммо ер ёрилмади!

У сўнгги журъатини тўплаб, ҳаяжон ичра изоҳга оғиз чоғлади:

— Олампаҳо, менинг тилагимни янглиш англадилар чоғи...

— Сизни ранжитмоқ мақсадим йўқ эди,— деди Бобир қулимсираб.— Фақат сўз ўрни учун айтдим, холос. Зеро, ўз умрим мобайнида қалбаки тангалардан, кўра қалбаки алломаларни кўпроқ учратдим. Аларнинг ҳақ ва маърифат номидан сўйлаган ёлгонлари мени муттасил ғазабга солди, имконим етган чоғларда ундай бетавфиқларнинг барчасини оғир жазоларга мустаҳқ этдим. Имомин комилики, бу қилмишим қодирни ламязалга ҳам хуш келгай!— Бобир, товушининг алланечук кескин пардаларда янграб кетганини сезди шекилли, хийл тин олиб, вазмин оҳангда сўзлай бошлади:— Раҳматли падарни бузрукворим айтур эдилар: жаннатмакон Имом Муҳаммад ғаззолий ҳазратлари Бағдод мадрасасида таҳсилни тугаллаб, карвон билан ўз юртларига қайтар эканлар. Йўлда карвонни қароқчи босибди. Қароқчилар савдоқларнинг мол-мулкларини тортиб олибдилар. Ҳазрати имом қароқчибошига рўбарў бўлиб, арз этибдилар: «Меъ бир толиби илмман, на олтин, на кумушим бор. Бор буд-шудим икки сандиқ китоб эрди, одамларинг тортиб олдилар. Эй марҳаматлиғ сардор, амр этким, китобларимни қайтариб берсинлар. Бари бир аларнинг сенга ҳам, йигитларингга ҳам ҳеч нафи йўқдир». Қароқчибоши қаҳрга миниб сўроққа тутибди: «Хўш, алардан сенга не наф бор?» Имом ҳазратлари бе-ниҳоя таажжубга қолиб: «Нечун наф етмасин?»— деб жавоб берибдилар.— Ахир, бу менинг ўн йил мусофирликда риёзат чекиб орттирган илмларим-ку!» «Сен ўзингни олим санайсанми?», дебди қароқчибоши. «Оллоҳнинг инояти билан...», дебдилар имом ҳазратлари. «Йўқ, сен олим эмассан!»— дебди қароқчибоши.— Чиндан ҳам фозил бир кимса бўлсанг эрди, китобларинг буткул йўқолса-да, парвойингга келтирмаган бўлур эрдинг. Чин олим кишининг илми сандиқда эмас, юрагида бўлур, уқдингми?» Қароқчибоши шундай дея имом ҳазратларига марҳамат кўрсатиб, сандиқларини қайтариб беришни амр этибди. Ул зоти шарифга ваҳший бир қароқчининг бу янглиғ маломат-миннатлари ғоят оғир ботибди. Йўлнинг қоқ ўртасидан ортга— Бағдодга қайтибдилар. Қайтадан мадрасага кириб, ўшал икки сандиқ китобни хатми кутуб қилиб чиқибдилар ва барча эгаллаган илмларини юрак ва кўнгилнинг қатларига жо қилиб олгунларига қадар мадраса остонасини тарк этмабдилар. Шундан сўнг имом ҳазратлари ҳаргиз китобга қарамабдилар: илм ул зоти бобаракотнинг қалб чаманида яшнай бошлабди.

Ҳофиз Кўйкий бутун вужуди қулоқ бўлиб тингларди.

— Оқибатда имом ҳазратлари илмда шундоғ улуғ

1 Маврус — мерос.

2 Муктасаб — насб.

3 Додак — чўри.

мартабага етибдиларким, кишилар: «Агар бу ёруғ оламдан Қуръони шариф йўқолгудек бўлса, Имом Муҳаммад Ғазолий қайта тиклаб берадир», дейдиган бўлибдилар,— дея сўзини тугатди Бобир ва олимга синовчан тикилди.

Олим ич-ичидаън изтироб чекар, унинг сўзлари ҳақ эканини чин дилдан эътироф этса-да, ўзга бир фикр хаёлидан кетмас эди: «Қилич сиққан қинга қалам сигмас экан-да...» Юрагининг тубидан эътироз ғалаёни тошиб келса ҳамки, бошини қуйи солиб, тасдиқ аломати билан чекланмоққа тиришди:

— Кўп ибратомуз ривоят экан, олампаҳо.

Бобир шаҳодат бармоғи билан кумуш лавҳани аста чертганча ҳамон саволомуз тикилиб турарди:

— Хўш, мавлоно?

— Олампаҳо...— Ҳофиз Кўйкийнинг манглайдаги чиқиқлар янада чуқур тортиди, мулоҳаза юки елкаларидан харсангтош бўлиб босди, андиша тиғи тилига кўндаланг келди— қийналди, аммо бари бир... чидаёлмади:— Шаққок қулингизни маъзур тутинг, олампаҳо, бироқ, таассуфки, сизни ҳам кўп донишпарвар зот, илм-маърифатнинг чин ҳомийси, деб таърифлаб эдилар!

Олимнинг кўксини тўлдирган бевозта оғриқ бирдан тинди, сўнг ўртага чўмган қалтис сукунат ичра, бутун вужудини ларзага солиб гурсиллаётган юрагининг дупури яққол эшитила бошлади.

Ва баногоҳ... дарғазаб фармон ўрнига момақалдиқроқдек қаҳқаҳа янгради. Ҳофиз Кўйкий қулоқларига ишонмай бошини базўр кўтарди-ю, кўзларига ҳам ишонмай қолди: шохнинг юзида табассум балқирди!

— Боракалло, мавлоно!— деди Бобир кўзларига қалққан ёш томчиларини артиб.— Дов юракли кимса экансиз! Асли бу истеҳзоларни сизни бир синаб кўрмоқ йўлига айтиб эдик. Эътиқодингиз шаъни учун, анинг поклиги учун бизнинг на савлатимизни, на давлатимизни истиҳола этдингиз! Билсангиз, шу чоққа қадар камдан-кам одам бизнинг бу йўсин давволаримизга эътироз айтган. Аксинча, бундай дамлар аксарият киши йўқ гуноҳларига ҳам иқроф бўлиб, тавба-тазарруғга зўр берадур. Тасанно журъатингизга, мавлоно! Чин фозил инсон асли шундай бўлмоғи лозим. Зеро, одамизод иймонининг барқарорлиги аввало унинг не чоғ мард ва ҳақгўй экани билан ўлчанур. Бизни қора тортиб шундоғ жойлардан заҳмат чекиб келибсиз, наинки, мурувватимизни дариг тутсак!

Ҳофиз Кўйкий бори-борлиғи ҳаяжондан титраб, қуллук қилди.

— Бизнинг ҳузуримизга не-не мухтарам зотлар ганжу давлат тилаб, рутбаю унвон тилаб қадам ранжида қилдилар,— дея сўзида давом этди Бобир.— Лекин, шу вақтгача китоб излаб, маърифат истаб келган ҳеч бир кимсани кўрганмиз йўқ эди. Шукур тангригаким, алхол иноят айлаб, зориқиб кўз тутган кишимизнинг дийдорига етиштирди. Ҳар қандоғ ноёб китобимиз бўлса, сиздан айлансин... Дарвоқе, рисолагиз нима хусусда?

— Олампаҳо, не вақтларки Чингизхон ва унинг оли<sup>1</sup> ҳақида бир рисола битмак орзуси кўнглимга ором бермай келади. Маълумингизким, бу улуг салтанат эди, анинг такомил ва тараққиёти ҳам, таназзулу инқирози ҳам мени бирдек ҳаяжонга соладир. Алалхусус, Чингизхон зурёдларининг тақдирини, жорий этган тартиб ва қонунлари, давлатни идора этмак усуллари... Муқояса ибратига сизнинг мамлакатдорлик сиёсатингизни ҳам бир сидра назардан кечирмоқ умидидамен.

Бобир унинг сўзларини диққат бериб эшитди.

— Ғоят мушкул юмушга қўл урибсиз, мавлоно,— деди у.— Хайр, оллоҳ мадад берсин, йўлингиз оқ, йўлдошингиз ҳақ бўлсин. Илло, бу бебақо дунёда фақат ҳақ сўз боқий қолур. Қасрлар емирилуру, салтанатлар тўзар, асба-саю дабдабалар йитар... Ёруғ жаҳонда қирқ саккиз йил умргузаронлик қилиб англаган ягона ҳақиқатим шу, мавлоно. Шундоғ машаққатли бир ишни уҳдангизга олган экансиз, имконимиз етган кўмакни бермоқ биз учун фарзул вожибдур. Марҳамат, хонадонимизнинг ҳам, кутубхонамизнинг ҳам тўри сизники. Фаҳми ожизимча, му-

толаани Баҳоваддин Муҳаммад Жувайнийнинг «Тарихи жаҳонгушой»<sup>1</sup> китобидан бошласангиз чакки бўлмас.

Ҳофиз Кўйкийнинг кўзлари чақнаб кетди:

— Мен ул муборак зотнинг бу табаррук асарини не вақтлардан бўён излайман, олампаҳо!

— Хайр, неки излаганингиз бўлса, топмоққа биз балогардон,— дея кулимсиради Бобир.— Валекин, бизнинг салтанат хусусида бирор нима демоқдан ожизман. Мавлоно, бу сиз ҳавас қилгудек барқарор салтанат бўлмоғига кўзим етмайди. Бу зарурат туфайлидин пароканда элатларининг боши қовуштирилган бир вилоят, холос. Умид қиламенки, сўзларимни камтарликка йўймагисиз. Зеро, зукко муаррихсиз, барчага эрса-да, сизга махфий эмаским, қон дарёси узра қурилган салтанатнинг замини ҳаммиша омонат бўлур!..

Улкан сарой сув қўйгандек жимжит эди.

— Сизни менга худо еткурди,— деди Бобир.— Мен ҳам бошимдан кечмиш воқеаларни қоғозга тушириб, тартиб бермак орзусида эдим. Баъзи ниҳояга етган саҳифалар бор, насиб этса, ўқиб кенгашурмиз.

— Бош устига, олампаҳо. Бу азиматингизни тангри таоло муборак қилсин!

— Иншооллоҳ!

— Шу олижаноб мақсадингиз кўнгилдагидек ўринланса, кўп улуг иш бўлур эди. Қандоқ ном билан атамоққа қарор бердингиз, олампаҳо?

— Номи?— Бобир икки-уч дақиқа ўйланиб қолди, сўнг узил-кесил бир тарзда:— Номи «Воқеоти Бобир» бўлур,— деди.

— Маъқул, олампаҳо.

— Сиз йўлдан ҳориб келгансиз,— деди Бобир,— толиқмадингизми?

— Йўқ, йўқ, олампаҳо.

— Ҳа-а... Тошканддин қачон чиқиб эдингиз? Эл-улус, раиятнинг кайфияти нечук?— Бобир кутилмаганда сўхбат мавзуини ўзгартирди:— Фарқатда истиқомат қилурми эдингиз?

— Ҳа, олампаҳо.

— Самарқанддан қувилиб, Андижондан айрилган саргардон кунларим ул манзилда бир муддат туриб эдим,— дея Бобир хаёлчан сўзларкан, туйқусдан товуши ҳайратомуз оҳанг касб этди.— Ёдимда, бир оқшом бир юзу ўн олтига кирган кампирнинг кулбасида ёмғирдан жон сақлаб эдим. Кўп умр топқон табаррук кампир эди. Бир оғаси сохибқирон Темурбек замонасида черикка қўшилган экан, муттасил шуни айтиб сўйлар эди. Оғасини «Ҳиндистонда ўлган», деб эди. Манглаймга битмиш ғаройиб савдони кўрингим, бу кун ўшал кўҳна кампирнинг тилидан тушмаган етти ёт юртада ўлтириб уни эслаётирман... Ҳа-а... Сиз бунга қай йўл билан келдингиз? Ҳўрмузданми?

— Йўқ, олампаҳо, Олой ва Қоратегиндан ошиб, Масчоҳ кентига ўтдик, андин Обигарм ёқалаб, Ҳисор водийсига тушдик.

Бобир сергак тортиди:

— Масчоҳ?! Фалат! Йўқса, Обибурдондан ҳам ўтган чиқарсиз?

— Ҳа, олампаҳо.

— Ё қудратингдан!— дея хитоб қилди Бобир.— Ахир, биз бир пайтлар Кобил сари отланганда худди шундоғ йўл тутмиш эдик! Сиз эса, букун гўё билгандек, ортимиздан изма-из юриб келибсиз. Во ажаб! Обибурдондан ошган чоғимиз бир чашма лабида тўхтаб эдик. Шу чашма ёқасида бир тошга байт ҳам ёздириб эдим. Баногоҳ кўзингиз тушгани йўқми?

Олим афсусланиб бош чайқади:


— Ҳеч, олампаҳо... Не байт эди ўзи?

— Ҳануз хотиримдан ўчган эмас,— деди Бобир.— Жонфизо байтлар эди:

**Шунидам ки, Жамшиди фаррух сиришт,  
Ба сарчашмае бар санге навишт:**

<sup>1</sup> Оли — авлод.

<sup>1</sup> «Тарихи жаҳонгушой» — «Жаҳонгирлар тарихи».



«Бар ин чашма чун мо бaсe дам заданд,  
Бирафтанд чун чашм бархам заданд...»<sup>1</sup>

Бобир Мирзо қаттиқ ҳайратга тушган эди. Аммо, чинакам ҳайратангиз ишлар кейинчалик — орадан асрлар ўтгач содир бўлиб, орадан асрлар ўтгач ошкор бўлажagini у мутлақо билмас эди.

...Минг тўққиз юз эллик учинчи йили археологик экспедиция Обибурдон қишлоғидан Бобир байт ёздирган ўша харсангтошни топади. «Бобирнома»да қайд этилган тафсилот далили шу йўсин қўлга киритилади. Лекин, энг ҳайратланарли нуқта шундаки, қиссамиз қахрамонидан уч аср муқаддам яшаб ўтган шоирлар шоҳи — Шайх Муслиҳиддин Саъдийнинг жонбаста каломидан вужудга келган ва хушнаво шоир Мирзо Бобир, кўнглигагина эмас, балки чўнг харсангга ҳам нақш эттириб абадият бағишлагша интилган бу байтлар, орадан уч аср ўтгач, яна бир буюк оташнафас шоир — «рус шеърининг қуёши» Александр Пушкиннинг ҳам юрагига титратма салади: «Боқ-часарой фаввораси»га айнан шу байтлар эпиграф қилиб олинади!

Бир-бирига ғойибона талпинган буюк қалблар ана шундай ғойибона дийдор кўришадилар. Бир-биридан асрлар оша, миллатлар, тил ва мазҳаблар оша айри яшаган уч даҳо шоирнинг сўнмас нафаси бу байтларнинг мўъжизакор қудрати туфайли шу тариқа улуғвор сир, тенгсиз сеҳр касб этади. Вақтнинг қаттол, бешафқат еллари турфа замонлар қаърига совурган уларнинг жисму жони Шеърят диёрининг боқий бағрида ягона ватан топади...

Бу ҳаёт чашмаси қошига биз каби жуда кўп кишилар келдилар, тириклик нашъасига фарқ бўлиб ўлтирдилар, сўнг бир-бир абадий йўқлик сари кетдилар.

Букун чашма лабида биз завқу сафога тўлиб ўлтириб-миз.

Биздан аввал ўтганларнинг барчаси кетди.

Биздан кейин келгучиларнинг ҳам барчаси кетажак.

Бизнинг ҳам азалий қисматимиз шу.

Ҳаммамиз кетурмиз — истисносиз, истиғносиз. Бу чашма қошида на жисмимиз, на руҳимиз собит қолур. Фақат қачондир, қайдадир ўртанган юракнинг ўртанган тили билан бир ҳақ сўз айта олган бўлсак, ёлғиз шу сўзгина замонлар суронига бўй бермай, асрлар оша, миллатлар, тил ва мазҳаблар оша ҳаққа ташна, ўртанган бир юракка етиб бормоғи эҳтимоли...

Қайда у — ўша Ўлмас сўз?!

\* \* \*

Ҳофиз Кўйкий Бобирнинг рағвати туфайли зўр ҳавас ва иштиёқ билан ишга киришди. Олимнинг бошидан кечирмиш уқубатлари шоҳ қутубхонасининг остонасидан ичкари ҳатлаши билан унут бўлди. У кўҳна қўлёмаларнинг сарғайган саҳифаларини кўз нури ва юрак қони билан мунавар этиб, тарихнинг унутилган, чалкаш сўқмоқлари орасидан Ҳақиқат водийси сари элтувчи чағир тошли ягона йўлни излашга тушди...

Бобир илк учрашувдаёқ мусофир аллома сиймосида ота юртдан дуои салом келтирган меҳмонни эмас, балки улкан тафаккур соҳибини кўрди, аҳли дониш билан суҳбатни ҳар қандай вақтинчиликдан афзал билгани сабабли, уни ҳар оқшом ҳузурига чорлаб, дўстона иззат-икром ва лутф-карамлар кўрсата бошлади. Ҳофиз Кўйкий суҳбат асноси буюк ҳукмдор қаршисида ўтирганини деярли унутиб қўярди: Бобир Мирзонинг теран салоҳияти, фавақулда тиниқ ҳофизаси, фикридаги мантиқ қудрати умрини ёлғиз илму фанга бахш этган, мубоҳасада беназир нуроний алломани эслатар эди...

<sup>1</sup> Эшитдимки, қутлуг табиатли Жамшид бир булоқ бошида тошга шундай деб ёздирди: «Бу чашма қошига кўплар биз каби келиб ўлтирдилар, биз каби кетдилар ва йўқ бўлдилар».

\* \* \*

Тун. Олам фароғат оғушига чўмган. Сарой этагидаги қатор хос ҳужралардан бирининг даричасида милтиллаётган танҳо чироқ шуъласигина поёнсиз зулмат салтанатида таҳдид салади.

Елкасига енгсиз жубба ташлаган Ҳофиз Кўйкий мутолаадан толган кўзларини бир зум қоғоздан узиб, аста деворга суянди. Манглайини сийпаганча даричадан ташкарига тикилди. Осмоннинг кафтдек бурчи оқариб кўринарди.

Кеча оқшом суҳбат боқеъ бўлгач, Бобир унга бир жуъз қоғоз узатиб, секин кулимсиради.

— «Воқеот»ми, олампаҳо?

— «Воқеот».

«Воқеот»нинг қудратли сеҳри Ҳофиз Кўйкийнинг ақлу ҳушини тамоман мафтун этган эди. Бобирнинг улуғвор, шавкатли сиймоси олимнинг кўз ўнгига сатрма-сатр юксалиб борарди.

Унинг нигоҳи яна қоғоз бетига кезишга тушди.

«Фаргонанинг жануби тарафидаги қасабалардан бири Андижондурким, васатта воқеъ бўлбутур,— деб ёзарди Бобир соғинчда ўртаниб.— Андижон эли турктур. Шаҳр ва бозорисида туркий билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам била ростдур. Анинг учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бовужудким Ҳирийда нашъу намо топибдур, бу тил биладур...».

Осуда, оромбахш тун. Бесар ой кўкдан маънос термилади. Боғда мастона хидлар гуркирайди. Юрак аллақандай исмсиз туйғулардан оҳиста орзиқади. Олим мижажларини юмган кўйи ана шу исмсиз туйғуга исм топмоққа тиришади: нима бу — соғинчми, андҳуми, ҳасратми?

Балки, ушбу гўзал лаҳзаларнинг энди асло тақрор бўлмаслигини, дақиқалар ҳосиласи — умрнинг бебақолигини яна бир қарра англагани туфайли кўнгил пинҳоний изтиробда сирқираётгандир?

Олим хўрсиниб қўйди, қалам оқ қоғоз узра шодон югура бошлади:

«...Кўп вақт ҳазратнинг файзиёб суҳбатларидан баҳраманд бўлиб, ушундоқ ғариб ҳолни фаҳм этдимки, ҳазрат соҳибқирон Амир Темур Кўрагоний ва жаннатмакон Мир Алишерга бирдек улуғ эътиҳод боғлогон эдилар, аларнинг қутлуг номларини ҳаргиз тилдан қўймасдилар. Ҳазрати Мир ҳаётлигида дийдор насиб этмаганини мутасил таассуф била сўйлар эдилар...».

У қаламни лавҳнинг бир четига қўйиб, ўйга толди. Суронли замонларнинг шиддатвор тўлқинларида саросар суринган, ўз дилига беҳад яқин бу икки буюк зот — Мир Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобир ҳақида ўйлаб кетди.

...Ҳаёт уларнинг дийдор кўришувини хуш кўрмаган эди. Улар то тирик эканлар, бир-бирлари сари мислсиз ихлос ва иштиёқ билан талпиндилар. Иккисининг ҳам қалбида бир-бирига айтилиши шарт ва муқаррар бўлган жуда кўп гаплар пинҳон қолди.

Фақат ўлим, шафқатсиз, одил ўлимгина уларни дафъатан яқинлаштиради — улар ягона бир замин тупроғида, бир-бирларидан бор-йўғи юз эллик қақирим масофа нарида, бир-бирларидан буткул беҳабар мангу маскан ва фароғат топадилар, уларнинг боқий ва мардона руҳи йолдузларга тўла ягона осмон остида беором кеза бошлайди.

Юз эллик қақирим!.. Ёвқур, ўйтам чавандоз бу масофани учқур тулпорда икки кечаю кундузда босиб ўтмоғи тайин. Аммо, орадан асрлар ўтса ҳамки, улар шу икки манзилга абадий мутеъ бўлиб қолавердилар, бир-бирларининг истиқболларига ҳеч вақт пешвоз чиқа олмайдилар, қалбларидаги бир-бирларига айтилиши шарт ва муқаррар бўлган жуда кўп гапларни ҳеч қачон айта олмайдилар...

Бироқ, Ҳофиз Кўйкий — Мовароуннаҳрнинг зукко алломаси, қисматининг бу турфа савдоларидан ҳали мутлақо беҳабар эди. Ногаҳоний, нотаниш бир ғалаён олимнинг кўксини туйқусдан ҳаяжонга тўлдирди. Шу лаҳза Бобирни кўргиси, дилидаги ғаройиб туйғулар ҳақида унга сўзлагиси келди, қалбини чулғанган ва ўзи ҳам англаб етмаган бу

ғалати ҳисларни фақат шу закий зотгина тушуна олишига чин юракдан ишонди.

Аммо, бу айни пайтда рўёбга чиқиши мушкул бир истак эди. Бу вақтда Заҳириддин Муҳаммад Бобир Мирзо улкан салтанатнинг улкан ташвишлари билан мамлакатнинг жанубий вилоятларида, икки кундирки, беҳаловат кезиб юрарди.

Олим ўрнидан енгил кўзғалиб ташқари чиқди, айвоннинг нақшинкор устунига суянганча нимтатир оқиш тусга кира бошлаган Маширик томон тикилган кўйи сас-садосиз туриб қолди.

Тонг яқин эди. Ҳофиз Кўйкий Ҳиндистон тупроғида бедор қарши олаётган ўн иккинчи тонг ёришиб келарди.

\* \* \*

Боғи Нурафшон — ер юзининг жаннати — сирли фароғат ва шукуҳга тўлиб шовиллайди.

Ҳофиз Кўйкий бу дилкаш масканга биринчи кунданок қизгин меҳр кўйди. У кун бўйи гоҳ кутубхонада, гоҳ ҳужрасида мутлоадан бош кўтармай ўтиради, оқшом тушиб, қош қорая бшлага, адоқсиз боғ саҳнида хаёлкаш кезиб, ҳорғинлики буткул унутади.

Шундай оқшомларнинг бирида у Бобир Мирзога дуч келиб қолди.

Боғ эстагиде, азим шамшод ва дафна дарахтлари орасида қад кўтарган муаззам тоқи равоқда Бобир ёлғиз ўтирар эди. Умрининг сўнги йилларида у саройдаги хушчақчақ сурон билан тўла базму томошалардан совиган, жон олгучи ҳинд раққосаларининг ситамкор ишвалари ҳам, булбулигўё шоирларнинг шон-шухрат кўйида ўртаниб айтгучи дилрабо байтлари ҳам энди кўнглига завқ бағишламас эди. У кўп вақтини кўздан йироқ, хилват шу тоқи равоқда танҳо ўтказар, аҳён-аҳён, хуши келган чоғлардагина Юсуфийни қақириб, чоғир буюрар эди. Бундай пайтларда Боғи Нурафшонга теран сукунат чўқар, олампаҳоннинг дардманд, мискин кайфиятини сезган сарой аҳли, мулозимлар ун чиқармасликка тиришар эдилар.

Ҳофиз Кўйкий Бобирни қаттиқ хаёл оғушида кўриб, секин изига қайтмоқчи бўлди. У қизғиш қум сепилган йўлқадан мўъжаз хиебонга бурилганида, ортидан Бобирнинг:

— Мавлоно, марҳамат қилғайлар! — деган сархуш овози эшитилди.

Тоқи равоқда, қизил сандал оғочидан ишланган пастак хонтахта устидаги олтин баркашда мунаққаш кўзачалар, нафис чинни пиёларлар тизилиб турар эди. Ҳофиз Кўйкий оҳиста таъзим қилиб, пойгакка тиз чўкди.

— Истироҳатму? — Бобир кўзларини қисганча кулимсираб унга қаради.

— Ҳа, олампаҳон, бу кун оқшом ғоят латиф...

— Ҳа-ҳа... — Бобир бош ирғади. — Латиф, латиф...

Хийла вақт сўзсиз-садосиз қолдилар. Қуёш боғ ортида жимирлаб оқаётган Жамна сувига зар кокиллари ювмоқда эди. Ниҳоят, Бобир интиҳосиздек туюлган жимликни бузиб:

— Ушнинг оқшомлари ҳам кўп сўлим, тароватли бўлур, — деди.

Ҳофиз Кўйкий бош ирғаб кўйди.

— Бу оламда мен кезмаган юрт кам қолди, — деб давлом этди Бобир ўйчан оҳангда. — Не-не гўзал масканларни забт этмадим! Лекин, ҳеч қайда Ушдек латофатли бир вилоятни кўрмадим...

У хаёлга чўмганча тагин жим бўлиб қолди.

— У ерда бир устувор тоғ бор, Бароққўх дерлар. Мен Ушни олганимда — тарих тўққиз юз иккида — тангри таоло инояти билан ушбу тоғнинг тумшугида бир айвонлиқ ҳужра солдим... Тамом шаҳр ва маҳаллот оёқ остида эди. Ҳануз ўша ҳужра кўз ўнгимдан кетмайди. Айниқса, шу кунлар... Қани эди, инон-ихтиёрим ўзимда бўлсаю беш кунлик гуноҳкор умрнинг қолганини ўша ҳужрада ўтказсам! — дея туйқусдан шивирлади Бобир.

Ҳофиз Кўйкий унга ҳайроналик билан қаради. Бобир гўё суҳбатдошини унутгандек паришон ўлтирар эди.

— Минг таассуфки, дард бор, дармон йўқ. — У оғир тин олди. — Салтанат шундай бир тилсим эканки, мавлоно,

уни қўлда тутмоқ учун киши аввало қўлидаги инон-ихтиёридан халос бўлмоғи лозим экан...

Ҳофиз Кўйкий нима деярини билмай қолди.

— Мени «соҳибқирон», «етти иқлимнинг шамси анвори», «шаҳаншоҳи олам» деб кўкларга кўтардилар, — дея ҳасратли товуш билан сўзларди Бобир. — Лекин, бирор кимса билмайдики, мен ҳам асли шу ёғоч тахтага қараман, мана шу ялтироқ тоғга қулман... Илло, ҳар бир банда фақат оллоҳгагина қул эмас.

Олим бирдан қизаринди. Ахир, у ҳам Бобирни неча дафъа такрор ва такрор айни ўша сўзлар билан мадҳ этмаганмиди? Лекин, азал-абад шундай бўлгач, унда не ихтиёр? Чиндан-да, мушкул муаммо бу: ахир ҳукмдорни инсон инсонни атаганидек, «биродар» ёхуд «оға», ёхуд «ини» деб атаб бўлмасал...

Демак, бу сўзларни у ҳар сафар ботиний истеҳзо ва ижирғаниш билан тинглар экан-да...

Ҳофиз Кўйкий ҳиндлар Бобирга «қаландар шоҳ» дея ном берганликлари бежиз эмаслигини дафъатан аңглади.

— У юртлар энди бизга ҳаром... — Бобир қўлидаги пиёладан пайдар-пай бода сипқорарди. — Олманинг сархилини қурт ермиш. Юрт бузғувчи, бадфеъл, бойқуш шоҳларга қолди у вилоятлар... Аларнинг ақли бошидаги тождан ҳаргиз ташқари чиқмағай. Йўқса, бирининг этини бири еб, юртини ганимга берармиди?

Олимнинг вужудига симобдек титроқ югурди: «Аларнинг ақли бошидаги тождан ҳаргиз ташқари чиқмағай...» Бобирнинг сармаст, аммо маънодор бу сўзлари унинг юрагида илҳом ўтини ёқди — шу бир жумла не вақтдан буён тўхтаб ётган асарига нажотбахш кўприк бўлиб тушуви муқаррар эди...

У олампаҳондан тезроқ ижозат олиб кўзғалиш истагиде ўртана бошлади.

Яна сукунат чўкди. Ҳофиз Кўйкий на бу осойишта, дилбар сукунатни, на ўйга толган Бобирнинг хаёлини бузишга журъат этарди.

Бобир ботиб бораётган қуёшдан кўз узмай ўтираркан, бир пайт алланарса ёдига тушган каби эшитилар-эшитилмас шивирлади:

— Моли вофир, эли кофир, йўл ёвуқ...

Ҳофиз Кўйкий бирдан сергак тортиб, Бобирга ялт этиб боқди.

— Шарқ сори гар йироқдур, ул ёвуқ, — дея бош чайқади Бобир ва жимиб қолди.

Ҳофиз Кўйкий лол қотган эди: карвонсарой, Бахши-турк, чоғир...

У фикрини йиғиб, нимадир дейишга оғиз чоғлади-ю, ботинолмади: суҳбатдошининг қиёфасидаги ҳорғиң изтиробни кўриб, ҳозир ҳар қандай сўз ортиқча эканини пайқади.

— Мавлоно... — Бобир туйқусдан унга ўгирилди. — Сиз кўп мушкулотларни кечирган соҳиби ақлсиз. Мен сиздан яна бир сўроқ сўрасам майлими?

— Бош устига... — Олимнинг бирдан тили тутилди, сўнг журъатсизгина: — Бош устига, олампаҳон, — деди.

— Мана, сиз... Йўқ, оллоҳнинг ҳар бир бандаси гоҳ худ, гоҳ беҳуд тушлар кўрур. Тушда кишига кўп биликсиз нарсалар аён бўлғусидир. Шундай эмасми, мавлоно? Аммо, менинг... Не вақтларким, мен муттасил бир туш кўриб мазмунини аңламоқдим ожизмен. Тушлар баъзан ақлакш бир йўсин манзара намоён бўлур: ўша Фарқатда кўрганим — тошқин сой ҳудудсиз бир денгиз каби айқириб ётади. Сув бетини юлқа сув босган. Қўлимда асо, муз узра шитоб ила қайгадир олиб бораман. Ҳар қадам кўйганимда оёғим остида муз қирс-қирс ушалар, муз ҳар қисирлаганда юрагим қалқиб-қалқиб кетар... На денгизнинг поёни бор, на йўлимнинг, ваҳм ичра қаро терга ботиб тентиб юраман. Саҳар чоғи ҳушим бошимдан учиб, не вақт ҳайрону паришон ўлтираман. Сўнг аркони давлат, мунажжимлардан таъбир сўрайман. «Олампаҳон, муборак назарингиз тушган ул канора, иншооллох, саодат соҳили бўлур», дейдилар...

Мағрибдан шамол турди. Гулларнинг боши эгилди. Қуёшнинг сўнги жилваси тоқи равоқнинг гулгун нақшларини яллиғлантирди.



— Саодат соҳили!—Бобир ёниқ бир хўрсиниш билан хитоб қилди.— Қайда у? Қай бахтиёр кимса унга етибдир? Ҳофиз Кўйкий ҳануз сомеъ бўлиб ўтираркан, лаблари беихтиёр шивирлади: «Дарҳақиқат, қайда у? Бу рубъи маскунда саодат истаган банда ҳеч вақт унинг чин дийдорига эришурмикин? Дунёни зир титратган жаҳонгирки унга этмаган экан...».

— Кўп алломалардан, уламои киромлардан сўроқладим: «Қайда у?» Кўнгил тингудек бир жавоб топмадим,— дея давом этди Бобир.— Гоҳ айтдиларки, у чоғир денгининг кирғоғида, гоҳ дедиларки, маърифат дарёсининг канорасида... Гоҳ эса уқтирдиларки, савоб уммонининг сарҳадларида...

Ҳофиз Кўйкий дилидаги гап тилига қай йўсин қалқиб чиққанини билмай қолди:

— Саодат соҳили — ватанда, олампаҳо...

Бобир бирдан ялт этиб қаради. Шохнинг сархуш кўзларида ногоҳ ўкинч кўланкаси пайдо бўлганини кўриб, Ҳофиз Кўйкий ғайришуурий тарзда унинг қалбидаги битмас жароҳатга тиг тортганини пайқадую хижолат чекиб, ерга қаради.

Уфқ куёшни ўз бағрига дафн этди. Булутларнинг кўкси қонга тўлди. Олисидаги тоғлар унсиз фарёд чеқди.

Ёруғ оламда бу фарёдни муаззам тоқи равоқда ўз хаёлларига ғарқ бўлиб ўтирган икки кишидан бўлак бирор кимса эшитмади...

\* \* \*

Эртаси оқшом Бобир уни одатдагидек яна ҳузурига чорлади. Бу кун унинг кайфи чоғ кўринар, кечаги маҳзун ўйларидан асар ҳам сезилмас эди. У фикрнинг баъзи бир масалалари юзасидан олимдан фикр сўради, сўнг «Воқеоти Бобир»нинг янги саҳифалари хусусида сўз очди.

Вақт шомга яқинлашганда, йирик лашкарбошиларидан бири — амир Султон Муҳаммад Дўлдой кириб бош эгди:

— Олампаҳо, шаҳнатун нажаф Ҳумоюн Мирзодин чопар келди!

— Хўш?— Бобир ўткир кўзларини амирга қадади.

— Ҳумоюн Мирзо кеча оқшом муборак ҳузурингиз сари отланган экан. Бироқ, тонгласи Жунпурда боши бузуғ ҳиндлар яна исён кўтармишлар. Ҳумоюн Мирзо зудлик билан мадад тилайдир.

Бобир бир зум ўйланиб қолди:

— Ҳа... Хожа Калон қайда?

— Хожа Калон ҳали Банголадан қайтгани йўқ эди. Олампаҳо ижозат этсалар, туркман навкарини олиб, ҳозирок йўлга чиқур эрдим.

Бобир бош ирғади:

— Маъқул. Отланинг. Фақат Гиёсиддин кўрчига етказинг: Қандаҳор йўлига киши чиқарсин. Ҳасан Алининг бир тўп йигитларини андин олиб Лоҳурга юбормоқ даркор.

— Лоҳурга?

— Жунпур рожаси Лоҳур бегининг қайинисини бўлур. Мақол борким, ўзинга эҳтиёт бўл-у, кўшнингни ўғри тутма. Бас, эҳтиёткорлик ҳеч кимсага зиён келтирган эмас.

— Бошим билан, олампаҳо!

— Оллоҳ ёр бўлсин!— Бобир кафтларини фотиҳага очди.— Омин ё раббил оламин!

Султон Муҳаммад Дўлдой юзига фотиҳа тортди-да, эшикка йўналди. У бўсафага етганда Бобир:

— Амир Султон Муҳаммад!— деб чақирди янроқ товуш билан.— Бир лаҳза сабр этинг! Ҳумоюн Мирзога амрингизни етказингким, токи фақат ақл ва тадбир билан иш кўрғай. Уқдингизми? Сиздек соҳибтажриба кишига ҳеч бир ўргатгулик ери йўқтур.

Султон Муҳаммад Дўлдой таажжуб билан остонада қотиб қолди.

— Нечун тағофилланасиз?! Англамадингизму? Бу сафар ҳам Балодардагидек қирғин-қиёмат қўлмасин, дейман!

Амирнинг силлиқ мийиқлари асабий пирпиради:

— Амрингиз вожиб, олампаҳо, аммо бу содиқ қўлингизнинг фикри ожизига ҳам қулоқ берсангиз: бузуқбошларнинг давоси — ёлғиз қилич!

Бобир кескин бош чайқади:

— Ҳалат сўйлайсиз, амир Дўлдой! Мамлакатдорликда ҳар бир ишнинг ўз мавриди бордир. Сўнг унутмангким,

сиз бу юртда бугун бир бошни узсангиз, эрта сизга қарши иккиси бош кўтаради.— У бир лаҳза тин олиб, суҳбатга яқун ясагандек ўрнидан турди.— Ҳўп, ижозат, боринг. Сўзларим қулоғингизда бўлсин!

\* \* \*

Орадан уч ҳафта ўтди. Ҳумоюн Жунпурдан зафар қозониб қайтди. Агра шавкатли бир руҳга чулғанди.

Бир тонг Ҳофиз Кўйкий дилғаш бўлиб уйғонди. Бомдод намозидан сўнг ҳам кўнгли ёришмади. Тунда кўрган аллақандай алоқ-чалоқ тушини эслади, жойнамоз устида ўтирган кўйи таъбир излади.

Тушига раҳматли Биноқул кирибди: қўлларини фотиҳага очиб турган эмиш.

«Арвоҳи чирқиллаб юрибдимикин?— дея эзилди Ҳофиз Кўйкий.— Балки, ҳақиқа дуои фотиҳа лозимдир... Умидвор-умсинганлар озмиди, ахир?»

Шу ўй баробари қалбида соғинч туйди, салдан кейин соғинч туйғуси айбдорлик ҳисси билан алмашди.

Биноқулнинг бевақт ўлимига у ҳам беихтиёр сабабор эмасми? Нега худонинг бир мўмин бандасини йўлдан оздирди? Ахир ўшанда йигитни бу хатарли орзусидан қайтарса бўлмасмиди? Ушанда, бир муслимнинг падари билан дийдор топишувига кўмаклашай, ҳарна савоб, деб ўйлаган эди. Энди батафсилроқ мулоҳаза қилиб қараса, ота дийдори Биноқулга бир баҳона экан, холос. Ахир, у бедарак кетган отасидан кўра кўпроқ Бобиршоҳ ҳақида ёниқ сўзламасмиди? Бобир Мирзонинг жонбаста ғазалларидан кўра кўпроқ жанги жадаллари тарихию музаффар жаҳонгирлик таърифини тинимсиз сўраб-суриштирмасмиди? Нега ўшанда манглайи қора бу фоғил йигитни ўзининг уқубатли йўлига ҳахроқ, чигал қисматига ҳамдам этди? Чин саодат олис чоғу тошлар, дарё-денгизлар ортидаги бегона юртда эмас, балки илғидаги икки таноб ерию қосиблик дўқонида эканини у гумроҳ кимсага нега уқтирмади? Не боиским, Биноқул Бобиршоҳга бу қадар ихлос қўйган эди?..

Нонушта чоғи ҳам шу андишалар хаёлидан нари кетмади. У ҳужрасидан чиқиб, аста қундалик машғулотларига отланганида, мулозим келиб, ҳузур муборакка — шох қабулига таклиф этди.

Бобир уни шу пайтгача ҳали бирор марта эрталабдан йўқламаган — оқшомларига суҳбатга чорлар эди. Олим кутилмаган таклифдан таажжубланиб, сарой сари йўл олди.

Девонда Бобир негадир ёлғиз, арқони давлатдан ҳеч бир кимса кўринмас эди. Ҳофиз Кўйкий таъзим адо қилиб, кўрсатилган жойга ўтираркан, Бобир унга синчков назар солиб:

— Устингиздан шикоятлар бор, мавлоно!— деди.

Ҳофиз Кўйкий азбаройи гангиганидан талай вақт тили калимага келмай қолди.

«Ё раббанол! Қуруқ тўхматдан ўзинг асра!»

Ниҳоят, юрак ютиб, бўғиқ овоз чиқарди:

— Фоғил қўлингиздан не гуноҳ содир бўлибдир, олампаҳо?

— Гуноҳ шулким,— деди Бобир қатъий оҳангда,— баковулларимиз сиздан қаттиқ ранжибдирлар: тортган таомларидан лоақал бир луқма танаввул этмас эмишсиз. Шу гап чинми, мавлоно?

Ҳофиз Кўйкийнинг вужуди зириллаб бўшашди.

«Хайрият!»

— Ҳа, олампаҳо,— деди у бош ирғаб.

— Сабаб?— деб сўради Бобир чимирилиб.

— Сабаб... Олампаҳо, хотирингизга бад гумонлар келмасин, баковулларингизда ҳам, таомларда ҳам ҳеч бир айб йўқтур,— деди олим оҳиста тин олиб.— Алардан танаввул этмаслигимнинг боси шундаки, мен тутган тариқат йўли бунга имкон бермайди. Маълумингизким, мақомати нақшбандияга бинован, ўзганинг миннатисиз, ўзганинг меҳнатисиз, ўз меҳнати билан топилган нарсагина кишига ҳалол саналур...

Бобир бирдан сўзсиз қолди, сукутга чўмди.

— Ҳўп, бу узрингизни инобатга олайлик,— деди у ниҳоят, ҳамдардона бир йўсинда.— Лекин, сизнинг кўча-кўйларда сув ташиб, ер супуриб юришингиз ўз шаънингизга

ҳам, бизнинг шаънимизга ҳам ярашмас. Оғзига кучи етмаган мардум айтмасмики, мусофир меҳмонини сиғдирмабдир, деб?

Ҳофиз Кўйкий хижолат чекиб кулимсиради:

— Кўнгил тўғри бўлгач, мардумнинг ҳар не гап-сўзи ҳеч эмасми, олампаҳо?

Бобир яна узоқ ўйга толди.

— Хайр, майли, бироқ хизматингизга берилган мулозимни жўнатиб юбормоқ на ҳожат эрди?

— Олампаҳо...— деди олим қўлини кўксига қўйиб.— Утиниби сўрайдирмен, бу ҳаракатларим зинҳор ношукурлик деб баҳоланмаса... Начора, бу нотавон банда мулозим сақламоққа қодир эмас. Мен — бир оллоҳ қули, бас, ўзим қул бўлганим ҳолда, яна қай йўсин қул сақламоққа ҳаддим сизсин?

— Нечун хотиримдан фаромуш бўлбур?— дея бош тебратди Бобир.— Ахир: «Қачон бу бандалиғ хожалиғ билла рост келур!» Шундай эмасми, мавлоно?

— Ҳаққаста рост, олампаҳо.

Гап-сўз тугагандек, ҳар ким ўз фикр-ўйларига фарқ бўлгандек эди. Бир пайт Ҳофиз Кўйкийнинг қулоғига аллақандай ҳасратли, шиквакор шивир чалинди:

— Унда бизнинг аҳволимиз не кечур, мавлоно?

Олим бошини кўтариб, Бобирнинг мубҳам изитроб чўккан кўзларини кўрди, кўрди-ю, ботиниб қараёлмади.

— Лаббай, олампаҳо?

— Бизнинг аҳволимиз не кечур?— Шоҳнинг сезилар-сезилмас таассуф оҳанги зоҳир овози ҳазин титраб кетди.

Ҳофиз Кўйкий шошиб:

— Сизнинг йўригингиз бўлак, олампаҳо,— деди.

Яна эзгин жимлик, яна безовта сукут...

— Гоҳи дәмлар озодаваш дарвеш бўлгим келади,— дея ногоҳ тилга кирди Бобир.— Барчасига этак силкиб, «Хайё ҳўй!» деб оёқ етгунча кетсам дейман... Мундин икки йил муқаддам Чандара отлиғ бир вилоятда бўлгон қаттиқ чопқиндан сўнг шу хаёл хотиримга бот-бот келадиган бўлиб қолди. Ул қаттол бир жанг эдиким, тўкилган қон дарё бўлиб, мурдалар ўшал дарёда хас-чўп бўлиб оққан эдилар. Тангри бизга яна бир бор иноят қилиб, қўлимиз баланд келган эди. Чопқиндан сўнг барча беклар базмага йиғилиб, жанговар зафар нашъасидан тўлиб-тошиб сўйладилар: ким филлар подасини талотўп этган, ким зарбзан палақмонларни ғанимнинг ўзига қараб ўк отмоққа мажбур қилган... Мен эса бир сўз демай ўтирардим, паршон, афтодаҳол. Кўз ўнгимда содир бўлимиш кўрқинч бир жасорат ақлу ҳўшдан тамом айирган эди: жувонғор қуршовида қолган қалъа девори тагида ҳинду аскарлари навкарларимиз зарбидан бир-бир қирилиб битдилар, ахйир, ўн беш нафар ёв аскар мўқаррар бандилик хавфида қолди. Шу чоғ аларнинг бири ағдарилиб ётган ароба узра чиқиб, қилич яланғочлади, бошқа ўн тўрт нафари бир-бир келиб қилич тизига бошларини тўтиб бердилар... Ниҳоят, қилич тутқон навкар қўйнидан дудама ханжар чиқариб, ўз кўксига санчди... Аларнинг жасоратига сидқидилдан тонг қолдим. Ва сўнгроқ гуноҳкор дилимга ситам кирди.

Ҳофиз Кўйкий, қаршисида кўнгил ёриб истиғфор келтираётган музтариб бу кимсага ич-ичида оллоҳдан шафқат ва мурувват тилар эди.

— Англадимки, бу ўлкада аларнинг ёлғиз жисмларини бўйсундира олур эканмен, руҳларини итоат эттирмакка ҳаргиз қудратим етмас эркан... Ва яна англадимки, алар ўз юртларидан тириклайин жудо бўлмоқдин кўра ўлимни афзал кўрдилар. Мен эса, не юз қаролиғким, ўзга юртни ўз юртимдин афзал билдим...

Бобирнинг мискин кайфияти олимга ҳам юқди. Тўсатдан олис тоғ этагидаги қишлоғини, китобларга тўла ҳужрасини бениҳоя соғинганини ҳис этди, ҳозироқ йўлга отлангиси келди.

— Қайтгим келадир, мавлоно!— деди Бобир тўлиқиб.— Аммо, имкон қайда?.. Сиз билан кўришганимдан буён ғариб бир хаёл туну кун тиним бермайди: ул виллоятларни энди зўру зарб билан ола билмасмен. Балки ўзга чора излаб кўрмоқ даркорму? Розимен, киндик қоним тўкилмиш юртга шоҳлик миннатидан халос бўлиб, қалан-дар либосида қайтай...

Яна дилгир сукунат ҳукм сурди. Бобир туйқусдан қўйи эглиби, сирли товуш билан шивирлади:

— Мавлоно... Йўлга бирга отлансак, не дейсиз?

Ҳофиз Кўйкий Бобирдан ҳар не сўз кутса кутган, бироқ унинг бундай ногаҳоний кенгаш тилашини ҳаргиз хаёлига келтирмаган эди — эс-ҳўшидан айрилгандек анграйиб қолди.

— Нечун жимсиз, мавлоно?— деди Бобир ўртаниб.— Сўйланғ, бир сўз денг!

— Олампаҳо...— Олим ночор тин олди.— Салтанат не бўлур?

Бобир паришон қўл силтади:

— Ах, салтанат... Не бўлса — оллоҳдан! Шу салтанат миннати умр бўйи оёғимга кишан бўлди, муродимга — ғов. Лекин...— У кучланиб, ўрнидан кўзғалиб қўйди.— Лекин, энди бир зўр билан жаҳд қилурмену бу кишанни тилка-тилка этурмен!

Шу пайт хосхонага нафис шоҳи қўйлак устидан ёқутранг зарбоф камзул кийган етти-саккиз ёшлар чамалиғ дуркун кизалоқ — Гулбаданбегим югурганча кириб келди. Отаси хузурида бегона киши борлигини кўриб, пойгакда бир дам тўхтади, сўнг бошидаги нимпушти ҳарир рўмолини тузатиб, таъзим билан салом берди.

— Ваалайкум асалом, она қизим,— деди Бобир чехраси ёришиб.— Келинг?

— Бегимлар канизлар билан байт айтаётирлар, падари муборак,— деди Гулбаданбегим туйғун кўзлари чақнаб.— Соз чалиб, ўйин қилаётирлар. Мен тинглаб ўтириб эдим, ногоҳ бир рубойини ёд олдим.

— Боракалло зеҳнингизга, она қизим!— деди Бобир жилмайиб ва Ҳофиз Кўйкийга қараб қўйди.— Қани, йўқса эшитайлик, не рубойини ёд олдингиз экан?

— Сиз битмиш рубойини, падари муборак.

— Қани?

Гулбаданбегим бийрон тил билан, бурро-бурро ўқий кетди:

**Туз оҳ, Заҳириддини Муҳаммад Бобир.**

**Юз оҳ, Заҳириддини Муҳаммад Бобир.**

**Сирриштаи айшдин кўнгулли эинҳор**

**Уз, оҳ, Заҳириддини Муҳаммад Бобир.**

Бобир, кўнгли эриб, қизини бағрига босди, манглайдан, юз-кўзларидан суйиб ўпди.

— Илоҳим, тангри ўз паноҳида асрасин сизни,— деди.— Ҳофизангиз дуруст, она қизим. Фақат жузъий бир саҳв қилдингиз, майли, ҳеч бокиси йўқтур.

Гулбаданбегим лоладек қизариб, отасига ҳайрон боқди: — Қай нуқтада, падари муборак?

— «Сирриштаи айш», деб ўқидингиз. Бу маъни форсийда асли «сарриштаи айш» бўлур, яъниким, «калаванинг учини», демакдир,— деди Бобир кулимсираб.

— Бегимлар ҳам, нозималар ҳам ҳали мен айтгандек ўқиб эдилар,— деди Гулбаданбегим хиёл тараддулланиб.

— Бегимлар ҳам, нозималар ҳам шундоғ ўқиган бўлсалар,— деб қулди Бобир,— у ҳолда, калаванинг учини ҳўб чувалган экан!

Ҳофиз Кўйкий беихтиёр кулгига қўшилди. Гулбаданбегим ҳам кўнғироқдек товуш билан кулиб юборди.

— Йўк, мен бориб айтай, калаванинг учини топиб олсинлар,— деди у ва югурганча чиқиб кетди.

Бобир унинг ортидан термилиб қоларкан, лаҳза ўтмай, кўзларидаги меҳр ўрнини андуҳ эгаллади.

— Мана, мавлоно,— дея хўрсинди у олимга юзланиб,— ҳол-қунимин кўриб турибсиз. Дарвеш бўлиб ватанга қайтмоқ орзусини қилурмен-у, бироқ... Бу дондек фарзандларимдан қандоқ кўнгил узармен? Йўк, мавлоно, менинг имконим етмас мушкул савдо кўринадир бу... Дарвеш шоҳ бўлмоғи мумкиндир, аммо шоҳнинг дарвеш бўлмоғи...

Остона ортида бетоқат қадам шәрпаси, ивир-шивир товушлар эшитилди. Бобир сергак тортиб, эшик томон қаради. Ранг-қути қум ўчган, фавқулода бесар-безовта сарой муҳрдори Кичик Хожа эшик оғасининг ортидан шошиб ичкари кирди.

— Не гап?— Бобир унинг бежо авзойини кўриб, илкис ўрнидан кўзғалди.

— Нохуш хабар, олампаҳо!— деди мухрдор нафаси текилиб.— Афгон амирлари Бибан ва Боязид Қануждан қочиб, Шамсиобод қалъасини ишғол этмишлар, Абул Муҳаммад найзадор ожиз қолибдур. Фитнакорлар Гангдин ўтиб, Сарвар сари жадал босиб келмоқда эмишлар. Фотиҳхон Сарбоний ҳам аларнинг ҳимоятига таяниб, қайта бош кўтармиш. Банорасдин ҳам чопар келди: Шерхон Сурнинг чериги шаҳарни тамом қуршов тутмишдиқ. Бангола ҳукмдори Нусратшоҳ ҳам алар билан иттифоқ тузган эмиш!..

Кичик Хожа, келтирган бу хабарлари учун ёлғиз ўзи айбдордек, бошини кўйи солган кўйи тош қотди.

Бобирнинг маҳкам қимтилган юпқа лаблари сезилар-сезилмас пириллаб уча бошлади, бодом қовоқлари остидаги қийқ кўзлариди Хофиз Кўйкийга бегона бир шиддат ва қаҳр алангаси ёнди.

— Ух, малъунлар!— деди у тишларини қисиб.— Қасам кўр қилгур муртадлар! Неча дафъа аларнинг сулҳ ва итоат бобида берган пуч ваъдаларига инондим, бироқ ҳар сафар ҳам мана шундоғ ғофил қолдим. Бу хаёли бузуғлар салтанатни эгасиз деб, Бобир Мирзони ўлган деб, гумон қиладилар, чамаси. Хайр, майли, ўзларидан ўтди— ўзларидан кўрсинлар! Лафзни унутқонларга шафқатни унутмоқ керак!

У кескин юриб эшик олдида борди, ҳануз музтар турган Кичик Хожага шижоатли нигоҳини тикди:

— Хўш, Кичик Хожа?

— Лаббай, олампаҳо?— Кичик Хожа кўзлари жавди-раб унга юзланди.

— Ранг-рўйингиз бир ҳолат?

— Олампаҳо...

— Нечун абдирайсиз? Бундоғ қаро кунларни ҳеч кўр-мабидингиз? Сиздек суянган тоғимизки шумхабар шабадасига тебранса, хўб бўлгон экан! Тағин ўзгалардан не гина қилайлик!

— Олампаҳо...— Кичик Хожа бемажол титраб, тилга кирди:— Камина қулингизнинг садоқати ҳам, жасорати ҳам зоти муборакларига кундек равшандур. Давлатингиз соясига кўп марҳаматлар кўрдим, шавкатли кунларингиз саодатига шерик бўлдим, энди жаҳаннам комиға йўлласангиз ҳам бош тортмай бормоқ мен учун фарздор. Фақат, кўнглингизга келмасин, паришонлиғим боиси бўлак: мундин ярим соат бурун Шамсиобод қалъасидин фарзанди аржумандим Малик Хожанинг ўлигини келтирдилар...

Тош қотмоқ навбати энди Бобир Мирзога етган эди. У бир сўз дея олмай, жойида туриб қолди.

Барлос бекларидек алпкелбат, мутаассир чеҳрали Малик Хожага уч ҳафта муқаддам ўз қўли билан исфаҳоний қилич тортиқ этган, мўйлаби эндигина сабза ура бошлаган бу баходир йигитни юзбошилиқ мартабаси билан қўлаб, лутфу қарамлар кўрсатган эди. Мана, бу кун энди у йўк. Унинг ўша лутфу қарамларини деб шаҳид бўлибди!

«Ё раб! Қандоғ навқирон эди!»

— Оллоҳ сабр берсин, ҳабибим,— деди у кўкси хўрсиниққа тўлиб ва мухрдорнинг ғам букиб қўйган жуссасини бағрига босди.— Бошингизга шундай мусибат тушибди-ю, сиз нечун бунда юрибсиз?

— Олампаҳодан ижозат...

— Ижозати не!— деди Бобир койиниб.— Боринг, маърака тадоригини кўринг. Тўхтанг! Раҳматлининг ёши ўн саккизмиди, ўн тўққиз?

— Кузак келса, ўн тўққизга чикур эрди,— деди Кичик Хожа ўзини базўр тутиб.

— Во дариғ! Жувонмарг кетибди...— Бобир Мирзо сўз тополмай қолди, ҳозир ҳар не таскин-тасалли айтмасин, отанинг мискин кўнглини кўтармоққа ҳарчанд тиришмасин, барча ҳаракатлари зое, барча маҳрами асрорлиги сохта бўлиб чиқадигандек туюлди— эзилди, ўртанди...

Хуфтон намозидан сўнг Заҳриддин Муҳаммад Бобир Мирзо бошчилигидаги йигирма минг отлик-яёв кўшин шаҳар дарвозасидан гурас-гурас чиқиб, Агра сари мўр-малаҳдай бостириб келаётган душман қаршисига— ҳаёт-мамот жангига жўнади.

... Малик Хожанинг жанозасида Бобир тасодифан Хофиз Кўйкийни кўриб қолиб: «Ҳали учрашурмиш, мавлоно», деган эди, аммо оқшом олим у билан хайрлаша олмади.

Шу бўйи улар олти ойдан сўнг— Бобир Шимолий Ҳиндистонда тинчлик ва осойишталик ўрнатиб қайтгандан кейингина кўришдилар.

\* \* \*

Хофиз Кўйкий эрталабдан буён кутубхонада мутолаа билан машғул эди. У не вақтларки, бир китобни излаб юрар, уни Техронда ҳам, Истанбулда ҳам, Қоҳирада ҳам ахтариб тополмаган эди. Бобирнинг кутубхонасидаги дунёнинг жаҳики тафаккур ҳазиналаридан келтирилган қимматбаҳо қўлёзмалар орасида бу нодир асарнинг нафис настаълиқ хат билан кўчирилган нусхасини кўриб, шохлик теккан гадодек қувониб кетди. Бу— Муҳаммад ибн Инъомнинг «Тарихи Туркистон» асари эди. Олим китобни зўр иштиёқ билан мутолаа қилди, сон-саноксиз истило ва босқинлар, мислсиз кулфатларда топталиб, вайрона кул тепалар узра қақнус сингари мағрур қад тиклаган, асрлар бўйи кимсага бўйин эгмаган она халқи, она юртининг шонли тарихи қалбига ларза солди, шу ажойиб асар юрагида қўзғаган ҳайрат ва ҳаяжон тўлқинлари тинмасдан туриб, уни она тилига ўғирмоққа киришди. Шу тариқа бор оламини унутиб ўтираркан, китобдор келиб елкасига оҳиста кафтини қўйди:

— Маъзур туггайсиз, мавлоно, сизни йўқлаб келмишлар.

Хофиз Кўйкий останада хомуш қиёфада турган Юсуфийни кўриб, шоша-пиша ўрнидан қўзғалди:

— Не гап?

— Олампаҳо сизни кўрмоқ тилайдилар,— деди Юсуфий ғамгин товуш билан.

— Тинчликму?— Хофиз Кўйкийнинг кўнглида безовта бир ҳадик пайдо бўлди.— Не гап?

Юсуфий ердан кўз узмай жимгина борар эди. Қоронғилик кўйида ҳайхотдек бўлиб турган Боғи Нурафшонга бурилиб, саройнинг оқ мраммар зиналаридан кўтарилаётганда паришон оҳангда шивирлади:

— Олампаҳо бетоб... Оғир ётибдилар...

Тўрдаги хосхонада беш-ўн чоғли одам тўпланган, ҳамма ташвишманд қиёфада, шивирлашиб сўзлашар эди.

Хофиз Кўйкий юраги увишиб ичкарига қадам қўяркан, останада кўзлари қизарган, чеҳраси паришон Ҳумоюнга дуч келди. Четланиб йўл бераркан, енгил таъзим билан сўради:

— Қиблагўҳингизнинг сихатлари нечук?

Ҳумоюн ғамли кўзларини ерга тикди.

— Шукур,— деди бўғиқ овоз билан. Кейин ипак салласининг печи билан кўзларини артаркан:— Кириг,— деди.

Ўртадаги баланд ўринда Бобир Мирзо ётарди. Рангла-ри синиққан, киртайган кўзлариди интиҳосиз бир андух...

— Саломатмисиз, олампаҳо?

Бемор сезилар-сезилмас бош ирғади, кўзларини шифтдан узиб, олимга қаради. Мавлоно Абулбақо унинг ёстиғини тўғрилаб қўйди-да, Хофиз Кўйкийнинг пойқадамига фотиҳа ўқиди:

— Омин, дард берган тангрим ўзи шифо берсин!

Хобгоҳ жимжит бўлиб қолди. Хофиз Кўйкий икки кун муқаддам Бобирнинг ҳузурда Тошкандга қайтиш учун ижозат сўраганини эслади.

«Бемаврид бўлган экан», дея кўнглидан ўтказди афсусланиб.

Бобир бошини болишдан куч билан узиб, унга қаради-да:

— Аҳволингиз нечук, мавлоно?— деб сўради.

— Оллоҳга минг қатла шукур, олампаҳо.

— Сафарингиз қарибди-да?

Олим қўлини кўксига қўйди:

— Зоти шарифлари ижозат этсалар...

— Ижозат этурмиш!— деди Бобир ички бир зўриқиш билан, сўнг мушкул бир вазиятда қолгандек, бошини ёстиққа ташлади.— Мавлоно, менинг сизни бунга чорламоқдан мақсадим...— Уни бирдан йўтал тутиб, сўзи бўлинди.— Мақсадим шулки, битмак орзусида юрган таснифларингизга ривож тиламакдир, холос. Биздан не кўмак даркор бўлса, зинҳор тортинмангиз.

— Қуллуқ, олампаҳо.

«Ешлик» журнали ташкил этилганини эшитиб, гоят хурсанд бўлдим. «Ешлик» — ғайратли чўлқуварлар, зангори кемаларни гуриллатиб ҳайдаётган азамат механизаторлар, серфайз далаларимизнинг барча меҳнаткашлари учун бирдай севимли журнал бўлиб қолишига ишончим

комил. Ёш адибларимиз фидойи ва толмас пахтакорлар ҳақидаги янги асарлари билан бизни хушнуд этадилар, деб умид қиламан.

Турсуной ОХУНОВА,  
икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

— Китобдорга фармон берилур,— деди Бобир.— Кўнглингиз тилаган исмики китобни ўзингиз билан олмоғингиз мумкин...

Оғир жимлик чўкди. Муҳташам тилла қандиллардаги шамларнинг липиллаб ёнишигина сукунатга раҳна соларди. Анчагача ҳеч кимдан садо чиқмади. Бу ўнғайсизликдан яна Бобирнинг ўзи кутқазди.

— Кеча оқшом ғариб хаёлимга бир нимарсалар келиб, қоғоз қоралаб эдим,— дея заиф жилмайди у.

Барчада алланечук бир жонланиш содир бўлди:

— Олампаҳоқ марҳамат этсалар...

— Табаррук битиклари номуборақ қулоқларимизга сазовор кўрилса, бошимиз кўкка етурди...

Бобир бир зум ўйланиб қолди, сўнг ҳорғин кўзларини ёнидаги лавҳага тикди. Юсуфий ўрнидан илдам турди-да, лавҳа устидаги саҳтиён муқовали китобни Бобирга узатди. Бобир китоб қатидан букланган юпқа қоғоз олиб, тиззасига қўйди, бемажол лабларига нимпушти қизиллик югургандек бўлди:

**Ё қаҳру ғазаб бирла мени туфроқ қил,**

**Ё баҳри иноятингда мустағроқ қил.**

**Ё раб, сенгадур юзим, қаро, хоҳ, оқ қил...**

Бобирни тағин қуруқ, қаттиқ йўтал тутди, нафаси бўғилиб, сўнги мисрани куч билан базўр шивирлади:

**Ҳар нав сенинг ризонг эзур, андоқ қил...**

Рубойининг ажиб оҳангига сеҳрлангандек, ҳамма бир лаҳза тек қолди. Ниҳоят, бирин-кетин аъёнларнинг олқишлари эшитила бошлади:

— Хўп айтибдурсиз, олампаҳоқ, бисёр гўзал!

— Ҳақ сўз, гоят хуштакаллум байтлар...

— Ошиқона гўзал лутф бўлибдир, олампаҳоқ...

Бобир Мирзо оҳиста бош чайқади, ҳазин жилмайгандек бўлди. Сикиққан чеҳрасида бир лаҳза аламноқ таассуф ифодаси кўринди.

Бу дардли мисраларнинг «ошиқона гўзал лутф» эмас, балки суронли умри сўнги манзил сари бораётган улкан музтариб қалбнинг келгуси насллар олдида беражақ изтиробли ҳисоби, даврон ҳукми қаршисидаги маънос ўтинчи эканини ёлғиз Ҳофиз Кўйкийгина ўз савқи табиийси билан англади.

Бобир буни сезди, миннатдор кўзлари олимга жавдираб бокди...

Оламнинг қарийб ярмини қилич билан, қарийб ярмини қалам билан забт этган, бир оғиз каломига минг-минглаб одамларни мунтазир итоатда тутган, ҳамиша шаъну шавкат оғушида музаффар яшаган бу улўф заковат соҳибини бундай маҳзун ва ғариб ҳолда кўрмоқлик гоят оғир эди — Ҳофиз Кўйкий мутаассир бўлиб, беихтиёр нигоҳини олиб қочди...

Эрталаб беморнинг аҳвол-руҳияси хилий энгиллашди, бироқ ҳамон дармонсиз эди.

Ҳофиз Кўйкий бомдод намозидан сўнг у билан хайр-хўшлашиб, барча яхшиликлари учун қайта-қайта ташаккур айтди, оллоҳдан шифо тилади. Хобгоҳда талай одам бор эди, бироқ Бобир миждаларида йилтираган томчиларни ипак чорси билан артишдан истиҳола қилмади.

— Сизга не чоғли ҳавасим келишини билсангиз эди! Унинг Ҳофиз Кўйкийга айтган сўнги сўзлари шу бўлди...

Карвон эндигина Ҳиндистон сарҳадидан чиққанида, кўприб кетган чавқар отда Кобил сари елиб бораётган чопар орқадан қувиб етди: «саодатманд» шоҳ — Заҳрирдин Муҳаммад Бобир Мирзо оламдан ўтган эди...

\* \* \*

Ҳофиз Кўйкий бир ҳафтагача Боғи Нурафшонда мотамдорлар билан бирга бўлди. Ногаҳоний бу мусибатдан дил-дилдан изтироб чекаркан, бутун қалби, борлиғи Бобир Мирзо ёди билан боғланиб қолганини яна бир бор теран ҳис этди, ўзини бениҳоя ғариб, меҳрга зор сезди. Олимнинг назарида, буткул дунё хувиллаб қолгандек... Фақат Боғи Нурафшонгина ҳамон аввалгидек шуқуҳга тўлиб шовиллар эди.

Марҳумга етти ушатилгач, Ҳофиз Кўйкий Кобилга жўнай-диган бирор карвонни дараклаб топмоқ мақсадида шаҳарга чиқди. Муддаоси битиб, дилгир саройга қайтаркан, кўнгли нечундир ўзи илк бор бош қўйган карвонсарой ёнидан ўтишни истади. Дарвоза олдида бехос Бахшитуркка кўзи тушиб қолди. У ғайринсоний жазавада, оғзидан туфук сочганча ўткинчиларга қўлларини тўлғай-тўлғай хир-қироқ товуш билан қичқирар эди. Олим унга яқинлашаркан, ўша таниш байт қулоғига узўқ-юлўқ чалингандек бўлди:

— ...сори гар йироқтур, ул ёвуқ...

Бахшитурк бирдан унга қарадио худди не вақтлардан буён излаб юрган одамани кўриб қолгандек ҳайқира кетди:

— Буни қаландар шоҳ битган, ҳа! Чоғир ичган пайтларда айтар эди, ҳа! Ҳа-ҳа, чоғир ичдингми? Бўзлама, бўзлама! Нега чоғир ичасан? Бари бир охири вой, ҳа! Бу кун одина, тонгласи шанба, индини душанба, ундан сўғин сешанба, чаҳоршанба, ундан сўғин паншанбаи мурод-бахш! Сўғин яна одина, э, бари бир охири вой, ҳа! Валлоху аълам, охири вой!

Ҳофиз Кўйкий турган жойида ханг-манг бўлиб қотиб қолди. Ё оллоҳ! Бу нолакор байтни Бобир Мирзо битган экан-да!

«Кўнглим сезган эди,— деб пичирлади у,— сезган эди...»

Ҳофиз Кўйкий бошини кўтариб унинг юзига тикилди. Ва бирдан сесканиб кетди: рўпарасида ўттиз ёшлар чама-си қариган Биноқул турарди!..

\* \* \*

Эртаси куни мурч, долчин, зайтун мойи ортилган кичик бир карвон тонг саҳарда шаҳар дарвозасидан чиқиб, Шарқ сари йўл олди. Карвон сўнгида кўримсизгина от минган Ҳофиз Кўйкий хомуш борар эди.

...Бепоеён саҳро. Қуёш олов сели пуркайди. Уфқ қадар ястанган сарҳадсиз қумликда қилт этган тирик жон кўринмайди. Аҳён-аҳён кўҳна сардобалар учрайди. Карвон кўнгириғидан атрофга сароб ҳалқалари сингари ҳазин садолар таралади:

**Моли вофир, эли кофир, йўл ёвуқ...**

Бу мунгли садолар оғушида ҳорғин кўзларини юмганча тебраниб бораётган Ҳофиз Кўйкий маҳзун шодумонлик билан оҳиста шивирлайди:

**Шарқ сори гар йироқтур...**



## Йил бошидаги истаклар

Тишда дов-дарахтлар бурканар оққа,  
Қорға лаб босадир ўйларим маним.  
Қадрдон қаламим оппоқ вараққа  
Пичирлаб тўнадир куйган, суйганим.

Куйдирган, суйдирган дўстларим, салом,  
Бул кун барчангизни чорлайман бир-бир.  
Бул кун оқаради куррайи олам,  
Муруват қўлини чўзади тақдир.

Тишда қор бўралар, давра қизийди,  
Сухбат кетаётир нари-беридан.  
Ким шуҳрат тожини эртарақ кийди,  
Кимлар силжимәди турган еридан...

Тож кийган қўямасин тожин тушириб,  
Тож остида бошни асрасин кўпроқ.  
Туриб қолган кетсин чопиб, чарх уриб,  
Қуласин елкадан босиб турган тоғ.

Кимки фарзандсизлик доғида юрса,  
Рўшнолик келсину етиб куну ой,  
Биби Фотимадек қўш фарзанд кўрсин,  
Қўш бешик ўртаси бўлсин унга жой.

Ким айтмади битта сўзни ийманиб,  
Шу сўз учун унга тилайман журъат.  
Куйманган кетмасин доим куйманиб,  
Енгил нафас олсин тиклай-тиклай қад.

Ўксиган гўдакка кўзим тушган чоғ,  
Садоқати буюк йил келсин дейман.  
Қай бир иттифоққа солсалар нифоқ,  
Сиёсати буюк йил келсин дейман.

Хаёллар чарх урар бошимда маним,  
Эрта кун қолмас деб ерда доғли зоғ.  
Эрта бажо бўлар менинг айтганим,  
Серғавғо дунё ҳам тортар сокин, соғ.

Эрта кун бу дунё бўлмай деб беҳишт,  
Жимжитгина боғлар қилар ишора.  
Бу қор ҳам шуларни айтмоқда, эшит,  
Бу қор ҳам шундай деб қилар башорат.

Мен беҳишт шамолин яшириб сўзга,  
Сўзладим, сўзларим ўпсин ер шарин.  
Пири бадавлатлик, Оталар, сизга,  
Хотиржам бахт сизга, Онажонларим.

Жаннат жилғалари боғларда чопсин,  
Йигитлар бўлсин деб Гўрўғли келбат.  
Кимки танҳо, бу йил бахтини топсин,  
Бемор дўст соғайиб кетсин деб албат.

Янги йил, оппоқ қор сўзлаган кунда,  
Базм суронларин кузатаркан жим,  
Беғам ўтсин дейман йилингиз шундай,  
Суйдирган, куйдирган дўст-ёронларим.

## Шоир яшай билмас

Шоир яшай билмас тилини тишлаб,  
Кўриб, кўрмасликка солиб ўзини.  
Номард кетар экан, вақтини хушлаб  
Мушфиқ тасалли деб билса тўзимни,—  
Шоир яшай билмас.

Тинч қарай билмас у — тоғу тош қолиб,  
Инсоннинг юраги қулар чоғларга.  
Осмоннинг ўрнига инсонни олиб  
Кўнглин тўлдирсалар қалдироқларга,—  
Шоир яшай билмас.

Яшай олмас ермас, дил қолса музлаб  
Кўриб пайҳон бўлган ишқ иқболини.  
Боларига гулмас, инсон бўлса даф,  
Сўриб тугатсалар шира болини,—  
Шоир яшай билмас.

Яшай билмас қай бир фаҳми кўру кар  
Тароқни сочгамас, фикрга урса,  
Четлаб шўх, қийқириқ нафасли қушлар,  
Тўти савлат тўкиб боғларда юрса,—  
Шоир яшай билмас.

У яшай билмайдир ўтмас қай бир он  
Оқ-ойдин туйғулар кетса ўрилиб,  
Шиллиқ қурт мисоли сип-силлиқ ёлғон  
Ҳақиқат ёнида турса керилиб,—  
Шоир яшай билмас.

Исён кўтарар ул бўлиб бағри қон.  
Майли, усиз ҳам мўл беғамлар, гўллар.  
Ишқилиб, узунроқ умр кўр, исён!  
Исён тугаган кун шоир ҳам ўлар.

## Онамга

Ҳамма нарса қувончга пеша,  
Яқинлик йўқ зарра ғам билан.  
Аммо нега Сизни ҳамиша  
Хотирлайман кўзда нам билан!

Совуқликни гоҳ қилмай канда  
Бўлса ҳамки дийдам қаттиқ тош,  
Нега Сизга кўнглим тўкканда  
Уз-ўзидан кўзда қалқар ёш!

Шавқ, ҳасратга юрсам ҳам тўлиб,  
Берсам ҳам не балоларга дош,  
Нега енгилгина пар бўлиб  
Кўксингизга жим қўяман бош,  
Нега!

## Ҳайрат

Қайдасан, сен қўйдинг йўқламай,  
Менда ҳам бу кўнглим тўқ энди.  
Олдингидек тунлар ўхламай,  
Жон чекиб ёзишлар йўқ энди.

Сен йўқсан — кўнглимда ҳаловат.  
Душман эди олдин у гаддор.  
Йўқ энди олдинги тиловат,  
Бахтим бор ва пушмоним ҳам бор.

Йўқотиб қўйдим бор дардимни,  
Мен энди нимага ярайман!  
Ёнимда суянчим, мардимнинг  
Кўзига бепарво қарайман.

Бўлди бас, кўп чуқур бу гуноҳ,  
Ким менинг кўнглимни совутди!  
Ҳайрат, сен қайдасан, бўл паноҳ,  
Лоқайдлик ёмғири ивитди.

Ҳайрат, кел, кўксимда кўтар қад,  
Мен ёлғиз сеники бўларман.  
Кун келиб, ўлсам ҳам, мен фақат  
Ҳайратнинг қўлида ўларман.

\* \* \*

«Сенга муҳаббатим» туркумидан

Саволларга мени ўрама  
Бу йўллардан ўтар чоғимда.  
«Ким учун келдинг», деб сўрама  
Ёниб сенга етар чоғимда.

Кўзларимдан кетаркан туман —  
Гуллар ўсса кўнглим боғимда.  
«Ким учун», деб қилмагил гумон,  
Ишқий шеърлар битар чоғимда.

Ошиқ — ўзин ўтга урган жон.  
Ишқ — қувончим, ишқ — дил доғим-да.  
«Ким учун», деб бўлмагил ҳайрон  
Ишқ деб куйиб-йитар чоғимда.

Ишқ кийик-ку, қилиб бўлмас ов,  
Сайёд юрмас кўнглим тоғимда.  
«Ким учун», деб боқмагил синчков,  
Талх зардоблар ютар чоғимда.

Кўзларимда «алвидо» қалқиб,  
Бир тумонат сўлу соғимда.  
«Сен учун», деб айтарман балки,  
Сўнги йўлга кетар чоғимда.

\* \* \*

Отаммисан, узун умринг тилаб яшайман.  
Кимсан ўзинг!  
Қизинг каби ош-нонингга дейман ярасам.  
Уғлиммисан ё бошингни силаб яшайман,  
Оналик ҳам қилаяпман ўйлаб қарасам.

Акаммисан, укаммисан, жавоб бер, эй, мард,  
Қадаҳ тутган меҳр деган бир лаззат болдан!  
Отабекнинг оҳи каби кўзингдаги дард,  
Кумушдайин куйинишим қизиқ бу ҳолдан.  
Кимсан ўзинг!

\* \* \*

Билмам, адашдимми ё тўғри қилдим,  
Бағринга япроқдай тўкилдим.

Аслида бу байтни мен ёзганим йўқ,  
Менинг умрим — мўлжал сари кетган ўқ.  
Вақтида келдим ё бевақт, анча кеч,  
Афсус айтганимни эшитмадим ҳеч.

Бўлмасни бўлдиругум, деб қиламан қасд,  
Мен яшаш сурурин шундай деб билдим.  
Арсат бу сатр меники эмас:  
«Билмам, адашдимми ё тўғри қилдим».

Камон эгилдию отди — учяпман,  
Йўқ, иккиланиш ё бир сўз айтиш йўқ.  
Майли, шароб ёки зардоб ичяпман.  
Мен отилган ўқман, ўққа қайтиш йўқ.

## Ярим умр ўйлари

Оҳ, умримда яшагандан яшамаган умрим мўл,  
Ўртар мени яшамаган кунларимнинг армони.  
Ахир ҳаёт бошдан-оёқ тик тортилган узун йўл.  
Толғин кунлар ҳам ҳисобда — қуриганда дармоним.

Ўттиз йилни яшасайдим ҳар он шуур сипқариб,  
Беғам, беҳис ўтган кунлар ўчса эди ҳисобдан.  
Мен уларни ўз умримдан ташлай олсам чиқариб,  
Бир оз халос бўлардим бу бўғизловчи азобдан.

Бир лаҳзалик ҳордиқ учун балки бир йил олдим дам,  
Бир лаҳзалик суҳбат учун балки йилни сарф этдим.  
Кекса шотут соясида кўзларимга қалқар нам,  
Балки бир кун қолар жойда ўн йиллаб қолиб кетдим.

Кунлар ўтди рост бахтни ҳам ёлғон деб, гумон айтиб,  
Заволига қолдим балки не ифорли гулларнинг.  
Гоҳ-гоҳ шеърлар ёзган бўлдим жиддий, ўтга шон  
айтиб,  
Ўзим ўтсиз суҳбатларда ютқаздим не йилларни.

Балки кимдир зор кетгандир меҳрим, кўнглим тафтимга,  
Ўлтирибман яшаб ўтган умрим қисқа туюлиб.  
Ярим умр ўтди, олдим, юрак, сени кафтимга,  
Ғамгин шотут бошин силаб шом келаркан қуюлиб.

Сен ўзинг-ку ички нурум, бошимдаги порлоқ туғ,  
Ўтинаман бутун бўлгин, бутун, бўлмагин нимта.  
Юрак, айтар сўзларимга бергин ёниб турган чўғ.  
Ён, беармон ёниб ўтай, қолган ярим умримда.

Оҳ, умримда яшагандан яшамаган умрим мўл...

## Турналар

Сув тинди, гуллар хазон, турналар айтар видо —  
Кеч кузнинг сурати бу, кўникиш ҳам керак-да.  
Не учун бу юракда сўнгсиз дард, сўнгсиз нидо,  
Куз келмай учиб кетган турналар бор юракда.

Кўзимнинг қирғоғига аччиқ ёш бўлиб келар,  
Зангор ишқ беҳиштига кирмаган турналарим.  
Тушимда чаппар уриб боғларга тўлиб келар,  
Унгимда кўзим тўйиб кўрмаган турналарим.

Қай юртда макон топди қай бирининг тупроғи,  
Ким билар, қай денгизда қай бири чўкиб кетди.  
Кеч кузда, хусусан шу турналар учган чоғи,  
Қайтмаган турналарим кўнглимни сўкиб кетди.

Қайтгани... қайтганига қарайман, тўкиламан,  
Бирини бир қанот йўқ, бирини эса бир кўз.  
Ярим жон... мен титроқда бисотим титкилайман,  
Қаддини кўтармоққа топаён деб тиргак сўз.

Қайтганлар... қайтганлар ҳам сийраклашар кундан-кун,  
Хув қирда оқсоқланган уч-тўрт турнани қаранг.  
Кузатаркан кўнглингни тўлдирмасми қасос, хун,  
Асабларинг тортмасми чолғу симидай таранг.

Ҳеч йўқса шулар ҳаққи лоқайд яшаш исноддир,  
Яшашми, енгиб яшаш... бошқаси ортиқча гап.  
Ҳар лаҳза таранг тортиб яшаш бизга қисматдир,  
Яшашимиз шарт бизнинг ханжар каби жаранглаб.

Улар-ку қасд қилдилар бизга фидо ўтмоққа,  
Бобомерос қутлуғ қон қандоқ тинч қўйсин бизни.  
Ҳаққимиз борми, айтинг, одамлар, унутмоққа,  
Қайтган, қайтмаган оппоқ, оқ турналаримизни!

Сув тинди, гуллар хазон, турналар айтар видо...

## Бир қирғоққа

Менга таниш икки одам сўзлашар холи,  
Йўққа ўхшар бир-бирдан яширин сири.  
Бири жаннат боғларининг хушбўй шамоли,  
Ҳатто дўзах оловига панд берар бири.

Шундоқ сиртдан қараганда аҳилдан-аҳил,  
Булар икки дарёлигин кўрмайсан ўйлаб.  
Нима сабаб ўт билан сув топишадир тил,  
Оқу қора ўлтирадир бир-бирин сийлаб!

Чидаш қийин ичга ютиб виждонни, хунни,  
Оқ ўлтирса қора билан май кайфин суриб.  
Шундоқ букса бу кўпларга тиргак устунни —  
Турмуш деган ҳийлакорнинг икир-чикири...

Тушунмайман бу дунёни, доим ёнма-ён,  
Оққуш билан қаргани ҳам суйдирганига.  
Тушунмайман, ўртадаги очиқ дастурхон  
Иккаласин баб-баробар тўйдирганига.

Тушунмайман, яшамоқ-ку бир марта, нега  
Гоҳ эътиқод кўкрагингда кетар солиб дод.  
Ҳамон муқим бир ғояга бўлолмас эга —  
Ҳамон муқим бир томонга ўтмас одамзод.

Умр бўйи сифинганим — тафаккур, ғолиб,  
Қаердасан, шундай пайтда беркиниб турмай,  
Сен ўт, ахир, бир қирғоққа инсонни олиб —  
Аросатда тўрт тарафга қўли чўздирмай.

## Тўрақўрғон районида

Районда уруш қурбонлари шарафига ўр-  
натилган ёдгорлик олдида мингта қизил  
гул ўтқазилган. Ҳар бир қизил гул тупи  
олдида сафимизга қайтмаган қахрамонлар-  
нинг номи битилган.

Тоҳир ўлди, ерга кирди тириклайин сор бургут,  
Зухро ўлди, ерга кирди шамшод, сарву сановбар.  
Қора тўфонга дуч келиб бирдай ўчди икки ўт,  
Кетса кетган маъқул экан иккиси ҳам баробар.

Мен кўрганман кетган Тоҳир, кетолмаган Зухрони,  
Ана бири... тек ўлтирар кўзларида қотган муз.  
Мажнун кетиб Лайли қолса ўт оларди сахрони —  
Бул Зухро шул ўт ичида кун кўради то ҳануз.

Оҳ, бу уруш... тина бошлар қайтадан кўзим олди,  
Ёнган ўтин эмас, одам кули тушиб кўнгилга.  
Тасаввур қил, бир ёш йигит чўлга отланиб қолди,  
Биз бир тирик жондан айру, эга бўлдик бир гулга.

Тўрақўрғон районида мингта қизил гул ётар —  
Мингта шунқор йигит рамзи, кўнгил, фарёд солма, бас  
Оппоқ-оппоқ тонглар отар, қирмиз-қирмиз кун ботар,  
Бул йигитлар қаттиқ ухлар, Зухроларин эсламас...

Айрилиқнинг азоблари, шунча талхми, тахирми,  
Ошиқ бошин кўтармасму маъшуқага эмраниб.  
Зухрохон, сен келгандинг-ку уйғотай деб Тоҳирни —  
Йўқ, Тоҳир йўқ, қабр устида бир гул турар тебраниб.

Шу манзилга қатнай-қатнай не Зухролар ўтди тоқ.  
Мен билмайман улар ғамин замин қандай кўтарган.  
Оҳ, тоҳирлар, бевафолар, ташлаб кетдингиз қандоқ,  
Тоҳирдан айру Зухро қачон гуллаб, кўкарган!!

Сўнг ҳаёлчан, шу бугунги зухроларни топаман,  
Табиат-ку уларни ризқ — муҳаббатдан қисмади.  
Сўнг сингиллар — зухроларни манглайдан ўпаман,  
Бошингизга тушмасин деб у зухролар қисмати.

Зухроларки ҳар лаҳза шай ишққа қурбон бўлмоққа,  
Улар сўлиш билмай яшар Сизни суйиб, толдириб.  
Ҳеч бўлмаса Зухро учун ҳаққингиз йўқ ўлмоққа,  
Ўлдирмоққа ҳаққингиз йўқ, орда тирик қолдириб.

Минг Тоҳир-ку мангу ухлар шўҳратларга кўмилиб  
Минг Зухронинг узун умри хазон, гулга термулиб...

«Ёшлик»нинг кейинги сонидан навбат  
шоира Ойдин ҲОЖИЕВАга.



Мурод МУҲАММАД ДУСТ

# ДАШТУ ДАЛАЛАРДА

ҲИКОЯ

**Х**адича кетдию кўнгилдан ҳаловат ҳам кетди. Уй бамисоли ўлик чиққандай ҳувиллайди. Полвоннинг юраги торикди — уйни тарк этди, боққа олиб тушадиган қияликдаги бобосидан қолган ертўлани ўзига бошпана қилди. Одамларнинг кулишини биларди, аммо уйдаги ҳамма нарса Хадичани эсга солади: останага қадами теккан, деворга елкаси — чидаб ўтириши қийин бўлди.

Ертўла эски бўлса ҳам ҳавоси қуруқ эди. Ери нақ метин — чўкич тегса, чақин чиқади. Қоратойни ҳам ичкари олиб кирди. Бечора ит очиққа ўрганган эди, ертўлага кўниқолмади, уч-тўрт кеча увлаб чиқди, лекин — йўқ, кейин-кейин эгасининг ҳолига тушунди чоғи, пойгакка тўшалган похол устида индамай ётадиган бўлди.

Ертўла аввалига сал ваҳимали кўринди. Шифти паст, агар чироқ бўлмаса, нақ лаҳаднинг ўзгинаси...

Аста-секин ертўланинг гўрсимон эканига ҳам кўниқди. Ёмғирли бир тунда уйқусиз ётиб узоқ ўйлади, ўзининг тириклигини ўйлади, ёнида ити Қоратой борлигини, Хадичанинг кетганини... Бир ўзи кетса гўрга эди, қизчани ҳам етаклаб кетди... Шу тариқа, хаёли тўрт яшар қизчаси Чаманга оғди, қизим ҳозир Шўрқудуқнинг кўчасида бемалол ўйнаб юргандир, деб ўйлади, ҳатто унинг қўлчаларини тупроққа белаб қичқираётганини эшитгандай бўлди. Ярим тун экани, ташқарида ёмғир шаррос қуяётгани — бариси бекор эди. Хўрлиги келди, ўзидан хафа бўлди, кейин пойгакда хумдай бошини ерга қўйиб мудраётган итига сўзланди: менинг ҳолим шу, Қоратойжон, хотин кетди, қиз кетди, ҳар ким ўз йўлига экан...

Ит отини эшитиб, кўзларини очди. Полвон гапириб ётаверди. Гўёки бор алами танидан ҳовурдек кўтарилиб, бутун ертўлани тўлдираётгандай эди. Қоратой эгасининг қарашига чидай олмади, похол устида гужанак бўлиб, яна кўзларини юмди.

...Кунлар шу зайлда ўтаверди. Синглиси Адолат ҳар кеч сигир соғар маҳали ҳолидан хабар олиб турарди. Акасининг ўрлигини билар, шу сабабли унга кўпда ақл бўлавермас эди. Лекин, ахийри у ҳам чидаб турулмади.

Расми Жавлон УМАРБЕКОВ чизган.



— Менгаям осон тутманг, ака,— деди.— Жўжабирдай жонман, қайси бировларингга қарайман? Одамларга кулги бўлди, ака, бу кунингиздан ўлганингиз беҳроқ эди!..

Хар сафар синглиси келганда миқ этмай ётадиган одам, бу гал илкис кўзғалди:

— Мен ўлсам тинчийсанми, Адол?

— Қайтиб олдим, ака,— деди у.— Тилларим қирқилсин, ака, қайтиб олдим!..

— Сенга оғирим тушгани рост,— деди Полвон.— Сал сабр қилгин, сингил, мен аввал олд-ортини бир ўйлаб олай...

Ушандан бери Адолат қорасини кўрсатмайди. Олиб келган нарсасини ҳам ертўладан ташқарига, эски толтовоқнинг остига қўйиб кетади.

Кундузлари бир нав — ёлғизлик кўп билинмайди. Эрта-лаб қўлига гаврон олиб чўлга чиқиб кетгани билан то шомгача подага андармон бўлиб юради. Бахтига, шериги Ҳасанбой камгапроқ одам, бир марта уйланиб, йил ўтмай ажрашган, Полвоннинг хотини кетиб қолганига кўп ҳам ажабланмайди.

Кундузлари бир нав, жами азоб шомдан кейин, шифти паст ертўлага қайтган маҳали бошланади.

Хадича ёнингда ётганида ўлим ёдинга тушса ҳам қўрқмайсан: хотининг бор, боланг бор, тепангда — худо, э, бир гап бўлар-да, деб ўйлайсан. Хадича бўлмаса қийин экан. Энди унинг сиёғи ҳам эсдан чиққандай; бечора салга шамолларди, шамоллаб димоғи чиппа битганида пишқириб безор қиларди, ҳуда-беҳуда чиқроқ ёқарди, ивирсиб ғашинга тегарди, лекин бари бир, борлиги дуруст эди — овунардинг, истаган пайтингда қўл узатсанг етади, фингшиса фингшир, иложи йўқ, ўртада нон синган, никоҳ ўқилган; бағрингга босиб юзу кўзидан муччи олган чоғларингда бечора кичрайиб қоладди, у-ку кичкина, лекин сен ҳам ўзингни пардек енгил сезасан; димоғингда сутнинг ҳиди, қаёққадир учиб кетгиларинг келади; доим кўклам бўлса, кўкаламзор бўлса, ялангоёқ, ялангобош, пардек енгил Хадичани кўтариб ҳовлидан чиқсанг, кейин шу кўтарганча кетсанг, ҳеч кимдан уялмасанг, кетсанг, йўлингга биров учрамаса, кетсанг-да, қаёққа кетаётганингни ўзинг ҳам билмасанг!..

У хотинини умрида бир марта — чимилдиқда амаллаб кўтариб олган, холос. Фақат, баъзан пода кетидан юрганга хаёли оғиб, уни ана шундай кўтариб чопмоқни истаганларини эслайди. Чимилдиқда иккита аёл этагидан босиб турган, биттаси — Хадичанинг ўртанча аммаси, шунчаки этакдан босмай, нақ тақимига қистирган. Полвон унда ёш эди, бирмунча шўхлиги ҳам бор, кишибилмас тимириланиб туриб, Хадичани қўлтиғидан шартта кўтарди. Амма ғафлатда қолди, қападек бўлиб ағдарилиб тушди. Уни роса кулги қилишди. Хотин-халаж баралла кўлди. «Мана сенга, Ойбуви, мана сенга куёвнинг зўри», дейишди. Зўру нозўри кимга керак — шунчаки гап бўлса бас, ҳамма оғзига келганини айтади, ҳамманинг димоғи чоғ. Полвон чимилдиқ ортидан маст одамдай гандираклаб чиқди, чикдию кўчада шўрқудуқлик йигитлар билан ўрлашиб турган жўраларини кўрди. Куёвнинг ўзи чиққач, шўрқудуқлик биттаси баттар авж қилди: «Сенга Хатча ҳайф, Полвон,— деди.— Узимиздан ортиб қолгани йўқ эди, қулоғини тишлаб қўювдик, ҳалиям ташлаб кетабер!..» Полвоннинг ёмон ажинаси тутди, лекин уришгани жўралари қўйишмади, неки ҳарбу зарб бўлса, ўзларини балогагардон қилишди... Сўнг, Шўрқудуқдан чиқар маҳал, кўчанинг адоғида, улар тушган улвога тош ёғилди. Полвон сал энкайиб, келиннинг бошида турди, лекин Хадича шушиз ҳам бехатар эди. Уст-боши қалин, юмшоқ — унга ҳеч зиён етмади. Биргина Ғуччи чолга тош қаттиқроқ тегди, бечора йилқичи, алами тутиб, овозининг борича айтиб қўяберди: «Нокас шўрқудуқлик, менинг айбим нима? Чимилдиққа кирган менми?!» Унинг бақирганига биров парво қилмади. «Ёр-ёр-ёрон-эй!», деб қўшиқ айтишди. Галатепада бундай қўшиқ расм эмасди. Уни Шўрқудуқдан қўшилиб чиққан келиннинг хешлари бошлади. Галатепаликлар аввалига ийманиброк туришди, кейин улар ҳам қўшилди, то ўзларининг сарҳадларига етгунча бўкириб боришди: «Томда товук ётади, ёр-ёр-ёрон-эй, оёғи совқотади ёр-ёр-ёрон-

эй!..» Ёлғиз Полвон қўшиқ айтмади. Индамай келди. Ғалати эди. Ёнида — Хадича, ҳали юзини тузукроқ кўролгани ҳам йўқ, уяту кўрқувдан бир бурда бўлиб ўтирибди, улов ҳар силкинганда елкаси тегарди, худди бир яшир ургандай, ўт, олов, қиёматнинг нақ ўзи!.. Кенг бир дала, йўл, улов... Э худо, улов дегани мунча имилламаса!.. Бир ёқда қўшиқ, бир ёқда Ғуччи чол, ҳалиям сўкинъяпти: шўрқудуқлик номард чиқди, кўчада рўпара бўлолмади, орқадан тош отди... Энди Ғуччига қийин, энди унинг ғуррасини Галатепа роса бир ой кулги қилади, ажаб бўпти, хўб бўпти, сен чолга куёвнавкарликни ким қўйибди; э, энгалари ўлсин, нимасини эслайсан, Полвон, эслагулик жойи қолдим! Ёнингда Хадича ётса тузук, Полвон, ҳали бу кўрганларинг оз, Полвон!..

Хадича бир сидра кийимини тугун қилиб, пойгакда қотиб турди, бечора бирор сазо чиқишини кутди, лекин Полвон эр бўлиб бир нарса демади. Хадича дахлизга чиқиб яна бирпас турди, ҳовлига чиқиб ҳовлида турди, илинди, қайтариб олар-ку, деди, аммо Полвон тескаритўнг бўлиб ётаверди, сўнг, Хадича дарвозага етганда чидаб туролмади, қизчаси Чаманини қўлидан судраб чиқди: «Ма, муниянг обкет, пишириб ейсанми, исқотингга қўясанми!..» Мушт еганда йиғламаган аёл, буни эшитиб ёмон бўшади, кўзига ёш олди: «Ҳаҳ, фалак! — деди.— Майли, кетсам кетайин, беқадр бўлдим, майли, худодан топинг». Шу гапни айтдию қизини етаклади-кетди. Полвон уйга кирди. Яланг палосда кесак бўлиб ётди. Қанча ётганини билмайди, бир пайт чиқиб қараса, Хадича узоқлабди, Шўрқудуқнинг йўлида қизини ияртиб кетяпти. Полвон Тошгазагача изма-из борди, лекин уларнинг қайрилмаганини кўриб шартта тўхтади, аввалги ғазаби йўқ, ичи тўла алам, чакмонининг барига бир урди: «Ҳай, майли, кетсанг кетабер, Хатча, Шўрқудуқ борасанми, нарироққа ўтиб кетасанми, бир бошимда бир куним, мен ҳам сенсиз улоқиб кетмасман!..»

Орқага қайтди. Ҳовлида ўтириб, замбилгалтакнинг бўшаган тирсагини созади, чалғининг тигини пешлади, ўзини юпатади, ҳатто сал овулгандай ҳам бўлди, кейин, кеч тушганда қараса, тақрон жойда тоқ ўзи ўтирибди, дардлашгудек маҳрами йўқ, йиғлаин деса, кўр бўлгур кўзга ёш келмайди. Нотавонлигини энди сезди, алампдан хотин бечоранинг уйда қолган кийим-кечагини ҳовлига олиб чиқиб, ошпичоқ билан қиймалади, култепага элтиб кўмди. Йўқ, бу билан ҳам тинчимади, култепага ўзини элтиб кўмса ҳам тинчигудай эмасди. Безовта, беором, миясига қурт тушган кўчқордек ҳовлини гир айланиб югурди. Айланатуриб дарвозага рўпара бўлдию уни ланг очик кўрди. Кўчага чиқди, Шўрқудуққа йўл тутмай, тўғри Салим сақиччикига бурилди. Борса, Салим ҳовли ўртасига сандал қўйиб, олдида мағзава тўла тоғора, бир парча пишиқ гишт билан товонининг емини қиртишлаб ўтирибди. Полвон тоғорани бир тепиб ағдарди, сўнг Салимининг ёқасидан олди. Уртага Маҳфират тушмаганда охири ёмон бўларди. Салим унинг қўлидан юлқини уйга чопди, зум ўтмай, отасидан қолган қўштиғни кўтариб чиқиб, Полвонга ўқталди: «Кет, бўлмасам отаман!» Маҳфират милтиққа кўкрагини тутди: «Аввал мени отасан!..» Полвон уни четлатди: «Қўй, синглим, эринг ҳазиллашяпти». Йўқ, хотин айтганидан қолмади, эридан милтиқни юлқиб олиб, ҳамсояннинг ҳовлисига отди. Полвон бошқа мушт кўтармади, ғазабинини ичига ютиб, ташқари чиқди. Ҳаял ўтмай, ортидан Салим сақич ҳам чиқиб келди, қачон йиртиб улгурган бўлса ҳам, эғнидаги кийимнинг бутуни йўқ, енгларию иштонининг балоқларигача рўдаподай осилиб ётди, бошидан тупроқ сочанми, афт-башарасининг кулга юмалаган тойхардан фарқи кам, чиқасолиб Низомбой мйлисанинг уйига жўнади. Полвоннинг хаёли қочди: бу номард бошини ёришдан ҳам тоймайди! Э, опкетса, опкетар, нима, ортингда йиғлаб қоладиганинг борми! Майли, охиригача номардлик қилаверсин, Низомбойга чақадими, бошқа қиладими, майли, шу номарднинг ҳам хусури қонсин!..

Узи кейинги пайтлар Салим сақич билан ошначиликни бас қилмоқчи эди. Бир-икки бор атай сўкишгани чоғла-



# ЮНОСТЬ

ЛИТЕРАТУРНО-ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ И ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКИЙ ЕЖЕМЕСЯЧНИК СОЮЗА ПИСАТЕЛЕЙ СССР

„30 ноября 1981“

1006, Москва, ул. Горького, д. 32 А.

## НЕ УСТАВАЙ, "ЕШЛИК"!

В большой, дружной, многоязычной семье литературных журналов нашей страны радостное событие: появился новорожденный. У него прекрасное имя — "Ешлик" — "Молодость".

С особым чувством приветствуем новый ежемесячник Союза писателей Узбекистана. Ведь "Ешлик" не только наш собрат, но и тезка!

У нас общие цели и задачи — помогать молодым обрести крылья, ярко, талантливо рассказывать в прозе, стихах о героических свершениях советской молодежи, воплощающей в жизнь грандиозные предначертания Коммунистической партии.

Мы от всей души желаем вам, дорогие друзья и коллеги, успехи в этом трудном и очень ответственном деле. Желаем больших открытий, продолжающих славные традиции узбекской советской литературы — традиции Хамзы, Алимжана, Айбека.

"Юность" сердечно поздравляет "Ешлик", его авторов и читателей с выходом первого номера. Надеемся, что дружба между нашими журналами станет традицией.

Хорма, "Ешлик"!

*Андрей Дементьев*

Андрей Дементьев

*Алексей Пьянов*

Алексей Пьянов

*Мария Озерова*

Мария Озерова

*Натан Злотников*

Натан Злотников

*Анатолий Алексин*

Анатолий Алексин

*Владимир Амлинский*

Владимир Амлинский

*Борис Васильев*

Борис Васильев

*Римма Казакова*

Римма Казакова

*Игорь Шкляревский*

Игорь Шкляревский

Мамлакат и миздаги адабий журналларнинг катта, аҳил, кўп тилли оиласини хушxabар қучди: янги фарзанд дунёга келди. Номини ҳам ярашиқли — «Ешлик».

Ўзбекистон Ёзувчилар союзини янги оймиқ нашр билан қизғин қутлаймиз. «Ешлик» бизнинг сафдошимизгина эмас, адашимиз ҳамдир!

Журналларимизнинг бурч ва вазифалари бир хил — ёшларнинг парвозига кўмаклашмоқ, Коммунистик партиянинг буюк режаларини амалга ошираётган совет ёшларининг қаҳрамонона ишлари ҳақида наср ва назм тилида ёрқин, истеъдод билан ҳикоя қилиб бермоқдир.

Ана шу машаққатли ҳам масъулиятли ишда биз сизларга, қадрли дўстлар ва ҳамкасблар, чин дилдан муваффақият ёр бўлсин, деймиз. Ўзбек совет адабиётининг шонли анъаналари — Хамза, Олимжон, Ойбек анъаналарини давом эттирувчи катта ижодий кашфиётлар тилаймиз.

«Юность» «Ешлик»ни, унинг муаллифлари ва ўқувчиларини журналнинг биринчи сонини чиқиши муносабати билан чин дилдан табриклайди. Журналларимиз ўртасидаги дўстлик анъанага айланиб қолишига ишончимиз комил.

Хорма, «Ешлик»!

ниб борди. «Зора сўкишиб қолсагу ора очилиб, юзкўрмас бўп кетсак», деб ўйлади. Йўқ, сўкиш ҳам осон эмас экан, одамнинг юзидан ўтиши қийин бўлди.

Икки пиёла ароқ ичгунча ҳар не жанжалга хезланиб ўтирди. Кейин сал кайфи ошди. Салим сақичга раҳми келди, «Бу даюс сил қон туфлаб юриб, ўзини ўнглагунча озмунча уриндими», деб ўйлади, қийналди. Салим Каттақўрғондан мурч, сақич, ҳуштак, ҳатто эркак одам номус қиладиган нарсаларгача олиб келиб сотарди. Кейин ана шу

атторликдан тушган сармоя билан бошқа бир ишни касб қилди. Кечқурунлари, қишлоқда исми дўкон ёпилган маҳал, сўраб келганга бир сўм устамаси билан ароқ сотади. Ҳозир энди тузук бўлиб қолгани — юзига қон югурган, йўтали йўқ, гаплари ҳам дадил.

Охирги гал Салим сақич унга насиҳат қилган бўлди:

— Бу ишингни кўй, бола, сең кўп ичаверма.

Полвон унинг насиҳати астойдил эканига ишонмади, кулди. Салимнинг эса жаҳли чиқди.

— Мен бир оти ёмон одамман, Полвон укам,— деди у.— Эшитсанг, ўзинг учун эшитасан, эшитмасанг — отангинг гўригал!..

— Гапинг ўзи қизиқ-да, Салим,— деб эътироз қилди Полвон.— Ўзинг қуйиб берасан-у, ичмагин, деб айтганинг нимаси? Кейин, ошна, худо бўлсанг ҳам, ота-бувамни ўртага қўшма, тепада тинч ётсин, мен ҳали ўзимдан қолганим йўқ.

— Ҳолингга боқмаганинг ёмон,— деб кулди Салим сақич.— Ўзингча не хаёлларга бориб юрибсан! Айтиб қўйай, менга кўл шох қилаверма, бўлмас, нақ чангингни чиқарман! Сен бу ёқда ичиб юрасан, хотинчанг Шўрқудуққа бир ойлаб ўтлагани кетади!..

Полвон Салимнинг жағига бир уриб кўрпачага қулатди. Лекин, у таслим бўлмади, тишининг орасидан сизаётган қонни қафти билан сидира туриб, яна гапирди:

— Сен бу ёқда, у нарёқда... Энасиникида ўсма қўйиб ўтирибди, деб ўйлайсанми!..

— Бас қил!..

— Бўпти, мен бас қилдим, лекин сен ҳам ўзингга эҳтиёт бўл, Полвон укам! Кучининг хотинга ҳам кўрсатиб тур!..— Салим сақич пихиллаб кулди.

Полвон тагин мушт кўтарди, лекин урмади, шартта жойидан туриб жўнади. Йўл бўйи Хадичани ўйлади. Бузук деса, бузуклигига ишонмайди, тузук деса, эрта баҳорда Шўрқудуққа кетиб, роса икки ҳафта ўша ёқда қолгани рост. «Сатторқулнинг хотини туғибди», деган эди. Бунисини Полвоннинг ўзи ҳам биларди. Шўрқудуққа борганида бидиллаб қарши оладиган тожик қиз — Сатторқулнинг хотини кейинги сафар ундан тортиниброқ турган эди. Учоқнинг бошидан бери келмаган. Ўзи ориққина, шундан, қорни баттар дўлпайиб кўринган эди.

Унинг-ку бўшангани рост, лекин Хадичанинг ўша ерда бунчалик қадалиб қолганига нима дейсан!..

Уйга қайтиб, хотинини буровга олди. Хадича қасам ичди, қизини, энасини, худонинг ўзини гувоҳ қилди. Лекин, Полвон ишонмади. Ишонай деди-ю, кўнгилда тугун қоларини сезди. Кайфи бор эди, чекаётган азоби бол туюлди — хотинига ишонмади.

Бир куни азонда подани чўлга ҳайдаб кетатуриб, Тошгазанинг сўл бетида қирғийдек қўққайиб ўтирган Назар махсумни кўрди. Хайрон бўлди: махсум-ку ўзидан тинчиган одам, чошгоҳдан олдин қорасини кўрсатмайди — бугун бундай ўтирибди? Қичқириб салом берди. Сўрашай деса — узоқ, саломини кифоя билиб, яна подага андармон бўлди, ҳайдайверди. Бир вақт Назар махсум кулранг тойхарида орқадан етиб келди ва ёнма-ён кетаверди.

— Неварамнинг тўйига бир келасиз-да, Полвонбой,— деди у.— Ўзингиз келиб бир давра қурсангиз. Одам юбораман.

— Кўп қатори борарман,— деди Полвон.— Лекин, махсум бува, ўзингиз биласиз, мен олишадиган полвон бўлмасам, отамнинг қўйиб кетган оти...

— Олишмасангиз ҳам бир келинг,— деди Назар махсум.— Неварамнинг тўйини бир кўринг. Яхши йигит, бошқаларнинг боласига ўхшамайди, асли палаги тоза-да, Полвонбой. Уста Холиёр ваҳима қилиб юрибди, «Мунингиз бир алпомиш йигит, муни кўрпачага қандай ағнатамиз?», дейди...

— Усарқулни биламиз, махсум бува,— деди Полвон.— Тузук бола.

— Э, паст кетдингиз, тилла-ку, тилла!— деди Назар махсум.— Ўзингиз қалайсиз, Полвонбой? Хотинингиз кетибди, деб эшитиб эдим, шу гаплар ростми?

— Эртага қирқ кун бўлади,— деди Полвон.

— Чилласи чиқаркан-да,— деди Назар махсум.— Бекор қипти, Полвонбой, сочи узунлик қипти, энди сиздай йигитни тополмайди. Талоқ-палогини айтдингизми?

— Кўзим қиймаяпти, махсум бува. Айтсамми дейман-у, кургур кўз қиймайди.

— Уйчининг ўйи битгунча таваққалчининг иши битади,— деди Назар махсум.— Шўрқудуқ боряпман, агар талогини айтсангиз, мен ўзим опкетардим.

— Дабдурустан бўлмас,— дея мулоҳаза қилди Пол-

вон.— Бунинг бир хил қондалари бўларди, шундай айтиб юборган билан...

— Бўлаверади,— деди Назар махсум.— Энди, ўйлаб ўтирасизми, Полвонбой, магарким, юзингизга оёқ қўйдими, энди ўйлаш йўқ! Бу ўзи бир чувалган савдо, талогини айтасизу шартта қирқасиз — давоси шу!

Полвон қандай «хўп» деб юборганини билмай қолди.

— Битта «хўп» билан иш битмайди,— деди Назар махсум унинг нодонлигидан ранжиб.— «Талоқ қилдим», деб айтинг.

— Талоқ...— деди Полвон.

— Бўлмайди, қаттикроқ,— деди Назар махсум.— Яна икки марта айтинг, қондаси шу.

— Талоқ, талоқ!

Қаҳри қўзиб турган эди, талоқ айтиб ҳам ҳоври босилмади. Аламидан орқароқда бораётган сигирнинг қўймичига гаврон билан туширди, кейин бирдан кўзлари тинди, бўшаши, ёлғизоёқ йўлнинг четига беҳол ўтириб қолди...

Бир замон қараса, сигирлар йўлдан чиқиб, лалми йўнғичқага оралаб кетибди. Назар махсум ҳам олисда, худди ёв қувагандай ортага қараш йўқ, тойхарини қичаб боряпти. Полвон бир сақофатни сезгандек бўлди, лалми бедага уриб кетган подани ҳам унутиб, Назар махсумнинг ортидан чопди. Қувиб етиб, йўлини тўсди:

— Кимга мўлжал қилиб боряпсиз, махсум бува?

— Мўлжалим йўқ, Полвонбой, ҳеч мўлжалим йўқ,— дея Назар махсум тайсаллади, кўзларини олиб қочди.— Уролни айтгандай бўлишувди, лекин мен кўнмадим, меники бир савоб...

— Савобингизнинг уйи куйсин,— деди Полвон.— Ваколатини қайтиб беринг!

— Ана, олинг, Полвонбой,— деди Назар махсум ақли шошиброқ.— Ана, олинг ваколатингизни, мен бир савоб иш, деб эдим, майли, ўзингиз бориб айтинг.

— Мўлжални хато олган экансиз,— деди Полвон.— Қўядиган хотиним йўқ!

— Хўп, хўп, Полвонбой, бизники тиғиз эмас,— деди Назар махсум.— Лекин сиз ҳам бир ўйланг, ҳозир менга зуғум қиялсиз, эртага ўғлим Санақулбек келганда нима жавоб айтишингизиям бир ўйланг.

— Уролга Сананинг хотинини обберинг!— деди Полвон.— Уйга қайтинг, махсум бува, Шўрқудуққа кейинроқ борасиз.

Назар махсум итоат қилди — тойхарини орқага бурди. Полвон бедага оралаган сигирларни бир амаллаб тўда қилдию овлоқ бир камарга қамаб, ўзи Шўрқудуққа жўнади.

Дарвоза очик экан. Ҳар гал бемалол кириб бораверадиган одам, бугун тақиллатгани ҳам журъат қилмади — тураверди. Хайрият, ҳовлида Хадичанинг ўзи кўринди, ажабланди, қўлидаги чўлтоқ супургини ташлашни ҳам унутиб ташқари чиқди. Арази тарқаманган чоғи; салом бермади, худди бегонадай, кўзлари ерда, оғзини рўмол билан тўсган... Полвон аччиқланмади, қайтага — хўрлиги келди, хотини ўраган бир сўмлик гарди рўмолу унинг кир унмаган кўйлаги саваб бўлдимми ёки қўлидаги чўлтоқ супургими, ишқилиб, унга бетлаб қарай олмади, уялди, ўзини номард, ноинсоф сезди.

— Обкетай деб келувдим, Хатча,— деди секин, овозини ўзи ҳам танимай.

— Ўлдириб қўясан,— деди Хадича.— Мен-ку борарман, лекин сен тентак ўлдириб қўясан.

Шундай деб йўғлади. Полвон унга жўялироқ гап топиб беролмади. «Рост,— деб ўйлади,— бу борса, яна жиним кўзиса, яна сўксам, урсам, хотин деган нарсанинг нима ҳоли бор, ўлдириб қўяман».

Хадича ичкари кириб, Чаманни етаклаб чиқди. Қизча қўрқиб қолган экан — отага қараб талпинмади.

— Улмасанг, манави норасида одам бўлганда тушунарсан, топишарсан,— деди хотин.— Мени ўз ҳолимга қўй энди.

Полвон бирдан сергакланди: Хадича хотин боши билан боядан бери сенсирлаётган экан.



# Табрикнома

\*) Цифры, указанные после наименования пункта, откуда посланаграмма, означают: 1) № телеграммы, 2) количество слов, 3) число телеграмм отправления и 4) время отправления (через цифру "наша" следующие децимы — минуты).

ПРИЕМ: <i>У.И.И.И.</i>	ПЕРЕДАЧА:
г. ч. м.	г. ч. м.
БЛ № 75	№ связи
Принял:	Передал:

ТАШКЕНТ УЛ ПУШКИНА Д 1  
СОЮЗ ПИСАТЕЛЕЙ  
УЗБЕКИСТАНА =

МАХАЧКАЛА 25/63 902 51 104 0944 =

Служебные

С БОЛЬШОЙ РАДОСТЬЮ УЗНАЛ О ВЫХОДЕ НОВОГО МОЛОДЕЖНОГО ЖУРНАЛА В УЗБЕКИСТАНЕ ТЧК СЕДЕЧНО ПОЗДРАВЛЯЮ ПУСТЬ МОЛОДЕЖНЫЙ ЖУРНАЛ, ЁШЛИК СТАНЕТ ПАСПОРТОМ УДОСТОВЕРЕНИЕМ ЛИЧНОСТИ КАЖДОГО МОЛОДОГО УЗБЕКА ВСЕЙ МОЛОДЕЖИ УЗБЕКИСТАНА ТЧК ЖЕЛАЮ ВАШЕМУ ЖУРНАЛУ БОЛЬШОГО ТИРАЖА И САМОЕ ГЛАВНОЕ БОЛЬШОЕ ТАЛАНТЛИВЫХ ПРОИЗВЕДЕНИЙ ТРК= РАСУЛ ГАМЗАТОВ=

Пинская типогр., з. 52—81 г.

## ТОШКЕНТ, УЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИГА

Узбекистонда янги, ёшлар журнали чиқаётганини эшитиб, ғоят хурсанд бўлдим. Чин юракдан табриклайман. «Ёшлик» журнали ҳар бир навқирон ўзбек учун, барча Узбекистон ёшлари

учун ўзига хос паспорт бўлиб қолишини истайман.

Журналингизга катта тираж, миллионлаб мухлис ва энг муҳими, етук асарлар тилиyman.

Расул ҲАМЗАТОВ

Махачқалъа

— Сенсирама, Хатча,— деди у.— Тоза томиринг сувга етган бўлсаям сенсирамай гапир!

Хадича шўрлик тўлиб турган эканми, баттар терс келди:

— Қўлингдан келганини қил!— Бу гапни айтишга айти-ди-ю, ортага тисланди. Полвон анграйиб туриб қолди.

— Сен у ёқда одамга ўхшаб гапирардинг, Хатча,— деди у бир вақт ўзига келиб.— Кимнинг дарсини олдинг, нега мундай гапирасан?

Хадича индамай ерга қаради. Укаси Сатторқул дарвоза орқасига келиб бекинган экан, шартта отилиб чиқди.

— Кет!— деди у кўкрагини кериб.— Эсингди борида кет, бўлмаса, ёмон қиламан!

Полвон уни таниёлмай қолди. Йигитнинг кайфи бузуқ, мўйловининг учларигача титраб турибди, индамасанг, урадиган шашти бор. Полвон, бир кўнгли, гарданига солай, деб ўйлади, лекин шайтонга ҳай берди: қўй, баравар бўлиб ўтирма, бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом, қўй, Полвон, ўзингни бос!

Орқасига юрди. Сатторқул изидан қолмади.

— Кет!— деб бақирди у тагин.— Қайтиб шу кўчада қорангни кўрсам, оёгингни уриб синдираман!

Полвон бўғилиброқ кулди. Узининг не алфозда кетаётганини ўйлади: елкалари қисик, қадди букик, бўйнига мушт тушарини кутгандек. Уят, уят, не кунларга қўйдинг, Хатча? Сендан шуни кутиб эдимми, Хатча?! Кўрган биров

нима деб ўйлайди, энағар Хатча! Ер билан битта қилдинг-ку!..

Номус зўр чиқди, чидолмади, таққа тўхтади. Сатторқул ҳам тўхтаса дуруст эди, аммо у тўғри бостириб келди, мушт кўтарди, лекин улгурмади, ўзи зарбдан ерга ағдарилиб тушди. Полвон уни билагидан даст ушлаб, силтаб тургазиб қўйди, лекин гап қотмади, йўлига кетаверди.

Еган мушти алам қилган экан, Сатторқул ярим йўлда, адирдаги туякудук ёнида қувиб етди. Ёлғиз эмас, қаватида яна икки отлик, бири— Аҳмад шайтон, униси— юқори лаби кемтик, жиккакроқ одам.

Этик кўнжига қўл юборса номардлик бўлади, гаврон ҳам пода қамалган камарда қолган— бир ўзи учовини даф этарга ҳоли келмади. Бир нафасда қўлларини орқасига қайириб бойлашди, сўнг ҳалиги лаби кемтик йигит бехосдан тақимига тепди— Полвон чалқанча қулаб тушди. Урнидан турмоқчи бўлиб уринганида, Сатторқул келиб, елкасидан этиги билан босди:

— Хатчанинг талоғини айтасан!— деди у.— Кейин, майли, тусаган ёғингга кетабер. Айтсанг— бўшатамиз.

— Ҳозир бўшат,— дея Полвон қайнисига эмас, лаби кемтик йигитга юзланди.— Бўшатиб қўйиб гаплаш.

Полвоннинг ўзига беписанд қарагани Сатторқулга алам қилди:

— Э, бешбаттар бўлмайсанми!— Этигининг учи билан Полвонни юзубан ағдариб ташлади ва яғрини аралаш қамчи тортиди. Урмаси майда экан — баданни тигдек куйдириб ўтди.

Полвон иягини заранг ерга тираган кўйи қотиб ётаверди. Аввалига оғриқни сезиб турди, қамчи ҳар тушганида эти кўпчиб-қабариб чиқаётганини ҳам билди, лекин бирпасдан сўнг эти ўлиб, қулоқларида қамчининг ҳавони вибрилатиб чизаётган товушигина қолди.

Ишонгиси келмади. Тинчгина молини ҳайдаб кетаётиб эди, йўлда махсум учради, талоқни олиб кетмоқчи бўлди, уни изига қайтариб, ўзи келди, мана энди, манави заранг ерда, туяқудуқ ёнида, қўллари боғлиқ, қимир этгани имкони йўқ, ер билан битта... Туш кўряпман, деб ўйлади у, ҳаммасини туш кўряпман, сениям туш кўряпман, Сатторқул иним, подачининг туши курсин, бир хил тушларимда мени илон чақади, тиши этигимдан ўтиб болдиримга санчиллади, дод дейман, додлайману уйғониб кетаман, сениям туш кўряпман, Сатторқул иним, яхши қилмадинг, иним, майли, қаттикроқ ур, токи мен уйғониб кетай, ҳаммаси туш бўлиб чиқсин, уйғониб, ёнимда Хатча билан Чаманни кўрай... Ёлғизлик ёмон, иним, сизлар учов, мен бир ўзимман... Сен ҳам ҳарсиллаб қолдинг, чарчадинг, иним, майли, қамчини лаби кемтик жўрангга бер, у ҳам урсин, айт, қаттикроқ урсин, ўрмаси ҳар сермаб ўтганида яғринимдан парча-парча эт узиб олсину мен уйғониб кетай, тушдан фориг бўлай, ёнимда Хатчани кўрай, тушимда бўлсаям уни уйга опкетай, майли, урабер, иним, яра-чақа бўлса битиб кетар, тўхтама, нега тўхтадинг ёки менга раҳминг келдимми, иним?..

Чидаб ётди. Инграмади. Бир маҳал ҳаво дим тортганини сезди. Дим, инкинсиз, қуюқ. Елкасидан чиққан тер кўз ёшидай иссиқ... Терми бу, қон эмасми?.. Қип-қизил, кўз ёшидай жизиллатади, сарғиш чакмонни бағир тусига бўяб борапти...

Кўзларини йириб, олдинда бир жуфт тоштовон этикни кўрди. Ағдарма кўн, чоклари пишиқ, жийрилган жойи йўқ, фақат нағали ейилибди, қушнинг тилидай юпқа, бугун-эрта узилади...

Этиklar қимирлади. Полвон ётган жойида бир-икки силкиниб тушди. Кейин этиklar яна манглай тарафига ўтди. Полвон тагин уларга тикилди, бироқ этиklar тутқич бермади, сония сайин кичрайиб, узоклашиб бораверди. Кўзларини юмаркан, чуқур тин олди, илжайди: этиklar қочди, қочди!..

...Саҳар маҳали кунботар тарафда йилқи кишнади. Сайхонликдаги янтоқларни шитирлатиб салқин шамол турди. Полвон унга юз тутди — узок, то сал тетик тортгунича. Сўнг йилқи овози келган ёққа қараб ўрмалади.

Кўп судралди. Тиззалари, тирсаклари зирапчага тўлди. Тақирга етганида қуриган лой қисир-қисир сина бошлади. Бир пайт бармоқлари балчиққа тегди. Чанқоқ хуруж қилди: балчиқни сиқимлаб оғзига солиб шимиди. Сув чиқмади ҳисоб, томоғига тикилиб, нафасини қайтарди. Яна олдинга ўрмалади. Бирор беш дақиқа ўтиб, узатган қўли

сувга тегди. Полвон икки-уч тўлғониб олға жилдию бетини сувга ботирди, сўнг тирсакларига таяниб, тили билан ялашга тутинди. Кўнглида ғалати бир гурур уйғонди, ўзининг мискинлигидан, манави қора балчиққа беланиб ётганидан, сувни кучукка ўхшаб шалоплатиб ичаётганидан шодланди, совуқ томчиларнинг чанқоқ вужуди бўйлаб бир маромда таралаётганига қулоқ солди...

Хадичани Шўркудукдан берида, пода ётар жойдан топди. Устида ўша кир кўйлаги билан гарди рўмоли, этагида кўнғиз кавлаб кетган беш-олтита ғовак тезак (шуни баҳона қилиб чиққан), биров урганми, ўзи йиғлаганми, кўзлари қизарган...

Полвонни аввалига танимади, йўқ, таниди-ю, кўзларига ишонмади, кўрқди, қўли билан юзини пана қилди — қамчидан тўсгандай.

— Талоғимни айтдингизми?— дея секин, хўрланиб, келар балони даф этолмаслигидан кўрққандек сўради; кўзлари мўлтиради, этагидаги тезак ерга тўкилди.

— Айтардим, Хатча,— деди Полвон.— Айтардим, лекин энди бўлмайди, иложим йўқ, айтсам — кўрқоққа чиқаман. Чидайсан энди, Хатча...

Хадича йиғлади. Кўзларини артаркан, рўмоли бошидан сирғалиб тушди, сочлари елкасига ёйилди.

— Борайми?— деб сўради.— Урмайсизми?..

Полвоннинг хўрлиги келди: сени урган қўл синмайдими, Хатча!..

Хадича яқинроқ келди, эрининг усти-бошига чапланган лой ва қонни артмоқ бўлиб қўл чўзди, аммо ботинмади, ёвуқликнинг ўзи маҳобатли бир девор мисол кўз олдини тўсди — кўлларини тортиди, кўнглига яна кўрқув оралади.

Полвон ҳайратланди: сенга шунчалик кўнғил кўйиб эдимми, Хатча? Кел, қўлларимда озод кўтарай сени, ўн беш кунлик ойдаи кучоғимни тўлдир, Хатча, мени қаттиқ-қаттиқ чимчила, зора сени туш кўрмаган бўлсам!..

У аёлни даст кўтариб олди. Хадичанинг билаклари бўйнига чирмашган замон мажоли қочди, гандираклар кетди, лекин сал ўтиб билакларнинг куйдиргувчи тафтига кўнликди, чарчоғу оғриқ унутилди, гўё тани ҳам унут бўлдию унинг ўзи бўйнига чирмашган билакларга айланди... Фақат юракларнинг олатасир ургани сезилади, гўё бутун дашту далалар уларнинг дупурига тўлган... Сени шунчалар соғиниб эдимми, Хатча? Кўнғилдаги кину ғазабим қани? Нега йиғлайсан, Хатча? Сен ҳам соғиндингми? Соғинганинг ростми, Хатча? Бирор нарса де, шубҳаларинг бекор, де, Хатча, кўнғлимни қабартма, белимни букма, гавҳарни тошга урмайлик, Хатча!..

Аёлнинг юзига тикилиб, гумонига тасдиқ излади. Лекин, Хадичанинг турган-битгани — юзу кўзи, бўйнига чирмашган билаклари, ёқасига қадалган бир қатор садаф тугмаларигача иффатга ёр, шубҳага зомин эди.

Хадича эрининг кўзларида бир оғриқ кўрди, аммо сўз сўйларга мажоли етмади, бўғзига тикилган аччиқ хўрсиниқни ичига ютдию унинг тарашадек қотган жун чакмонига бетини буркади...

«Ёшлик»нинг навбатдаги сонида **Эркин АЪЗАМОВ**нинг  
«Анойининг жайдари олмаси» ҳикоясини ўқийсиз



Абдумажид АЗИМОВ



*Абдумажид Азимов Сурхондарё областида туғилиб ўсган, ҳозир В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетида таълим олаётган ёш ижодкор. Абдумажид шеърлари унинг келажига ишонч билан қарашга асос беради. У сўз қадрини теран ҳис этади, шу сабабдан ҳам сатрлари равон. Ҳозир ҳар куни ўнлаб, балки юзлаб шеърлар яратилаётган бир пайтда эсда қолғулик бирор шеър ёзиш қийин гап. Чунки шеърятга талаб ҳам унинг миқдори мутаносиб равишда ўсиб бормоқда. Бу ўринда чуқур, оригинал мазмун катта аҳамиятга эгадир.*

*Абдумажид ижодидида юқоридаги талабларга жавоб бергулик ўктамлик бор. Албатта, адабиётда из қолдириши оқ йўл берган одамга эмас, ижодкорнинг ўзига боғлиқ. Ушбу ҳақиқатни укамиз ҳозирданоқ бутун масъулияти билан англаб олишини тилайман.*

Абдулла ОРИПОВ

## Баҳор келганда

\* \* \*

Укам Абдумаликка

Баҳор бу ўлкага келганда такрор,  
Уфура бошлайди гулгун насимлар.  
Умрим, баҳорларинг кузатдинг бедор,  
Қуш бўлиб учганда зангор фасллар.

Самода қалдирғоч урмоқдадир чарх,  
Ёмғирдан ивиган кенг далалар жим.  
Оппоқ наволарга бўлмоқдадир ғарқ,  
Армонли бир қўшиқ истаган қалбим.

Оламга нурларин қуймоқда офтоб,  
Гиёҳлар унмоқда қирлар сағрида!  
Кўклам шиддатига беролмайин тоб,  
Қорлар эриётир тоғлар бағрида.

Парвозга чоғлана бошлайсан гўё,  
Қалбингда севикли бир туғён фақат  
Зангор туйғуларда ясашиб, дунё  
Кўркини оламга сочса табиат.

Ҳаёт гўзаллашар сен ўйлагандан,  
Гуллар ҳам тун бўйи бир-бир очилар,  
Тонг чоғи уйғониб ҳеч бўлмаганда,  
Кўзингга йиғила бошлар томчилар...

Талабалик йиллар куйламоқда бот,  
Оқшомлар ўйноқи, шўх оҳангларда.  
Тонгларда уйғонар ўспирин ҳаёт,  
Болалик аталган азиз рангларда.

Кунлар олиб кетар йироқлардаги  
Шодликка қоришиб қотган ғамларни.  
Ёп-ёруғ қуёшли қирғоқлардаги  
Қумларга чўзилиб ётган дамларни.

Қорлар тўзғиётир, тарновларда қиш,  
Тун бўйи йўлакка тушмайди излар.  
Осон гап эмасдир қизларга ёқиш,  
Сени бурчакларга чорлайди қизлар.

Кўнгилга сиғмайди курсдош таскини,  
Етар латифалар сўйлаши кулиб,  
Охир унутганча аёз фаслини,  
Кўчага чиқаман бошяланг бўлиб.

Ҳайқириб бораман сенинг ёнингда,  
Оппоқ булутларнинг қучоқлари нам.  
Мен хабар келтирдим сенга онамдан,  
Саломлар йўллаган сингиллардан ҳам!

Сурхондарёдаги болалик ҳақи,  
Куйлайлик ул дамлар ёдини тўлиб,  
Телба бу ҳолатим ёқмайди балки,—  
Балки ўлтирибсан андиша қилиб.

Мен эса бошлайман шиддатли қўшиқ,  
Йигитлигининг йўғон овозларида.  
Юраклар ҳайқира бошлайди жўшиб,  
Соғлом қўшиқларнинг парвозларида.

... Сурхон қирғоғида боғлиқ бир кема,  
Сурхон бўйларида мен севган сулув.  
Менга у ҳақида ҳеч нарса дема,  
Абадий боқира қолсин бу туйғу!

\* \* \*

Менинг умид билан кўкка чўзган  
Тундай қора сочларингга боғланди, ёр-эй,  
кўлларим,

Олис кунлар, олис тунлар боғлаб  
Кўзларингни бир кўрмоққа қилдилар  
зор-эй,  
йўлларим,

Елворардим тушларимдан кетма деб  
Дунё асли кўзларимга бўлди-ку тор-эй,  
йироқ,

Армон эдинг менга ҳар не армондин  
Энди менга керак эмас номусу ор-эй,  
кўпроқ,

Кўклам келиб булбулларнинг кўксида  
Биз ўйнаган сайхонликда алвон баҳор-эй,  
доғи,

Эриб битди Сурхондаги тоғларнинг қори,  
Лекин мангу эрмагай кўксимда қор-эй.

\* \* \*

Мен сенинг ёдингдан чиқдим. Унутдинг,  
Фақат умид билан ёниб турар кўз.  
Бир умрга аччиқ ҳижронни ютдинг,  
Бугун кўзларимда суратинг ёлғиз.

Унутдинг, сўнмаган қўшиқлар сўнди,  
Оғриққа айланди қалба умидлар.  
Юраклар тош қотиб барига кўнди,  
Рухим осмонда сузди булутлар...

Унутдинг, сойларда гул бўлиб оқдинг,  
Мен ҳам унутгандек бўлдим ниҳоят.  
Тушларимда оппоқ либосда боқдинг,  
Номинг тилларимда бўлганда оят!

Турарсан бир умр кўзларимда сен,  
Ҳамон аввалгидек боқира, шўхсан,  
Кирарсан қўйнимга тушларимда сен.  
Тунлари бир қучоқ оловга ўхшаб!

Как хорошо, что у узбекского  
молодежи появились свои литера-  
турные журналы! Радуясь твоему  
рассказу. Глубоко верю, что «Ешлик»  
станет верным другом тех, кто  
любит прекрасное и разумное.  
Также надеюсь, что «Ешлик», обрешая  
свой взор на будущее, берет на  
правахно будет сотрудничать к  
многотомному духовному наследию  
своего народа. Уважение к прошло-  
му порождает веру в будущее.  
Еще желаю журналу говорить  
с временем и жизнью на рав-  
ных.

Мустай Карим  
17 кыбн 1981.

## Табрикнома

Қандай яхши, ўзбек ёшлари ўз адабий жур-  
налларига эга бўлдилар! Қувончимнинг чеки  
йўқ. Ишончим комилки, «Ешлик» гўзаллик ва  
оқиллик мухлисларининг суянган дўстига айла-  
нажак. Яна шунга ишончим комилки, «Ешлик»  
нигоҳини истиқболга тиккан ҳолда, ўз халқи-  
нинг кўп асрлик маънавий меросига эҳтиётлик,  
садоқат билан муносабатда бўлади. Зеро ўт-  
мишга ҳурмат ҳисси келажакка ишончини тўғди-  
ради.

Мен яна журналнинг Вақт ва Ҳаёт билан  
тенгма-тенг, бақамти сўзлаша олишини истар-  
дим.

Мустай КАРИМ

Уфа



Янги журналнинг биринчи сонига ёпирилиб келган қўлёзмалар орасида бу ҳикоя ярқираб кўринди, редакция ходимларининг диққатини жалб этди, уни алоҳида ажратиб қўйишди. «Алоҳида»—«маъқул» деган маънони англатарди, чамаси. Кейин ҳали нотаниш бу муаллиф ким эканини аниқлашга тушдилар. Ҳақиқатан ҳам, нотаниш экан. Бироқ, анчадан бери ёзадиганга ўхшаш қўли, тили, диди кўриниб турарди саҳифалар орасидан. Унда-бунда ўқувчини бир сескантириб қўядиган, янги, ҳали ҳеч ким айтмаганми ёки табиийми образлари, ёки гаплари, ёки халқона иборалари, мажозий алланималари бор эдики, ўқишди давом этгингиз келарди.

Менинг ҳам назаримда шундай бўлди: тоза бир нафас кириб келди журнал хонадонига. Қишлоқ одамларининг кўрки, ҳис-туйғулари, нафис манзаралар, у ерларда туғилган феъл-атворлар, интилишлар...

Ҳар нечук, Маъсума Аҳмедовани янги журнал саҳифаларида журналхонга бир таништириб олиш зарурга ўхшаб кўринди. У келаётган сўқмоқ катта йўлга қараб бормоқда эди, журналхон кўрса, ўқиса, бу муаллифни қайта кутадигандай туюлди менга. Оқ йўл тилагим келди.

Туроб ТўЛА



Маъсума АХМЕДОВА

# ШАҲАРГА САЁҲАТ

ҲИКОЯ

**—Н**асиб қилса, эрта бозор куни ҳаво яхши бўлиб турса, сени шаҳарга олиб тушаман,— деди эри эрталаб этигини кияётиб.

Шаҳарга! Гўё шу заҳоти қуёш яна чарақлаб кетди. Заррин нурлар дераза ойналаридан ўтиб, аста пишиллаб ухлаётган ўғилчасининг дўмбоқ юзларида, хилма-хил патнису идишлар терилган жавон, тоқчаларда липиллай бошлади. Бировга айтсанг, кулиши турган гап, лекин ўзингга ўзинг қайта-қайта такрорласанг ҳам бўлаверади: «Шаҳарни шунақаям, шунақаям яхши кўраманки!» Саф тизилишган улкан биноларга қарасанг, бошингдан дўппинг тушади. Тинмай физиллаётган, гугурт қутисидай бежирим трамвай, троллейбуслар... Шаҳарда яна қандайдир ҳид бўлади. Бу ҳиддан тўйиб нафас олиб бўлмаса ҳам, нимагадир ажойиб. Асфальт йўлларда юрсанг, сирғалиб, учиб кетаётганга ўхшайсан. Шаҳарнинг одамлари мунча ҳам тартибли бўлишмаса! Кетма-кет, қатор-қатор, текис юришади. Шунча шошилишсаям, бир-бирларига сўз қотмай, йўлдан адашмай кетаяверишади. У шаҳарга икки марта тушган. Янги унаштирилганида бир марта қуёви билан борган. Вой, тавба, қуёвидан ҳам шунақа уяладими киши! Кўзи тушса, қўрқиб кетаверарди. Шундай ювош, шундай яхши одамдан нега ҳайиққан экан — ҳалиям ақли етмайди. Лекин, бари бир ўшанда яхши бўлган эди. Емғир ҳаммаёқни шалаббо қилаётган бўлса-да, секин юришгани ёдида.

Яна бир марта, ҳали жудаям ёш қизчалигида дадаси билан борганини эслайди. Аниқ бир нарса ёдида йўғ-у, аммо шамолда ўйнаётган ранг-баранг пуфаклар, алвонранг гуллару ясанган турли-туман болалар эсида. Ҳар ҳолда, ўшанда Май байрами бўлса керак-да. Эсида, роса тўйиб мороженое ейишган, бир томчиси қип-қизил атлас қўйлагини доғ қилган, томоғидан алламаҳалгача ширин бир таъм кетмаган.

Икки йил бўлди — эри неча марта шаҳарга олиб тушиб, ўйнатиб чиқаман, деб ваъда беради-ю, вақти бўлмай, вақти бўлса, тўсатдан бир иш чиқиб қолиб, хуллас, бу ният амалга ошмасди. Эри бир сўз бердими — қанча вақт ўтиб кетса ҳам сўзидан қайтмайди.

Ишқилиб, эртага ҳаво бугунгидай очилиб турсин-да! Ахир, эри: «Ҳаво яхши бўлиб турса...», деди-да.

Расми А. ИКРОМЖОНОВ чизган.

Апил-тапил самоварга олов ташлади. Нега шошяпти ўзиям билмайди. Ахир, шаҳарга ҳозир жўнаётгани йўқ-ку. Тутун оч-яшил бўлиб товланаётган ток барглари орасидан тепага ўрлади. Қуёш нурлари ҳув Хадича холанинг боғи-гача чароғон қилиб юборган. Юрагини қандайдир тушуниб бўлмайдиган ҳис чулғаб олди. Ўлсин-а, радионинг товуши нега ўчиб қолдйкин?... Ўғилчаси уйқудан тургунча қўшни-синикига чиқиб келади.

Вазира доим йўқ нарсаларни йўндириб, эрини мақтагани мақтаган. «Кеча-чи, Адолой, Рухит чиройли бир комбе-нажка олиб келибди. Тўрларини-чи, ҳай-ҳай. Ишга тушганимда кияман, десам, Рухит: «Шу битта минан кетарми-динг, киявурмайсанми», дейди...» Нима бўпти, бир марта у ҳам мақтанса мақтанибди-да. Бирдан айтмайди-ю, секин: «Вазиражон, шаҳарга нима кийиб борсамикин, шерсть кўйлак кийсаммикин ё атласми?», дейди. «Вой, шаҳарга тушяпсизми? Шунгаям шунча ташвишми? Шаҳар нима бўпти, осмонга учадигандай ташвиш қиласиз-а!— дейди ҳой-наҳой.— Бизлар анув ҳафта тушганимизда-чи, кўшни...» Сўнг нима олганинию нима кўрганини кўпиртира кетади. Яхшиси, «Бозор кун шаҳарга тушмоқчимиз, сизга бирон нарса керакмасмиди?», деб бошлай қолади. «Вой, менга нарса керакмиди, Адолой?», деб лаб бурса-я! Нима, бўл-маса, шундоқ хушхабар ичида қолиб кетаверадимми? Рухиддин ака Вазирани неча марта шаҳарга олиб тушгани билан нима иши бор? Унинг ҳам эри ўйнатгани олиб кетяп-тими — олиб кетяпти! Нега энди айтмас экан, айтади! «Ша-ҳарга ўйнагани тушиб кетяпмиз», дейди.

Шундай ҳаёллар билан, бўтана сув тошиб ётган ариқ-чадан ҳатлаб ўтди. Пахса деворни ёнлаб, қўшнисиникига чиқди.

— Ҳаҳ, намунча чирқиллайсанлар, итваччалар! Эtagимга боғ, юрагимга доғ бўлдиларинг!— Ичкаридан қўшнисининг асабий қичқиргани эшитилди.

Бу овозни эшитиб у жойида таққа тўхтаб қолди.

Остонада қўшниси пайдо бўлди.

— Ҳа, тинчликми?

— Кўрмайсизми, буларнинг хархашасини,— дея қип-қизил катак кўйлагининг этаги билан бурнини чимчилаб артди Вазира.— Ўзим ҳам чиқмоқчи бўлиб турувдим. Юракларим ёрилиб кетай деди-е!

У эндигина сўзлашга оғиз жуфтлаган эди, қўшниси:

— Ичкарига кириг,— дея уйга таклиф этди-ю, аммо ўзи остонадан жилмай туриб қолди.

У қўшнисининг шишиб қизарган кўзлари, пир-пир уча-ётган пўрсилдоқ лабларига қараб туриб, хушхабарни ай-тишнинг ўрни эмаслигини сездди.

— Рухит, «Ун саккиз яшар қиз олиб келаман», деяп-ти...— Вазира лабларини тйшлаб, узини четга бурди. Кат-та, шйшинқираган юзларига кўзларидан дув-дув ёш оқа бошлади.

— Вой, қўйинг-э!— У нимадир нашъа қилиб, хахолаб кулиб юборди.— Рухиддин акам ҳазиллашгандир-да.

— Ҳазил бўлса кошки эди,— дея бурнини торганча кўз ёшларини артки қўшниси.— Кошки эди...

— Мастлигида айтса айтгандир-да, эркак киши.

— Маст эмасди, маст эмасди...— дея такрорларкан, Ва-зира алам билан хўрсинди.

Қўшнисининг гапидан сўнг назарида олисдаги тоғлар қўл ушлашиб бостириб келаётгандай туюлди. «Маст эмас... маст эмас»— бир хилдаги бу оҳанглар яна кулгисини қис-татди.

— Вой, тавба, қанақа хотинсиз ўзи? Нега куласиз?— деди қўшниси бирдан дарғазаб бўлиб.— Сизга юрак очадиган экан-ку!

— Қўйинг, одам бўлар-бўлмас гапларга лаққа ишона-верадимми?— дея у қўшнисини юпатган бўлди.

Уйда бола хархашаси авжига чиқиб, Вазира қарғанганча, унинг юпатувига ҳам қулоқ солмай югуриб ичкарига кириб кетди. Хушхабарни ҳам мушук еди. «Тавба, эси жойи-дами ўзи эрининг! Кўнгиллари ўн саккиз яшарини тусаб қопти-да!»

— Ҳа, Адол, тушингни сувга айтяпсан?

Ўгирилиб қараса, ёнгинасида елкада обкаши билан Рих-си хола турибди.



«Кесатиқсиз гапни билмайди. Бутун маҳаллага қайнана».

— Ганингиз мени шаҳарга оптушмоқчи,— деди зўрға севинчини яшириб.

Хола тарақ этказиб бўш челақни ерга қўйди.

— Ҳаптобусда қўсмайсанми?— деди у шанғиллаб.— Ану, Ҳақима гаранг бор-ку, ҳар борганида қўлига халта оливоларкан...— Хола сўнгги жумлани овозини пасаптириб айтди.

— Ула-а-р,— деди у секингина.

Шу пайт шундоққина магазин биқинидан Салима чи-қиб қолди. У худонинг берган кун шаҳарга қатнайди. Нима учун қатнашини ким билсин, ишқилиб, уйда ўтиради-ган хотин эмаслиги маҳаллада ҳаммага аён.

— Агар кўнглингиз айнийдиган бўлса, беш-олтита қу-рутни чўнтагингизга солиб қўйинг,— деди у босиққина қилиб.— Катта рўмол ўраманг, шаҳар иссиқ. Иннайкейин, тўппа-тўғри туфли билан пайпоқ кияверинг.

Холанинг бунақа ишларда тажрибаси йўқ эди, бирдан энсаси қотганча челақларини обкашга илдию кетди-қолди.

Бирпасда ҳамма нарса талйёр бўлди: қазноқдан туфли олиниб, чанги артилди, белбурма кўйлакка тескарисидан дазмол босилди, беш-олтита эмас, салкам ярим килоча келадиган қурут «шаҳар сумка»га жойланди.

## Қадрли дўстлар!

КПСС Марказий Комитетининг «Ёш ижодкор зиёлилар билан ишлаш ҳақида» қарор чиқарганига беш йилдан ортиқ вақт ўтди. Бу давр мобайнида Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети республика Ёзувчилар союзи ва бошқа ижодий союзлар, «Ёш гвардия» нашриёти ҳамда атоқли адиб ва санъаткорлар билан ҳамкорликда ижодкор ёшларни тарбиялаш соҳасида бир қанча ишларни амалга оширди. Адабий альманахларнинг ўзбек ва рус тилларида мунтазам нашр этилиши, бошловчи муаллифларнинг ўнларча дастлабки китобларининг босиб чиқарилиши, «Илҳом» ижодий клубининг ташкил қилиниши, ижодкор ёшларнинг сермазмун семинар ва учрашувлари, комсомол агитпоездида зарбдор қурилишларга уюштирилган сафарлар — буларнинг барчаси ёш адиблар, рассомлар, актёрлар, кинематографчилар учун граждандлик ва ижодий дунёқарашларининг камол топишида ҳаётбахш замин бўлди.

Мана, жонажон партиямиз қарорининг орзиқиб кутилган яна бир қувончли самараси: «Ёшлик» альманахи ва унинг атрофида уюшган ёш ижодий кучлар асосида республикамизда янги ойлик адабий-бадиий ва ижтимоий-сиёсий ёшлар журнали ташкил топди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, республикамиз йигит-қизлари ўз журналларидан кўп нарса кутадилар. Ўзига хос истеъдодларнинг изланишларига кенг йўл очиб бериш, устозларнинг доимий, жонкуяр ғамхўрлигини ёритиш, ғоявий-бадиий жиҳатдан юксак асарлар яратиш — буларнинг барчаси сизнинг ёш ижодий коллективингиз олдида турган масъулиятли ва шарафли вазифалардир.

Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети сиз, азиз журналхонларни журналнинг биринчи сони чиқиши муносабати билан қутлар экан, «Ёшлик» юксак ахлоқий идеаллар, совет турмуш тарзи, интернационализм, ёшларни коммунизм руҳида тарбиялаш борасида партия ва комсомолнинг жанговар ёрдамчиси бўлиб қолади, деб ишонч билдиради.

Э. Ф. ҒАФУРЖОНОВ,  
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг  
биринчи секретари

Кечга томон осмонда сийрак укпар булутлар қанот келганча ёйила бошлади. Тўсатдан турган шамол шафтоли гулларини дув тўқди. Ҳовлининг бурчагида улоқчалар совқотибми, подага кўшилган онаси эсига тушибми, зорлана бошлади: «Мэ-э, мэ-э...»

Эри осмонда булутлар ҳам, юлдузлар ҳам кўринмай қолган бир пайтда кириб келди.

— Иш кўп-да,— деди ҳорғин, кўрпачага чўзиларкан.

Осмонни оловли ханжар тилиб ўтгандек бўлди. Бирдан ханжардан азоб чеккандек осмон гумбураб кетди. Ташқарида ёмғир шовиллаб, шамол дераза ойналарини тарақлата бошлади.

Эртага эса — бозор куни. Эрининг феълини билади: айтган сўздан қайтганини эслаёлмайди. «Ҳаво очик бўлса...», деди-ку, ахир. Хаёлида тинмай елаётган автобусу троллейбуслар бирдан тўхтаб қолди. Ранг-баранг пуфакларни ёмғир чертиб, пақ-пақ этиб ёрила бошлади.

— Ҳай, туринг,— дея у негадир эрини уйғота бошлади.

Эри бошини қашиб девор томонга ўгирилиб олди, уйқураганча алланималар деб ғўлдиради.

— Турсангиз-чи ахир!— дея алаמידан қичқириб юборди у.— Ёмғирни қаранг ёғишини...

— А, нима, нима?— Эри сапчиб кўзини очди.— Нима дейсан?

— Ёмғир, ёмғир ёғяпти...— У ўпкаси тўлиб, ҳиқиллаганча йиғлаб юборди.

Эри уйқули кўзлари билан унга бефарқ тикилди-да, «Ҳе...», дея ғўлдираб, яна бошини ёстиққа ташлади.

Токчада турган соат жон-жаҳди билан жиринглай кетди. Эр эснаганча соат тугмачасига қўл чўзди, кўзларини ишқалай-ишқалай, ён-верига аланглади.

— Адол!

Нариги уйдан хотинининг «Ҳм?...» деган овози эшитилди. Бирласдан кейин эшикда ўзи пайдо бўлди.

— Бўлмайсанми?— деди эри негадир хижолатомуз.

— Ёмғир ёғяпти-ку,— деди у, аммо ўзи умидвор кўзларини эрига тикди. Назарида, бирдан яна осмонда турли-туман пуфаклар ела кетди.

— Ҳе,— дея илжайди эри,— кийин дарров, тош ёғмайдими!..



ўхшамаган йўл билан бормоқда. Ҳар бири ўз ижодий қиёфасига эга бўлган ёш рассомларнинг истеъдодли, соғлом янги авлоди вужудга келди. Бу чиндан ҳам қувонарли ҳолдир.

Санъатда илк қадамларини ташлаётган ҳар бир ёш рас- сомга мен ўз ижодий ҳақиқатини яратишни, ўз ўрнини қидириб топишни маслаҳат берадим. Бунинг учун эса ҳаётни чуқур ўрганиш, унинг теран қатламларини тадқиқ қилиш, замонамиз билан мустаҳкам алоқада бўлмоқ ке- рак. Бирор бир услубни ёки йўналишни ягона тўғри йўл деб эълон қилиш ва бошқа барча услубларни инкор этиш бемаънилик бўлур эди. Ҳаётимиз ниҳоятда бой, унинг қирралари ва ранглари ниҳоятда хилма-хил. Унда ҳар ким ўз қалби, истеъдоди ва дидига мос мавзу, услуб, оҳанг топа олади.

Ҳаётни чуқур тушунмасдан, қалбдан ҳис қилмасдан ях- ши санъат асари яратиб бўлмайди. Барча даврлар ва барча мамлакатларнинг рассомлари тажрибаси ана шун- дан далолат беради. Ҳар бир давр ҳаёт ҳақидаги ўз ту- шунчасини бизга мерос қилиб қолдирган. Бизнинг даври- миз, мамлакатимиз ҳам бундан мустасно эмас. Ҳар бири- мизнинг ҳаётда яхши кўрган соҳамиз, қалбимизни ром этган бирор нарса бўлиши керак. Менингча, ана шунда- гина чинакам муваффақиятли асар яратиш мумкин.

Ҳаёт ҳақиқатига амал қилиш — унинг ҳақиқатини кўриш, ҳаракати йўналишини тўғри тушунмоқ демакдир. Совет рассоми учун ҳаёт ҳақиқатига амал қилиш — коммунистик идеалларимизнинг олижаноб ҳақиқатидан чекинмаслик, дунёда, инсонда энг муҳим нарсани — қалб гўзаллигини, ишонч ва оптимизмни, коллективизм ва қардошлиқнинг юксак завқини, ижтимоий нуқсонларга қарши жанговар руҳни кўрсатишдан чекинмаслик демакдир. Рассом бу ажойиб оламни ўз қалбида қайта вужудга келтириши, санъатда ўз дунёсини яратмоғи керак. Ана шунга эриш- ган кишигина чинакам рассом бўла олади. Кимда ким санъатда ўз манфаатларини кўзласа — шон-шухрат ё иш ҳақини ўйлаб асар яратса, ёки «мода бўлган» услубга тақ- лид қилишга уринса, тўғриси айтганда, у санъатдан узоқ шахсдир ва ҳеч қачон чинакам санъаткор бўлолмайди. Ҳақиқий рассомда [адабиётчи, артист, режиссёрда ҳам] муайян ҳаётини позиция, қалбига яқин мавзулар бўлмоғи керак. У эзгу идеаллар учун курашмоғи лозим. Ана шу курашдагина у ўзини тўла ифода қилади.

Афсуски, амалда биз бунинг аксини ҳам кўраемиз. Ке- йинги пайтда матбуотда «репродукционизм» деган сўз пайдо бўлди. Ана шу термин билан ифодаланган ҳодиса белгилари республикамизнинг айрим рассомлари ижоди- да ҳам учраб туради. Мен ёшларни ана шу хавфдан огоҳ қилмоқчиман. Гап бу ерда айрим ижодкорларнинг, ҳатто баъзи етук санъаткорларнинг енгил йўлдан бориши, ўзга услуб ва усуллардан очикдан-очик нусха кўчиришга ури-

нишлари, баъзан эса муайян машҳур асарлардан усуллар, этюдлар ва ҳатто бутун-бутун «парча»ларнинг кўчириб олинishi ҳодисаси устида кетаяпти. Натижада, ўта замона- вийликка даъвогар бўлган баъзи муаллифлар кулгили ҳолга тушиб қолмоқдалар. Уларнинг Сальвадор Дали, Модильяни ёки бошқа бирор бир машҳур рассом алиф- босини қайта такрорлаётганликларини сезмай қолмоқда- лар. Бундай услубда яратилган асарлар музей ёки кўргаз- ма залида эмас, балки мавҳум ажойиботлар мажмуаси бўлган паноптикумда намойиш этилганда тўғрироқ бўлур эди. [Бу ҳақда М. Митурич «Творчество» журналининг ўтган йил ўн биринчи сониде жуда ҳаққоний фикр билдир- ган эди...]

Ёш ижодкор учун бошқа бир хавф ҳам бор. Томоша- бинни истеъдодли, ёрқин асар билан қувонтирган иқти- дорли рассом ўз ижодий ўсиши ҳақида қайғурмай қўяди. Бир марта топилган услуб ва усулни ҳадеб қўллайвера- ди. Энди у ижод ҳақида эмас, балки ўткинчи шовқин-су- ронлар, дабдабали муваффақият ҳақида ўйлайди.. Бу ҳол «авторрепродукционизм», яъни ўз-ўзини такрорлашдир. Яна ҳам очикроқ айтганда, ижодий самарасизлиқнинг бош- ланишидир.

Тақлид қилишдан, нусха кўчиришдан кўрқинг. Чунки, бу иллат ҳаёт ҳақиқатига зарар етказиши, демакки, истеъ- дод, ижоднинг душманидир. Ҳатто рассом ўз асарига илгари бошқа биров томонидан яратилган чинакам реал- истик элементларни киритган тақдирда ҳам ҳақиқатга хиёнат қилган бўлади. Чунки у биров меҳнатидан фойда- ланади, томошабинни алдайди. Ёлғон бор жойда эса ҳеч қачон чинакам санъат бўлмайди.

Бугунги кунда рассомларнинг ишлаши учун мавжуд шароит биз ижод қилишни бошлаган бундан 20 йил ол- динги шароитдан анча фарқ қилади. Кўплаб кўргазмалар- да иштирок этиш имконияти мавжуд. Масалан, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ҳузуридаги «Илҳом» клубида бундай кўргазмалар мунтазам намойиш этилмоқда. Соф маиший, моддий муаммолар ҳам муваффақиятли ҳал этилмоқда. Ижодий вазиятдаги ўзгаришларни алоҳида қайд этмоқ лозим. Рассомлар союзининг ёш санъаткор- лар учун республика бўйлаб сафарлар уюштираётганлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Бу, албатта, ўз самарасини бера- ди. Биз бундай сафарларнинг анъанавий бўлиб қолиши тарафдоримиз.

Санъатда камолотга ҳамиша тўхтовсиз изланиш ту- файли эришиш мумкин. Ҳаёт ана шу изланишлар учун бой материал беради. Унда рангларнинг камалакдек жилла- ри, образлар, шакллар, мавзуларнинг бой хазинаси мав- жуд. Бу хазина асло тугамайди. Аммо унга фақат ҳар ким ўз қўли, ўз меҳнати билангина эришади. Бошқача йўл йўқ.





ОТАЕВ

## Октябрь

Бир юртким бўлди қизил  
Дунё харитасида,  
Жумла жаҳон халқларин  
Чорлагувчи бир армон...

Бу бир шундай баҳорким,  
Тингласанг аввалидан,  
У — ўтмишнинг бўғзидан  
Отилган ўтли вулқон.

Портлаган шу вулқоннинг  
Ой-куни етгунича,  
Қанча йиллар тўлғониб,  
Қанча диллар бўлди қон.

Йўлларида мушт тугиб,  
Гоҳ пусиб, гоҳ қон қусиб,  
Ҳаволанди қанчалар  
Балою балогардон...

Жон ҳовучлаб, талвасада  
Кўз тикдилар зиёга.  
Этак-ла ёпмоқ бўлди  
Бу нурни ҳар бир хоқон.

Лекин сўйлаб эртаклар  
Қитъалар эртасидан  
Сўнмади зиё бир зум  
Чақнади дориломон.

Шу зиёга тутиб юз,  
Миллионлар қалқидио  
Ленин даҳосига эш —  
Ғояларга тикди жон

Ва Ер харитасида  
Бир ватан бўлди қизил,  
Жумла жаҳон халқларин  
Чорлагувчи бир армон...

## Ҳамид Олимжон хотирасига

Йўлга тушдик — кўкда ой тўлин...  
Яёв юриш ёқимли жуда.  
Йўлга тушдик, далалар сўлим,  
Сўзларимиз шеърий мавзуда.  
«...Шағирларди осмон ва ҳаво  
Шағирларди бутун коинот,  
Шағирларди бетиним дарё,  
Шағирларди дарёда ҳаёт...  
...Шағирлайди...  
Бермайди уйку...»  
Шоир сўзин борлиқ тингларкан,  
Соддагина, ширали, теран  
Шеърларидан ўқиб берди у.  
Шундан сўнг...  
Ҳа, эсладим ҳозир  
Қаердадир дам олдик чоғи...  
Қолганларин айтиш ҳам оғир:  
Ғойибдан бир махлуқ сиёқли  
Пайдо бўлиб

— Ажалман! — дея  
Устоз сари отилди бирдан.  
Кўзимга тор кўриниб дунё  
Бир харсангни кўтариб ердан  
Ҳам ҳайқириб девонасифат —  
Ажал сари отарканман даст,  
Товушимдан уйғониб кетдим,  
Қора терга ботибман роса.  
Деразамдан сабо тўлғониб,  
Уфуради баҳорни тоза.

Ҳам болишда қолган китобни  
Баҳор шаббодаси — китобхон каби,  
Қалбим севган шеърий бир бобни  
Варақларди, пичирлаб лаби...

\* \* \*

Аскарларга ўхшар ғўзалар.  
Чаноқларда ялов кўтарган,  
Чаноқларда олтин бўзалар...

Аскарларга ўхшар ғўзалар,  
Эрклик деган эллар дардига  
Малҳам янглиғ тортиқ кўзалар.

Аскарларга ўхшар ғўзалар.  
Омонлик деб зимдан олайган,  
Ёт кўзларга ўқдек узалар.

Аскарларга ўхшар ғўзалар  
Оппоқ денгиз бўлиб чайқалган,  
Тўлқинида тонглар бўзарар.  
Аскарларга ўхшар ғўзалар...

Шоир Машраб БОБОЕВ яқинда ёзиб тугаллаган  
дostonини журналимизга тақдим этди. Уни кел-  
гуси сонда ўқишингиз мумкин.



Нурали ҚОБУЛ

# ОҚ КАПТАРЛАР

ҲИКОЯ

Ақал бир мушукка бўлсанг  
меҳрибон,  
Демак, саломатдур сендаги имон.  
ДЕХЛАВИЙ

**Б**у гапни ҳеч кимга айтмаслик учун Маманазар акадан бир сўм олганман. Бировга айтай десам, кўз олдимга Маманазар аканинг бир сўмлик эски пули, икки қошининг ўртасидан бошланган узун бурни ва доимо ерга қарайдиган катта-катта совуқ кўзлардан иборат қиёфаси келаверади. «Ерга қараган одамдан яхшилик чиқмайди», дер эдилар раҳматли энам. ...Улар кеч кириши билан, шол бўлиб, эски сим каравотда шифтга қараб ётадиган Раҳимбердиларникида тўпланишарди. Овуниш учун тол чивигидан қафас ва сават тўқиб тирикчилик қиладиган Раҳимберди олди-га келган ҳар бир кишини қувонч билан кутиб оларди. Сўхбатдоши ким бўлмасин, ундан кўча-кўйдаги янгиликларни сўраб-суриштирарди. Назаримда, у доимо нимагадир ташнадек туюларди. Одамга ҳавас ва энти-киш билан боқар, кўзлари филтиллаб, ютиниб қўяр эди. Лекин, кўп ўтмай кўзларидаги соғинч ва меҳр-муҳаббат нурлари сўниб, юзи киши юрагини эзадиган даражада мунгли қиёфага кирар, гўё ҳеч кимнинг гапини эшит-маётгандек, маъносиз кўзларини дуч келган томонга тикиб тураверар эди. Кўзининг қорачиғи сезиларли даражада каттариб, қулоғи тош битиб қоларди.

Раҳимбердига ачинардим. Илгари унга узоқ қишлоқдан келин бўлиб тушган хотини қарар, у пайтда Раҳимберди қўлтиқтаёқда юрар, ярим чақиримлик йўлни бир-бир ярим соатда зўрға босиб, уйининг яқинидаги мактабда кутубхоначилик қилар эди. Кўп ўтмай, бу юришини ҳам худо кўп кўрди. Оёғини ердан кўтаролмайдиган бўлиб қолди. Шундан сўнг ювош эшагида ишга бориб-келиб юрди. Қийналавергач, кутубхонани уйига кўчириб беришди. Онаси: «Қўяқол, болам, шу ишингни, уйимиз арининг уяси бўлиб кетди-ку», дегандан сўнг у мулзам тортиб, индамайгина кутубхонани топширди. Шундан бери ишламайди. Тўқиган қафас ва саватларини ҳеч ким бозорга олиб бормайди, одамлар раҳми келганидан ҳам бир-икки сўм зиёдига олиб кетишади.

У нафақа олади. Энаси ҳам. Тирикчилиги бир нав ўтиб туради. Лекин, бир куни хотини хайр-маъзурни насия қилиб тўсатдан кетди-қолди. Ҳеч

кимга ҳеч нима демади. Раҳимберди шундай бўлишини биларди. Шунинг учун ҳам ич-ичидан эзилиб яшарди. Дардини ҳеч кимга айтмасди. Айтиб ҳам бўлмасди. Ким ҳам ўз фожиаси ҳақида жар солишни истайди? Хотини кетиб қолгандан кейин у чўпдек озиб, қорайиб кетди. Киртайган қўйқўзлари келганлардан нажот сўрагандек масъум боқар, худди ёш боладек бурнини тортиб қўяр эди.

У бир кун шундай бўлишини билар, шунинг учун ҳам хотинига озор бермаслик ўйида ҳатто секин нафас олар, бир кун, бир соат, бир дақиқа бўлса ҳам унинг кечроқ кетишини истар эди. Бу беозор қиз (у келин бўлиб тушганидан бери қизлигича яшарди) бир умр ғам ва армон дарёсига фарқ этиб кетишини билса-да, уни жон-жонидан яхши кўрар, ҳатто китоблардан биройли сўзлар қидириб топиб унга айтар эди. Тушларида хотини уни гашлаб кетмас эмиш. Шунда алаҳсираб, уйкусида қичқириб, мириқиб куларди. Қиз эса қўрқув аралаш ачиниб ҳисси билан мўлтираб турган бўларди. Уйғониб бунинг туш эканини англагач, узоқ вақт ўзига келолмай тўшақда тўлганиб ётар, онаси юз-қўлини ювдириш учун сув олиб келгандагина хушёр тортар эди.

Ҳозир унга онаси қарайди. Худодан фарзандига сабр-тоқат тилайди. «Нега энди, яккаю ягона жигаргўшамни ногирон қилиб яратдинг?», дейди кўзларидан шашқатор ёш оқиб. Сўнгра: «Шу кўрсатган кунингга ҳам шукур, бу осий бандангни кечир, эгам», дея ёқасини ушлаб ўзини ўзи овутади. Кейин ўлгиға қуртавами, ширчойми қилиб бериб, ичиб бўлгунига қадар қаршида ўтиради. Нималардир деб уни юпатмоқчи, кўнглини кўтармоқчи бўлади.

Қандай гаплигидан қатъий назар, Раҳимберди кучадан келган ҳар бир хабарни диққат билан эшитида. Гўё дардига даво топиб келгандек, ҳар бир одамга умид ва мутелик билан мўлтирайди. Деярли ҳамма унга сабр-тоқатли бўлишни, тақдирга тан беришни насиҳат қилиб кетади. Лекин, бирортаси ҳам уни зўр докторларга олиб бориб кўрсатиш ҳақида лом-мим демайди.

Узи тенг уч-тўрт нафар қишлоқ йигити узун қиш кечалари уникада тўпланди. Шахмат, қарта ўйнашарди. Кўп ўйнагани учунми, шахматда ҳам, қартада ҳам Раҳимбердига тенг келадигани йўқ эди. У қартани ҳатто орқа томонидан танирди, шунинг учун «гулчинор» ўйнашаркан, шериклари қартанинг орқасини ҳам кўрсатмасликка тиришар эдилар.

— Бирор жиддийроқ нарсадан гаровлашиб ўйнайлик, ўйин қизийди,— деди Раҳимберди ўртаси чўкиб кетган сий каравотини ғичирлатиб.

— Сенинг калланг яхши ишлайди, ўйлаб топ,— деди қизқиб Омон чўпон.

Улар тўрт киши эдилар. Қишлоқ магазинчиси Қаҳҳор қирриқ билан Маманазар ака иккови бир тараф бўлиб, Раҳимберди билан Омон бир тараф эди. Қаҳҳор билан Маманазар ака кўпроқ ютқазшар, алам қилганидан тиз-залаб олиб, астойдил ўйнашар эди.

— Ютқазсанг, шартни бажарасанми?— деб хўмрайди Қаҳҳор.

— Жўжани қишда санайверса ҳам бўлади,— деди Раҳимберди совуққина.

— Шартни айт, ютқазган нима қилади?— дея гапга аралашди телпагини пешонасига бостириб олган Маманазар ака.

— Қайси томон ютқазса, бирови Мушукжардан каптар отиб келиб, қовурдоқ қилиб беради, шериги ароқ олиб келади,— деди Раҳимберди дона-дона қилиб.

Шартга рози бўлишди. Қартани қайси томон сузишига чек ташлашди. «Туз» Раҳимбердига чиқди.

— «Туз»ни ўзингга тўғрилагансан,— деди Қаҳҳор ўқрайиб.

— Қўлингдан келса, сен ҳам тўғрила,— деди Раҳимберди.

Мен кутгандек, Маманазар ака билан Қаҳҳор ютқазди.

— Кетдик,— деди Маманазар ака менга имо қилиб.

Қаҳҳор ароқ олиб келгани уйига кетди (У кечалари ароқни уйда сотарди). Пода қайтар маҳали биз қишлоқдан чиқдик. Маманазар ака йўл-йўлакай уйига кириб қўшотарини олиб чиқди.

— Мушукжарга етгунимизча қоронғи тушади-ку, каптарлар ҳам ин-инига кириб кетади,— дедим ташвишланиб.

— Улгурмаймиз, дейсанми?— деди Маманазар ака милтигини кўздан кечириб бораркан.

— Яхшиси, қишлоқнинг юқорисидаги ташландиқ оғилхонага бориш керак, у ерда ҳам каптар кўп бўлади,— дедим Мушукжарнинг каптарларини безовта қилишни истамай.

— Шундай дегин, ростданми? — дея қувониб кетди у.

— У ерда ҳатто каклик ҳам бор.

— Кетдик! Бари бир Мушукжардан ҳеч иш чиқмайди. Кўнглим сезиб турибди. Битта-яримта каптарни отдик ҳам, дейлик. Уни жаҳаннамдай жардан ким олиб чиқади? Ляънати жарнинг ичи тўла чиябўри!

У ўзича гапириниб, қишлоғимизнинг тоққа туташ жойидаги эски оғилхона томон кетиб борарди. Тиззадан келадиган қорда суриниб пишиллар, бунинг устига, тинимсиз вайсаб ўзини чарчатар эди. Мен унинг изидан пилдираганча, бемаҳал овимизнинг қандай тугашини ўйлаб борардим. Ойқор чўққиларидан секин-аста пастлаётган паға-паға булутлар сойликларни оҳиста эгаллаб, қоронғилик туманига қўшилар, уч-тўрт қадам нарини ҳам кўриб бўлмас эди. Тоғ унгуридаги Яссиқўтонда чўпонлар гулхани милтирар, ҳали кўрага қамалмаган қўйлар кўзисини излаб маърагани элас-элас қулоққа чалинар эди. Сурув итларининг секин ҳуриши кишини сергаклантиради. Ҳадемай, қуюқ қоронғилик тушиши билан бўрилар увиллай бошлайди. Итлар уларга жўр бўлади. Қорлар эриб, қантар оғиши билан Қорасовуқ тепалигида қиш уйқусидан очиқиб турган айиқ кўринади. У одамлардан нимадир сўраётгандек қишлоққа қараб мўлтираб ўтираверади...

Биз оғилхонага етиб қолган эдик. Маманазар ака бинони бошига кўтариб чуғурлашаётган қушларни чўчитмаслик учун оёғини судраб босар, икки кўзи бинонинг ҳувиллаб ётган эшик ва тирқишларида эди. Йўл-йўлакай ўқлаб олган милтигини яна бир текшириб кўрди-да, ўнг қўлига олди. Кўрсаткич бармоғини тепкига қўйганча, чап қўли билан пўстинининг юқори тугмаларини ечди. Мен унинг орқасида ҳайкалдек қотиб турардим. У пусиб бориб оғилхона эшигидан мўралади. Теварак-атроф оппоқ қор бўлгани учун оғилхонанинг ичи ёришиб турарди.

— Шифт тўла каптар!— деди менга ўгирилиб, ваҳшиёна қувонч билан.— Ёввойи каптарлар, сон-саноксиз!

У дарвозаси олиниб, ёрнинг оғзига ўхшаб қолган деворга суяганча қаршисидаги шифтни мўлжалга ола бошлади. Юрагим тез-тез урарди. Бўғзимга алланима тиқилиб, туриб қолдим. Уқ узилганда чўчиб тушдим. Маманазар ака югурганича кириб кетди. Бинонинг қайси бир бурчагида совуқдан паналаб, қишни шу ерда ўтказаетган эгасиз эшак ханграб юборди. Қушлар оғилни бошига кўтариб чурқиллашар, қаргаларнинг ёқимсиз қағиллаши уларнинг овозини босиб кетар эди. Қўрқувдан ташқарига учиб чиққан қушлар нимқоронғиликда қаёққа боришни билмай, яна қайтиб оғилхона бўғотига қўнишди. Мен ҳам истаристамас Маманазар аканинг орқасидан юрдим. Ерда бир тўп ярадор қуш питирлашиб ётарди.

— Ие, каптар эмас-ку!— деди Маманазар ака жон талвасасида қанот қоқаятган мусичани кўлида айлантриб кўраркан.

Юрагим шиф этиб кетди. Энамнинг «Мусича — Бийфотиманинг товуғи, жаннатдан чиққан беозор қуш, унга тош отганинг у дунёю бу дунёси обод бўлмайди», деган гаплари ёдимга тушди. Маманазар ака индамай ярадор мусичаларни бир жойга тўпларди. Уққа учган олти мусичадан иккитаси ўлган, тўрттаси қанотларини қоқиб ётар эди. Қанотидан ўқ еган бир қарға жон талвасасида ўзини охур ичига уриб, кўздан ғойиб бўлди.

— Жон борларининг бўйинини уз!— деб буюрди Маманазар ака менга.

— Ахир, булар мусича-ку?— дедим ютиниб.

— Кўриб турибман мусичалигини. Гап бор, кейин хурсанд бўласан!— дея муғомбирона иршайди Маманазар ака яна милтигини ўқларкан.

— Кўрқаман,— дедим унинг кўзига мўлтираб.

— Кўрқаман эмиш! Битта қушнинг бошини узолмасанг,



Азиз тенгдошлар!

Сизларни кўп минг кишилик ҳамкасбларим, бутун машинасозлар номидан янги «Ешлик» журнали очилиши муносабати билан чин дилдан қутлайман. Ўйлайманки, «Ешлик» — оталаримизнинг шонли анъаналарини мардона давом эттираётган ишчи ёшлар ҳаётини тўлақонли ёрита бориб, сеvimли журналимизга айланиб қолади.

Маҳмуд МУЙДИНОВ,  
«Ташсельмаш» заводи ишчиси,  
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

Республикамиз матбуоти яна бир журнал билан бойиганлиги гоят қувончлидир.

«Ешлик» адабиётимиз ёш кучларининг дўсти, ҳамроҳи ва мураббийси бўлиб қолишини истаймиз.

Журнал адабиётимизда яратилажак бақувват ва ўлмас асарлар учун нурли минбар, қардош ва чет эл халқлари ижодкорлари учун олтин кўприк вазифасини ўташига шак-шубҳа йўқ.

«Ешлик» — ёш юракнинг меҳнат ва ижодини, изланиш ва маҳоратини мароқ ва иштиёқ билан ёритувчи машъал бўлсин.

«Ёш ленинчи» газетаси редакциясининг коллективи

қандай йигитсан! — дея жеркиди у милтиғини бузилган лойохурга суяб қўяркан.

Сўнгра у мусичаларнинг бошини бирма-бир узиб ташлай бошлади. Мен у ёққа қарай олмадим. Аёз уфуриб турган эшик томон юрдим. Кўнглим айниб кетди. Нафас олишга ҳаво етмасди. Кўннинг тахир ҳидидан бошим айланарди. Маманазар ака ҳар бир мусичанинг бошини узганда менинг аллақеримни юлиб олгандек бўларди.

— Буларга қараб тур,— деди у мусичаларни тапиллатиб олдимга ташларкан.

Девордан ўпирилиб тушган кесакларга ўтирганимча, бақрайиб унинг хатти-ҳаракатини кузатардим. У яна икки марта ўқ бўшатди. У ёқдан-бу ёққа югуриб, ярадор мусичаларни тўплади. У мени «Нега анграйиб турибсан, ёрдам берсанг-чи», деб койимоқчи ҳам эди. Лекин, бу номаъқул ишини бировларга айтишимдан ҳайиқди шекилли, индамади. Мен эса бу қотилликдан эс-хушимни йўқотадиган даражада довдираб қолган эдим. Аммо, оғиз очиб унга бирор нима дея олмасдим. У илгари мактабда оламларга жисмоний тарбиядан дарс берарди. Кейин ишдан ҳайдаб юборишди. Ҳозир совхозда ишлайди. Ўзи жаҳлдор одам. Тарсаки тортиб юборишдан ҳам қайтмайди. Бир гал Исмоил бобонинг саккизинчи синфда ўқийдиган ўғли Эргашни ургангани кўрганман.

— Бўлар иш бўлди, бўёғи синди, ука. Мусичаларга кўп ҳам мотам тутаверма. Қайғуриш керак бўлган бундан муҳимроқ гаплар бор,— дея ғолибона овозда чийилларди Маманазар ака.— Бу ҳақда бировга оғиз оча кўрма. Шунда сендан ҳақиқий комсомол чиқади. Кўриб турибсан, бу ерда каптарнинг пати ҳам йўқ экан. Ундан ташқари, мени бу ерга ўзинг бошлаб келдинг. Қуруқ қайтиб борсанг, анави бекорчихўжалардан қутулиб бўпсан. Гап икковимизнинг орализда қолсин. Мана, сенга пул! — У қўлимга эски бир сўмлик тутқазди.

Ич-ичимда унинг қилмишию сўзларидан ҳазар қилиб турган бўлсам-да, пулга қандай қўл чўзганимни билмай қолдим. Индамайгина олиб пальтонинг чўнтагига солдим. Кўрқдимми, ўзим билмайман. У ҳамон жаврарди:

— Бу аҳволда қишлоққа бориб бўлмайди. Энди Санлоқсойнинг музини ёриб, буларнинг патини тозалаш керак. Пати тозалангандан кейин каптарми, мусичами — ким биллиб ўтирибди, дейсан!

У яна алланамалар деб, икки қўлимга беш-олтитадан мусичани тутқазди. Қолганини ўзи кўтариб олди. Уққа учишига ўзим сабабчи бўлган беозор ва бегуноҳ қушларни кўтарганимча оёғимни зўрға судраб борардим. Мен бу ерда кечқурун каптар бўлмаслигини билардим. Шунинг

учун ҳам Маманазар акани чалғитиб, бу томонга бошлаган, Мушукларнинг оқ каптарларини асрамоқчи бўлиб шундай қилган эдим...

Йиғлаб юборишдан ўзимни зўрға тийиб борардим. Биз баҳор пайтлари тўлиб-тошадиган, қирғоқларини ўпириб оқадиган, саратонда суви жилдираб қоладиган Санглоқсойга қараб кетардик. Сойнинг бир тегирмон суви музлаб қолган, ундан сув ичадиган хонадонлар музининг ҳар ер-ҳар ерини тешиб сув олишар эди.

Биз сойнинг анча ёйилиб оқадиган ўзанини зўрға топдик. Совуқ забтига олар, сокинликда муз остидан сувнинг шилдираши эшитилар, бу кишининг этини баттар жунжиктирар, баҳор ва ёзнинг илиқ-иссиқ, тўкин-сочин дамларини эсга солар эди. Қизиқ, қиш қаҳрига олса энтикиби ёзни соғинасан, саратоннинг иссиғида эса қишни орзу қиласан...

Кўзингни юмсангу Ойқорнинг қуёшдек товланаётган қорли чўққиларига чиқиб қолсанг, тўйиб-тўйиб салқин ҳаводан сипқорсанг, «Сизни севаман, тоғлар!», дея қичқирсанг, тоғу тошлар овозингга акс садо берса!..

Маманазар ака куйиб-пишиб милтиқнинг қўндоғи билан муз қатламини тешарди. У терлаб кетган, юзи ва бўйнидан ҳовур кўтарилади. Мен эса совқотардим. Бир кучоқ патга айланиб қолган мусичаларнинг қоп-қора қони қорга сингиб кетарди. Ниҳоят, у музни тешиб бўлди. Сувнинг шилдираши энди баралла эшитила бошлади. Маманазар ака тешик атрофидаги муз парчаларини оёғи билан тозалади-да, йилтираб кетган кир пўстинини ечди.

— Бу ёққа олиб кел! — деди менга ёқимсиз табассумда.

У ҳафсала билан мусичаларнинг терисини шилиб, ичини тозалар, сўнг сувга ботириб олар, бир парча эт зум ўтмай совуққа қотиб қолар эди.

— Каптарнинг жигилдоида тош кўп бўларди, мусичада унга қараганда камроқ бўлар экан,— деди у гўлдираб. Индамадим. Унинг гаплари қўлоғимга кирмасди. Вужудимни аламли титроқ қоплади. Бу титроқ мени эрталабгача тарк этмади.

Маманазар ака чўнтагидан эски белбоғини олиб, ўлжасини тугди. Тугунни милтиқнинг учига илди-да, елкасига осиб олди.

Йўлга тушдик. Ҳеч нима бўлмагандек, у қўлини пўстинининг чўнтагига тикқанча бошини ёқасига яшириб тез-тез юриб борарди. «Ҳеч ким ҳеч нима демаса-ю, орқасидан бошлаб отиб ташласанг», дея ўйлаб борардим ўзимча. Унга бўлган нафратим борган сари алангаланарди.

Биз қишлоққа ҳамма мол-ҳолини саранжом-саришта қилиб, уй-уйига кириб кетганда етиб келдик. Битта-ярифта

молини излаб юрганларнинг овози эшитилар, қишлоқда узун кеча олдидан чўкадиган қисқа муддатли жимлик ҳукмрон эди. Ароқ ичиб, телпагини искаб ўтирган шериклари Маманазарнинг ўлжасини кўриб суюниб кетишди. Ов ҳақида сўраб-суриштириб ўтиришмади. Руқия момони безовта қилмасликка ўрганишгани учун ширакайф Қаҳҳор қозонга уннаб кетди.

Негадир уларнинг олдига киргим келмади. Даҳлиздаги тунука печ ёнида кўрпа қавиб ўтирган Руқия момонинг қаршисига ўтириб исиндим.

— Совқотиб қолсан, печкага яқинроқ ўтир, очикқан бўлсанг, ана, тоқчада нон бор,— деди Руқия момо ўймоқли бармоғи билан игнани пайпасларкан.

— Раҳмат,— дедим сингил овозда.

— Ҳа, айтгандай, синглинг Ойсанам сўраб чиқувди. Сигирларинг бузоқлабди.

Тарғилнинг болалашини анчадан бери кутардим. У доимо ўзига ўхшаган бузоқча туғади: тарғил, сержун, кўзлари катта-катта. Яхши исинмаган бўлсам ҳам бузоқчамизни тезроқ кўриш иштиёқида ўрнимдан турдим.

— Энангни сўраб қўй, — деди Руқия момо ҳовлига чиқаётганимда.

Учоқдаги оловга исиниб, ароқ ичиб ўтирган Маманазар ака билан Қаҳҳор баланд овозда гурунглашарди.

— Каптарнинг қонига борибсан шекилли? Қандай қилиб бунчасини одинг?— деб сўрарди ўчоққа ўтин қалаётган Қаҳҳор.

— Бузуқжарнинг оқ каптарлари дон излаб Галахирмонжойга учиб келган экан. Бир сочма билан йигирматасини тинчитдим,— дея мақтанарди Маманазар ака оғзини тўлдириб.

— Бузуқжардаги каптарлар кулранг бўларди-ку!

— Бузуқжарникими, Мушукжарникими, оқми, қорамми — отаётганингда қараб ўтирасанми, балки ёввойи каптардир,— дея қўлини пахса қилиб тушунтирарди Маманазар ака.

— Мушукжарда зўр оқ каптарлар бор-да,— дерди Қаҳҳор.

Нимадир ичимни тирнаб, куйдириб ўтгандек бўлди, чидаб туролмай югуриб чиқиб кетдим.

...Эрталаб қўй-эчкиларимизни подага қўшиш учун Галахирмонжой далаларига ҳайдаб чиқдим. Атроф оппоқ. Фақат қорини шамол учуриб кетган чўққиларнинг учи ва арчалар қорайиб кўринади. Галахирмонжойга туташ Мушукжардан бир гала оқ каптар самога кўтарилди. Юрагим орзиқиб кетди. Осмон оппоқ, беғуборлигидан каптарларни пайқаш қийин эди. Кўз олдидан кечаги беозор муси-

чалар бир-бир ўтди. Қалбимни йиғидан ҳам мунглироқ бир туйғу чулғади. Ич-ичимдан тўлиб-тошиб шундай нидо келарди: «Оқ каптарлар, оқ каптаржонларим! Самони тўлдириб учаётган оқ каптарлар! Мени кечиринглар, сизларни сақлаб қоламан, деб беғуноҳ биродарларингизнинг ўлимига сабаб бўлдим... Энди сизлар омон бўлинг, осмонни оқ қўшиққа тўлдириб, баланд-баланд парвоз этинг!»

Самога тикилганча оқ каптарлар учаётган томонга қараб чопиб борардим. Юмшоқ қорга юзтубан йиқилиб тушганимда ҳам пастлаб чарх ураётган каптарларнинг чуғур-чуғури эштилиб турар, назаримда, улар мусичаларга аза тутиб, самода муаллақ қотиб қолгандек эди. Бошимни кўтариб, оқ каптарларга сўнги бор тикилдим. Улар дондун излаб, кеча биз ов қилган томонга учиб боришарди...

Дарсдан қайтаётсам, Руқия момо сойдан сув олиб чиқаётган экан. Мени кўриб тўхтади. Челагини ерга қўйиб рўмолини қайта ўраркан, гап қотди:

— Ҳай, ўғлим, акангнинг олдига киргин, сени сўраётувди. Ҳа, айтмоқчи, кеча нима гап ўтди ораларида? Шериклари билан ит-мушук бўп қопти. Сўрасам, қўл силтаб тўмсаёди. «Бир ниманинг ўрнига бир нимани отиб кепти, тагин олий маълумотлимиш! Уволни билмаган!», деб сўкинади...

Кутилмаганда ўзимни қушдай енгил ҳис қилдим.

— Шундайми, а?!— дея Раҳимберди акамнинг олдига югуриб кетдим...

Журналнинг февраль сониди ёзувчи Неъмат АМИНОВ-нинг «Суварак» деган янги ҳажвий қиссасини боса бошлаймиз. Қиссага Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Саид Аҳмад сўз боши ёзган.



Александр Фадеевнинг «Ёш гвардия» романини ўқимаган, ундан руҳланмаган кишини топиш қийин. Ёшларимизнинг неча-неча авлоди учун бу китоб инсонийлик, ватанпарварлик, фидойилик, қаҳрамонлик мактаби вазифасини ўтаб келмоқда. Ёзувчининг «Тор-мор», «Сўнгги удзгей» романлари, «Тошқин» қиссаси, ўнлаб адабий-танқидий мақолалари ҳам совет адабиёти хазинасидан муносиб ўрин олган. Революционер оиласида туғилган ёзувчи ўзининг бутун онгли ҳаётини ва ижодини янги ҳаёт қуриш учун курашга бағишлади.

А. Фадеев ёшларнинг жонкуяр ва талабчан мураббийси эди. У ўз мақолаларида социалистик реализм принципларини қатъий туриб ҳимоя қилди, ёш ёзувчиларга ижод сирларидан сабоқ берди, тажрибаларини сидқидилдан ўртоқлашди.

Яқинда мамлакатимиз адабий жамоатчилиги Александр Фадеев туғилган куннинг 80 йиллигини кенг нишонлади. Қуйида устоз адибнинг ёш ижодкорларга атаган ўғитларини эътиборингизга ҳавола қилаётимиз.

Александр ФАДЕЕВ

## ЁШЛАРГА ЎГИТЛАР

Ўйлайманки, ҳар қандай бадий асар асосида воқелик материали, ёзувчининг ҳаётий тажрибаси ётишини ҳаммаларингиз билсангиз керак. Ёзувчининг ҳаётий тажрибаси — фақат унинг ўзи кўрган, кўлидан ўтказган, бошидан кечирганларидангина иборат эмас — бунинг мазмунини у китоблардан ўқиб билган воқеалар, ўзларининг кўрган-кечирганлари тўғрисида бошқа кишилар айтиб берган ҳикоялар ҳам ташкил этади. Бадий асарда ёзувчининг ўзи дуч келган, кўрган-билган, бошидан кечирган воқеалар муҳим аҳамиятга эга.

Табий савол туғилади: ёзувчининг ўзи кўрмаган нарсалар — кўп йиллар олдин ёки юз йиллар муқаддам яшаб ўтган кишилар ҳаёти, рўй берган воқеалар, фактлар тўғрисида гап юритиладиган асарлар қай тариха пайдо бўлади! Ёзувчи тарихий материал, узоқ ўтмиш устида ишлаганда, аввало, ўша давр ва унинг қаҳрамонлари ҳаётини тарих архивларидаги ҳужжатлар ҳамда номалардан ўрганади; иккинчидан, қаҳрамонларнинг қилиқлари ва хатти-ҳаракатлари сабабини тушунишда унга замондошлари турмушини кузатиш ёрдам беради, номалар, архивлар, китоблардан олинган ўтмиш ҳақидаги материал шу тари-

қа тўлдирилади ва шундан сўнг санъаткор тасавурида ўтиб кетган кишилар сиймоси жонланади; нисбатан кейинги тузумларда яшаган одамлар ичида шундайлари ҳам топиладики, улар ўзларидан олдинги даврларда ҳаёт кечирган кишиларнинг феъл-атворини тушуниб олишда бизга ёрдам берадилар.

Табий равишда иккинчи савол туғилади: ижодкорлар ҳали рўй бермаган воқеалар тўғрисида, келажакни ўзларича қандай тасаввур этишлари тўғрисида, содир бўладиган ёки бўлмайдиган ҳодисалар тўғрисида ҳаёлий, фантастик асарларни қандай қилиб ёзадилар! Мутлақо равшанки, бунда ҳам ижодкор асарини жонли воқелик устида олиб борган кузатишларидан келиб чиққан ҳолда, келажакнинг ҳозирги пайтда мавжуд ўнсурларини ўрганиб, воқеликнинг тусини ўзгартириб, бўрттириб, ривожлантириб [баъзан эса бузиб!] ёзади...

Менингча, ҳар қандай ижодий иш жараёнини шартли равишда уч даврга бўлиш мумкин: 1) материал тўплаш, 2) асарни обдон ўйлаб олиш ёки «қийёмига етказиш» ва 3) уни қоғозга тушириш даври...

Ижодий ишнинг гапириб бериш нисбатан қийинроқ бўлган даврида ижодкор онгида образлар тартибсиз, айқаш-уйқаш тарзда бўлади; бу даврда ҳали ижодкор онгида яхлит, мукаммал бадий образлар йўқ, фақат воқеликнинг хом материали бор: фақат уни бир мунча ҳайратга солган шахслар, кишилар феъл-атвори. Воқеалар, айрим ҳолатлар, табиат манзаралари ва бошқалардан олинган таассуротлар бор, холос. Ҳаётни кузатишлар ва ўрганишлардан қандай натижа чиқишини бу даврда ижодкорнинг ўзи ҳам ҳали аниқ билмайди. Бу қозонда материал қандай шаклга кириши, қай тариха сарғи—саракка, пучаги—пучакка ажра-

тилиши, мавзунинг, сюжетнинг дастлабки хомаки мўлжаллари қандай пайдо бўлиши тўғрисида гапириб бериш қийин. Бу менинг қўлимдан келмайди. Фақат шу нарса аёнки, тўпланган жаъми материал маълум дақиқада ижодкорнинг фикрлайдиган, курашадиган, севадиган, қувонадиган изтироб чекадиган бир тирик одам сифатида илгари кўнглига тугиб юрган асосий фикрлари, ғоялари билан аллақандай узвий бирикма ҳосил қилади. Фақат орадан бир мунча муддат вақт ўтгандан кейин воқеликнинг тарқоқ образлари гарчи унчалик тугал бўлмаса ҳам яхлитлик касб эта бошлайди; ижодкор онгида асарнинг қандайдир муҳим босқичлари шакллана бошлайди, шундан сўнг асарнинг бирон бир парчасини, бобини, тахминий планини қозғашга туширса бўладиган даврга ўтилади. Энди жуда жадал ақлий ишга киришиб кетасан — дилингда тугиб юрган бир дунё таассуротлар ва образлардан энг қимматли материалларни танлаб оласан, сарагини — саракка, пучагини — пучакка ажратасан, асарнинг миянгда тобора қиёмига етиб бораётган бош ғоясини иложи борича тўлароқ ва ёрқинроқ ифодалаш мақсадида факт ҳамда таассуротларни шу йўналишда қуюқлаштирасан...

Асар ёзиш учун киши шу йўналишда иқтидорга эга бўлиши керак, албатта; иқтидори қанча зўр бўлса, шунча яхши... Китоб ёзиш ҳам касб, юқори малакани, юксак маданиятни талаб қиладиган мураккаб касб. Кўпинча ҳаваскор муаллифнинг фожиаси шундаки, ишлаб чиқаришнинг бу жуда ажойиб меҳнатқаш кишиси кичкинагина ҳикоя ёзиш оппа-осон иш деб ўйлайди, агар у ҳикояни ёзган бўлса, назарида, уни ўз қорхонасида ишланадиган ҳар қандай детални пардозлагандек жиллолаш, силлиқлаш, қайта ишлаш шарт эмас, редакцияга топширса бас. Бадий сўз соҳасидаги ишни бундай тушуниш мутлақо нотўғри. Ишнинг сифати юқори бўлиши учун ҳар бир кичик асарни ҳам беш мартадан, баъзан эса ундан ҳам кўпроқ қайта ишлаб чиқишга, кўчириб ёзишга тўғри келади. Чинакам санъаткорлар ҳаммаша шундай ишлаганлар ва ишламоқдалар, жуда камдан-кам киши бундан мустасно...

Ҳаваскор муаллифлар кўпинча бундай иш тутадилар: қорхонада меҳнат қилар экан, ўртоқларимиз ишчилар синфининг илғор вакилларини кўрадилар, ўзлари ҳам ишлаб чиқариш илғорлари бўладилар; қўлга қалам олганларида эса, ҳар кунни ўзлари кўриб-билиб юрган воқеалар ҳақида эмас, аллақандай фавқулодда ҳодисалар тўғрисида ёзгилари келади. Оқибатда, «фавқулодда ҳодисалар»ни кўрмаган ҳаваскор бошқа китоблардан ўқиган ғира-шира хотираларини баён қилиб беради. Ҳолбуки, ҳаваскорларнинг вазифаси — ҳар кунни кўзлари билан кўраётган, ўзлари яхши биладиган воқеаларни буюк социализм ҳақиқатининг бир бўлаги деб тушуна билишдан ва уни китобхонапарга ҳикоя қилиб бера олишдан иборат...

Ҳаёт ёзувчиларимиз олдига уч муҳим талабни қўяди: Биринчиси, замон билан баробар қадам ташлаш, чин маънода замонавий бўлиш, яъни ўз даврининг илғор ғоялари савиясида туриш ва халқ билан ҳамнафас яшаш.

Иккинчиси, ўзи кўзда тутган мақсадни, ҳар бир асарининг аини ғояси қаратилган мақсадни аниқ ва яққол кўриш.

Ва, ниҳоят, учинчиси, бадий ижод — инсон меҳнатининг турларидан бири, меҳнатнинг ўзига хос тури, ҳар қалай, меҳнат турларидан бири эканлигини тушуниб етиш...

Кўзинг кўриб турган воқеаларни, хаёлингда муҳрланиб қолган ҳодисаларни иложи борича аниқроқ ифодалашга интилиш, яъни тил устида ишлаш — машаққатли меҳнатни талаб қилади. Ёзувчи олдига улкан сўз ва тушунчалар уммони бор; ҳар қандай фикрни, образни ифодалаш учун ўн, ўн беш, йигирматалаб сўз талабгор... Аммо айнан сен кўриб турган, сен айтмоқчи бўлган нарсани ўта ҳаққоний ифодалашга қодир айнан ўша сўзларни қандай қилиб ажратиб олиш керак! Ҳатто бадий асардаги жонли сўхбат жумлалари ҳам одатдаги гурунг пайти оғиздан чиқиб кетган гапларга ўхшаб, шунчаки хаёлга келиб қолган жумлалар эмас. Улар махсус тузилган жумлалардир. Бундай жумлалар ўз-ўзидан тузилмайди, балки уларни тузишнинг ўзи мураккаб жараёндир...

Фақат тил устида кунт билан олиб борилган ишгина китобхонада ёзувчи яратган асарнинг нафислиги хусусида яхлит таассурот уйғотишга қодирдир. Ўзингизда кечган ҳис-туйғуларни бир эсланг. Айттайлик, сиз бирор асарни ўқияпсиз. Сиз фақат ақл билан идрок этаётган саҳифалар кетма-кет ўтиб турибди: улар сизнинг ҳис-туйғуларингизга таъсир қилмайди. Аммо туйқусдан, ижодкор гўё аллақандай торга тегиб кетади — ҳаммаёқ жаранглай бошлайди, ички бир нафосат пайдо бўлади; ижодкор китобхонни ўз қаҳрамонининг кечинмалари гирдобига шу қадар тортиб кетадики, китобхон ҳам қаҳрамон билан бирга куйиб-пишишга тушади, унда қаҳр-ғазаб, кўтаринки руҳ, кулги пайдо бўлади, кўзларига ёш қалқади. Кайфиятни ўқитириш — санъатга хос сеҳрли хусусиятлардан биридир. Бироқ ана шу хусусиятни ҳам ёзувчи фақат меҳнат тўғрисида қўлга киритади. Ёзувчи ўзида шундай мақом, шундай лўғат, шундай иборалар топа олиш қобилиятини тарбиялаши керакки, булар китобхон қалбида зарур ҳис-туйғулар, зарур кайфиятлар уйғота олсин...

Адабиёт меҳнатнинг бир туригина эмас, қолаверса — машаққатли меҳнатдир. Шу боисдан, ёшлар учун ҳам, биз «кексалар» учун ҳам муттасил ўқиб-ўрганиш масаласи, камоли маҳоратга интилиш масаласи — биринчи даражали муҳим вазифадир...

Эркин ВОҲИДОВ

## Олег Кошевойнинг сўнгги нидоси

Александр Фадеевга

Ватаним,  
Мен сени шундоқ суймадим,  
Куйиб-ёниб суйдим,  
Уртаниб суйдим.  
Мана, сўнгги лаҳза  
Қора тупроғингга  
Лола бўлиб қолган бошимни қўйдим.  
Мен қаҳрамонманми!  
Мен шу кенгликларда

Ялангоёқ чопиб юрган боламан.  
Сенинг боланг эдим,  
Энди юрагингда  
Битмас яра бўлиб қоламан.  
Мен қаҳрамонманми!  
Бу дунёга келиб  
Жангарилик ҳиссин дилга солмадим.  
Фақат, юртим, сени оёқости қилган  
Сариқ махлуқларга чидай олмадим.  
Мен қаҳрамонманми!  
Муштипар онамга,  
Сенга керакмиди менинг бу жоним!  
Юрсам бўлмасмиди  
Борлиқни тўлдириб  
Кўксимда кетмоқда армоним...  
Энди халқим менга  
Узоқ аза очар,  
Аччиқ шаробини йиғмайди.  
Бу дунёда сўнгги ватандошим қолса,  
Мозоримга келиб йиғлайди.

# Нозим Ҳикмат туғилганининг 80 йиллигига



## ШОИР ЮРАГИ

Турк генералларидан бири, Нозим Ҳикмат турк амалдорлари учун Наполеондан ҳам даҳшатлидир, деган эди. Чунки, Наполеонга ўз лашкари эргашган бўлса, Нозим Ҳикмат билан бутун эркесвар башарият биргадир. Унинг юрак уриши озодлик йўлида курашаётган барча мазлум халқлар орзу-умидига ҳамоҳанг эди. У бор вужуди билан инқилоб яловбардори бўлиб, очлик ва ишсизликка, ноҳақликка қарши чақмоқдай чақнади, бор овози билан: «Мен одамлар учун яшайман, қудратим шундадир, фахрим шундадир, дўстларим, иқболим, бахтим шундадир», деб ҳайқирди.

У турк адабиётида инқилоб қилди. Шеърятдаги маҳзунликни, тушкунликни парчалаб ташлади. Башариятни ёруғликка бошлаб, «душманнынг кўзидай қоронғуликни» орда қолдирди. «Долғали овози зах ва нурсиз деворларга болғадай урилиб, дераза ва юракларга тортилган «парда»ларни улоқтириб, офтобга йўл очди:

Мана:

шу қуёшдан  
инган  
оташга  
миллионлаб қизил юрак туташган!

Сен ҳам чиқар  
қўкрагининг қафасидан юрагингни;  
шу қуёшдан

инган  
алангага от!

(«Қуёшни ичганлар қўшиғи»)

Нозим Ҳикмат куйлаган ёруғлик инқилоб, озодлик эди. Ана шу умид оташида ёнган шоирнинг ҳар бир нафаси кучли драматизмга тўла шеърятдир! Айниқса, умрининг сўнгги йилларида бу умид сўнмас аланга каби шоир вужудини қамраб олди. У Туркияда инқилоб бўлиши хабарини кутиб, кечалари телефон қутисини қучоқлаб ётди, кун бўйи почта қутисидан кўзини узмади. У эзгу бир хабар илинжида буюк соғинч билан яшади. Бир умр некинлик унинг ҳамроҳи бўлди. Шоир бир шеърда: «Ҳатто етмишга кирган чоғингда, хотиржамлик билан зайтун эккайсан», деб бежиз айтмаган.

Буюк ижодкор янги мазмун билан бирга, ҳамиша шакл борасида ҳам изланишда бўлди. Уттизинчи йилларда у инқилобий туйғуларни содда, халқ тилида ҳайқириб куйлаган бўлса, эллигинчи йилларга келиб вазмин, босиқ, туйғу ҳамда фикр омухталигидаги фалсафий, сюжетли шеърлар яратди. Оҳанглар ўйинида воқеликни ҳаракатга келтирди, яъни тасвири жонлантди.

У бадий ижоднинг барча жанрларида қалам тебратди. Ижодкорнинг «Сурур» романи, «Бир севги афсонаси», «Туркия ҳақида ҳикоя», «Анойи», «Унутилган одам», «Учоқ бошида», «Ажал шамшири» сингари драмалари, «Инсон манзаралари» шеърӣ эпопеяси ҳамда оташин публицистик мақолалари қирқдан ортиқ дунё халқлари тилларига таржима қилингандир. Айниқса, алл шоирнинг «Инсон манзаралари» асари улуғ Пабло Неруда қаламига мансуб «Оламшумул қўшиқ» эпопеяси билан бирга XX аср шеърятининг залварли қўш қаноти бўлди. Жанр жиҳатидан эса, у буюк кинорежиссёр Роман Карменнинг АҚШ санъаткорлари билан ҳамкорликда яратган йигирма серияли «Улуғ Ватан уруши» ҳужжатли фильми каби, халқлар тақдирини таҳлил этади.

Менинг қаҳрамонларим — овозаси ўз маҳалласидан ташқарига чиқмаган, овози ҳовли деворидан ошмаган одамлардир, деган эди «Машҳур кишилар энциклопедиясини ёзмоқчи бўлган Нозим Ҳикмат. Дарҳақиқат, «Инсон манзаралари» эпопеяси бош қаҳрамонлари бир бурда нон учун умри ва умидини, ҳусни ва номусини қурбон қилаётган қашшоқ Туркия фарзандларидир.

Мазкур эпопея Нозим Ҳикматнинг маҳбуслик йилларида ёзилган. Унда ракус — маҳбус кўзи. Эҳтимол, шунинг учун ҳам унинг ҳар сатрида дунё барча кўпюзлилиги билан кўзгудагидек аниқ акс эттирилгандир. Асарда, асосан, теран психологик тасвир етакчилик қилади. Қаҳрамонлар кинодаги каби ҳамиша ҳаракатда берилади. Эпопеяда шоирнинг ўзи айтганидек, санъатнинг барча турларига муножаат этилган.

XX асрдаги Туркия ҳаётининг реалистик бадий тарихи — «Инсон манзаралари» эпопеясидан тортиб, шоирнинг энг кичик шеърларида ҳам буюк бир умид: озодлик туйғуси баланд пардаларда куйланади.

Бир суҳбатда озарбайжонлик шоир дўстим Шоаҳмар Акбарзода: «Нозим Ҳикмат кафанини йиртган шоирдир», деган эди. Дарҳақиқат, Нозим Ҳикмат ўлимларни ўлдирган санъаткордир.

Тилак ЖУРА



Иброҳим ҒАФУРОВ

# РОСТГУЙЛИК КЎЗГУСИ

Фусункор афсоналар хазинабони Мир Алишер Навоий «Сабъан сайёр» достонида шундай бир ҳикоятни келтиради. Ҳинд шоҳига сеҳрли кўзгу ҳадя этадилар. Бу кўзгуга қараб сўзлаган кишида ажиб бир ҳолат воқе бўлар экан. Агар у рост сўзласа, кўзгудаги акси ёруғ, ёлғон сўзласа, қорайиб кўринармиш. Бу ойна олдида ёлғон сўзлаш имкони йўқ. У аёвсиз фош қилади. Юзим ёруғ бўлсин, деган ибора халқда ўша қадим афсоналардан қолгандир балки!

Балки бу кўзгу — кўзгу эмас, санъатдир!

Балки бу кўзгу — кўзгу эмас, шеърятдир!

Улар қаршисида ҳам доимо пок ният билан тозариб турмоқ лозим эмасми, ахир!!

Санъаткор юзи Инсон ҳақидаги ҳақиқатларни айтиш билан ёруғ ва мунаввар-ку!

Ҳусниддин Шариповнинг «Ильични ўйлайман» китоби 1975 йилда нашрдан чиқди. Бу китоби билан шоир ўзини ўзбек адабиётида, хусусан, Шайхзода ва Миртемир аъналарини оригинал бир тарзда давом эттираётган етук публицистик шеър устаси сифатида намоён этди. Китоб ғоят фикрчан шеър билан очилади. Шоир «Бобирнома»ни ўқир экан, мусаввир унга чизган суратлардан лол қолади. Кафтдек бог. Жаҳжи дарахтлар. Сурат марказида юксак тахт узра Бобир ўтирибди. Лекин шоирни ловуллаб турган порлоқ ранглар, нафис чизиқлар лол қилган эмас. Шоирни ҳайратга солган куч — мусаввир санъатидаги нисбат тушунчасидир. Қарангки, мусаввир улкан қиъаларни жуда

кичик, юксак дарахтларни жуда мўъжаз, Бобирни ниҳоятда барваста, аскарларни эса қалъа деворларидан ҳам улугроқ қилиб чизади.

Санъаткор асарда ғоя ва мақсади учун энг муҳим бўлган нарсаларни саралаб, ажратиб акс эттиради. Уларни гўё қабариқ ойнага солиб кўрсатаётгандай бўлади ва шу йўл билан асарнинг узвий қисмлари ўртасида мутаносиблик яратади. Ана шу сурат қошида чуқур хаёлга толган шоир, улуг Ленин қиёфасини қандай яратиш мумкинлиги ҳақида ўйланади ва Ленин асло қабариқ шишага мўҳтож эмас, деган қарорга келади. Шоирнинг хулосаси жуда салмоқли, эътиборга моликдир:

Чекиб Лениннома қатига имзо,  
Тасвир айлаганда Ильич қаддини,  
Шоирнинг бузмоққа ҳаққи йўқ асло  
Ҳаёт ва оламнинг расамадини.

Расамад — бу ерда, Ф. М. Достоевский айтган энг олий ҳақиқатни ёзиш, демакдир.

Ҳаёт. Образ. Туйғулар уйғунлиги. Булар лириканинг уч соябон япроғи. Буларсиз лирика яланғоч ва маъносиз шахсга айланади. Бир замон буюк Маяковский: «Қўйинг қушларни! Менга ўхшаб ёзинг!», деган экан. Мен шундан кейин қушлар ҳақида ёзмай қўйдим, дейди атоқли совет шоирларидан Николай Асеев. Мазкур шоир учун бу бир ҳад. Бошқа шоир бу ҳадни тан олмаслиги, ундан сакраб ўтиши мумкин. Шоирлар нечун қушлар ҳақида ёзмасин-







ни шеърӣ ривоят, ҳикоятлар ташкил этади. Шарқ классик шоирлари ва айниқса, Румий, Саъдий, Низомий, Навоӣ, Деҳлавӣ, Жомӣ шеърӣ ҳикоятнинг беҳад гўзал намуналарини яратганлар. Улар ўз интилишларида шарқ халқларининг қадим оғзаки ижод намуналарига, халқлар даҳоси яратган «Панчатантра» сингари улуғ маноқибларга суйанганлар. Уларни халқ афсоналаридаги ва қадим ёдгорликлардаги баркамол ихчамлик — лўнда сўз, лўнда тасвир ва лўнда ҳаётӣй хулосалар, уларнинг гуманистик моҳияти ўзига қаттиқ жалб қилган. Афсоналар ва ҳикоятлар уларга инсон ўтмиши ва ҳаётӣй тажрибаларининг мазмундор парчалари бўлиб кўринган, ҳақиқат ойнаси сифатида анланган. Бу ҳақиқатларни улар ўз ақидалари, қарашлари, эътиқодларининг йўналишлари, замоннинг ҳаракатчан оқимиға кўра талқин қилганлар. Талқинларида инсон манфаатларини кўзлаганлар, инсонпарварлик ғояларини илгари сурганлар, адаб юксакликларини кўзлаганлар.

Бугунги ўзбек шеърӣятида ана шундай шакллари тирилтириш, Навоӣ аъналарини давом эттиришға қизиқ кучаймоқда. Шоирлар ўз дидактик фикрларини илгари сурӣшда шеърӣятнинг реалистик ва шартли халқчил ифода усулларидан кенг фойдаланадилар. Омон Матжон, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповнинг шеърӣй ҳикоятларида реалистик тасвир билан шартли тасвир бир-бириға чамбарчас боғланиб кетади.

Омон Матжон халқ оғзидан эшитган, эртакларда дуч келган, тарих китобларида, қадимги ёзма ёдгорликларда учраган ва онгда чукўр ўрнашган афсоналар, нақллар, ривоятларни бугунги шеърӣй ифода воситалари, замонавий тасвир усуллари билан қайта гавдалантириб, қирқ афсона китобини яратди. Шоир уларда ўзини қаттиқ ўйлатган, изтиробға солган, ечими оғир бўлган муаммоларни ечишға интилди. Шоир ўз хаёлини тинчитмаган маънавий-ахлоқӣй масалаларға афсона, ривоятлардан жавоб излади. Бу масалаларнинг илдиизига қаради.

Кўп қизиқдир кўҳна мозий тақрири,  
Кўп қизиқдир унда халқлар тақдири.  
Агар кимдир машҳур эса қадимда,  
Йўқдир бугун у ҳеч кимнинг ёдида.  
Кимдир кеча хору хасға юрса тенг,  
Бугун унинг шон-шухрати кўкда денг.  
Наҳот ҳеч ким боқӣй умр олмаса,  
Наҳот ҳеч бир зот устувор қолмаса?!  
Шоирни олам қурилиши ва тартиботнинг мана шундай жумбоқлари ўйлантиради. Дўстлик ҳақида нақл қиларкан, бу нақлдан салмоқли ибрат кўзлайди. Шоир дўстлик ўзаро юксак ҳурмат, тенглик асосига қурилгандагина ўзининг чинакам аҳамиятини намоён қилишини айтади. Шоир халқни халқ қилиб танитадиган ҳодисалар ичида ғурур ва шаън туйғуси ҳам бебаҳо аҳамиятға эға эканини таъкидлаб кўрсатади. Шу туйғу билангина халқ бирлашган, қобил, яшовчан, инсоният маданият хазиналарига улуғ улуш қўшоладиган, тараққийпарвар халққа айланади. Мутелик эса халқнинг юрагидаги ҳаётбахш ижодкорлик ўтарини сўндиради. Бу жиҳатдан Омон Матжоннинг қарашлари молдаван шоири Павел Боцу, украин шоири Иван Драч, литва шоири Имант Зиедониснинг худди шу хусусдаги фикрларига жуда уйғундир. Шоирнинг дўстлик ҳақидаги нақли парабolik тарзда бугунги кунда кўз ўнгимизда бўлиб турган воқеаларни эслатади. Англиянинг Шимолий Ирландияда, Исроилнинг Фаластинда, Жанубий Африка-

нинг Намибияда олиб бораётган сиёсати худди мана шундайдир. Шоир нақл воситасида қанчалар тўғри тарихий хулосаға келганлигини шу ҳодисаларнинг ўзи ҳам яққол кўрсатиб турибди. Шоирнинг «Энг сўнгги хазина», «Икки гул», «Амударё изтироби», «Самандар» сингари ҳикоят ва нақлларида ана шундай салмоқли, ибратли фикр бадий ифодасини топган.

Бугунги кун шеърӣятида тер тўкиб, ғайрат билан ижод қилаётган ва шеърӣятни таниқли адабий изланиш майдони деб билган шоирларимиз ғазал, сонет, тўртлик сингари шеърӣй шакллари бойитдилар, бу шаклларға янги мазмун, янги тўлқин бағишладилар. Худди шунингдек, улар дostonчиликка ҳам анчагина янгилик олиб кирдилар. Уларнинг энг яхши дostonлари шаклининг оригиналлиги, сюжет қурилишининг мавзунлиги, лирик кечинмаларининг теранлиги билан ажралиб туради. Улар услубда мунаққаш, музайян безаклардан воз кечдилар. Яратган образлари майин ва рангин, лекин бу нафислик ва рангинлик чучмалликдан бутунлай йироқдир. Улардаги тоза самимият чучмалликка, сохтагарчиликларға, ёлгон пафосларға мутлақо ўрин қолдирмагандек... Ижоддаги ана шу самимият ўзбек адабиётига бир оз кейин кириб келган ва эндигина кириб келаётган қаламкашларнинг шаклланишиға чукўр таъсир кўрсатди. Тоза шеър ҳавоси ёшларни излашға, янги йўллар қидиришға илҳомлантирди ва рағбатлантирди. Шу тоза ҳаво Маъруф Жалил, Миразиз Аъзам, Рауф Парфи, Абдулла Шер, М. Қўшмоқов, Ҳ. Саъдулла, С. Раҳмон, Отаёр, М. Бобоев, Усмон Азим, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Солиҳ, Хуршид Даврон, Муҳаммаджон Раҳмон, Азим Суюн, Акрам Амин, Мирпўлат Мирза, Қўтлибека Раҳимбоева, Саъдулла Ҳаким, Тилак Жўра, Шафоат Раҳматуллаев, Назира Йўлдошева, Тошпўлат Аҳмад сингари ранг-баранг шеър йўлиға эға бўлган ва ана шундай йўлларни қидираётганларға янги майдон бўлди.

Бу ёшлар шеърӣяти олдинги авлод ижодига инсон ва унинг тақдири учун безовталиқ туйғуси билан боғланади. Бундай безовталиқ маънавий қарашларнинг ўта кескинлиги билан ҳам изоҳланади. Улар шеърӣяти болаликнинг хушбахт ва хушвақт оламларидан катталарнинг чигал ҳамда мураккаб, зиддиятлар билан тўлган дунёсига кириб келаётир. Ана шу кириш даврининг барча сифатлари улар ёзаётган асарларда аён кўринади. Ёшлар, айниқса, Усмон Азим, Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон, Қўтлибека Раҳимбоева ўтаётган олам билан келаётган олам тафовутларини жуда ўткир ҳис қиладилар. Уз ўтмишлари ҳақидаги хотиралар қатидан тугал инсоний хулосалар чиқарадилар.

Ҳа, қадрдон яшил қишлоқлар орқада қолди, қадрдон жануб, қадрдон шимол орқада қолди. Ортада қолган хотиралар одатда шеърға кўчади.

Қадрдон қишлоқнинг яшил сурати  
Кўзимдан қалбимға чўкиб кетар жим.  
Энди олдимдаги узун йилларда  
Қалбимға термулиб яшайди кўзим.

Қўтлибека Раҳимбоеваға она қишлоқни тарқ этиш шу қадар мумкин бўлмаган бир иш, улуғ ғам, ташвиш бўлиб кўринади. Аммо тирик оламнинг ҳар бир сонияси табиатнинг бизға бебаҳо тухфасидир. Ҳар бир дақиқа тақорланмас байрам. Дардлар, қувончларға тўла байрам... Ҳар дақиқа бизға янги таассуротлар бахш этади. Шу дақиқалар таассуротидан юксак шеърӣят яратиш шарафи ҳам бор. Бу — юракнинг сарфароз бахти.



Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ

# САЛОМ, ОЙҚИЗ ТИМСОЛИ!

«Баъзан ёшларга барча асосий ишлар орқада қолиб кетгандек туюлади. Революция орқада қолди, граждандар уруши жанглари орқада қолиб кетди, улкан мамлакатни социалистик қайта қуриш йиллари, Улуғ Ватан урушининг қаҳрамонликлари ортда қолиб кетди... Йигит ва қизлар шундай деб ўйлашади. Аммо уларнинг ҳам даври келади, ота-боболарининг эстафетаси улар қўлига ўтади ва шунда зиммаларига не-не имтиҳонлар ва улугвор ишлар тушгани маълум бўлади».

Л. И. БРЕЖНЕВнинг  
«Эсдаликлар» асаридан

Сентябрнинг бошларида ҳали ҳамма нарса жойида эди: ҳаво тиниқ, беғубор; чарақлаган қуёш тафти елкаларни ҳамон қиздирар, мороженое дўконлари олдида ҳануз одам тирбанд, дарахтлар шохидаги сарғая бошлаган япроқларни ҳисобга олмаганда, вазмин қадамлар билан кириб келаётган кузак нафаси деярли сезилмасди. Бироқ, орадан икки ҳафта ҳам ўтмай, табиат бирдан тўнини тескари кийди: осмони фалакда қора булут уюрлари таҳликали кеза бошлади, ногаҳон рутубатли изғиринлар эсиб қолди, ҳатто бир неча кун узлуксиз шаррос ёмғир ҳам қуйиб берди. Статистларнинг кейинчалик гувоҳлик беришларича, сўнги қирқ йил мобайнида биринчи марта сентябрь оyi мана шундай салқин ва беқарор келган экан.

Ана шундай безовта кунларнинг бирида Жиззах районида қарашли Карл Маркс номидаги совхоз территориясида жойлашган чўл аэропортида Тошкентдан учиб келиши лозим бўлган ЯК-40 самолётини кутиб турган область партия комитетининг секретарлари — Евгений Александрович Клемёнов билан Содиқ Аҳмадович Нишоновни учратиб қолиб, беихтиёр суҳбатларига шерик бўлдим.

Чўл ҳавоси худди бошқа иқлим муҳитига кўчгандек туюлар, сахро минтақаси бир кечада тубдан ўзгаргандек эди. Аэропорт диспетчери самолёт икки соат кечикишини эълон қилди.

— Соат тўртга мажлис чақирган эдим, — дея Евгений Александрович соатига кўз ташларкан, ташвишланиб бош чайқади, — улгуролмайман шекилли. Обкомга телефон қилиб, мажлисни эртага қолдирсакмикин, нима дейсиз, Содиқ Аҳмадович?

— Чатоқ бўлди, — деди Содиқ Аҳмадович об-ҳавонинг авзойига боқиб. — Албатта улгуролмайсиз. Мен ҳам Дўстликка етиб боришим керак эди, кечикияпман.

— Дарвоқе, у ёқда аҳвол қалай? — Клемёнов Дўстлик райони ҳақида суриштира кетди. — Хўжам Исроилович бу йил машина теримини бошлайдими, йўқми?

Гап мавзудан Нишонов чўл зонасидаги энг юки оғир район — Дўстликда обкомнинг вакили экани сезилиб турарди. Дўстлик районида ўн йилдан буён 80 минг тонналик доvon ҳақида орзу қилинади. Бироқ, турли сабабларга

кўра бу маррани эгаллаш ҳамон чўзилиб келмоқда. Бунинг объектив сабаблари ҳам бор. Мана олти йилдирки, район коммунистларига Хўжам Исроилов етакчи. Янги секретарь келган йили кўп йиллик орзуни амалга оширишнинг реал имконияти туғилган эди-ю, аммо қутилмаганда яна бир иш чиқиб қолди: кўриқда янги Арнасой райони тузилди. Чўлқуварлик анъанасининг қонунияти шу: янги ташкил этилган районга эски районлардаги чегарадош хўжаликларнинг бир қисми албатта берилади. Бу сафар ҳам шундай бўлди — Дўстликнинг икки забардаст хўжалиги Арнасойга ўтиб кетди. Район объектив тарзда 25 минг тонна пахта «йўқотди». Унинг ўрнини тўлдиришга эса яна беш йил вақт кетди.

Содиқ Аҳмадович бу ҳақда сўзлар экан, «Дўстликда Жиззах пахтасининг тақдирини ҳал бўлмоқда», деб қўшиб қўйди. Дарҳақиқат, район Жиззах пахтасининг тўртдан бир қисмини беради. Чўлнинг шундай улкан участкаси ўша серташвиш кунларда об-ҳаво ноқулайлиги туфайли биронта ҳам машинани теримга сололмай турарди. Ваҳоланки, ўтган йилги маълумотларга кўра бу пайтда пахта тайёрлаш плани қарийб эллик фоизга етган эди. Ҳозир эса хирмонлар бўм-бўш, пахта заводи дарвозалари ланг очик, райондаги 800 га яқин терим машинаси қантариғлик турар эди.

Минг тўққиз юз саксон биринчи йилнинг машаққатли келган кузи чўлдаги ана шу биргина район мисолидаёқ ёрқин ифода топган эди. Республика сентябрь ойида пахта теримида бултурдагига нисбатан бир ярим миллион тонна орқада қолмоқда эди. Бу қадар катта тафовут пахтачилигимиз тарихида ҳали сира учрамаган эди.

Партия ташкилотлари зиммасидаги масъулият ҳар қачонгидан ҳам кучайган, бениҳоя қатъият касб этган эди. Аҳвол чиндан ҳам ниҳоятда жиддий: ўтган йили шу вақтда планини бажариб бўлган кўпгина хўжаликлар ҳали теримга тушолмай турарди — пахта етилмаган, ғўза барги тўкилмаган, ҳавонинг қутилмаганда пастлаб кетиши зудлик билан тегишли чора-тадбирлар қўллашга тўсқинлик қилар эди...

Ёмғир шаррос қуйиб юборди. Ёмғир қамчиси аэропорт-

га туташ пахтазорда чаноқлардан тошиб ётган лўппи пахта-ларни шатира-шутур савалётганини кўриб, беихтиёр юрак эзилиб кетарди. Даладан кўз узмай турган Евгений Александрович қаттиқ ҳўрсинди.

— Холбувининг аҳволи не кечди экан? У теримни бошлаган эди чаманда?— Клемёнов папкасидан бир даста қоғоз олиб ниманидир ахтара кетди.

— Яхшиси, юринг, қизингизни кўриб келамиз,— деди ҳозиргина «ўз» районининг ташвишини тортаётган Нишонов кутилмаганда.— Сезиб турибман, Евгений Александрович, кизингизни соғинган кўринасиз. Бари бир икки соат вақтимиз бор-ку.

Жўнадик.

— Евгений Александровичнинг тутинган қизини бир кўриб қўйинг,— деб изоҳ берди Содиқ Аҳмадович таажжубланиб ўтирганимни сезиб.— Холбуви қизлари бўлади, шундай меҳрлари тушганки, асти сўраманг.

Евгений Александрович жилмайиб қўйди.

Йўл бўйи обком секретарининг тутинган пахтакор қизи ҳақида мароқли бир ҳикоя тинглаб бордик.

Жиззах области янги ташкил топган етмишинчи йилларнинг кеч кузи эди. Далаларда сўнги процентлар учун туну кун қизгин кураш борар, бироқ пахтазорларда ҳосил чўғи камайгани туфайли, тарози тош босмасди. Сўнги процент! Жиззахлик пахтакорлар унча ҳам, ундан кейин ҳам сўнги процентни бунчалар зориқиб кутмаган эдилар. Кунни тунга, тунни тонга улашса ҳамки, бари бир вақт етмасди. Начора, кеч куз, кунлар бир тутам, беварака.

Ўша кезлар Евгений Александрович эски одатига биноан тун ярмига қадар районларда қолиб кетар, кўпинча уйига боришга ҳам улгурмай, қайсидир совхоз даласидан ёки пахта пунктдан эрталаб кўзлари қизарганча тўғри шга келар эди.

Пахтакор районидаги пахта заводида областнинг ўша пайтлардаги салмоғига кўра, ҳосилнинг қарийб ярми қабул қилинарди. Кун бўйи шу ерда тик оёқда туриб, алламаҳалда шаҳарга қайтаётган Клемёнов Ульянов совхозига кириб ўтмоқчи бўлди. Жиззах чўлининг тўнғич хўжалиги бўлган бу совхозда аҳвол хийла оғир эди. Тарих дафтаридо одамларгагина эмас, ҳатто хўжаликларга хос муайян ўхшашликлар, туташ тақдирлар учраб турар экан. Мирзачўлни ўзлаштириш чоғида ҳам бир пайтлар шундай бўлган эди. «Голодностепстрой» системасида дастлаб асос солинган Генерал Узоқов номидаги 4-совхознинг илк манзараси Евгений Александровичга яхши таниш. У кейинчалик Сирдарё область партия комитетида масъул вазифаларда ишлаган кезларида Мирзачўлнинг тўнғич хўжаликлари тарихи билан кўп бор қизикқан эди. Чўлнинг дастлабки хўжалиги, олтмишинчи йиллар таъбири билан айтганда, пуч ёнғоқнинг ўзгинаси эди. Бу ерда пахтачилик истиқболига катта йўл очиб бериши кўзда тутилган дастлабки совхозда йил охиридаги бесамар натижалар эндигина йилтиллаган умид учқунларини ҳам ўчирадигандек туюлган эди. Нега бундай бўлди? Нега одамлар — кечагина Мирзачўл истиқболи учун минбарларда сўз кетидан сўз олган, қарсақларга кўмилган нотиклар ўшанда дабдурдудан орқага чекиндилар? Мирзачўлнинг иккинчи хўжалиги — Гагарин номидаги 5-совхоз тақдири бундан ҳам аянчли бўлмаганмиди? Иккала хўжаликда ҳам минг-минг гектар ерлар икки-уч йилдаёқ яроқсиз ҳолга келиб, миллион-миллион сўмлар бесамар кетган машаққатли кезларда ҳам Мирзачўл истиқболига ишонч кўзи билан қарай олганларнинг аҳволи ҳозиргидан осонмиди? Ўшанда, Генерал Узоқов ва Гагарин номидаги совхозларда пахта майдони 2—3 минг гектардан 100—150 гектарга тушиб қолганда, бир центнер пахта таннархи 900 сўмга чиққан пайтда, одамлар чўлни ташлаб кетаётган ўша оғир кунларда учинчи хўжаликни — Титов номидаги 6-совхозни ташкил этиш ҳақидаги қарорга мардона журъат кўрсатиб имзо чеккан фидойи кишиларни тарих ҳеч қачон унутмайди. Уларнинг бу жасорати вақти келиб муносиб баҳоланади, коммунистик этиқод, барқарор ишончининг тарихий намунасига айланади. Чунки айнан ана шу учинчи хўжалик Мирзачўлнинг истиқболи ҳақидаги барча фаразларнинг нақадар оқилона тафаккур билан, тира ҳаётини мантиқ

ва жасорат билан олға сурилганини яққол исботлади. Саноқли йиллар ичида хўжаликнинг йиллик пахта хирмони 20 минг тоннага етди, унинг бағридан Мирзачўлнинг чинакам шунқорлари янги марралар сари парвоз қилдилар.

Инобат Охунова чўлга дастлаб қадам қўйган кезларида ўн олти яшар комсомол эди. Ҳозирги кунда у Мирзачўл районидаги йирик «Ўзбекистон» совхозига директорлик қилмоқда. Худди шу совхоздан учирма бўлган чўл қалдирғочлари — Қувондиқ Абдураззоқов, Неъмат Эрназаров, Холбек Бўронов, Бекмурод Бўронов, Ёқуб Раҳмонқулов, Абдураззоқ Қанонов ва бошқалар ҳозир чўл қўнидаги мустақил хўжаликларни бошқармоқдалар. Совхознинг дастлабки директори Саттор Усмоновни ҳақли равишда «Мирзачўл маршали» деб атайдилар. У ҳамон чўлқуварлар сафида, ҳамон ёшларга ғамхўр мураббий. Тақдири Мирзачўл тақдири билан чирмашиб кетган бу одам эндиликда Зарбдор районидаги кўриқ совхоз — «Оқ олтин»да директор. Мирзачўл ва Жиззах даштларини қадам-бақадам кезиб чиққан бу кекса пахтакор чўлқуварларнинг илк бўғинига мансуб. Бу авлод шаънини Ақоп Абрамович Саркисов, Носир Маҳмудов, Иномжон Усмонов, Хўжаев, Тўхтамиш Боймиров, Зокир Санақулов, Қинабек Укубоев, Эргаш Холматов, Эҳсон Низомов, Абдулҳай Абдушоҳидов, Содиқжон Отахонов, Шамсиддин Титуев, Хўжа Исроилов Аҳад Соибназаров, Мустафоқул Умрзоқов сингари юзлаб чўлқуварларнинг, «оқ олтин» фронти командирларининг унутилмас хизматлари бебаб турибди.

Евгений Александрович, ўз таъбири билан айтганда, сочи Мирзачўлда тўкилган одам, чўл тарихини ҳам, бугунини ҳам пухта билади. Ульянов номидаги тўнғич хўжаликнинг ташвишлари ҳам унга бегона эмас. Чўл — бамисоли асрий тоғ, унинг харсангларини кўпориш учун эса катта куч керак. Лекин, негадир ҳозирча мана шу тўнғич хўжаликда харсанг кўчиши қийин бўляпти. Бир қараганда, бу ҳол табиийдек туюлади. Бироқ, бунинг асл сабабларини топиш лозим. Энди Мирзачўлда бўлгани сингари — омадли учинчи хўжаликнинг ташкил этилишини кутиб туриш шарт эмас. Бугунги куч ва имкониятлар бундан 10—15 йил аввалги даража билан таққослашга асло ўрин қолдирмаслиги даркор — ҳаёт тақозоси ана шундай.

Евгений Александрович зим-зиё тун қўйнида ана шуларни ўйлаб борар экан, узоқда милтиллаб кўринган шуўлага кўзи тушиб қолди. Нима бу? Машина чироғи деса, жойидан қимирламайди, хонадон деса, бу яқин атрофда бирон иморат йўқдек эди.

— Ҳув анави чироқни кўряпсанми?— деб сўради у шофёридан.— Нима экан-а?

— Ҳайронман...— дея елка қисди шофёр.

— Ўша ёққа бур-чи,— деди обком секретари шофёрнинг ҳорғин юзига боқиб.— Балки, биров ёрдамга муҳтождир...

Зимистон чўл қаърида милтиллаган заиф бу шуўла бепоён денгизда кемаларни ўзига чорловчи маёқ каби уларнинг бор диққат-эътиборини жалб этган эди.

Машина пахтазор орасида яқинда тушган йўлдан сакраб-силкиниб шуўла томон яқинлашганда, кўсак чувийдиган машинанинг шиддатли гулдиреши қулоққа чалинди. Машинани юргизаётган тракторнинг танҳо чироғидан атрофга таралаётган ёғду эди бу. Евгений Александрович беихтиёр соатига қаради: уч ярим. Ким экан бу азамат? Евгений Александрович бир оғиз «Ҳорманг», деб аҳвол сўраб кетиш ниятида шу томонга тўғри келаверди.

Кўсак чувиш машинаси шитоб билан ишлаб турарди. Қалин пахталик кийган бир одам паншаҳада кўсак ташлар, машина эса кўсак қарамини бир томондан отиб, иккинчи томондан қордек оппоқ пахта тўкар эди. Трактор моторининг забтими, ишнинг завқими ёки бу кимсасиз чўлдаги ўзига хос ёлғизлик ҳиссиёти — ҳар қалай, ҳалиги одам ёнига енгил машина келиб тўхтаганини ҳам сезмай қолди. Машина эшиги очилгандагина у бехос бурилиб қарадию пахталигининг ени билан чироқ ёғдусидан кўзларини тўсди.

— Ҳорманг, йигит!— Евгений Александрович унинг олдига яқинлашди.— Қалай, чарчамадингизми? Шериклар қани?

— Бор бўлинг, раҳмат. Келинг...— деди «йигит» қўнғи-роқдек товуш билан.

— Кечирасиз...— Саломга қўл чўзган обком секретари бирдан унинг қиз бола эканини пайқади, пайқади-ю, сир бермай сўзида давом этди.— Яхшимисиз, қизим, аҳволлар қандай? Отингиз нима? План тўлдимми?

Қиз ўзини Холбуви Рустамова деб таништирди. Ярим тунда чўл қўйнида ҳеч нарсага парво қилмай ишлаётган бу ёлғиз қизнинг гаплари беҳасрат, эмин-эркин эди. Евгений Александрович бундай машаққатли пайтда дунёни бошига кўтариб, кўксига урганларни, мақтос кутганларни кўп кўрган. Лекин, мана, ярим соатча суҳбатлашди ҳамки, Холбувидан бирор оғиз нолиш эшитмади.

— Бригадамизнинг плани тўлган, гектаридан 38 центнердан ҳосил олди. Лекин совхоз ҳали орқада,— деди Холбуви ўйчан оҳангда.— Хирмонда озроқ кўсак қолган эди. Йигитларимиз кун бўйи зўр беришди. Кечаси ишлашга баъзан ҳеч ким чидамаяпти. Алмашиб турибмиз. Сал ғайрат қилсак, центнеримиз ҳам 40 га етиб қоларди. Ҳали пахтамиз кўп-да.

— Балли, қизим!— деди Евгений Александрович тўлқинланиб.— Қирққа етказсангиз, менга учрашинг, илтимос. Обкомга бориб Клемёнов деб сўрасангиз, топиб беришадди. Хўпми? Албатта боринг, мен кутаман.

Обком секретари Холбуви билан хайрлаша туриб, яна қандайдир илиқ сўзлар топиб айтгиси, қизнинг кўнглини кўтаргиси келди чоғи, қўлларини ҳаяжон билан силкиб деди:

— Биз сизлардан ҳали қарздормиз. Шу яйдоқ чўлдаки 40 центнерни кўзлабсизлар, барчангизга фақат раҳмат айта оламан. Обком номидан ваъда бераман, биз ҳам қарздор бўлиб қолмаймиз. Албатта боринг.

Орадан етти кун ўтиб, Холбуви Рустамова обкомга рапорт кўтариб келди: «42 центнер!» Евгений Александрович энди бу қиз ҳақида анча-мунча нарса билар, унинг ўрта медицина маълумоти борлиги, бригадаси Жиззах чўлида энг юқори ҳосил олишга эришганидан ҳам хабардор эди.

— Бригадангизга битта энгил машина ажратмоқчимиз, нима дейсиз?— деди обком секретари суҳбат асноси.

— Кечирасиз, Евгений Александрович, сиздан битта илтимосим бор эди,— деди Холбуви аллақандай дадиллик билан.— Аввало, машина учун раҳмат, лекин ҳозирча унга зарурат йўқ. Бригадамиз эндигина иккинчи йил деҳқончилик қиляпти. Жамғармамиз ҳам шунга яраша. Кейин, биздан кўпроқ, яхшироқ ишлаганлар ҳам бор. Бригадамиз аъзоларидан биргина илтимосимни айтишга ваколат олганман, лекин... бир оз шахсийроқ илтимос...

— Марҳамат, қизим, сизлар учун ҳамма нарсага тайёрман,— деди Евгений Александрович унга диққат билан тикилиб.

— Илтимосим, балки сизга жўн бўлиб кўринар, аммо мен учун жуда муҳим. Биласизми, ўғлим Уткир китобни шундай яхши кўради, шундай яхши кўради!.. Иш билан бўлиб гоҳида оналик бурчимни бажаролмай қоляпман, деб ташвишдаман. Бир йилдан буён унга китоб ваъда қилганман, бироқ кимга учрашмайин, топилмаяпти.

— Қанча китоб керак, қизим, рўйхатини беринг, топамиз,— деди Евгений Александрович гап китоб хусусида эканлигидан бениҳоя мамнун бўлиб.— Қани, қандай китоблар экан?

— Биргина китоб, Евгений Александрович. Илтимос, обуна бўлишимга ёрдам берсангиз, «Жаҳон болалар адабиёти кутубхонаси»— билмадим, ўн томми, ўн икки томми?

— Ўн икки том,— деди обком секретари.— Топамиз. Ўғлингизни ишонтравингиз, қизим, «кутубхона» мандан сизларга совға бўлади.

Содиқ Аҳмадовичнинг айтишига қараганда, ваъдани бажариш Евгений Александровичга осон тушмаган кўринади. Махсус ёзилиш тартиби бўйича областда 36 киши мазкур кутубхона карточкасига эга экан. Обуна эса ярим йил бурун тугалланган. Нима қилиш керак? Тошкентда ҳам иложини топишолмабди. Ниҳоят, Евгений Александрович ўз карточкасининг оҳорини ўчирмай ўзгартирибдию Холбувига жўнатибди. Ҳатто олиб улгурган 1-томнинг илк

саҳифасига: «Қизим Холбувига, набирам Уткир учун!» деган эсдалик ёзув битиб совға қилибди.

Бу «сирни ошкор этаётганим учун мени маъзур тутинг, Евгений Александрович, лекин Ўзбекистон пахта хирмони олти миллион тоннадан ошиб, республика янги зафар наъҳаси билан яшаётган ўша кунларда сиз билан бирга яна Холбуви Рустамовани сўроқлаб бораётганимизда беихтиёр ана шу бебаҳо маданий хазинанинг эгаси бўлмиш пахтакор фарзанди Уткир ҳақида ўйлаб кетдим, уни кўргим келди. Бригаданинг йиллик меҳнат якунлари билан танишдик. Чиндан ҳам улуғвор натижалар! 100 гектар пахта майдонидан пландаги 269 ўрнига 610 тонна хирмон кўтарилган. Ҳосилдорлик эса чўл зонаси тарихида биринчи марта 61 центнерни ташкил этибди. Бригада аъзоларининг жами ўн икки киши, уларнинг кўпчилиги ҳам деҳқон, ҳам тракторчи, ҳам терим агрегатини бошқаришади. Уткирни ҳам шу ерда учратдик. Ўн бир яшар, тийрак бу йигитча бригаданинг штатдан ташқари аъзоси, ёзги каникулни пахтазорда ўтказади. Холбуви койиниб, лекин меҳр билан сўзлади: «Ҳалитдан машина рудини талашади, бултур педалга оёғи етмасди, бу йил бўйи чўзилиб, трактордан тушгиси келмай қолди». Тиниб-тинчимас, шижоатли Уткир сиймосида чўлнинг яна бир янги қахрамони камол топаётган бўлса, ажаб эмас.

Бригада аъзоларининг турмуши фаровон, саранжом-саришта. Лоақал ўтган йилги даромадларини олиб кўрайлик: ҳар бир ишчининг ўртача ойлик маоши беш юз сўмдан ошибди. Улар бозор-ўчарга чопишмайди — бригада бу ташвишни ўз зиммасига олган: элликта қўйдан иборат кичкина ферма ташкил этилган, гўшт-ёғ — деҳқончилик. Бири сўйилса, ўрнига янгиси олинади. Энди 200 та товуқ ҳам асрашмоқчи. Ким айтади, деҳқонга бу ташвишлар бегона деб? Бригада шийнонида нон ҳам увол бўлмайди, қовун-тарвуз пўчоғи ҳам ерга тушмайди, ҳаммаси кичик ферманинг ҳисобида. Ахир, буларнинг барчаси иш юртида, коллектив рўзгор турмушида ўзига хос янгилик эмасми?

Бригаданинг шахсий кутубхонасидаги Лев Толстой, Александр Пушкин, Максим Горький, Владимир Маяковский, Михаил Шолохов, Расул Ҳамзатов, Чингиз Айтматов, Одил Ёқубов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева сингари юзлаб сеvimли муаллифларнинг энг сара асарлари чўлқуварларнинг доимий маънавий хамроҳларига айланган. Кутубхона жавонида улар севиб мутолаа қиладиган яна бир китоб бор: бу муҳтарам адабимиз Шароф Рашидовнинг дастхати битилган «Ғолиблар» романидир. Бу ажойиб асар бригада аҳли учун айниқса яқин ва қадрли, чунки мазкур китоб саҳифаларида улар каби минглаб фидойи заҳматкашларнинг мислсиз жасорати, мардонавор меҳнати ўтли эҳтирос билан тараннум этилган. Оқила, толмас эътиқодли Ойқиз образи эса уларга ўз етакчилари Холбувини эслатади.

Чиндан ҳам, Ойқиз тимсоли бўлмиш коммунист Холбуви Рустамова ҳақида, у бошчилик қиладиган бригада меҳнаткашларининг улуғвор бунёдкорлик ишлари ҳақида тўлиб-тошиб, жуда кўп сўзлаш мумкин. Уларнинг меҳнат шижоати, зафарларининг ҳаётини миқёслари аслида шуни талаб ҳам этади. Биз юқорида келтирган лавҳалар унинг жўшқин фаолиятдан бир шингил, холос. Қалбимизда эса бу чўл қизининг ибратомуз ҳаётига ҳали қайта-қайта мурожаат қилишдек тасалли бор.

Холбувининг ойдin йўли, назаримизда энди бошланган кўринади. Бу йўлнинг порлоқ юлдузлар билан зийнатланишига ишончимиз комил. Одатда, бундай қахрамонлар билан хайрлашмоқ осон эмас, шунинг учун: «Салом, Ойқиз тимсоли, яна кўришгунча, хайр!», деймиз...



# ЎҚИТУВЧИ, ЎҚУВЧИ, МАЪНАВИЙ ОЛАМ

СССР халқ ўқитувчиси Мамажон АБДУРАСУЛОВ  
билан ўзувчи Анвар МУҚИМОВ диалоги

**ЎЗУВЧИ:** Мамажон ака, кейинги вақтда ўқитувчининг об-рўси, унинг маънавий олами, ёш авлодни илм-фан, маданият хазинасидан баҳраманд эта билиш санъати тўғрисида кўп гаплар бўлмоқда.

Айниқса, сўнги йилларда мактаб ҳаётига кириб келган янгиликлар — «икки»сиз ва «икки йиллик»сиз ўқитиш, кўпроқ медалли битирувчи чиқариш «мусобақаси» каби беҳуда уринишлар тўғрисида, ўқитувчининг обрўсини тушириб, ўқувчиларнинг дунёқарашини, онгига салбий таъсир кўрсатётган баъзи бир кўзбўямачиликлар ҳақида жамоатчилик, ўзувчилар ташвишланиб гапирмоқдалар.

Лекин том маънодаги Тарбиячи, Мураббий, Устоз бўлиш қанчалик қийин эканлигини фақат сизга ўхшаб кўпни кўрган, кўпларга дарс-сабоқ берган, ўқитувчиликнинг ҳамма сир-синаотларини эгаллаб, унинг барча заҳматларини татиган кишиларгина яхши билишлари мумкин.

Шу боисдан ҳам сизни баҳсга тортишни лозим кўрдик. Айтингчи, шу ташвишлар ўринлими ёки ўткинчими! Ўқитувчи том маънодаги Тарбиячи, Мураббий, Устоз номига лойиқ бўлиши учун нималар қилиши, қандай муаммоларни бартараф этиши керак, деб ўйлайсиз! Ёки бу фақат ўқитувчининг ўзигагина боғлиқми!

**ЎҚИТУВЧИ:** Менингча, бу ташвишлар яхши ният билан, келгусини назарда тутиб айтилаётган гаплардир. Жамоатчилик мактаб соҳасига алоқадор муҳим масалалар ҳақида гапирётган экан, бу унинг ёш авлод тарбияси, унинг келажак ҳақида астойдил қайғураётганини билдиради. Мен шундай деб тушунаман.

Энди чин маънодаги Ўқитувчи — Тарбиячи масаласига келсак, мен шундай фикрдаман: ҳамонки, шу касбни танладингми, болалар дунёсига кирдингми, ҳақиқий ўқитувчи бўлишинг керак! Ўқувчиларни ўзига ром эта олмаган, уларда ўз фанига меҳр-муҳаббат уйғота олмаган ўқитувчи — ўқитувчи эмас! Халқимиз: «ниятни улғ қилиш керак», дейди. Ўқитувчи ҳам ўз ўқувчилари орасидан албатта, ўз фанининг йирик олимлари, академиклари етишиб чиқишига умид боғлаши, шунга муносиб яшаши, дарс-сабоқ бериши керак. У ҳар битта болада бир талантни кўра олсагина, кичиклигиданоқ унинг қалбига чўғ солиб, эзгулик уруғини сочса, тўғри йўлга йўналтира билсагина орзусига эришади, келажакда ўз меҳнатлари зое кетмаганидан қувониб таскин топиши мумкин.

Чин маънодаги ўқитувчининг бахти нимада деб сўрасалар, мен унинг кўлида ўқиган болалар орасидан келгусинида қобилиятли, Ватан хизматига камарбаста, эл-юрт ҳурматига лойиқ одамлар қанчалик кўп етишиб чиқишида, деб жавоб берардим. Мен бир ўқитувчи сифатида ўз ўқувчилари орасидан машҳур ўзувчи ва олимлар, фан, маданият, жамоат арбоблари етишиб чиққан муаллимнинг ғурурини тасаввур қиламан, ҳар бир ўқитувчининг шундай орзу билан яшашини истайман. Биз орзу қилмас эканмиз, шунга яраша қунт ва сабот билан дарс бермас эканмиз, эзгу мақсад сари интилкас эканмиз, зиммамиздаги вазифани сидқидилдан ўтадик, ёш авлодга бир нима бердик, демасак ҳам бўлади! Ҳозирги кунда устоз бўлиш ана шундай қийин ва масъулиятли деб ўйлайман.

**ЁЗУВЧИ:** Тўғри айтдингиз. Мен хизмат юзасидан водийдаги кўп мактабларда бўлганимда ҳар гал қизиқ бир қонуниятга дуч келаман. Қайси мактабдан агар йирик олим ёки ёзувчи чиққан экан, ўша ерда бундан йигирма-ўттиз йил муқаддам физика, математика ёки адабиётдан зўр ўқитувчилар дарс берган бўлади. Уша ўқитувчиларнинг номини ҳали-ҳали фахр билан эсга олишади.

**ЎҚИТУВЧИ:** Албатта. Болалар қайси фандан чуқур сабоқ олса — ўша фанга қизиқиши ҳам кучли бўлади. Ўз фанини жон-дилидан севган ўқитувчи ўқувчида ҳам шу фанга меҳр уйғота олади. Бунинг учун чуқур ва ҳар томонлама билимининг ўзига кифоа қилмайди, ҳавас, завқ, иштиёқ ҳам керак. Ҳаваси, завқи, иштиёқи бор муаллим ўқувчида ҳам қизиқиш уйғота олади.

**ЁЗУВЧИ:** Лекин ҳамма ўқитувчида ҳам бундай хислат бўлавермайди-да...

**ЎҚИТУВЧИ:** Ҳамма гап шунда. Афсуски, баъзи бир ҳамкасбларимиз ишдаги ҳар турли ноқулайликларни рўқач қилиб, енгил-елпи дарс бериш йўлига ўтиб олишмоқда. Оқибатда иккиёқлама зарар кўришмоқда. Бир томондан, ўқитувчиларнинг обрўсига путур етса, иккинчи томондан, ўқувчилардан бир қисмининг дарсларга ихлоси сусайиб, улар мактабни бир амаллаб битириб кетишмоқда.

**ЁЗУВЧИ:** Баъзи ўқитувчилар: маориф бўлиmidан «икки»сиз ўқит, иккинчи йилга қолдира кўрма, ўзлаштиришни кўтар, деб туришганидан кейин биз нима қилайлик, дейдилар. Шу гап рост бўлса, сизга ҳам осон эмас экан, Мамажон ака.

**ЎҚИТУВЧИ:** Бизга ҳеч қачон осон бўлган эмас. Лекин «икки»сиз ўқит, деган талабни «икки» қўйма, деб тушуниш керак эмас. Замон бизнинг олдимизга «иккичи»ларни эмас, билимли, қобилиятли, аълочи ўқувчиларни етиштириш вазифасини қўяди. Бу талабни юзаки тушунган ўқитувчи билимсиз болага «икки» қўймай қўя қолади. Ҳақиқий ўқитувчи эса шу мақсадга ҳалол меҳнат билан эришади, бутун тажрибасини ишга солишга ҳаракат қилади. Оқшай бошлаган болага эътиборни кучайтиради. Керак бўлса, яқна тартибда ёрдам беради. Кўнглига йўл топишга уринади. Астойдил ўқитиб, ўзлаштиришни кўтарса бўлади. Мана, мен — ўзим неча йилдан бери ўқувчиларимни бир текис яхши ва аъло баҳоларда ўқитяпман-ку...

**ЁЗУВЧИ:** Яна бир масала. Сиз болаларнинг қишлоқ хўжалик ишларига баъзан ҳаддан ортиқ кўп жалб этилишига қандай қарайсиз? Ўқувчиларнинг ёз, куз ойларида эртадан кечгача далада бўлиши ўқиш сифатига таъсир қилмайди-ми! Мактаб программаси тобора мураккаблашиб борапти. Бунинг устига, биз ўқув йилининг ярмини қишлоқ хўжалик ишига берсак, болаларга жабр бўлмайди-ми!

**ЎҚИТУВЧИ:** Сиз, Анваржон, бўрттириброқ гапиряпсиз. Аввало, «йилнинг ярми» деганингиз андак муболаға. Ўқувчилар дала ишларида ҳаммаси бўлиб икки-уч ойдан ошиқ ишламайди. Бир қанча район ва хўжаликларда умуман ўқувчилар дала ишларига жалб этилмаяпти. Ялпи механизация юкимизни енгил қилмоқда. Тўғри, агар мен дала меҳнати ўқишга мутлақо ҳалал бермайди, десам виждонимга хилоф гапирган бўламан. Лекин меъёридаги дала меҳнати болани чиниқтиради, чидамли қилади. Ростини айтганда, даладаги кўл меҳнати ҳам ғанимат бўлиб қоляпти. Яна бир неча йиллардан кейин пахтага ёрдамга чиқишлар ҳам орқада қолиб кетади. Бир вақтлардаги қор оралаб пахта теришлар, кечалари кўрак чувилар сингари ўтмишга айланиб қолса ажабмас.

**ЁЗУВЧИ:** Шундай бўлажagini ҳаёт кўрсатиб турибди. Аммо биз бугунги кунда яшаяпмиз. Биз сиз билан келажак одамларини бугун етиштиряпмиз. Ҳозиргина «меъёр» сўзини тилга олдингиз. Ҳалол гапни айтганда, ҳаммиша ҳам ўша меъёрга амал қилинганми?

**ЎҚИТУВЧИ:** Бу ҳам тўғри, лекин бизнинг районда сиз айтганчалик эмас шекилли...

**ЁЗУВЧИ:** Кечирасиз-у, Мамажон ака, шу ерга келганда сал андиша-истиҳолога бораётганга ўхшайсиз. Назар

римда, ўқитувчиларнинг ўзлари ҳам сал принципиалроқ, масалаларни дадилроқ кўтарадиган бўлишса, тўғри гапни тўғрироқ, адресига тегадиган қилиб айтишса, ҳадеб андишага боришавермас яхши бўлармиди, дейман. Ахир, ёш авлод тарбияси билан алоқадор проблемаларни улардан яхшироқ биладиган ҳеч ким йўқ-ку! Бу ерда гап умум ишни холис, бамаслаҳат, кўллашиб яхшилаш ҳақида бор-япти-ку! Менингча, район, область халқ маорифидаги, қолаверса, райкомдаги ўртоқлар бизни тўғри тушунишса керак.

**ЎҚИТУВЧИ:** Сиз ҳақсиз. Биз ўқитувчилар ўзимиз сал андишалироқ бўлиб қолганмиз. Колхоз раиси туғул бригадир олдида ҳам андиша қилиб тураемиз. Кўп ҳолларда индамаймиз. Ҳой, барака топгур, сен ўзинг кимдан таълим олгансан, муаллимнинг ким, осмондан оёқ узатиб турмагансан-ку, бизга ўхшаган ўқитувчидан билим ўрганиб, шунчалик бўлиб юрибсан-ку, демаймиз. Улар ҳам баъзан узоқни ўйламай бўлар-бўлмасга ўқитувчининг болаларнинг олдида тергайдилар. Баъзи колхоз раислари қишлоқда битта замонавий мактаб қўриб қўйиб, ўзларини биринчи одам санаб юришади. Гўё мактаб коллективи, болалар шу билан бир умр колхоз раисидан қарздордек. Мактаб, маориф учун ҳақиқий жонқуяр одам битта иш қилиб қўйиб ҳадеб уни пеш қилавермайди. Мактабга келиб-келиб, ўқиш-ўқитиш ишларининг боришидан, болаларнинг давомати, тарбиясидан хабар олиб туради. Ўқитувчиларнинг дардини эшитади, ёрдам беради. Район ташкилотлари томонидан юқори синф болаларини теримга чиқаришга рухсат этилиши биланоқ бутун мактабни беркитасан, деб турмайди. Қани энди, шундай тушунган колхоз раислари, қишлоқ Совети раислари кўпроқ бўлса! Кўп масалалар йўл-йўлакай ҳал бўлиб, ишимиз ҳам юришиб кетар, қишлоқда ўқитувчининг обрўси анча ортар эди.

**ЁЗУВЧИ:** Гап яна ўқитувчининг обрўсига келиб қолди. Маълумки, ўқитувчининг обрўси — мактаб обрўси ва мактаб обрўси — ўқитувчининг обрўсидир. Лекин боя айтганимиздек, мактаб обрўсини кўтартиш учун «ўзлаштириш мусобақаси» қилиб, сунъий кўрсаткичларга зўр беришга нима дейсиз! Сиз ишлаётган Москва райони бўйича бултур 36 йигит-қиз олтин медаль олган эди. Лекин кейин маълум бўлишича, уларнинг айримларида медаль ҳалол берилмаган экан. Мактаблар ўртасида юзага келган «медаль мусобақаси»да нолийикларга ҳам сохта ҳужжат билан медаль бериб юборилаверибди. Натижада 37-ўрта мактабни олтин медаль билан битирган бир ўқувчи Тошкентга бориб, институтга ҳужжат топшириб, яқна имтиҳондан ҳам «йиқилиб» келди. Боланинг, ота-онанинг, ўқитувчиларнинг юзи шувит, мактабнинг, олтин медалнинг обрўси кетган. Қанча гап-сўз. Нима кераги бор эди шундай кўзбўямачиликнинг!

**ЎҚИТУВЧИ:** Уят бўпти. Мактаб шундай мўътабар жойки, унинг ҳаётига ҳеч қандай кўзбўямачилик, сохталик, нопокликни аралаштириб бўлмайди. Бу даргоқ ҳаммиша муқаддаслигича, пок-мусаффолигича қолмоғи керак. Агар шу ердаки, бир қинғирлик содир бўлар экан, уни катта жиноят деб қарамоқ лозим. Ахир, бу ерда таълим олаётган қалби тоза, норасида болалар эзгулик ўрнига кўзбўямачиликка дуч келиб турсалар, сохталикни ўргансалар — охири нима бўлади!!

Йўқ, келгусида ҳаётнинг катта имтиҳонларига дуч келадиган авлодни биз бу сохталикдан асрашимиз, эътиқодини дарз кетишига йўл қўймаслигимиз керак!

Агар айрим ҳаддидан ошган кимсалар ҳар турли йўллар билан мактабни бозорга айланттиришга уринишаётган экан, уларни тегишлича суриштириб қўйиш керак.

**ЁЗУВЧИ:** Токи уларнинг қилмиши бошқаларга сабоқ бўлсин!.. Энди яна ўқитувчининг маънавий олами ва унинг тўқислиги масаласига қайтсак. Ўзингизга маълум, ҳозирги болаларни бундан 20 йил аввалги ёш авлод билан таққослаб бўлмайди. Улар мактабнинг бошланғич синфида ҳам кўп нарсани билган, кўрган, тушунган ҳолда келмоқдалар. Телевизор, радио, китоблар, ота-она болаларни анча тайёрлаб қўймоқда. Ахборот воситалари жуда ривож топган ҳозирги замонда шаҳар билан қишлоқ, марказ

билан чет жой ўртасида билим, маданият даражасида фарқ қолмаяпти. Шундай шароитда, айниқса, қишлоқ ўқитувчиси олдида кўпгина муаммолар пайдо бўлади. Мен нима демоқчи эканимни тушуниб турибсиз.

**ЎҚИТУВЧИ:** Сиз масалани тўғри қўймоқдасиз. Ўқитувчи ўқувчининг кўз ўнгига ўз сеҳрини йўқотмаслик учун кийинишидан тортиб, хулқ-атворигача, нутқ ва суҳбат маданиятидан тортиб, онги ва қалбининг тиниқлигигача замон талаби даражасида бўлиши керак. У жуда кўп нарсани, программадан ҳам кўпроқ нарсаларни билиши, кўп янгиликлардан хабардор бўлиши керак бўлиб қолди. Агар, айтилиши, адабиётдан дарс бераётган ўқитувчи ҳозирги адабий жараён, давримизнинг машҳур ёзувчилари, уларнинг талантли асарларидан бехабар бўларкан, программадаги [ва программага кирмаган] ёзувчилар ижоди тўғрисида янги маълумотлар билан қизиқмас экан, албатта унинг дарси ҳозирги ёшларни қизиқтирмаслиги аниқ. Чунки ҳар кун телевизор орқали, китоблар ёрдамида болалар жаҳон адабиёти дурдоналари билан танишиб бораётган бир вақтда ўқитувчи алимосқдан қолган нарсаларни ҳиссиз-ҳаяжонсиз такрорлаши нима бериши мумкин! Ўқитувчи ўз устида ишлаши, маънавий дунёсини боийтиб бориши керак, деганда биз шунини тушунаемиз!

**ЁЗУВЧИ:** Ҳа, балли! Мен ҳам шундай юксак даражада туриш тарафдориман. Лекин хизмат юзасидан кўпгина мактабларда бўлганинда шундай ночор ўқитувчиларга дуч келасанки, шубҳасиз, уларнинг қўлида билим оладиган ўқувчиларга ачиниб кетасан, киши. Ўз касбини жониди билан севмаган, лоқайд, ҳафсаласиз педагогларимиз ҳам йўқ эмас. Улар дарсга тайёрланиб кириш, ўқувчига бирор янгилик бериш тўғрисида қайғуриб ҳам қўймайдилар. Тезроқ дарснинг ўтсаю уйига, юмушига жўнаса. Бу лоқайдлик қаердан пайдо бўлганига, камайиш ўрнига кўпайиб бораётганига ҳайрон қоламан.

**ЎҚИТУВЧИ:** Ёмон ҳолатнинг ози ҳам кўпга татийди. Кўюниб гапирярсиз, тушуниб турибман. Лекин масалани моҳиятига етиш керак. Одам ўз-ўзидан лоқайд ё беғам бўлиб қолмайди-ку! Менингча, ўқитувчининг қайфияти, уни моддий ва маънавий рағбатлантириш, руҳлантириш масалалари, ортиқча ташвиш ва топшириқлардан холи қилиб, фақат ўз ўқувчилари тарбияси билан шуғулланиши учун шароит яратиб бериш ҳақида ҳам қайғуриш керак. Бу кичкина гап эмас. Моддий рағбатлантиришдаги номувофиқликни йўқотиш керак.

Масалан, юқори синфларда 18 соатлик дарс бир ставка ҳисобланади, қуйи синфларда эса бу нарса 24 соат қилиб белгиланган. Нега бундай? Ахир бошланғич синфга дарс бериш юқори синфга дарс беришдан қийин бўлса борки, осон эмас. Бу нарса ўқитувчида ўз ишига лоқайдликни туғдирмайди, деб ким айта олади!

**ЁЗУВЧИ:** Ҳақ гапни айтдингиз. Моддий рағбатлантириш жамиятни олға бошловчи кучлардан бири эканини ҳаммамиз билаемиз. Лекин ҳамиша ҳам бу масалада ҳушёр эмасмиз. Моддий рағбатлантириш масаласи ҳам сабабдирки, кейинги пайтда мактабларда эркак ўқитувчилар тобора камайиб кетаяпти. Мактабдаги таълим-тарбия, ташкилий ишларнинг барчаси асосан, хотин-қизлар зиммасига тушмоқда. Мен билимдон, жонсарак аёл педагогларимизни сира камситмоқчи эмасман. Лекин... мактабда эркакларнинг ҳам ўз ўрни бор, албатта. Мактаб ҳам бамисоли бир онла. Отасиз ўсган бола қандай бўладию ота тарбиясини кўргани қандоқ бўлади — ҳаммамиз билаемиз.

**ЎҚИТУВЧИ:** Йўқ, бу фикрингизга унча қўшила олмайман. Сиз қандай қарайсиз-у, лекин боланинг кўнглини сиз билан биздан кўра аёл киши кўпроқ тушунади. Улар она бўлгани учун ҳам мактабда ёш авлод тарбияси соҳасида кўп ва катта иш қилишлари мумкин. Лекин уйдаги болачақа, рўзгор ташвишларини ҳам ҳисобга олганда аёлларимизга, айниқса педагог аёлларимизга анча қийин, десангиз бошқа гап.

**ЁЗУВЧИ:** Ҳозир кўпгина тажрибали ўқитувчилар иш стажи бўйича олдиндан пенсияга чиқиб кетмоқдалар. Район маорифи бўлимлари қанча илтимос қилишмасин, яли-

нишмасин, улар мактабда қолишмаяпти. Афтидан, қандайдир чоралар кўриш, қўшимча шароитлар яратиб бериш керакка ўхшайди. Масалан, маориф соҳасида 25 йил ишлаган ўқитувчига рағбатлантириш тарзида нега ҳар йили курорт ёки санаторийларга бепул путёвка бериш, ёки йўл ҳақини текин қилиб қўйиш мумкин эмас! Менингча, ёш авлод тарбияси учун сидқидилдан хизмат қилаётган, ҳақиқатан обрўли педагогларимиз тўғрисида ёзувчи ва журналистларимиз ҳам унчалик кўп ёзмаётирлар. Бу ҳақдаги телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар жуда кам. Ундан ташқари кеча мактабни битириб, терим машинасига ўтирган қизча мавсумда 200 тонна пахта териб қўйса, ҳаммаёққа доврўғ таратамиз-у, ўшандай ёш авлодни ўн йиллаб тарбиялаб келаётган, ўзимизга билим берган муаллимимизни гоҳи бир нишон билан сийлашни унутамиз.

**ЎҚИТУВЧИ:** Жуда унчалик эмас, Анваржон. Мен неча-неча нишондор, халқ депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлган, матбуотда сийланган ҳамкасбларимни биламан. Қаршингизда ўтирган каминангиз ҳам СССР халқ ўқитувчиси деган юксак унвон билан тақдирланган. Лекин сиз шу маънода ҳақсизки, ўз касбининг фидойиси бўлган педагогни сийлаш — эл-юртнинг келажаги тўғрисида ғам-хўрлик қилиш демакдир. Мен қўлимни кўксимга қўйиб, мени ва мен каби неча-неча муаллимларни ардоқлаган жонажон партиямизга ташаккур айтгим келади. Баъзан тўлқинланиб кетаман. Биринчи бор муаллим бўлиб, дарсга кирганимда бундай мактаблар қаёқда эди-ю, бундай ҳаёт қаёқда. Замон бошқа, талаб бошқа, даража бошқа. Ҳамма гап ўқитувчининг, яна айтаман, шу давронга лойиқ бўла олишида.

**ЁЗУВЧИ:** Сизга ташаккур, устоз. Муаллимдек табаррук зот қаршисида қанча таъзим қилсақ кам. Мана, сиз билан суҳбат баҳона анча масалаларни гаплашиб олдик. Баъзи жойларда тортишдик ҳам, лекин асосан, фикримиз бир жойдан чиқди. Таълим-тарбияни кучайтириш, ёшларни маънавий олам хазинасидан баҳраманд этишдек хайрли ишнинг яна бир қанча қирралари тўғрисида гаплашишимиз мумкин эди. Лекин бу ҳақда «Ёшлик» ўқувчилари ўзларининг қимматли фикр-мулоҳазаларини билдиришади, деб ўйлайман. Баҳсимиз давом этса, кўплаб ҳамкасбларимиз унга қўшилишса — нур устига нур бўлур эди.



## «...СЕВДИМ СЕНИ, РАНГИН ҲАЁТ!»

Ҳаётни ким севмайди! Ҳатто, умр бўйи кўп жафо чекиб, яратгандан ўлим тиловчи бедавонинг қалбида ҳам ҳаётга нисбатан муҳаббат яшириниб ётади. Бироқ, ҳаётга одам зоти турлича муҳаббат қўяди. Инсонларнинг қош-кўзлари бир-бирдан фарқ қилганидек, уларнинг ҳаётни севишлари ҳам ўхшамайди. Баъзилар ҳаётдан фақат ниманидир олишни ўйлаб, мўлтонилик билан умр ўтказдилар, айримлар борига шукур қилиб юрадилар, баъзилар эса ҳаётнинг янада гўзал бўлиши учун курашадилар, ёнадилар, ҳатто жон фидо қиладилар. Оламнинг мунавварлиги ҳам ана шу учинчи тоифадаги одамлар туйфайлидир.

Ҳам назмда, ҳам насрда қалам тебратаётган Омон Мухторов «Учқур поездлар»<sup>1</sup> деб номланган китобига ана шу тоифадаги инсоннинг ҳаётини асос қилиб олган. Султон Жўра... Шоир, жангчи. Ватан учун қурбон бўлган... Юртимизда шоирлар кўп, Ватан фидойилари ундан кўп. Аммо Султон Жўра ягона эди. Гарчи ҳаёти фавулодда қаҳрамонликларга йўғрилмаган, душман ўтини кўкси билан тўсмаган, ўзини танк остига ташламаган бўлса-да, уни барчага ибрат қилиб кўрсатиш мумкин. Чунки у ҳаётни ўзига хос муҳаббат билан севди, курашди, ёнди.

Адиб Султон Жўра образини яратишда бирдан бир тўғри йўлни танлаган — шоирни илоҳийлаштирмаган. Султон Жўранинг ибратли хислатларини ҳам, характерининг баъзи нозик жиҳатларини ҳам ошкор тасвирлаган.

Китобхон асарнинг дастлабки сифаларидаёқ Султон Жўранинг беҳаловат инсон эканини англайди. Ҳўжақулнинг уйда давра қурганлар гап орасида Султонга «Кейинги пайтларда машқингиз паст, нимадандир нотинч одамга ўхшайсиз», дейишган-

да, шоир «Шу кунлар дунёнинг ўзи қандайдир нотинч», деб жавоб қиладди. Ҳўжақулга бу гап эриш туюлади.

«— Сиз ўзингизни ўйланг, Султонбой, дунёни қўяверинг...»

— Буни ўйламаслик мумкин эмас, Ҳўжақул ака...»

Кейинроқ Султон Ҳўжақул ҳақида фикр юритганида «Наҳотки, шоирликни орзу қилган киши дунёнинг нотинчлигига лоқайд қараши мумкин!», деб куюнади. Мана шу куюнчаклик унинг қалбдан бой, бағри кенг, чин инсон эканини аниқ-равшан кўрсатади.

Ер юзида яшовчи ҳар бир одамнинг ўз инсоний бурчи бор. Шу жиҳатдан қараганда, шоир елкасидаги юк бошқаларникидан оғирроқ. У қўлига қалам олганда ҳам, деҳқон билан мулоқотда бўлганда ҳам, дунёнинг қай бир еридаги бечора одамнинг аҳволидан хабар топганда ҳам шу юкни ҳис қилиб туриши керак. Омон Мухторов қаҳрамони елкасидаги юкни ўзи ҳам ҳис қилиб туради: «Обрў қозониш яхши, мўкофот шараф. Аммо ижодкор — у чиндан ижодкор бўлса, булар учунгина азият чекмайди... У ҳаётнинг гўзал ва ҳар қандай гўзаллик сингари осойишта бўлишини истайди». Бу Султон Жўранинг ўйлари. Аммо у — ҳаёлга келиб яна учиб кетадиган шунчаки ўй эмас, балки ҳаёт мазмунини белгиловчи, курашга қорловчи бир ақида, ҳайқириқ! Султон Жўра кейинги ҳар бир қадамида шу ақидасига содиқ қолади.

Уруш... Халқ оёққа қалққан давр. Бизнинг авлод бу воқеаларни кўрмаган. Лекин буюк сафарбарлик, жасоратлар ҳақида кўп ҳикоялар тинглаганмиз. Айни чоқда, ватанпарварлик ҳақида ваъз айтиб, кўкракка муштлаганларнинг халқ бошига оғир кун тушганда олчоққа, қўрқоққа айлангани, «бронь» ташвишига тушиб қолгани ҳақида ҳам эшитганмиз... Жанггоҳ ортида ишлаш учун руҳсати бўла туриб, қўлига қурол олган фидойилардан ҳам хабаримиз бор.

«Учқур поездлар»да бундай одам билан яна учрашамиз. Султон Жўра оиласи бағрида тинчгина яшаса ҳам бўларди. Унинг шу ердаги хизмати ҳам зарур эди. Чунки шоир яратган ўтли сатрларнинг қудрати ҳаммага маълум. Лекин... у шоир эди! «Шоир бўлгани учун ҳам, рўй бераётган фалокатларга мен жавобгар эмасман ахир, дея олмади. У ҳаммасига жавобгар эди!» Аудиторияда бошига қора рўмол ўраб ўтирган қизнинг акасида «қорахат» олишига ҳам, ёлғизини кузатиб чиқиб, тош устида ўтирган қария кўзида мунг пайдо бўлишига ҳам, смоленский Маринчовнинг хотини тўрт ўғли билан ёндирилишига ҳам, темир йўл ёқасида турган, очликдан бармоғини чайнаган боланинг фожиасига ҳам у жавобгар! Чунки у шоир эди! Чунки у ҳаётнинг ўзгача бўлишини истаган, орзу қилганди. Уруш бошланишидан анча бурун, «гар эртага жанг бўла қолса, фидокорман Ватан йўлида...» деб ёзган Султон Жўра бу сатрларни унутиб, уйда тинч ўтира олмас эди. У шоир эди!

Қисса синчиқлаб ўқилса, у фақат Султон Жўра ҳақидаги мулоҳазалар эмас, аксинча, шоирнинг ҳаёт ва тўғри яшаш ҳақидаги фалсафий қарашларининг ифодаси экани сезилади. Муаллиф Султон Жўра ҳақида ёзар экан, «У ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам ёлғондан ҳазар қилган», дейди. Султон Жўра «Инсон ўзи яшаётган кунлардан кўпроқ келгуси кунларни ўйлаб, ҳасратнадоматдан кўпроқ бахт-истикболни кўндалмас бўлмайди... Гўзалликни куйлай олган инсон нақадар бахтиёр!», дейди ва хатти-ҳаракати, шеърлари билан бу фикрини асослайди. «Дунёда, мен ҳаётни яхши кўрганымдан ўлимга бепарво қарайман, деган гап ёлғон! Ҳаётни севган киши аксинча баъзан ўлимни ҳам эслаб туради. Ҳаёт абдий, аммо умр абдий эмас...» Бу гапда ҳам бир олам ҳақиқат бор.

Султон Ҳўжақулнинг бесабаб зиёфатлар уюштиришидан норози, аммо норозилигини енгган ҳолда бу меҳмондорчиликка келади. Шу жамоатда яшаб, шу одамлар билан доимий алоқада бўлгандан кейин гоҳо қадрли вақтини беҳуда ўтказишга мажбур бўлишини тушунади. Бундан руҳан эзилади. Ёки урушга жўран вақтида фақат фашистларни қиришни, ёвдан ўч олишни ўйламайди. Йўқ, у ҳам барчадай изтироб чекади. Туғилган гўшаси Қоғолтолга бирров боролмагани, опалари ва укаси билан хайрлаша олмаганидан, кенжа қизининг хасталиги, хотини Моҳираниннинг ёлғиз қолганидан қалби пораланади. Аммо ҳар қандай инсон учун табиий бўлган бу ҳисси — ожизлигини «Уйни тарк этиш оғир албатта. Лекин гурас-гурас йигитлар кетишяпти! Сенинг улрдан бирон ортиқлик жойинг борми!.. Қайғу айниқса сенга ярашмайди!», деб қувади. Қолган кунлари бу майлга берил-

<sup>1</sup> Омон Мухторов. Учқур поездлар. «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент — 1981 йил.



масликка ҳаракат қилади. Бироқ, у ҳам тирик одам, юрак ҳамма вақт ақлга бўйсунармайди. Ҳарбий билим юртини тугатгач, бошқа айрим асарларда тасвирланганидек, кўрагига уриб, жангга ошиқмайди, балки қалбида «уйга бирров кириб чиқсам эди...» деган илмиж уйғонади. Шундай бўлиши табиий. Ахир, у ота! Андижонда уни «олти юрак бир бўлиб» соғинаётганини ҳар нафасда ҳис қилиб туради.

Балки бу ҳолни баъзилар маъқулламаслиги мумкин. «Султон Жўра — қаҳрамон шоир, кўпроқ унинг мардлиги, матонатини ақс эттириш керак», дейишар. Агар шундай қилинса, менинча, муаллиф мақсадга эришмаган, асар табиийлигини йўқотган бўлар эди.

Табиийлик ҳақида гапирганда, яна баъзи ўринларни таъкидлаш керак: Султон ҳамроҳлари Латиф ва Иброҳим билан ҳарбий билим юртини излаб юриб, чойхонага кирганда Смоленсклик онланнинг ертўлада тириклайин куйдирилгани ҳақидаги хабарни ўқийди-ю, томоғидан овқат ўтмай қолади. Иброҳим эса газетани шоммасдан ўқиб чиқади-да: «Олинг, Султон ака. Патир билан пишлоқдан... олинг...» дейди. У хаёлга, ҳиссиётга бериладиган йигит эмас. Шунинг учун ҳам қалбида ғалаён бирданига уйғонмайди.

Султон баъзан машқ пайтида бирон нимани эплай олмаса, ёки кўйлагини ямаётган бўлса, Иброҳим юзини четга буради. Чунки зиёли бир одамнинг машқда янглишишини, нина-ип ушлашини кўришдан руҳан эзилади. Менинг қараётганимни сезиб қолса хижолат чекади, деб юзини буради. Уйдан посилка олган дамларда аскар йигитлар «бу зиёлику, бу орденли шоир-ку», деб кўл қовуштириб туришмайди. Аскарликда ҳамма тенг. Шунинг учун ҳам тортиниб ўтиришмайди. Иброҳим Султоннинг аччиқ дориворсиз, тамакисиз қийналишини билади. Йигитларнинг қилмишидан, Султоннинг очикқўллигидан норози бўлади. Аскарларни инсофга қақирган тақдирда Султоннинг астойдил хафа бўлишини ҳам билади. Шу сабабли «Сизга худди шу доривор етмай турганди, жигарим, олаверинг!» деган пичинг билан ўзини ўзи овутади.

Мана шунга ўхшаш воқеалар, ёки Латифнинг уйи ва география тўғрисида тинмай гапириши, кейин бир қиз билан хат ёзиши, мактубга гулларнинг суратини чизиши, жангга киргач, гуллар чизишга ҳам фурсати қолмагани... асарнинг табиийлигини, демакки, ишонтириш, таъсир кучини оширади.

Латиф билан Иброҳим асар давомида кўп кўринмаса ҳам ҳаракатларидаги табиийлик билан ўқувчи кўз олдида гавдаланади. Хўжақул ҳақида ҳам шунга айтиш мумкин. Муаллиф бу мураккаб шахс қиёфасини конфликтсизликдан қочиш, асар динамикасини кучайтириш учун олиб кир-

ган. Қолаверса, бу билан ўша давр ҳаётини ортиқча безак-бўёқсиз тасвирлашга эришган. Бироқ, бу образ етарли даражада шаклланмай қолган. Аввало у саҳифаларда муаллифнинг ихтиёри билан бир пайдо бўлиб, бир кўринмайди. Ундан ташқари хотини Шарифа билан бўлган муносабати мавҳумроқ. Тўғри, асарда «Шарифа Султонга меҳр қўйган» деган кўчма гап бор. Лекин бу гапга муаллифнинг ўзи ҳам ишонқирамай қолади. Оқибатда Хўжақул билан Шарифанинг кейинги ҳаракатларида нотабиийлик учрайди. Муаллиф Хўжақулнинг Андижонга қандай келиб қолгани-ю, амалдорлик курсисига қандай ўтириб олганини ҳам изохламайди. Шарифанинг «Султон ака... Султон ака келдилар»,— деб сўри атрофида ёш боладек иргишлаши, Султоннинг урушга кетаётганини эшитиб ўрнидан секин кўзғалиши, қўлига рубоб олиб, «ҳамон кўзларида нам, шикаста бир куйни аста-аста» чалиши мутлақо тўқима, ишонарсиз бир ҳолат.

Қиссада Султон Жўранинг қиёфаси табиий тарзда ақс этганини таъкидлади. Бироқ, у адабий жараёндан узилиб қолгандек туюлади. Тўғри, асарда шоирнинг Ғафур Ғулум билан учрашуви, газеталарда Шароф Рашидов, Назарматларнинг шеърларини ўқигани, Амин Умарий ўлимидан изтироб чеккани тилга олинади. Лекин қайноқ адабий жамоатчилик унутлади. Султон Жўра газетда «Кўрсат матонат, кўрқмай ўлимдан...» деган сатрлар билан бошланувчи шеърни ғазабланиб ўқийди. Шеърни аскар шаънига ҳақорат, деб билади. Матонат тўғрисида гапиришдан, матонатли бўлиш мушкуллиги унга аён. Шу сабабли ҳам шеърни ёзган шоирдан нафратланишида жон бор. Бироқ, ўша дамларда Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғафур Ғулумларнинг шеърлари ҳам бор эди. Тошкентда Иттифокнинг кўзга кўринган ёзувчилари яшаб, ижод қилар эдилар. Султон Жўра наҳотки бу воқеаларга бефарқ қараган!

«Учқур поездлар»га «ҳужжатли қисса» деб сифат берилган. Асарда, аслида ҳужжатчилик эмас, бадийлик устун туради. Муаллиф жанрни тўғри танламаганга ўхшайди. Чунки асарнинг «ҳужжатли» экани асосан уруш воқеаларини тасвирлашда, чунончи, кўмондонлар хотираси, янги тарихдан парча келтирилганда, «унинг болагини Бухоро воҳаси, Шофиркон туманидаги Қоғолтом қишлоғида ўтган эди...» деб бошланувчи лавҳада берилган таржимаи ҳоли баёнида, Султон Жўранинг айрим шеърларидан намуналар беришда сезилади. Назаримда ана шу ўринларни ҳам бадийлаштириб юбориш мумкин эди.

Асар тили ҳақида ҳам икки оғиз гапириб ўтишни истардим. Омон Мухторов — тилнинг бадийлигига, гўзаллигига эътибор берадиган адиб. Тасвирларда бир-икки штрих,

деталь билан манзара чиза олади. «Айвонга ўчоқ ўрнатилган, қора қумгон, декча, бир кучоққина ўтин...» ёки «Деворлар худди елканг тегиб кетса, устинга ағдариладиганга ўхшайди...» ёки «Эски бир бино пештоқидаги шорда: «Ватанинг бошига жиддий хавф тушиб турган ҳозирги кунда...» деган сўзларинига ўқиш мумкин; гўёки хавфдан дарак бергандек, алвоннинг пастки томони шомлда ўралиб қолган эди...» Мана шу сатрларнинг ўзи воқеа кечаётган жойни, даврни ўқувчи кўз олдида гавдалантириб беради.

Қиссада бошқа образлар ҳам яхши очилган. Автор Латифни, айниқса Иброҳим тасвирини чизишда муваффақиятга эришган. «Хотинимга умримда яхши кўрганымдан гапирмаганман», дейди Иброҳим. Шу гапнинг ўзи қишлоқда улғайган йигитнинг тоза қалбини, сафсаталарга, баландпарвозликка хуши йўқлиги, тўғрисиқлиги, энг муҳими, қаҳрини ҳам, муҳаббатини ҳам ичиди сақлай олишини кўрсатмайди!

Ҳар тўқисда бир айб, деганларидек, асарда тишга тегадиган жумлалар ҳам учраб туради. Султон Жўра уруш бошлангани ҳақида:

«Юракдаги алам доғидай  
Қора соя қўнди қуёшга»,

— деган ажиб сатрларни битган. Қисса муаллифи эса, «фашист босқинчилари хиёнаткорона бостириб киришгани» деб газетанинг сийқаси чиққан хабарини ишлатади. Ёки Султон Хўжақулникига кечикиб келганда «Узр. Мен сизларни бир оз куттириб қўйдим, албатта» дейди. Жумла бир кўринишдан равон. Аммо унда табиийлик йўқ. Султон Жўра шоир бўлган тақдирда ҳам дўстларига китобий тилда гапирмагандир! Фотима опа ўн ёшли жиянига гапира туриб «Мана, бу йил мактабни битириб, ўғлим — аканг Анвар ҳам кетди...» дейди. Бу ерда ҳам жумлада ғализлик йўқдек. Аммо адибнинг эътиборсизлигини сезиш у қадар мушкул эмас. Она ҳеч қачон «Ўғлим — аканг Анвар» демайди. Оддийгина қилиб «Анвар аканг ҳам кетди» дейди.

«Учқур поездлар»нинг афзал жиҳатлари, жузъий камчиликлари ҳақидаги фикр шахсий ҳиссиётга асосланган. Бу фикрларни кимлардир қабул қилмас, кимларгадир эриш туюлар, кимлардир маъқуллаар. Энг муҳими — зарур бир асар, жамиятимизга фойда келтирадиган, ёшларни жанговар аъналар руҳида тарбиялайдиган китоб юзага келган. Муаллиф эл ардоғига муяссар бўлган, рангин ҳаётни бутун жилolari билан севган шоирнинг бадий образини ярата олган. Бизнингча, мазкур қисса ёзилмаж каттароқ асарнинг дебочаси. Омон Мухторов бу мавзуга яна қайтса, чакки бўлмас эди.

Тоҳир МАЛИК

Маҳбуба ҲАМРОЕВА



## Вақт

Кўтарилиб мартабанинг тик зинасидан,  
Вақт топмаймиз алик учун саломга ҳатто.  
Кутулмоқ-чун дўсту ёрнинг ҳақ гинасидан,  
«Вақт йўқ», деймиз, кўзимизни яшириб гоҳо.

Ҳаёт чизган сўқмоқларда зир-зир югуриб,  
Фурсат бўлмас бир зум туриб куй тингламоққа.  
Вақт топмаймиз гоҳо кўзгу олдида туриб,  
Виждонга ҳам бирпас тиниқ кўзгу тутмоққа.

Гоҳо дўстнинг дард силқиган юзига қараб,  
Ўз дардимиз нон ўрнига ушатамиз биз.  
Дўстни тинглаб, кетаётган вақтни авайлаб,  
Дарҳол эшик тутқичини ушлатамиз биз.

Сени чорлар билаклари толган шўрлик дўст,  
Бош суқмасанг, ахир бир кун ёпади эшик.  
Дўстим, бир дам соатлардан кўзларингни уз,  
Кўксингдаги соат миллин овозин эшит.

Новвот рангли хуштаъм чойни ҳўплаб, бир ўйланг:  
Умримизни ҳўплаб қўяр бешафқат фурсат.  
Вақт борида уни зинҳор йўқликка йўйманг,  
Олтинга тенг қадр учун вақт тополсин вақт!

## Қалам

Йўл четида, яшил майса устида  
Нигоҳимни тортди жажжи бир қалам.  
Билгим келди шу дам жуда ва жуда,  
Ким экан қаламин туширган одам!


Балки олимдир у. Қаламин бу он  
Чўнтагин пайпаслаб излаётгандир!  
Балки шўх болакай, дўстига, шодон,  
Қалами борлигин сўзлаётгандир!

Балки шу қаламдир муҳташам замин  
Тақдирини ярим сатрда битган!  
Балки шудир яқин дўстнинг юрагин  
Бир оғиз сўз билан нари ирғитган.

Ҳақиқат эгилган пайтда қолиб танг,  
Балки шу қаламдир чўрт синган гурур.  
Бир сермашда қилич дамин қайтарган  
Шу қаламдир балки ўткир тафаккур.

Балки ёр мактубин жавоб сўзини  
Битаркан, аёвсиз ханжар бўлгандир.  
Мунг билан тўлдириб ошиқ кўзини,  
Ҳолсиз бармоқлардан жим сирғалгандир.

Ачинаман, балки улуг бир инсон  
Энг эзгу иш учун уни йўнгандир.  
Ё нўноқ қаламкаш, ё бирор нодон —  
Қалам йўқотгани яхши бўлгандир.



## «ШАХМАТ — МЕНИНГ ҲАЁТИМ»

Машҳур совет гроссмейстери Анатолий Карпов шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонини яна сақлаб қолди. Италиянинг курорт шаҳарларидан бири бўлган Меранодан бу хабар яшин тезлигида бутун оламга тарқалди. Айниқса, совет кишилари уни қувонч ва қониқиш билан кутиб олдилар. Чунки кўп миллионли совет шахмат мухлислари бу кескин курашни катта қизиқиш билан кузатиб турган, ўз ҳамюртларининг ғалабасига умид боғлаган эдилар. Натига улар кутганидан ҳам зиёда бўлди. Карпов чемпионларга хос ишончли ва ёрқин ўйин кўрсатиб, жаҳон шахмат тожиги даъвогар Виктор Корчнойни 6:2 ҳисобида мағлуб этди. Бунинг учун бор-йўғи 18 партия ўйналди. Урушдан кейинги йилларда ўтказилган ана шу хилдаги мусобақалар ичида энг қисқаси бўлган бу учрашув 51 кун давом этди. Уч йил муқаддам Филиппиннинг Багио шаҳрида мазкур икки шахматчи ўртасидаги мусобақа уч ойдан ортиқроқ давом этган, Карпов 32-партиядаги ғалабаси билан ўйинга сўнгги нуқта қўйган эди.

Келинг, яхшиси, чемпионнинг зафарларга бой ҳаёт йўлини бир кўздан кечирайлик. Бу йўл ёшлар учун чинакам ибрат мактаби, мақсад сари астойдил ва дадил интилишнинг ёрқин намунасидир.

Анатолий Карпов 1951 йилда Жанубий Уралдаги sanoat шаҳри Златоустда инженер oilасида дунёга келди. Отаси шахматни жуда яхши кўрар, ўз дўстлари билан тез-тез куч синашиб турар эди. Шахмат тахтасида турли хил ҳаракатлар қиладиган ғаройиб фигуралар ёш Толянинг фикри зикрини банд этди. У шахмат ўйнашни ўрганиб олган

нида ҳали 5 ёшга ҳам тўлмаган эди. Яна бир йилдан сўнг анчагина пухта ўйнайдиган бўлди. Мактабда ўқиб юрган йилларида қалбдаги шахматга меҳр учқунни чинакам алангага айланди. Энди у шахардаги мусобақаларда тез-тез қатнашар, «Металлург» спорт саройидаги шахмат тўғарининг фаол аъзоларидан бири эди. 11 ёшда Анатолий мастерликка номзод, 15 ёшида эса СССР спорт мастери нормативини бажарди. Қизиғи шундаки, шахмат унинг бошқа фанлардан ўзлаштиришига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. У, айниқса, математикани, географияни, тарихни жуда севаарди. Бошқа фанларни ҳам аълога биларди. Урта мактабни олтин медаль билан тамомлади.

Анатолийнинг шахматдаги ёрқин истеъдоди ўша йиллардаёқ намоён бўлган эди. Таниқли шахмат усталари, тренерлар унинг аниқ, ишончли ўйинига қойил қолишар, келажакги порлоқ бўлишини башорат қилишарди. 1966 йилда ғалати воқеа рўй берди. Уни Чехословакиянинг Тшинец шаҳрида ўтадиган ёш шахматчилар мусобақасига жўнатишди. Аммо етиб боргач, бу катта ёшли, тажрибали мастерлар мусобақаси эканлиги маълум бўлди. Қатнашишдан бошқа илож қолмаганди. Ҳали ҳеч кимга таниш бўлмаган Карпов кутилмаганда биринчи ўринни эгаллади.

Ёш шахматчининг чинакам юксак парвози 1969 йилдан бошланди. Уша йили у ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони бўлди. Яна бир йилдан сўнг гроссмейстер унвонини олди. Шундан кейин бир қатор йирик халқаро мусобақаларда қатнашиб, олдинги ўринларни эгаллади. Ниҳоят, 1973 йилда жаҳон биринчилиги учун саралаш мусобақаларига йўланма олди. Бу мусобақалар давомида 17 партиани ғалаба билан якунлади, фақат учтасини ютқазди. 1975 йилда америкалик Роберт Фишер турли хил баҳоналар билан ўз унвонини ҳимоя қилишдан воз кечгач, Анатолий Карпов шахмат бўйича жаҳон чемпиони деб эълон қилинди. У шахмат тарихидаги 12-чемпион эди.

1978 йилда Филиппиннинг Багио шаҳрида ўтган мусобақа кўпчиликнинг ёдида бўлса керак. Карпов бу матчада ўзининг ҳақиқий шахмат устаси эканлигини кўрсатиши, чемпионлик унвонини бежиз қўлга киритмаганлигини исботлаши лозим эди. Унинг рақиби кучли шахматчи, аммо инжик фёлли, муғомбир, бундан бир неча йил муқаддам Совет Иттифоқидан чет элга кетиб қолган Виктор Корчной эди. Филиппиндаги газеталардан бири ўша пайтда шундай деб ёзган эди: «Анатолий Карпов фақат шахмат тожини эмас, балки ўз Ватанининг шаънини ҳам ҳимоя қилмоқда». Ҳаяжонли, драматик воқеаларга бой бу мусобақада чемпион ўз маҳоратини тўла намойиш этди, буюк мамлакатнинг шаъну шарафини ҳам муносиб ҳимоя қилди. Агар ёдингизда бўлса, мусобақа охирларида ҳисоб 5:5 эди. Совет шахмат мухлислари учрашув натижасини ҳаяжонланиб кута бошладилар. Карпов бутун маҳорати ва қудратини ишга солиб, 32-партияни ғалаба билан якунлади. Шахмат тожи яна Совет Иттифоқида қолди.

Орадан уч йил ўтди. Бу вақт ичида Карпов яна талай мусобақаларда ғолиб чиқди. Уз маҳоратини оширди. Ҳал қилувчи мусобақада яна ўзининг эски рақиби билан учрашди. Жаҳон чемпиони жуда ҳам кўтаринки кайфиятда ўйнади. Натижа —6:2. Бу ҳисоб кучлар нисбатини яққол кўрсатиб турибди. Виктор Корчной олдинги мусобақада бўлганидек, бу сафар ҳам қўпол ҳаракатлар, спортчи шаънига номуносиб қилиқлар билан чемпионни асабийлаштиришга уриниб кўрди. Залда ўтирган унинг тарафқашлари эса гипнозчилар ёрдамида Карповнинг хаёлини чалғитмоқчи бўлишарди. Лекин буларнинг ҳаммаси чемпионнинг ишончли, дадил, аниқ ўйинлари олдида ожиз эди.

Анатолий Карповнинг ўйин услуби ҳақида нима дейиш мумкин! У ҳар бир партида аниқ ҳисобларга асосланиб, ҳар қандай позицияни тезда баҳолайди. Зарур бўлиб қолганда ўткир комбинациялар топади. Бундан бир неча йил муқаддам журналистлардан бири нундан ўз услуби ҳақида гапириб беришини сўраганда, шундай деб жавоб берган эди: «Кўпгина шахмат мухлислари, айрим шарҳловчилар менинг ўйинимни, шахматга муносабатимни яхши англамайдилар. Мен учун шахмат — энг аввало курашдир. Шунинг учун ҳам мен шахматнинг спорт хусусиятини биринчи ўринга қўяман. Рақибли албатта энгиш керак. Ҳар бир

партияда ана шунга интиламан. Баъзида менинг услубимни куруқликда, рационалликда айблайдилар. Ҳа, ўйиним кўпроқ техникага асосланган. Мен аниқ ҳисоб-китоблар асосида дона суришни ёқтираман. Ҳеч қачон, масалан, Ларсендек қалтис юришлар қилмайман. Оқлар билан ўйнаганимда дастлабки юришлардан бошлаб илмтиёзга эришишга интиламан, қоралар билан ўйнаганимда, аввал позицияни тенглаштиришга уринаман. Шунини айтиш керакки, кейинги пайтда услубим айрим ўзгаришларга учраётганини ҳис этмоқдаман...»

Анатолий мактабда ўқиб юрган пайтида мутолаа қилган илк шахмат китоби машҳур Куба шахматчиси, учинчи жаҳон чемпиони Хосе-Рауль Капабланканинг (1888—1942) танланган партиялари тўплами эди. Бу китоб унда жуда катта таассурот қолдирди. Машҳур шахмат устасининг ўйин услуби қалбини ром этди. Карпов ўйинларидаги аниқ ҳисоб-китоблар, рационаллик, шубҳасиз, Капабланканинг таъсиридир. Аммо кейинги йилларда чемпионнинг ўйинларида ёрқин комбинациялар ҳам пайдо бўлди.

1978 йилда ўтган жаҳон биринчилиги мусобақасидаги 8 ва 17-партиялар, Меранодаги мусобақада ўйналган 9, 14, 18-партиялар бу фикрни исботлай олади.

Шахмат санъати ёки спортми! Бу ҳақдаги баҳслар узоқ тарихга эга. Шахмат пайдо бўлибдики, одамлар ана шу ҳақда баҳслашадилар. Шахматда рақибларнинг ғалабага бўлган иштиёқини, курашчанлик руҳини ҳисобга олганлар уни спорт деб билсалар, гўзал комбинациялардан олам-олам завқ олганлар уни санъат деб ҳисоблайдилар. Бу ҳақда рус шахмат мактабининг асосчиси М. И. Чигорин шундай деб ёзган эди: «Стеиниц шахматдан фан яратмоқчи бўлади, мен санъат яратмоқчиман, Ласкер эса уни кураш, спортга айлантиришни истайди. Қайси биримиз ҳақмиз! Эҳтимол, ҳаммамиз маълум даражада ҳақдирмиз: булар бир-бирини тўлдирувчи ва бойитувчи йўналишлардир». Бу таъриф шахмат ўйинининг моҳиятини жуда аниқ ифодалайди. Жаҳон чемпиони Анатолий Карповнинг ижодида ана шу учала йўналиш ҳам мавжуд. Шунинг учун ҳам унинг партиялари жаҳондаги миллионлаб шахмат мухлислари томонидан севиб мутолаа қилинади.

Совет Иттифоқи буюк шахмат мамлакатидир. Биздагидек шахмат гроссмейстерлари ва мастерлари ҳеч бир мамлакатда йўқ. Шахмат ўйини аънаналари ҳам кўп асрлик тарихга эга. Қадимий қўлёзмалардан бизга маълумки, Урта Осиёда бундан неча асрлар муқаддам шатранж ўйини мавжуд бўлган. Унлаб тарихчиларнинг асарларида ўтмишининг машҳур шатранж усталари ҳақида маълумотлар келтирилади. Алишер Навоий «Маҷолис ун-нафос» асарининг тўртинчи мажлисида Мир Муртоз деган шахс ҳақида гапириб, у бир киши билан ўйнаганида, кетиб қолмасин деб, иккинчи кишининг этагидан ушлаб турар эди, деб ёзади. Бу ёрқин мисол ўша пайтда шахматнинг сал бошқача кўриниши бўлган шатранжга катта қизқишдан далолатдир. Ақлни пешловчи, кишига маънавий ва руҳий озиқ берувчи бу ўйин ўша пайтда ҳам юксак қадрланган. Аммо ўрта асрлардаги диний фанатизм исканжасида ана шу бой аънаналар унутилди. Машҳур шатранж усталарининг мероси асрлар чанги остида қолиб кетди. Фақат XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Европада шахмат аънаналари қайта тикланди. Рус шахмат мактаби вужудга келди. М. Чигорин, Александр Алёхин сингари буюк шахматчилар етишиб чиқди. Айниқса, Совет даврида бошқа спорт турлари қатори шахмат ҳам янги тараққиёт босқичига кўтарилди. Совет шахматчилари иккинчи жаҳон урушидан кейин чемпионлик тожини деярли мунтазам ўз қўлларида тутиб келдилар. Совет шахмат мактабининг бой аънаналари Карпов сингари ёрқин истеъдод эгаларининг етишиб чиқишида катта роль ўйнади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ўнлаб малакали халқаро гроссмейстерлар, юзлаб тажрибали спорт мастерлари бор. Улар совет спорти йилномасига шонли саҳифалар кўшмоқдалар. Шахматчиларнинг навқирон авлоди етишиб чиқмоқда.

Шу ўринда мен бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Республикада шахматнинг тарғиб қилинишига, ёш истеъдод эгаларини тарбиялашга етарли эътибор бериляпти, деб бўлмайди. Бир пайтлар чойхоналарда, истироҳат боғ-

# «ЁШ КУЧ» ТАРИХИДАН

«Ёшлик» журналининг нашр этилиши ҳақидаги хабар бизни беҳад қувонтирди. Биз бу журналнинг ўтмишдоши — «Ёш куч»ни, унинг ёшлар ижодини камол топтиришда фоят муҳим аҳамият касб этганини ҳамон мамнуният билан эслаймиз. Қирқинчи йилларда адабиётга кириб келган бир гуруҳ шоир ва ёзувчиларимизнинг бугунги ижодий камолотида «Ёш куч»нинг хизмати катта.

«Ёш куч» темирқанотлик даврида моҳият-эътибори билан таълим-тарбия вазифаларини ўз олдига қўйган Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлигининг органи бўлгани учун унда асосан ҳаваскор шоир ва ёзувчилар қатнашар эдилар. Зеро, журналнинг тўнғич редакцияси мақоласида бундай дейилган эди: «Ёш куч» ўз олдига ёшлар ўртасида марксизм-ленинизм тарбиясини ўргатиш, Ленин партиясининг бош йўли учун кураш, политехнизм мактаби учун кураш сингари қатор принципиал вазифаларни қўйгондир...» Шунингдек, журнал саҳифаларида бадиий адабиёт намуналари ҳам «тартибли суратда» бериб борилиши таъкидланган эди. Бироқ, «Ёш куч»нинг тўнғич сониди биргина Илёс Муслимининг «Ленин сўзи» шеъри босилган эди. Чунки, беш кишидан иборат редколлегия аъзолари асосан маорифчилар бўлиб, улар журналда мактаб, пионер, боғча каби масалаларга алоҳида эътибор беришарди. Шу сабабли, журнал дастлабки йилларда ҳатто анча-мунча танилиб қолган ёш қаламкашларни ҳам ўз атрофига яхши жалб этолмади.

Орадан бир қанча муддат ўтгач, 1934 йилнинг қиш кунларидан берида Марказий универмаг қаршидаги институт залида ёш ижодкорлар билан учрашув ўтказилди. Президиумда, эслашимча, Фафур Фулом, Комил Яшин, Ойдин Собирова ўтиришар эди. Фафур аканинг шеърини ҳақида, айниқса тилга эътибор ҳақида гапира туриб, бирдан ҳаяжонланиб кетгани эдимда:

— Ёзган шеърининг сиёҳи қуримай, қайдасан, редакция, деб югуриш, хом-хатала нарсани газетада бостиришга ошиқиш... Ахир, шеър ёзган шоир она тилини билиши керакми! Билиши шарт! Хўш, «қўм» нима дегани! Нимани англатади! «Талтай» сўзи-чи, «талтай!» — У бир лаҳза залда ўтирган ёшларга тикилди, ҳеч кимдан садо чиқмагач, хиёл мағрурланган кўйи ўзи изоҳ берди: — Қўм — туянинг эгари... «От отлаб, туя қўмлаб», дейдилар-ку. — Сўнг у стол устига уч бармоғини қериб нуқиди: — Талтай-талтай. Ми-

робларимиз учта-учта ёғочни бир учини сим билан боғлаб, тикка қилиб сувга ташлайдилар, устига шох-шабба босиб, тўғон соладилар. Шунинг учун ҳам, бирор одам керилиб, ҳаддидан ошса, «Талтайма» ёки «Талтайиб кетибди», дейдилар.

Фафур акадан кейин сўзлаган Ойдин опа ҳам тилнинг аҳамияти ҳақида гапириб, маҳорат устида тўхталаркан, ёшлардан кимнингдир журналга тақдим этган ҳикоясидан мисол келтириб, деди:

— Шу ҳам ўхшатишми! Шунинг ҳам ўхшатиш деб ёзаберишми! Қаранг, «Қоронғи кечада кўкда чарақлаган саноксиз юлдузлар қизнинг тим қора сочлари орасидаги сиркага ўхшарди...» Наҳотки, ёзувчи калласига келган гапни ёзиб, тағин редакцияда сен билан мунозарара борса...

Бундай учрашувлар натижаси ўларок, Ўзбекистон Давлат нашриётида (ўша йиллари мен у ерда муҳаррир эдим) барча нашрларнинг тилига эътибор кучайди. Бу ҳол нашриётнинг бир хонасида жойлашган «Ёш куч» журнаliga ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Унинг атрофига ёш ижодкорлар кўпроқ жалб этилиб, журнал тўнғич сониди ваъда қилганидек, ўз саҳифаларида шеър, ҳикоя ва бадиий таржималарга кенг ўрин бера бошлади. «Ёш куч» кун сайин оммалашиб, ёш ижодкорлар сафи ўсиб борди. Энди редакция коллективи асосан шоир ва ёзувчилардан иборат эди. Шоир Акмал Пўлатдан сўнг, 1939—41 йилларда Жалил Қодирий масъул редактор бўлди. Журналнинг охириги икки — май ва июнь сонлари бирга чиқарилган эди.

«Ёш куч» журналида актив қатнашган ижодкорлар — Рамз Бобожон, Мирмуҳсин, Шукрулло, Ҳамид Фулом, Асқад Мухтор, Шухрат, Саид Аҳмад, Ҳаким Назир, Султон Акбарий, Адҳам Раҳмат, Ёнғин Мирзо, Восит Саъдулла, Нурмат Мақсудий элга машҳур шоир ва ёзувчилар бўлиб етишдилар. Шу ўринда, таниқли адабиётчи Мирзакалон Исмоилийнинг «Ёш куч» журналидаги хизматларини алоҳида таъкидлаш керак.

«Ёш куч» журналининг унутилмас фаолиятини, адабиётимизни юксалтиришга қўшган муносиб ҳиссасини эслар эканмиз, навқирон ижодкорларга, жонажон партия ва ҳукуматимиз гамхўрлигининг ёрқин намунаси сифатида қайтадан дунёга келган унинг давомчиси — «Ёшлик» журнаliga янги парвозлар тилаймиз.

Раҳмат АЗИЗХУЖАЕВ

ларида ўтказиладиган мусобақалар кўплаб ихлосмандларни тўплар эди. Кейинги пайтда ана шу яхши анъана унутилиб борапти. Шахмат мактаблари ташкил қилиш, маданият саройлари, мактаблар ҳузурдаги тўғарақлар ишини кескин яхшилаш, уларга тажрибали, назарий жиҳатдан билимдон мураббийларни жалб этиш вақти аллақачон етган бўлса-да, бу ишга мутасадди ташкилотлар унчалик эътибор беришмаётир. Шахмат адабиётини нашр этиш ҳам ҳозирги кун талабларига жавоб бермайди. М. Муҳидиновнинг бир неча китобидан ташқари бирор дурустроқ асар йўқ. Тўғриси айтганда шахматчиларимизнинг кўпчилиги назарий жиҳатдан пухта тайёргарликка эга эмас. Мана шуларнинг ҳаммаси бутунинтифоқ мусобақаларида яхши натижаларни қўлга киритишга тўсқинлик қилмоқда.

Баъзан шахмат ишқибозлари ўкинч билан: «Нега республикамиздан гроссмейстер чиқмайди! Ахир ўлкамизда бу ўйин минг йиллик тарихга эга-ку», деб қолишади. Афсуски, гроссмейстерни буюртма билан тайёрлаб бўлмайди. Халқимиз орасида уста шахматчилар, қобилиятли ёшлар кўп. Фақат гап ана шундай истеъдодларни топиш, мусобақаларга жалб этиш, тарбиялаш ва уларни кунт билан камол топтиришда қолган. Бу иш оммавийликни, жонкуярликни, мунтазамликни ва шахматга муҳаббатни талаб этади.

Уйлаймизки, Ўзбекистон ССР Физкультура ва спорт комитети, республика шахмат федерацияси бу борада амалий тадбирлар белгилайди, ўлкамизда талантли шахматчилар етиштириб, ихлосмандларни хушнуд этади.

Насриддин МУҲАММАДИЕВ

## Мактуб



Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин Ўзбекистонда комсомол-ёшлар, пионер ва ўқувчилар учун махсус нашрлар — бир қанча газета ва журналлар чоп этила бошлади. Коммунистик партиянинг ижтимоий ва маданий ҳаётдаги сиёсатини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш, уларни юксак идеаллар руҳида тарбиялашга хизмат қилган «Ёшлар» [1920], «Ёш Шарқ» [1921], «Ўзгаришчи ёшлар» [1923], «Қизил ёшлар овози» [1923], «Ёш фикр» [1927] журналлари шулар жумласидан эди. Бу журналларнинг кўпчилиги босмахона билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар тўғрисида маълум сонлардан кейин тўхтаб қолди. Уларнинг умумий савияси ва полиграфик жиҳатлари ҳам ҳали ўқувчиларни қониқтирмас эди.

Ёшларнинг маданий-маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадида 1929 йил январда Самарқандда «Ёш куч» журнали ташкил этилди. Журнал дастлаб Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ва Янги алифбо Марказий Комитети ҳамда Ўзбекистон Ленинчи ёшлар союзи Марказий Комитети органи сифатида 7000 нусхада чоп этила бошлади. «Ёш куч» ўзининг дастлабки сонларидан бошлаб мамлакатимизда ёшлар ҳаракатининг ўсиши, комсомоллар, пионер ва ўқувчиларнинг янги ҳаёт қуриш йўлидаги ғайрат-шижоати, эскилик сарқитларига қарши кураши, ёшларнинг маданий савиясини кўтариш каби муҳим масалаларни ёритишга киришди.

Журнал саҳифаларида публицистик ва бадий павҳалар, шеър ва ҳикоялар, СССР халқлари ва чет эл ёшларининг турмуши, янги ҳаёт учун курашлари, орзулари ҳақида ранг-баранг материаллар, таржима асарлари босилди. Айниқса, рус классик ва совет адабиётининг ёшлар ва ўсмирлар ҳаётини акс эттирувчи энг яхши асарларини ёритишга катта аҳамият берилди. Бу даврларда журналда Шокир Сулаймон, Султон Жўра, Миртемир, Илём Муслим, Қ. Муҳаммадий, Зулфия, Шўҳрат, З. Диёр сингари адиблар ўзларининг оригинал шеър, ҳикоя, мақола ва очерклари билан фаол қатнашиб турдилар.

30-йилларнинг иккинчи ярмида журнал йўналиши бир оз ўзгарди. У ўсмирлар ҳаётидан кўра, болалар ҳаётига эътиборни кучайтирди. «Ёш куч» 1939 йил 12-сонидан бошлаб ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг адабий-бадий, болалар ва ёшлар журнали сифатида, 1940 йил 1-сонидан то 1941 йил 6-сонигача ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг адабий-бадий, танқидий-библиографик журнали тарзида чиқиб турди.

Улуғ Ватан уруши бошланиши тўғрисида журналлар қатори «Ёш куч» ҳам ўз фаолиятини тўхтатди. Журналнинг ҳаммаси бўлиб 93 сони ўқувчиларга бориб етди. «Ёш куч» ўзининг 1929 йил январдаги биринчи сонидан бошлаб то сўнгги [1941 йил, июнь] сонига қадар бўлган фаолиятида ёшлар ва ўсмирлар адабиёти, матбуоти ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Кавсар ТУРДИЕВА

1

Гулгун май тўкилгандек  
Қизарар олисда уфқ,  
Ҳабибим, созла рубоб,  
Дардимни олсин кўшиқ.  
Кўринмас, бундан узоқ  
Бир диёр бор — баҳаво.  
Эсласам, тушар титроқ,  
Ундан бошланар дунё.  
У бир осмон — беғубор,—  
Куюш тўла сурурга.  
Кўрмадим ундай баҳор,  
Гиламлар ёзиқ қирга.  
Уша юрда ёш дилга  
Гул тутқазди муҳаббат.  
Нон узатиб, кенг йўлга  
Йўллади тилаб омад.

2

Мен Улуғбек юртиданман,  
Самарқанди азимдан,—  
Юлдуз тўла кўзлар билан  
Яшаб келар қадимдан.  
Регистонни қучар сармаст  
Соғинч тўла ҳисларим.  
Дақиқалар, тўхтаган бирпас,  
Сўзламоқчи кўзларим...  
Сўнгги юлдуз сўниб борар  
Рухлар каби титроқда.  
Тушида ҳам гуллар терар  
Самарқанд деган боғда.  
Не юлдузлар қилар орзу  
Шўх оқшом палласини.  
Улуғбекка мен айтсам деб  
Регистон алласини...

3

Зарафшоннинг қирғоғида  
Бир қишлоқ бор — гуландом.  
Баҳор — унинг қучоғида,  
Яланг оёқ еллар ҳам.  
Туш кўрибман, тонг чоғида  
Райҳонли ҳовлимизни,  
Онажоним ардоғида  
Гуллар ўйлармиш бизни.  
Оқ либосда олма, ўрик,  
Қуёш ёзмадсан палак  
Онажоним қалби дук-дук,  
Мендан кутармиш дарак...

4

Авжига ол, ол, ҳабибим,  
У ёнда наврўз сайри.  
Субҳи сабо билмас тиним,  
Кўзимда соғинч дайри.  
Балки менинг йўлларим ҳам  
Уфққа кўз тутарлар.  
Йиллар рангин чизиб қалам  
Дунёга тўлдирар зар.  
Узоқ бўлса ҳамки чаман,  
Соғиниб, кўзим тикиб:  
— Мен Улуғбек юртиданман!..  
Такрорлайман энтикиб.  
Жўр бўлақол, кел, ҳабибим,  
Чўммоқда салқин оқшом.  
Кўшиқдан-да ўзга табиб  
Топилмас бу ажиб дам.

## ҚУВНОҚ ҚИТМИР ҲАНГОМАЛАРИ

Кимдир эшикни тирнагандай бўлди. Кейин аста очилди. Сочини бир томонга силлиқ тараган, новча, ориққина йигитнинг чўзинчоқ калласи кўринди.

— Кирсак майлими?— У жавоб кутмасдан ичкари кириб эшикни ёлди. Йигит жангаригина экан, дадил столга яқинлашди. Урнашиб ўтирди.

— Аввал, янги йил билан, янги журнал билан табриклаймиз!— деди илжайиб. Кейин ўзини таништирди:— Каминангиз ҳаваскор мухбирман. Жони дилим саёҳат. Бир ерда туролмайман. Шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ кезиб юраверсам, дейман. Хуллас, шу келишда сизларга беминнат дастёр бўлиб келдим. Шартларим ҳам осон: маош талаб қилмайман, командировка сўрамайман, касал бўлдим, деб кўк қоғоз кўрсатмайман. Бировларга ўхшаб журналнинг олдинги саҳифаларидан жой ҳам талашмайман. Менимча, одамлар кимдан кейин гапирганинга қараб эмас, нима деб гапирганинга қараб баҳо берадилар. Тўғрими, ачалар? Менга журналнинг охиригидан бир бет-ярим бет ўрин берсангизлар бўлди, кўрган-билган ҳангомаларимни ёзиб турардим.

Йигит қўйнидан тўрт букилган қоғоз олди.

— Ҳозирча топганимиз шу, бир кўз ташларсизлар,— дедию шипиллаб чиқиб кетди.

— Қувноқ йигит экан,— деди кимдир.

— Лекин жиндақ қитмирилиги бор экан,— деди иккинчи ходим.

— Қувноқ қитмир-да!— деди учинчи ўртоғимиз.

Шундай қилиб, янги мухбиримизнинг тахаллуси Қувноқ Қитмир бўлди. Қани, унинг биринчи ҳангомасини ўқийликчи, қанақа гап топди экан.

## ТАҚСИМОТ

Тунов куни бошим оғиб Кўк гумбаз тагидаги ошхонага бориб қолдим. Қарасам, гупиллаб қовурма лағмоннинг ҳиди келиб турибди. Ке, қоринни алдаб олайлик, деб бурилдим.

Ичкарида жой йўқ экан, айвонга чиқиб бир бурчакка бориб ўтирдим. Рўпарамдаги столда беш панжадай бўлиб беш киши гурунг қиялпти. Гап-сўзларига қараганда, ёзувчиларга ўхшайди. Нуқул адабиётдан, ким нима ёзганидан гапиришади. Кейин билсам, бешаласи ҳам танқидчи экан. Секин разм солдим. Биринчиси семиз, олакўз, сув ҳўллаб олгандай лунжи осилиб кетган. Овози совуқда қолган чилдирма товушига ўхшайди. Ҳар сўзида «хўш-хўш» деб қўяди. Ораларида катталари шу бўлса керак.

Иккинчи йигит — жингаласоч. Худди бошига қўзичоқ терисини ёпиб олгандек. Узи ҳам, сўзи ҳам чиройли. Лекин ғалати одати бор экан. Бир нима демоқчи бўлса, қўйнига қўл солади. Шапалоқдай чўтир дафтарчасини очадида, ўшанга қараб гапирди. Кейин яна чўнтагига солиб қўяди.

Учинчиси — ўттиз-ўттиз беш ёшларга борган, сапчабош, ориқ одам. Бўйни ғўзапоядай қорамтир, бужур. Узига яраша ўжар шекилли, бўлар-бўлмагса тортишаверади.

Қолган икки йигит менга тескари ўтиришибди, афтларини кўролмадим. Биттасининг бошида қундуз телпак, иккинчиси попуқли берет кийиб олган.

«Хўш-хўш» домла кўк стакандаги шарбатдан бир ҳўллаб тилга кирди:

— Мана, янги йил ҳам келиб қолди. Шундоқ экан, хўш, келгуси вазифаларимизни белгилаб олсак. Янги йилда ким қайси ёзувчи ҳақида ёзади?

Қундуз телпак «Мен...» деб энди оғиз очган эди, домла унинг сўзини кесди:

— Дарвоқе, Қалонов, Бузрукхўжаев, Фармоновлар бундан мустасно. Бу ёзувчиларнинг янги асарлари ҳақида, хўш, ўзим туркум мақолалар қилмоқчиман. Редакциялар билан келишиб ҳам қўйганман. Хўш, энди гапирсинлар, Шодиев!

Шодиевнинг нафаси ичига тушиб кетди.

— Домла, ўша... айтганларингиздан биронтасини берсангиз бўлармиди. Бизга нуқул ҳаваскор болалар қоляпти...

— Ие, хўш!— деди кўзларини олайтириб домла.— Журнални бир варақлаб кўринг! Бойчечакдай потиллаб чиқяпти ёшлар! Хўш, Нишонов ҳаваскорми, сизнингча? Қайнар Мирзо ҳаваскорми? Латифий-чи? Парвозий-чи? Хўш?

Шодиев бош эгди.

— Майли-ю, домла. Ёз десангиз ёзаверамиз. Лекин латифий-сатифийлар билан қачон ёруғликка чиқамиз-у... Ёзганга яраша сизга ўхшаб бундоқ чинорларни ёзсангиз экан, баҳонада сояси тушиб қолса. Бир ёқда зашита яқинлаб турибди. Публикация масаласи...

— Зашита ҳам қиласиз, бобочинорларнинг соясида салқинлаб зерикасиз ҳам ҳали. Ҳозирча Парвозийнинг этагидан тутиб туринг,— деб ғўлдиради домла.

Берет кийган йигит қундуз телпакни қувватлади:

— Мен бунақа тақсимотга қаршиман. Биров ўлгунча сурнайчи, биров карнайчи бўлиши керак экан-да? Принципиал нотўғри бу! Менинг бир таклифим бор.— У бошидан беретини юлиб олиб столга қўйди.— Яхшиси, қуръа ташлаймиз. Мана, беш кишимиз-а? Бешта лауреат ёзувчининг фамилиясини ёзамиз. Биттадан оламиз. Кимга қайси ёзувчи чиқса, ўша ҳақда мақола ёзади. Шунда ҳалол бўлади.

Йигит ёнидан қоғоз-қалам олди. Лекин домла жон ҳолатда беретни чангаллади.

— Шаққоқлик бу, Тешаев!— деди пишиллаб.— Бузрукхўжаев ҳақида мен ўттиз йилдан бери ёзаман! Ушанда ҳатто аспирант ҳам эмасдим.

Сапчабош йигит ҳалитдан бери жўжаҳўрознинг оёғини кемириб индамай ўтирган эди, чидамай гап қўшди:

— Зато, Султон Бузрукхўжаев ўшанда ҳам машҳур ёзувчи эди. Кечирасиз-у, домла, сизни Султон ака опичлаб шу даражага етказди...

Домла унга еб қўйгудек бўлиб қаради.

— Бетгачопар!— деди ғижниб.— Шу туришингиз бўл-

са, косангиз оқармайди, Алиев! Икки дунёда ҳам доктор бўлмайсиз!

Жингаласоч йигит ёнидан чўтир дафтарчасини олди, унга қараб гапира бошлади:

— Дўстларим! Аввало суҳбатимиз ғоят самимий ва дўстона вазиятда ўтаётганини таъкидлаб ўтишни ўз муқаддас бурчим деб биламан ва ҳоказо. Тақсимот масаласига келсак, менда ҳам бир таклиф бор. Масалан, битта ёзувчи ё шоирнинг янги китоби ҳақида, айтишлик, менми ё мана, Тешаевми, Алиевми мақола ёзсак-да, авторнинг ўзига элтиб берсак. Мана, биз сенинг ижодингни пропаганда қилаямиз, энди бу ёғига сен ҳам ўз гражданлик бурчингни бажар, бир иложини қилиб мақолани чиқариб ол, десак-чи? Қалай бўларкин? Ахир одам одамга дўст, ўртоқ ва биродар-ку?

— Расво бўлади!— деди Алиев.

— Тўғри,— деди Тешаев,— ўша ёзувчининг эси бўлса мақолангдagi танқидий жойларини тушириб қолдиради бостириб чиқаради. Кейин ўқувчилар маддоҳ экан, деб орқангдан кулади, Шамсиев!

— Қизик, неча йилдан бери мен шундай қиламан,— деб ажабланди Шамсиев,— биров кулганини кўрмадим.

— Чунки сиз ҳеч қачон ортингизга қарамайсиз-да,— деб кесатди сапчабош Алиев,— доим олға қараб, кимсан — Хуршид Эмомнинг савлатига маҳлиё бўлиб юрибсиз, азизим!

Шодиев икки энлик қоғозга нимадир ёзиб, домланинг олдига қўйди. Домла сирли кулимсиради, кейин қоғозни дарров ғижимлаб, киссасига тикди.

— Бўпти, Шодиев, зашитанг ўтунча сенга Фармоновни бериб тураман,— деди керилиб,— лекин фақат бир сафарга! Яйраб ёзиб ол. Шарт шу: менинг монографиямдagi фикрларга қарши чиқмайсан. Фармонов ўқиб қолса, бу шаддод бола қайдан келди, деб хафа бўлиши мумкин. Уқдингми?

— Уқдим, домла,— хурсанд бўлди Шодиев,— сизга ўла қолсам қарши чиқмайман. Фикрларингизни ривожлантираман, узун-узун цитаталар келтираман.

Домла билагига қаради тарадудланди:

— Ие, вой, вақт кетибди-ю! Соат тўртда Султон акам билан учрашмоқчи эдик. Қани, Тешаев, ёз! Янги йилда кимга қайси объект. Каминага — ҳалиги ёзувчилар, плюс битта юбиляр.

— Домла, ўзимга ҳам битта юбиляр ёзиб қўяй, бари бир студентлар билан учрашув ўтказамиз-ку?

— Сен ҳам қитмирисан, майли. Хўш, иккита драматургни ҳам қўшиб ол. Баҳонада театрга бориб турасан. Ёздингми? Хўш, Шодиевга — бир марта Фармонов ҳақида ёзиш ҳуқуқи берилсин. Қолганига Парвозий, Қайнар Мирзо, Мубтало. Сен, Шодиев, ҳаваскор ёшлар деган гапингни қўй. Ҳозир ўша ҳаваскорлар ичидан шунақа жўжаўрозлари чиқптики, анов-манов даканингни бир чўқишда қочиради. Беш-ўн йил ўтсин, кўрасан, Мубталони ким кашф этган — Шодиев кашф этган, деб ноғора қилишади... Кимга келдик? Ҳа, Шамсиев. Унинг объекти тайин. Хуршид акаси бор. Унга таланти ёшларимиздан Осмоновни қўшиб қўй. Осмонов ўсадиган бола, яқинда редактор бўлиб кетиши мумкин...

Алиев навбат ўзига келганини кўриб, муғомбирона илжайди:

— Менга ҳеч ким керак эмас. Мен энди мақола ёзмайман.

Домла ҳайратомуз елка қисди:

— Қанақасига ёзмайсиз? Ахир адабиёт олдидagi бурчингиз...

— Мен ёзувчи бўлмоқчиман,— деди тўсатдан Алиев ва энгашиб портфелидан семиз папка олди,— мана. Биринчи романим. Нашриётда ўқиб маъқуллашди. Бир оз ишлаш керак экан.

Алиев папкани баланд кўтарди-ю, қайта портфелига солиб қўйди.

— Шунақа, домла, биз энди у рўйхатдан бу рўйхатга ўтиб қолдик.

— И-е, и-е, қуллуқ бўлсин,— деди домла қизариб,— айтдим-а, кейинги пайда матбуотда кўринмай қолдилар, деб. Зимдан ётиб олиб полотно яратаётган эканлар-да? Яхши, яхши...


Шамсиев, Шодиев, Тешаев учаласи Алиевни табриклаган бўлдилар.

Улар ўринларидан туриб пастга тушдилар. Домла анчагача Алиевга нималарнидир ўқитиб турди. Кейин биринкетин тарқалишди. Домла бошлиқ тўрт мунаққид бир тарафга, Алиевнинг ёлғиз ўзи бир томонга кетди.

Мен эса бу ёққа қараб келавердим.

Қувноқ ҚИТМИР

## НАШРИЁТ



Абдулла ОРИПОВ

## Ёзгувчиликка ариза

Мени назарига илмайди биров,  
Сизга шу гапларни айтгани тикка,  
Кеча бир даврада ўйнадим гаров,  
Мени қабул қилинг ёзгувчиликка.

Ҳар хил союзлар бор,  
Масалан, кино,  
Демангиз мен ўзни ерга ураман.  
Сабил техникаси қийинмиш, аммо  
Томоша қилишни яхши кўраман.

Рассом бўлишга ҳам ҳеч тоқатим йўқ,  
Чунки зарил бунда ғалат истеъдод.  
Масалан, товукча ўхшасин товук,  
Шарманда қилади бундақа ижод.

Бастакорларда ҳам бор эмиш союз,  
Бу ҳам тўғри келмас, ростини айтсам.  
Виждоним йўл бермас, чидамайди юз,—  
Кўшиқ айтмаганман умримда ҳеч ҳам.

Шоирлик-чи, тегсин худо урганга,  
Сотиб олайнми текин кулгун.  
Дуп-дуруст жумлалар қатор турганда,  
Тескари айтмоқлик шартмикан уни.

Ёзгувчилик эса, оҳ, бу ғаройиб,  
Менинг талантимга шу соҳа нуқта.  
Пасту баландларга турфа, ажойиб  
Мактублар битаман ғоявий пухта.

Хуллас, ўртоқ раис, айлангиз имдод,  
Мен сизга ҳақ гапни айтаман тикка.  
Кўпириб ётибди менда истеъдод,  
Мени қабул қилинг ёзгувчиликка.

## Зўр армон

(Бир ношуднинг деганлари)

Ҳамма ҳар нарсага эрур ишқибоз,  
Кимдир марка йиғар, кимдир ит боқар.  
Кимларга қиш яхши, кимларгадир ёз,  
Менга эса фақат қарсақлар ёқар.

Осонми, дунёда яшадим қанча!  
Қочиб, пусиб юрдим, замонлар ўтиб,  
Мана, савлатим бор, ёшим ҳам анча  
Ва лекин ўртандим қарсақни кутиб.

Ажабо, халқ бунча бўлмаса ўжар,  
Бунчалар хасис у оддий қарсақка.  
Нечун бошқаларни шон-шуҳрат қучар,  
Бу ҳолдан фиғоним чиқар фалакка.

Эй, сиз, студентлар, инсоф борми ҳеч,  
Бунчалар шаккоксиз, бунчалар нодон!  
Сиз қарсақ чалясиз кимга эрта-кеч,  
Мен-чи, қолавердим бир четда нолон.

Гарчанд, баъзи жойда топдим эътибор,  
Кўксимда нелардир таратур зиё.  
Дашном эшитдим-у, умримда кўп бор,  
Қарсақ тингламадим нечундир асло.

Дунёнинг ишлари чиндан нотугал,  
Сиз унинг хатосин бир бор тузатинг,  
Дўстлар, ўлган чоғим, раҳм этинг бир гал,  
Мени қарсақ чалиб гўрга узатинг.

## Болалар шоирларига ҳазил

— Соат бўлди тўрт ярим,—  
Деди Дилбарга Карим.  
Буни эшитди Ғулум,  
Салим билан Дилором,  
Шоираю Гулноза,  
Ҳадича билан Роза,  
Алишеру Бахтиёр,  
Хуршид, Витя, Ихтиёр,  
Азим, Мейли, Дадашвой,  
Шукур, Аҳмад, Адашвой,  
Мавлудаю Илҳомжон,  
Ғайрат, Саъди, Инъомжон,  
Тошпўлат, Юлдуз, Зоҳир,  
Акмал, Равшан ва Тоҳир,  
Зарифа, Маҳкам, Омон,  
Миразиз, Сафар, Раҳмон,  
Шавкат, Йўлдош, Узоқбой,  
Болта, Геша, Тузоқбой,  
Эшмирза, Элдор, Журъат,  
Муқимий билан Фурқат...  
— Энди соат беш ярим,—  
Деди Дилбарга Карим.



— Алло! Алло, ойижон! Куёвингиз «Аччиқ чой қилиб бер», деяпти. Чойни қандай дамлар эди!..



# А В Т О Р Л А Р И М И З

## Мамажон АБДУРАСУЛОВ

СССР халқ ўқитувчиси, Андижон область, Москва районидаги Горький номидаги 41-ўрта мактабнинг бошланғич синфларида муаллимлик қилади.

## Абдумажид АЗИМОВ

1958 йили Шўрчи районида туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетида таълим олмоқда. Бир неча шеъри «Ёшлик» альманахида босилган.

## Маъсума АҲМЕДОВА

Тошкент областининг Паркент қишлоғида туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети тугатган. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир бўлиб ишлайди. «Офтобли кун» номли илк ҳикоялар тўплами нашрга тайёрланмоқда.

## Тоҳир МАЛИК

«Ҳикмат афандининг ўлими», «Фалак», «Заҳарли ғубор», «Сомон йўли элчилари» каби илмий-фантастик повестлари босилган. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлайди.

## Мурод МУҲАММАД ДУСТ

1949 йили Самарқанд областининг Жом қишлоғида туғилган. Москвадаги А. М. Горький номидаги Адабиёт институти тугатган. «Қайдасан, қувонч садоси?» ҳикоялар тўплами (1976) ва «Чоллардан бири» қиссаси (1980) нашр этилган. «Ўзбекфильм» киностудиясида ишлайди.

## Анвар МУҚИМОВ

Ёзувчи ва журналист. «Ғалати одамлар», «Пинҳона жанг қиссаси»,

«Хотинимдан ўргилай» каби китоблари, қатор очерк ва фелетонлари чоп этилган. А. Муқимов кўп йиллардан бери «Ўқитувчилар газетаси»нинг Фарғона водийси бўйича муҳбири бўлиб ишламоқда.

## Отаёр (НАҲАНОВ)

Самарқанд областининг Нарпай районида 1947 йили туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети журналистика факультетини тамомлаб, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида ишламоқда. Отаёр шеърхонларга «Ишқим баёни», «Лоларанг эртақ» сингари китоблари орқали таниш.

## Хайриддин СУЛТОНОВ

1956 йили Тошкент областида туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети битирган. «Кўёш барчага баробар» номли ҳикоялар тўпламининг муаллифи.

## Ойгул СУЮНДИКОВА

Москвадаги А. М. Горький номи Адабиёт институти толибаси. Шеърларини «Ёшлик» альманахида ва республика газета-журналларида ўқигансиз.

## Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ

Ёзувчи ва журналист. 1965 йилда Тошкент Давлат университети журналистика факультетини тамомлаган. «Яшасин муҳаббат», «Назир Сафаровнинг ижодий портрети», «Ҳар кимнинг ўз бахти бор» сингари китоблари чоп этилган.

## Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

«Илк муҳаббат», «Оқ олмалар», «Чашма», «Суюнч тоғларим», «Бобо қуёш», «Иссиқ қор» каби китоблар

муаллифи. 1948 йили туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети (1972), Москвадаги М. Горький номи Адабиёт институти ҳузуридаги олий курсни (1977) тугатган. Ҳалима «Оқ олмалар» ва «Чаман» китоблари учун 1975 йили Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати деган юксак номга сазовор бўлган.

## Рўзи ЧОРИЕВ

1931 йилда Сурхондарё область Бойсун районида туғилган. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, республика Ленин комсомоли мукофотининг лауреати.

## Нурали ҚОБУЛ

Жиззах областининг Бахмал районида туғилган. Мирзо Улуғбек номидаги Фарғона Давлат педагогика институти тарих факультетини тугатган. «Ойқор», «Салом, тоғлар!», «Тубсиз осмон» китобларининг муаллифи.

## Иброҳим ҒАФУРОВ

1937 йилда Тошкентда туғилган. Таниқли адабиётшунос ва таржимон. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати. «Гўзалликнинг олмос қирралари», «Усмон Носир», «Жозиб», «Ёнар сўз» сингари китоблари чоп этилган. Ҳозир Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишламоқда.

## Маҳбуба ҲАМРОЕВА

Самарқанд Давлат университети охириги курс толибаси. Маҳбубанинг бир неча шеърлари «Шарқ юлдузи» журнали ва «Ёш ленинчи» газетасида эълон қилинган.

## © Ёшлик, 1982

«Ёш гвардия» нашриёти

На узбекском языке

Ёшлик («Молодость») № 1

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Рассом Э. РҮЗИБОВЕВ.

Техник редактор В. УРУСОВА.

Корректор Р. БОТИРОВА.

Редакция ҳажми 12 босма тобоқдан ортиқ романлар ва 8 босма тобоқдан ортиқ қиссалар қўлёзмаларни қабул қилмайди. Бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Ёшлик»дан олинди», деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 25.XII.81. Босишга рухсат этилди 21.1.82. Р—12805. Қоғоз формати 84×108/16. Офсет босма. Қоғоз ҳажми 5 тобоқ. Шартли босма тобоғи — 8,4. Нашриёт ҳисоб тобоғи — 11. Тиражи 40 000 нуска. Буюртма № 2379. Баҳоси 50 т.

Визининг адрес:

700000. Тошкент ГСП, Пушкин кўчаси, 1-уй.

«Ёшлик» журналы редакцияси.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент — 700029, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

# «ЁШЛИК» ЖУРНАЛХОНЛАРИГА!

Ассалом, журналимизнинг азиз ўқувчилари!

Мана, сиздек адабиётимиз дўстлари, минглаб мухлислар, умид билан қалам тибратётган республикамиз ижодкор ёшлари орзиқиб кутган кун келди. Адабий жамоатчилиқнинг яна бир эзгу орзуси рўёбга чиқди. Сиз Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг муносиб янги йил тўғрисида, янги ойлик адабий-бадий, ижтимоий-сиёсий журнал — «Ёшлик»нинг қалдирғоч сонини қўлингизга олмоқдасиз. Бу кун ўзига хос байрам, республикамиз адабий жамоатчилиги ҳаётида, илм-фан, маданият, социалистик қурилиш ва яратувчилик соҳасида жавлон ураётган ёшларимиз, адабиётнинг барча мухлислари ҳаётида катта воқеадир.

Ўзбекистонда «Ёшлик» журнаlining чиқарилиши партия ва ҳукуматимизнинг социалистик реализм адабиётини янада ривожлантиришга ленинча ёндашиб, унинг келажаги — ижодкор ёшлар ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётганининг яна бир ёрқин далилидир. Бу КПСС Марказий Комитетининг «Ижодкор ёшлар билан ишлаш ҳақида»ги машҳур қарорини бажаришга республикамизда оғишмай амал қилинаётганини, ижодий союзлар бу соҳада қатъият билан мунтазам иш олиб бораётганини ҳам кўрсатади.

Сиз «Ёшлик» журнаliga катта умид боғлашга, унинг саҳифаларидан ҳақиқатан замон нафаси уфуриб турган, бадий пухта, қалбингизга ҳамоҳанг асарларни куттишга ҳақлисиз. Журнал партия режаларини реал ҳақиқатга айлантираётган, Ватан, партия ишига садоқатли ва эътиқодли ёшларимиз ҳаётини, орзу-интилишларини тўлақонли ёритиб боришни, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини амалга оширишда алоҳида ташаббускорлик кўрсатаётган, беш йиллик планларини муддатидан олдин бажариш учун астойдил интилаётган тенгдошларингиз билан сизни таништириб боришни ўзининг муқаддас вазифаси деб билади.

Сиз ёшлар партия ленинчи комсомоли топшириғи билан Жиззах ва Қарши даштларини ўзлаштирмоқдасиз, янги пахтакор хўжалиқлар тузмоқдасиз. Сиз Орол бўйларида, Қорақалпоқ даштларида янги шоликорлик районларини вужудга келтирмоқдасиз. Сиз қудратли насос станциялари қуриб, Аму ва Сир сувларини янги ерларга чиқармоқдасиз. Урта Осиё энергетика кўеши — Сирдарё ГРЭСи каби нуруналарни, Андижон ип-газлама комбинати сингари қудратли корхоналарни, Муборак, Бўстон, Маржонбулоқ мисоли шахарларни бунёд этмоқдасиз. Сиз бунёдкорлар отряди сафларида мамлакатимизнинг БАМ, КамАЗ сингари энг муҳим объектларида, Ноқоратупроқ ерлардаги улуг ишларда иштирок этмоқдасиз. Қай соҳада бўлмасин, актив ҳаётини позициянгизни, юксак эътиқодингизни, бунёдкорлик ғайрат-шижоатингизни намойён қилмоқдасиз. «Ёшлик» ана шу коммунизм ишига фидокорлигингизни тараннум этишга, маънавий оламингизни бойитиб боришга ҳамиша ўзини сафарбар деб билади.

«Ёшлик» сизни республика адабий жараёни, маданий ҳаёти билан таништириб боради. Ижодкор ёшларни журнал атрофига, ижодий союзимиз атрофига жипслаштиришга, янги ёш талантларни очишга, уларда бутун ишларимиз, бутун адабиётимиз учун масъуллик туйғусини тарбиялаб боришга алоҳида эътибор беради. Биз журнаlining «Қалдирғоч» рубрикаси остида ана шундай умидли ёш талантлар ижоди билан таништириб бориш ниятидамыз. Шу билан бирга журнал умумиттифоқ адабиётида кўзга кўринган ёш адиб ва шоирларга минбар беришни, СССР 60 йиллигига бағишлаб «Камалак» рубрикаси остида қардош адабиётларининг ёш авлоди ижодидан намуналар бериб боришни кўзда тутади.

«Ёшлик» саксонинчи йилларининг ёш ёзувчилари кўп миллатли совет адабиёти хазинасига муносиб ҳисса қўшишлари учун, унинг ғоявий-бадий даражасини янада баланд кўтаришлари учун астойдил ҳаракат қилади, деб умид қилишингиз мумкин.

Биз янги «Ёшлик» журнаliga ўзингизни тўлқинлантирган масалалар тўғрисида, у яна қандай мавзуларни қамраб олиши ва журнални янада яхшилаш юзасидан фикр-мулоҳазаларингизни ёзиб юборишингизни илтимос қиламиз. Бу танишув — журнал ва журналхонлар ўртасида биз умид қилаётган ва кутаётган муस्ताҳкам алоқанинг бошланиши бўлиб қолсин.

Сизларга янги йилда янги ижодий қувончлар тилаб,

«ЁШЛИК» ЖУРНАЛИ ИЖОДИЙ КОЛЛЕКТИВИ